

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

44-сон
(388)
2009 йил
2 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Учинчи бўлим

464. «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси иштирокида уй-жойлар қуришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 26 октябрдаги 280-сон қарори
466. «Пивони чакана сотишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 26 октябрдаги 282-сон қарори
467. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Котибияти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2008 йил 30 сентябр

- даги 875–I/554–I-сон қўшма қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 27 октябрдаги 283-сон қарори
468. «Фишт хом ашёсини геологик жиҳатдан ўрганиш, тажриба-саноат ва саноат асосида кавлаб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензиялар беришнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 27 октябрдаги 284-сон қарори
469. «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Уставига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 28 июлдаги ПҚ–1166-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 октябрдаги 285-сон қарори

Бешинчи бўлим

471. «Қон билан боғлиқ бўлган кўп мартаба қўлланилиши тақиқланган тиббий анжом ва ускуналар рўйхатига қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2009 йил 9 октябрдаги 299-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1784-1*)
472. «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Бош прокуратура ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 23/6, 32-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2023*)
473. «Ҳарбий хизматчиларни олий ҳарбий таълим муассасалари ва Сержантларни тайёрлаш мактабларида ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини давлатга ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2009 йил 16 октябрдаги 10, 12, 281, 100, 90, 01-02/5-27, 325-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 27 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2024*)

474. «Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (8-сон МБМС) «Хусусийлаштириш мақсадида мулк қийматини баҳолаш»-ни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 6 октябрдаги 01/19-18/20-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 28 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2025*)
475. «Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (9-сон МБМС) «Бизнес қийматини баҳолаш»ни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 6 октябрдаги 01/19-18/19-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 28 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2026*)
476. «Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Бош прокуратура хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 23/5, 31-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 28 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2027*)
477. «Бюджет ташкилотларининг асосий воситаларини эскиришини аниқлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс этириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2009 йил 30 сентябрдаги 95, 85, 6-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2028*)
478. «Ваколатли банклар томонидан эркин айирбошланадиган валютада тақдим этувчига бериладиган депозитларга доир операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисида низом ҳамда унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 17 октябрдаги 29/2-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 673-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 24 октябрдан 30 октябргача бўлган маълумот

Тузатиш

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

464 Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компания- си иштирокида уй-жойлар қуришни ташкил этиш чора-тадбир- лари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 3 августдаги ПҚ-1167-сон қарорини бажариш юзасидан, қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси иштирокида уй-жойлар қуришни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси иштирокида яқка тартибда уй-жой қурилишини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзларининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Хўжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 26 октябрь,
280-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 26 октябрдаги 280-сон қарорига
1-ИЛОВА

**«Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси
иштирокида якка тартибда уй-жой қурилишини амалга
ошириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг (кейинги ўринларда банк деб юритилади) «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси иштирокида унга ажратилган ер массивларида тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича комплекс якка тартибдаги уй-жой қурилишини ташкил этиш ва молиялаштириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

якка тартибдаги қурувчи — қишлоқ жойларда яшайдиган, тасдиқланган намунавий лойиҳаларга мувофиқ якка тартибда уй-жой қуришга буюртмани белгиланган тартибда расмийлаштирадиган (расмийлаштирган) Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

инжиниринг компанияси — якка тартибда уй-жой қуришда якка тартибдаги қурувчи билан тузилган шартнома бўйича буюртмачи функциясини бажарадиган «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси (кейинги ўринларда инжиниринг компанияси деб юритилади);

пудратчи — фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шарти билан уй-жой қуришга буюртмаларни жойлаштиришга танлаб олиш натижалари бўйича инжиниринг компанияси билан тузилган пудрат шартномаси асосида якка тартибда уй-жой қурадиган пудрат қурилиш ташкилоти;

танлаш комиссияси — потенциал пудратчиларни танлаш функцияларини бажариш учун инжиниринг компанияси томонидан ташкил этиладиган доимий орган;

ер массиви — тегишли аҳоли пункти учун ишлаб чиқилган бош режа асосида намунавий уй-жойлар ҳамда ижтимоий, муҳандислик ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари қуриш учун инжиниринг компаниясига бериладиган ер участкалари;

мақсадли маблағлар — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш учун имтиёзли асосда берилган маблағлари, шу жумладан банкнинг устав капиталини шакллантириш учун улар томонидан ажратилган маблағлар;

бошланғич бадал — қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар)нинг ёки юридик шахс — қарз олувчи иш берувчисининг қарз олувчининг номига банкда очилган омонат қўйилма ҳисоб рақамига киритилган пул маблағ-

лари шаклидаги қурилаётган уй-жой қийматининг камида 25 фоизи микдоридаги қарз олувчининг ўз маблағлари.

3. Уй-жой қуриш пудратчи томонидан якка тартибда уй-жой қурувчиларнинг буюртманомаларига мувофиқ инжиниринг компаниясининг буюртмалари асосида амалга оширилади.

4. Якка тартибда уй-жой қуришни молиялаштириш банкнинг мақсадли маблағлари, инжиниринг компаниясининг ўз маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

Тасдиқланган намунавий лойиҳа бўйича қурилаётган уй-жой қиймати банкнинг имтиёзли ипотека кредитлари ҳисобига якка тартибдаги қурувчи томонидан якка тартибдаги қурувчининг ўз маблағлари, якка тартибдаги қурувчининг иш берувчиси ҳисобланган юридик шахсларнинг маблағларидан ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан тўланади.

II. Якка тартибда уй-жой қуриш учун якка тартибдаги қурувчиларга ер участкаси танлаш ва ажратиш тартиби

5. Инжиниринг компанияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда уй-жой бозорини маркетинг асосида ўрганиш ва аҳолининг буюртманомалари асосида ҳар йили 1 октябргача минтақалар бўйича кейинги йилга уй-жой ва ижтимоий инфратузилма объектлари қуриш дастури бўйича таклифларни тайёрлайди.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан ҳар йили 1 ноябргача бўлган муддатда инжиниринг компаниясининг таклифлари асосида ва Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан келишган ҳолда қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлар тоифасига ва ўрмон фондига кирмайдиган ер массивларини тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой ва ижтимоий инфратузилма объектлари қуриш учун танлаш ва кейинчалик инжиниринг компаниясига бериш амалга оширилади.

Бунда ҳар йили прогнозлаштирилаётган йилнинг 1 февралигача намунавий уй-жой қиймати қайта ҳисоблаб чиқилади ва белгиланган тартибда давлат экспертиза органларида экспертизадан ўтказилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан танланган ер массивлари уларнинг муҳандислик ва транспорт коммуникациялари билан таъминланганлиги, уй-жой ва ижтимоий инфратузилма объектларига амалда талаб мавжудлиги юзасидан комплекс экспертизадан ўтказилади.

8. Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги мақсадидаги ерлар таркибига кирмайдиган ердан кимошди савдолари ўтказилмасдан,

белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси фуқароларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун берилади.

9. Якка тартибда уй-жой қуриш учун инжиниринг компанияси томонидан танланган ер массивлари тўғрисидаги маълумотлар ҳар йили 1 декабр-гача маҳаллий оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали маҳаллий аҳоли, тадбиркорлар ҳамда манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар эътиборига етказилади.

III. Шартнома тузиш тартиби ва шартлари

10. Инжиниринг компанияси фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартлари билан тасдиқланган намунавий лойиҳа бўйича уй-жой қуриш бўйича ишларнинг бутун комплексини ташкил этади.

11. Якка тартибда уй-жой қуришни ташкил этиш учун якка тартибдаги қурувчи яшаш жойи бўйича инжиниринг компаниясининг тегишли минтақавий филиалига буюртманома билан мурожаат қилади.

Якка тартибдаги қурувчи ўз буюртманомасида ўзи танлаган аниқ ер участкасини ва намунавий лойиҳани, шунингдек қуриладиган уй-жой қийматини (ипотека кредитлари, ўз маблағлари ёки қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига) тўлаш усулини кўрсатади.

Якка тартибдаги қурувчи хохишига кўра инжиниринг компаниясининг филиали томонидан танланган намунавий лойиҳанинг нусхаси билан таъминланади.

12. Инжиниринг компаниясининг филиали бир иш куни мобайнида якка тартибдаги қурувчининг буюртманомасини кўриб чиқади ва у маъқулланган тақдирда уч кун муддатда якка тартибдаги қурувчини ёзма равишда хабардор қилади ҳамда уни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шарти билан уй-жой қуришга инжиниринг компанияси томонидан буюртмачи функцияси амалга оширилиши учун шартнома тузишга таклиф қилади.

Бунда қурилаётган уй-жой қийматини ипотека кредити ҳисобига тўлайдиган якка тартибдаги қурувчи билан дастлабки шартнома тузилади.

13. Инжиниринг компаниясининг филиали билан қурилаётган уй-жой қийматини ипотека кредити ҳисобига тўлаш шарти билан дастлабки шартномани тузган якка тартибдаги қурувчи банкнинг филиалига ариза билан мурожаат қилади.

Ипотека кредити берилиши юзасидан қарор қабул қилингандан кейин банкнинг филиали ўша куннинг ўзида инжиниринг компаниясининг филиалига тегишли бадални киритган якка тартибдаги қурувчилар рўйхатини илова қилган ҳолда бошланғич бадал тўланганлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

Ушбу маълумотлар инжиниринг компанияси филиали учун якка тартибдаги қурувчи билан асосий шартномани тузиш учун асос ҳисобланади.

14. Қурилаётган уй-жой қийматини ўз маблағлари ҳисобидан ёки қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига тўлайдиган якка тар-

тибдаги қурувчи бошланғич бадални тўлаш учун банкда омонат қўйилма ҳисоб рақами очади.

Қурилаётган уй-жой қийматининг қолган қисми якка тартибдаги қурувчи билан инжиниринг компанияси ўртасида шартнома тузилгандан кейин, ушбу шартномада назарда тутилган тартибда тўланади.

IV. Инжиниринг компанияси иштирокида якка тартибда уй-жой қуриш учун ипотека кредити бериш

15. Инжиниринг компанияси иштирокида якка тартибда уй-жой қуриш учун якка тартибдаги қурувчига имтиёзли ипотека кредити бериш банк томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 25 майдаги 148-сон қарори билан тасдиқланган Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки томонидан имтиёзли ипотека кредити бериш тартиби тўғрисидаги низомда назарда тутилган тартибда, ушбу Низомда белгиланган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

16. Ипотека кредити олиш учун якка тартибдаги қурувчи томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 25 майдаги 148-сон қарори билан тасдиқланган Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки томонидан имтиёзли ипотека кредити бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 18-банди 1 — 4-кичик бандларида кўрсатилган ҳужжатлар, шунингдек бошланғич бадал омонат қўйилма ҳисоб рақамига тўланганлиги тўғрисидаги маълумотнома ва инжиниринг компаниясининг филиали билан тузилган дастлабки шартнома нусхаси тақдим этилади.

17. Кредит комиссияси (кредит қўмитаси) томонидан ипотека кредити бериш тўғрисида ижобий қарор қабул қилингандан кейин кредит шартномаси (намунавий шакли 1-иловага мувофиқ) расмийлаштирилади.

18. Уй-жой инжиниринг компанияси томонидан топшириш-қабул қилиш далолатномаси бўйича қарз олувчига берилгандан кейин қарз олувчи бир ой муддатда:

а) банкка ер участкаси бериш тўғрисида туман ҳокими қарорининг нусхасини тақдим этиши;

б) қурилган уй-жойга мулкчилик ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси органларида давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаши, шундан кейин банкка уй-жойга мулкчилик ҳуқуқи рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхасини тақдим этиши;

в) турар жойни кредит шартномаси амал қилиши муддатида йўқотиш ва шикастланиш хавфи юзасидан суғурта қилиши, шундан кейин банкка суғурта шартномаси ва суғурта полисини тақдим этиши;

г) банк билан уй-жой ипотекаси тўғрисида шартнома имзолаши, (намунавий шакли 2-иловага мувофиқ), уни нотариусда тасдиқлаши ва рўйхатдан ўтказиши, шундан кейин банкка тақдим этиши шарт.

V. Куришни ташкил этиш тартиби

19. Танлаш шартларига ва тузилган пудрат шартномасига мувофиқ ишларнинг бутун комплексини бажаришни таъминлашга қодир бўлган юридик шахслар уй-жой қуришга шартнома бўйича пудратчилар бўлиши мумкин.

20. Инжиниринг компанияси буюртманомалар асосида тушган таклифларни баҳолаш йўли билан танлаш асосида пудрат ташкилотини танлайди.

21. Таклифларни баҳолаш инжиниринг компанияси камида етти кишидан иборат таркибда ташкил этадиган танлаш комиссияси томонидан амалга оширилади.

22. Танлаш комиссияси ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ таркибда шакллантирилади.

23. Иш тартиби ва пудратчини танлаш шартлари танлаш комиссияси томонидан белгиланади ва инжиниринг компанияси томонидан тасдиқланади.

Уй-жойни белгиланган муддатларда фойдаланишга тайёр ҳолда сифатли қуриш шарти пудратчини танлашнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

24. Инжиниринг компаниясининг филиали билан пудратчи ўртасидаги пудрат шартномаси ўтказилган танлаш натижалари бўйича голиб эълон қилингандан кейин ўн кун муддатда тузилади.

25. Пудратчи томонидан пудрат шартномаси бўйича ўз мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ кафиллик, кафолат шаклида ва бошқа шаклларда таъминланиши мумкин.

26. Пудрат шартномаси пудратчининг тасдиқланган намунавий шартномаларга мувофиқ танлаш шартларида назарда тутилган ишларнинг бутун ҳажми бажарилиши бўйича мажбуриятларни назарда тутати.

27. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш учун пудратчи иш хусусиятига қараб тегишли субпудрат ташкилотларни жалб этиш ҳуқуқига эгадир.

28. Якка тартибдаги қурувчи пудрат шартномасига мувофиқ қурилишнинг бутун даври мобайнида қурилиш жараёнига халақит бермаган ҳолда қурилишнинг боришини кузатиб бориш ҳамда зарурият бўлганда намунавий лойиҳа доирасида ёзма шаклда таклифлар киритиш ва инжиниринг компанияси ва пудратчига эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгадир.

VI. Ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

29. Банк инжиниринг компаниясининг айланма маблағларини тўлдириш мақсадида банк билан инжиниринг компанияси ўртасида тузилган шартнома асосида 22626-сон «Қорхоналар ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари» инжиниринг компаниясининг молиялаштириш мақсадли депозит ҳисоб рақамига банкнинг мақсадли маблағларини ўтказати. Ушбу маблағлардан белгиланган мақсадда фойдаланилади ва мазкур маблағлар ушбу Низомда

назарда тутилган тартибда уй-жой қуришни молиялаштиришга йўналтирилади.

30. Уй-жой қуришни молиялаштириш инжиниринг компаниясининг аванси ҳисобига (объект қийматининг камида 15 фоизи), бажарилган ишлар ҳажмининг 90 фоизгачаси ҳар ойда жорий молиялаштирилган ҳолда, берилган аванс пропорционал ушлаб қолинган ва объект қийматининг 5 фоиз миқдоридаги қолган қисми инжиниринг компанияси филиали томонидан тасдиқлангач кафолат муддати тамом бўлгандан кейин тўланган ҳолда 22626-сон «Корхоналар ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари» инжиниринг компаниясининг молиялаштириш махсус депозит ҳисоб рақамидан амалга оширилади.

Уй-жойлар қуришни ҳар ойда жорий молиялаштириш амалда бажарилган қурилиш-монтаж ишларига ҳақ тўлаган ҳолда амалга оширилади.

31. Якка тартибдаги қурувчиларнинг буюртманомалари бўйича қурилган уй-жойлар банкнинг берилган имтиёзли ипотека кредитлари ва бошқа маблағлар, шунингдек якка тартибдаги қурувчининг маблағлари ҳисобга олинган ҳолда инжиниринг компанияси билан узил-кесил ҳисоб-китоб қилингандан кейин унга мулк қилиб берилади.

Бунда дастлабки бадал маблағларини 22626-сон «Корхоналар ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари» инжиниринг компаниясининг молиялаштириш махсус депозит ҳисоб рақамига уй-жой қийматининг қолган қисмига расмийлаштирилган ипотека кредити маблағларини ўтказиш банк филиали томонидан якка тартибдаги қурувчи билан инжиниринг компанияси филиали ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган тартибда қарз олувчининг ёзма топшириғи асосида амалга оширилади.

Юридик шахслар томонидан ўз ходимлари учун уй-жой қурилаётган уй-жой қийматига ҳақ тўлаш учун ўтказилган маблағлар ҳам ушбу 22626-сон «Корхоналар ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари» инжиниринг компаниясининг молиялаштириш махсус депозит ҳисоб рақамига йўналтирилади.

Якка тартибдаги қурувчи томонидан қурилаётган уй-жой қийматига ўз маблағлари ёки қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига ҳақ тўланган тақдирда, инжиниринг компанияси томонидан туман ҳокимининг турар жойни фойдаланишга қабул қилиш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорининг нусхаси тақдим этилгандан кейин якка тартибдаги қурувчи омонат қўйилма ҳисоб рақамига тўпланган қурилаётган уй-жойнинг қийматига тенг миқдордаги маблағни якка тартибдаги қурувчи билан инжиниринг компанияси филиали ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган тартибда 22626-сон «Корхоналар ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари» инжиниринг компаниясининг молиялаштириш махсус депозит ҳисоб рақамига ўтказилади.

32. Якка тартибда уй-жой қуриш инжиниринг компанияси томонидан молиялаштирилган тақдирда қурилаётган якка тартибдаги уй-жой қийматига ҳақ тўлаш учун 22626-сон «Корхоналар ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари» инжиниринг компаниясининг молиялаштириш махсус депозит

ҳисоб рақамига тушган маблағлар якка тартибда уй-жойлар қуриш учун инжиниринг компанияси томонидан олинган банк кредитларини қайтаришга йўналтирилади.

VII. Қурилиши тугалланган уй-жойларни фойдаланишга қабул қилиш

33. Қурилган уй-жойлар назарда тутилган барча қурилиш-монтаж ишлари ҳажми бажарилгандан ва ажратилган ер участкаси ободонлаштирилгандан кейин ШНК 3.01.04-04 «Қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш» асосида ташкил этилган қабул қилиш комиссияси томонидан белгиланган тартибда фойдаланишга қабул қилинади.

Бунда инжиниринг компаниясининг филиали қабул қилиш комиссиясига уй-жойни фойдаланиш учун қабул қилиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилади.

Қабул қилиш комиссияси ишига коммунал хизматлар кўрсатадиган туман хизматлари вакиллари ва якка тартибдаги қурувчи таклиф этилиши керак.

34. Қабул қилиш комиссияси томонидан қабул қилиш тўғрисидаги далолатнома расмийлаштирилади ва у тегишли туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан тасдиқланади.

Қабул қилиш далолатномаси ва ҳокимнинг тегишли қарори асосида инжиниринг компанияси филиали билан пудратчи ўртасида қурилиши тугалланган уй-жойни топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузилади.

35. Пудратчи томонидан қурилган уй-жой инжиниринг компаниясининг филиали томонидан якка тартибдаги қурувчига топшириш-қабул қилиш далолатномаси бўйича берилади.

36. Қурилиш тугаллангандан ва уй-жой қабул қилиб олингандан кейин инжиниринг компаниясининг филиали билан якка тартибдаги қурувчи ўртасида имзоланган топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан ер участкасини кимошди савдолари ўтказмасдан якка тартибдаги қурувчига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун бериш расмийлаштирилади.

VIII. Якка тартибда уй-жой қурилишининг ижтимоий, муҳандислик ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини қуришни ташкил этиш ва молиялаштириш

37. Ер массиви ҳудудида ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари қуришни молиялаштириш инвесторларнинг маблағлари ва тижорат банкларининг кредитлари ҳисобига амалга оширилади.

Ер массиви ҳудудига хизмат кўрсатишга мўлжалланган ижтимоий ва ташқи муҳандислик инфратузилмаси объектлари қуришни молиялаштириш ва улардан фойдаланиш маҳаллий бюджетлар ва ҳомийлар ҳисобига амалга оширилади.

Бунда инжиниринг компанияси ва унинг минтақавий филиаллари шартнома асосида кўрсатиб ўтилган объектларнинг буюртмачиси бўлиши мумкин.

38. Инжиниринг компанияси келгуси йилда Инвестиция дастурини шакллантиришда тегишли йилнинг май-июнь ойларида тегишли вилоят ва туман ҳокимликларининг молия бошқармалари ва бўлимларига ижтимоий ва ташқи муҳандислик инфратузилмасининг олдинги йилдан ўтадиган ва янгидан бошланадиган объектларини қуришни молиялаштиришнинг зарур ҳажмлари юзасидан белгиланган тартибда таклифлар киритади.

39. Қурилган ижтимоий ва ташқи муҳандислик инфратузилмаси объектларини фойдаланувчи ташкилотларга бериш туман (шаҳар) ҳокимининг қарори асосида, белгиланган тартибда буюртмачи ва фойдаланувчи ташкилот томонидан расмийлаштирилган топшириш-қабул қилиш далолатномаси бўйича амалга оширилади.

Қурилган ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини инвесторларга бериш белгиланган тартибда қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида амалга оширилади.

Топшириш-қабул қилиш далолатномаларида фойдаланишга берилётган объектнинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари, шу жумладан ҳақиқий қиймати, лойиҳалаштирувчи ва пудратчининг номи ва манзили акс эттирилади. Далолатномага ижро ва лойиҳа ҳужжатларининг бир нусхаси илова қилинади.

IX. Якка тартибда уй-жой қуришнинг сифати учун жавобгарлик

40. Якка тартибда уй-жой қуриш лойиҳасининг сифати учун жавобгарлик намунавий лойиҳани тўғрилаган лойиҳа ташкилотига юкланади.

41. Якка тартибда уй-жой қуришни таъминлаш учун жавобгарлик ушбу Низомга мувофиқ инжиниринг компаниясига, кредитлаш қисми бўйича эса — банкка юкланади.

42. Банк уй-жой ўз вақтида фойдаланишга топширилмаганлиги, нархнинг ўзгариши, қурилиш ишлари ва кўрсатиладиган коммунал хизматлар сифати учун жавоб бермайди. Юқорида кўрсатиб ўтилган муносабатлар туфайли юзага келадиган низолар ва можароли вазиятлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда инжиниринг компанияси, якка тартибдаги қурувчи, пудратчи ва бошқа ташкилотлар ўртасида ҳал қилинади.

43. Пудратчи шартномада белгиланган кафолатли даврда лойиҳада назарда тутилган параметрларга риоя қилиниши юзасидан инжиниринг компаниясига жавоб беради.

«Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг
компанияси иштирокида якка тартибда уй-
жой қурилишини амалга ошириш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Ипотека кредити бериш тўғрисида
_____-сон
НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА

20__ йил «__» _____

(аҳоли пункти)

Кейинги ўринларда «**Банк**» деб аталадиган, Низом ва 20__ йил «__» _____даги ____-сон бош шартнома асосида фаолият кўрсатадиган _____ филиалининг _____ бошқарувчиси номидан «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки, бир томондан ва кейинги ўринларда «**Қарз олувчи**» деб аталадиган, 20__ йил «__» _____да берилган паспорти серияси _____ №_____ рақамли Ўзбекистон Республикаси фуқароси, иккинчи томондан, кейинги ўринларда «**Биргаликда қарз олувчи**» деб аталадиган, 20__ йил «__» _____да берилган паспорти серияси _____ №_____ рақамли, учинчи томондан, биргаликда «**Томонлар**» деб аталадиганлар ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. Шартноманинг предмети

1.1. Банк Қарз олувчига (Биргаликда қарз олувчига) «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси (кейинги ўринларда «инжиниринг компанияси» деб аталади) иштирокида ушбу шартномада назарда тутилган шартларда Ўзбекистон Республикаси, _____ вилояти, _____ туманидаги _____ аҳоли пунктида умумий майдони ____ кв метр, тураржой майдони ____ кв метр бўлган ____ хонали ____-сон уйни (кейинги ўринларда уй-жой деб аталади) якка тартибдаги уй-жойни қуриш учун мақсадли маблағлар ҳисобидан _____ (_____) сўм миқдоридан ипотека кредити беради, Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) эса ипотека кредитидан кредит олишнинг умумий принципларига (мақсадининг характери, моддий таъминланганлиги, муддатлилиги, қайтарилувчанлиги ва тўловлилигига) риоя этган ҳолда фойдаланадилар.

2. Умумий тушунчалар

2.1. Ушбу шартнома матнининг кейинги ўринларида учрайдиган барча

атамалар, агар контекстан бошқача маъно англанмаса, қуйидаги бўлимда баён қилинган тушунчаларни англатади:

ипотека кредити — барпо этилаётган уй-жой гарови остида, инжиниринг компанияси иштирокида, тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қуришга бериладиган узок муддатли кредит;

якка тартибдаги уй-жой — доимий яшаш, дам олиш ва хўжалик юриштиш учун мўлжалланган, битта ер участкасида жойлашган, ўзига қарашли бўлган ёрдамчи-хўжалик иморатлари ва ҳовли иншоотлари билан биргаликдаги бир ёки бир нечта тураржойлар (кейинги ўринларда уй-жой деб аталади);

қарз олувчи — қишлоқ жойда яшайдиган, инжиниринг компанияси иштирокида қишлоқда тураржой қуришга ипотека кредити оладиган ва олинган суммани кредит шартномасида белгиланган шартларда қайтариш мажбуриятини оладиган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

биргаликда қарз олувчи — Қарз олувчининг ипотека кредити бўйича ва унинг бўйича фоизларни ҳар ойда тўлашда қатнашадиган, шунингдек ипотека кредити бўйича биргаликда жавоб берадиган эри (хотини) ва яқин қариндошлари (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, фарзандлари);

пудратчи — тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқ жойда уй-жой қурилишини амалга оширувчи ихтисослаштирилган пудрат қурилиш ташкилоти;

тўловга қодирлик — Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)нинг кредит шартномаси бўйича ўз тўлов мажбуриятларини ялпи даромадлари таҳлилидан келиб чиққан ҳолда белгиланган ўз вақтида ва тўлиқ бажариш қобилияти;

кредит бўйича таъминлаш — қурилаётган якка тартибдаги уй-жойни ер участкаси билан бирга белгиланган тартибда гаровга қўйиш;

бошланғич бадал — Қарз олувчининг қурилаётган уй-жой сметадаги қийматининг камида 25 фоизи миқдоридаги Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)нинг ёки юридик шахс — Қарз олувчи иш берувчисининг банкдаги қарз олувчи номидаги омонат ҳисоб рақамига қўйилган пул маблағлари тарзидаги ўз маблағлари;

ипотека — ер участкаси билан бирга қурилаётган уй-жой ипотекаси остида белгиланган тартибда бериладиган ипотека кредитини олиш мақсадидаги кўчмас мулк гарови;

ипотека тўғрисидаги шартнома — томонларнинг кредит шартномаси бўйича мажбуриятларни таъминлашда ипотекани белгилаш тўғрисидаги битими;

кредит бўйича фоизлар — кредитдан фойдаланганлик учун тўлов;

имтиёзли давр — кредит бўйича асосий қарзни бўлиб-бўлиб тўлаш учун берилган давр;

кредитни бериш санаси — маблағларни ссуда ҳисоб рақамидан инжиниринг компаниянинг депозит ҳисоб рақамига ўтказиш санаси;

кредитни тўлаш санаси — Қарз олувчининг Банк олдидаги мажбуриятларини тўлиқ бажаришига олиб келадиган ипотека кредити бўйича ҳисобланган фоизларнинг жами қолдиғини ва қарз қолдиғини қоплайдиган охириги тўлов тушган сана;

тўлов мажбуриятлари — Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)нинг ипотека кредити, унинг бўйича фоизларни ушбу шартномада кўрсатилган суммада ва муддатларда ҳамда бошқа тўловлар (ипотекани расмийлаштириш, суғурталаш ва шу кабилар учун харажатлар) бўйича мажбуриятлар;

кредит бўйича тўлов муддати ўтган қарз — Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) томонидан белгиланган муддатларда тўланмаган, ипотека кредити ёхуд унинг бир қисми, кредитдан фойдаланганлик бўйича ҳисобланган фоизлар, пенялар ва бошқа тўлов мажбуриятлари бўйича қарзлар суммаси;

кредит бўйича қарз — кредитнинг ҳаммаси ёхуд Қарз олувчи томонидан фойдаланилган ипотека кредитининг қолдиғи, тегишли ҳисоб рақамларида Қарз олувчига очилган ҳисоб рақамларидаги ипотека кредитдан фойдаланганлик учун ҳисоблаб ёзилган фоизлар.

3. Қарз олувчининг тасдиқлари

3.1. Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) ушбу билан қуйидагиларни тасдиқлайди:

кредитни расмийлаштириш ва олиш учун банкка тақдим этилган/тақдим этиладиган барча ҳужжатлар ва маълумотлар бундай ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим этилган санада ҳақиқий ва ишончли ҳисобланади;

ҳозирги вақтда Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)га қарши маъмурий, суд ҳаракатлари кўзғатилмаган;

Қарз олувчи ушбу шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажариш ҳуқуқига эга ва ушбу мажбуриятлар ҳақиқий ҳисобланади;

Биргаликда қарз олувчи мажбуриятлар бўйича ушбу шартнома доирасида биргаликда жавоб беради ва бу мажбуриятлар ҳақиқий ҳисобланади;

Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)нинг ушбу шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажаришдан бош тортиши Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)нинг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлишига олиб келади;

Агар Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) ушбу шартномада белгиланган тўловни амалга оширишга ёки белгиланган ҳар қандай талаблардан исталганини бажаришга қодир бўлмаса Банк кредитни муддатидан олдин қайтаришни ва ҳисобланган фоизларни, шунингдек бошқа тўловларни тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бу ҳолда банк ундиришни кредит бўйича таъминлашга ва Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)нинг бошқа мол-мулкига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қаратиш ҳуқуқига эга;

Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) Банкни кредит бўйича исталган таъминлашни реализация қилишга ва ундан фойдаланишга ва/ёки Банкнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши учун барча зарур чораларни кўришга чақириб олишсиз ва сўзсиз тартибда вакил қилади.

4. Кредит суммаси ва кредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси

4.1. Тақдим этилган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ қурилаётган уй-жойнинг умумий қиймати _____ (_____) сўмни ташкил қилади.

Ипотека кредити суммаси _____ (_____) сўмни ташкил қилади, бу қурилаётган уй-жой қийматининг _____ фоизига тенгдир.

Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)нинг бошланғич бадали _____ (_____) сўмни ташкил қилади, бу қурилаётган уй-жой қийматининг _____ фоизига тенгдир.

4.2. Ипотека кредитидан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи миқдорида белгиланади.

4.3. Ипотека кредити бўйича фоизлар Банк томонидан ҳар куни, ушбу шартноманинг 4.2-бандида белгиланган фоиз ставкасидан ва кредит берилган санадан бошлаб ҳақиқий кунлар сонидан келиб чиққан ҳолда, Банк томонидан Қарз олувчининг ссуда ҳисоб рақамида ҳисобга олинадиган кредит суммаси қолдигига ҳисоблаб ёзилади.

5. Ипотека кредити бўйича таъминлаш

5.1. Ушбу шартнома бўйича берилган кредит белгиланган тартибда ер участкаси билан бирга қурилаётган уй-жой ипотекаси билан таъминланади.

5.2. Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашнинг бир нечта усуллариининг мавжуд бўлиши бир-бирига зид ҳисобланмайди, мажбуриятларни бажаришнинг ҳар қайси усули мустақил ҳисобланади ва бир-бирига боғлиқ бўлмайди.

5.3. Ундиришни мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усулларига қаратиш зарур бўлган тақдирда танлаш ҳуқуқи Банкда қолади, у ўз ихтиёрига кўра мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усулларида исталганига ёки барча усулларига талаб қўйиши мумкин.

5.4. Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) кредитни таъминлашни кредит суммасининг камида 125 фоизи даражасида тутиш, шунингдек кредит шартномасини ўз ҳисобига ва кредит шартномаси амал қиладиган муддатга, ипотека предметини унинг тўлиқ қийматида йўқотиш ва шикастланиш хавфи юзасидан суғурта қилиш мажбуриятини олади.

5.5. Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) кредитнинг қайтарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни зарур даражада расмийлаштириш бўйича ҳар қандай харажатларни ўз зиммасига олади.

5.6. Кредитнинг таъминлини белгилайдиган ҳужжатлар ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5.7. Уй-жой инжиниринг компанияси томонидан топшириш-қабул қилиш далолатномаси бўйича Қарз олувчига берилгандан кейин Қарз олувчи бир ой муддатда:

а) Банкка туман ҳокимининг ер участкаси бериш тўғрисидаги қарори нусхасини тақдим этиши;

б) «Ергеодезкадастр» давлат кўмитаси органларида қурилган уй-жойга мулкчилик ҳуқуқининг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаши, сўнгра Банкка уй-жойга мулкчилик ҳуқуқининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномасини тақдим этиши;

в) уй-жойни кредит шартномаси амал қиладиган шартномаси муддатга йўқотиш ва шикастланиш хавфидан суғурта қилиши, сўнгра Банкка суғурта шартномасини ва суғурта полисини тақдим этиши;

г) Банк билан уй-жой ипотекаси тўғрисидаги шартномани тузиши, уни нотариал тасдиқлатиши ва рўйхатдан ўтказиши, сўнгра Банкка ипотека тўғрисидаги шартномани тақдим этиши шарт.

6. Ипотека кредитини бериш тартиби

6.1. Кредит олти ойлик имтиёзли давр билан 15 йилгача бўлган муддатга берилади. Ипотека кредитидан фойдаланганлик учун фоизларни тўлаш кредит берилган санадан кейинги ойдан бошланади.

6.2. Кредитни бериш Қарз олувчига алоҳида ссуда ҳисоб рақами очиш ва бир кун муддатда, Қарз олувчининг ёзма топшириқномаси (аризаси) асосида инжиниринг компаниясининг 22626-сон «Корхоналар ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари» молиялаштириш махсус депозит ҳисоб рақамига, Қарз олувчи ва инжиниринг компанияси ўртасида тузилган шартномада белгиланган шартларда ва муддатларда ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

7. Ипотека кредитини тўлаш тартиби

7.1. Кредит бўйича қарзни тўлаш учун Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) томонидан йўналтириладиган тўловлар қуйидагича навбат билан тўланади:

кредит бўйича тўлов муддати ўтган фоизларни тўлаш;

кредит бўйича тўлов муддати ўтган қарзларни тўлаш;

муддатли фоизларни тўлаш;

кредит бўйича муддатли қарзларни тўлаш;

Қарз олувчининг бошқа тўлов мажбуриятларини тўлаш.

7.2. Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) асосий қарзни ва ҳисоблаб ёзилган фоизларни тўлашни муддатидан олдин — ушбу шартномада белгиланган тўлов муддати бошлангунгача ёки тугагунгача амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Кредитни муддатидан олдин тўлашда Банк бирон-бир қўшимча воситачилик ҳақларини ундирмайди.

7.3. Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган илова қилинаётган тўловлар жадвалига мувофиқ ҳар ойлик тўловларни амалга ошириш йўли билан ипотека кредитини қайтаради ва кредитдан фойдаланганлик учун ҳисоблаб ёзилган фоизларни тўлайди. Кредит бўйича асосий қарз ва фоизлар ўз вақтида тўланмаган тақдирда тўлаш жадвали тўланмаган суммалар ҳисобга олинган ҳолда ўзгартирилади.

7.4. Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) томонидан ипотека кредитини тўлаш:

иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсиялар, гонорарлар, дивидендлар, фоизлар ва қимматли қоғозлар бўйича бошқа даромадлар ҳисобига маблағларни нақдсиз шаклда ўтказиш;

нақд пуллар тўлаш;

маблағларни омонат қўйилмалар бўйича ҳисоб рақамларидан ўтказиш;

маблағларни пластик карточкалардан ўтказиш йўли билан;

пул маблағларини Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)нинг иш берувчиси томонидан моддий ёрдам ва ипотека кредитини тўлаш учун ажратилган бошқа маблағлар ҳисобидан нақдсиз шаклда ўтказиш йўли билан;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа усулларда амалга оширилиши мумкин.

7.5. Агар ушбу шартнома бўйича исталган суммаларни тўлаш санаси иш куни ҳисобланмайдиган кунга тўғри келса, у ҳолда ушбу суммаларни тўлаш кейинги иш кунидан кечикмай амалга оширилиши керак.

8. Томонларнинг ҳуқуқлари

8.1. Банкнинг ҳуқуқлари:

8.1.1. Қарз олувчи томонидан ушбу шартноманинг 5.7-бандидаги шартлар белгиланган муддатларда бажарилмаган тақдирда Банк ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг муддатидан олдин бажарилишини талаб қилиш, ушбу талаб бажарилмаганда эса — ундиришни қонун ҳужжатларида ва мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш шартномаларида белгиланган тартибда кредит бўйича таъминлашга қаратиш ҳуқуқига эга.

8.1.2. Кредитдан фойдаланишнинг бутун даври мобайнида доимий мониторингни амалга ошириш. Банк мониторинг давомида уй-жойни қуриш жадвалларига амал қилиниши ҳамда кредитдан мақсадли фойдаланилиши, ипотека кредити ва унинг бўйича фоизларнинг тўланиши, гаровга қўйилган мол-мулкдан фойдаланиш ва уларни сақлаш қоидаларига амал қилиниши,

ипотека предметининг ноқонуний бегоналаштирилишига йўл қўйилмаслиги юзасидан назоратни амалга оширади.

8.1.3. Банк мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ҳоллари бошланган тақдирда ўз ихтиёрига кўра қўйдаги ҳаракатлардан исталганини амалга ошириши мумкин:

Қарз олувчига мажбуриятларнинг бажарилмаслик ҳоллари бошланганлиги тўғрисидаги ёзма билдиришномани уни бартараф этиш учун муддатни белгиланган ҳолда юбориш;

ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини қўшимча равишда таъминланишини талаб қилиш;

Қарз олувчидан ушбу шартномада белгиланган тартибда кредитнинг ҳаммасини ёки унинг бир қисмини муддатидан олдин қайтаришни талаб қилиш (қонун ҳужжатларида кредитнинг ҳаммасини ёки унинг бир қисмини муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишнинг бошқача тартиби белгиланган тақдирда кредитнинг ҳаммасини ёки унинг бир қисмини муддатидан олдин қайтаришни талаб қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади);

ундиришни мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш шартномаларида белгиланган тартибда кредит бўйича таъминлашга қаратиш (ундиришни таъминлашга қаратиш тартиби мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг тегишли шартномаларида белгиланмаган ҳолларда ундиришни кредит бўйича таъминлашга қаратиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади);

ушбу шартномани мазкур шартномада белгиланган тартибда бекор қилиш (қонун ҳужжатларида бундай шартномани бекор қилишнинг бошқача тартиби белгиланган тақдирда ушбу шартнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади);

кредит бўйича фоиз ставкасини ошириш (кредит ўз вақтида тўланмаган тақдирда);

ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳар қандай ҳуқуқлардан фойдаланиш.

8.1.4. Банк уй-жойни қуриш бўйича кредит ҳисобига бажарилган ишларни назорат тартибда ҳисоблаб чиқишни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

8.1.5. Ушбу шартнома бўйича талаб қилиш ҳуқуқини бунга Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)нинг олдиндан розилигини олмасдан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўзгага беришни амалга ошириш.

8.2. Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)нинг ҳуқуқлари:

8.2.1. Банкда бўш ресурслар мавжуд бўлган тақдирда ипотека кредитининг ушбу шартномада назарда тутилган ҳажмда, муддатларда ва шартларда берилишини талаб қилиш.

8.2.2. Олинган кредитни тўлиқ қайтариб ва унинг бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизларни тўлаб Банк билан ушбу шартномани муддатидан олдин бекор қилиш.

9. Томонларнинг мажбуриятлари

9.1. Банкнинг мажбуриятлари:

9.1.1. Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) томонидан ипотека кредити бериш учун барча зарур шартлар бажарилган тақдирда ушбу шартнома шартларига риоя қилган ҳолда кредитни бериш.

9.1.2. Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)ни кредит беришнинг рад қилиниши сабаблари ёки унинг қолган қисми, кредитни муддатидан олдин ундириб олиш тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиш.

9.2. Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)нинг мажбуриятлари:

9.2.1. Уй-жой инжиниринг компанияси томонидан топшириш-қабул қилиш далолатномаси бўйича Қарз олувчига берилган вақтдан бошлаб 30 (ўттиз) кунгача бўлган муддатда банк ходими билан биргаликда қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш:

а) ипотека предметини йўқолиш ва шикастланиш таваккалчиликларидан суғурта қилиш шартномасини тузиш;

б) ипотека тўғрисида шартнома тузиш, уни нотариал тасдиқлатиш ва рўйхатдан ўтказиш.

9.2.2. Берилган кредитни кредит шартномаси шартларига мувофиқ ўзлаштириш.

9.2.3. Илова қилинаётган тўловлар жадвалига мувофиқ ҳар ойлик тўловларни амалга ошириш йўли билан кредитни ва унинг бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизларни тўлаш.

9.2.4. Банк талабига кўра Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)нинг ушбу шартнома амал қиладиган бутун муддат мобайнидаги даромадлари тўғрисида Банкни қониқтирадиган шакл ва мазмун бўйича ахборот тақдим этиш.

9.2.5. Ипотека кредитидан белгиланган мақсадда фойдаланилмаган тақдирда Банкка белгиланган мақсадда фойдаланилган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлаш, бу Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)ни кредитни тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

9.2.6. 5 (беш) кун мобайнида Банкка яшаш жойи, иш жойи, фамилияси ёки исми ва ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишига таъсир кўрсата оладиган бошқа ҳолатларнинг ўзгарганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиш.

9.2.7. Ушбу шартнома амал қиладиган муддат мобайнида Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) Банкнинг олдиндан розилигини олмасдан, шартлари ушбу шартнома бўйича Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)нинг мажбуриятига нисбатан устун даражада талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган учинчи томоннинг кредитларини ва/ёки қарзларини жалб этиши керак эмас.

9.2.8. Ўзбекистон Республикасидан ташқарига доимий яшаш учун жўнаб кетилаётган тақдирда кредитни ва унинг бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизларни муддатидан олдин тўлаш.

10. Мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари

10.1. Ушбу бандда қайд этилган ҳодисалардан исталгани мажбуриятларни бажармаслик ҳолати ҳисобланади:

кредит ресурсларидан белгиланган мақсадда фойдаланмаганлик;

кредит ресурсларини белгиланган муддатларда ўзлаштирмаганлик;

Қарз оловчи (Биргаликда қарз оловчи) томонидан кредит, фоизлар ва/ёки бошқа тўловларнинг ушбу шартнома, унга тўловлар жадвали, шунингдек тузилиши ушбу шартномада белгиланган бошқа шартномалар бўйича зарур санада тўлашни амалга оширмаганлик;

Банкни ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар тақдим этиш йўли билан атайлаб чалғитиш;

Банкка кредит, Банк хулосаси бўйича Қарз оловчи (Биргаликда қарз оловчи) томонидан тақдим этилган ҳар қандай таъминлашнинг ўз қимматини қисман ёки тўлиқ йўқотганлиги ёки ҳақиқий бўлмайд қолганлиги;

Қарз оловчи (Биргаликда қарз оловчи) тўлов қобилиятининг ёмонлашиши ёки ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг мунтазам равишда бажарилмаслигига олиб келадиган аниқ ахборотнинг яширилиши;

Қарз оловчи (Биргаликда қарз оловчи)нинг Банк олдидаги мажбуриятлари бажарилишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ҳодисалар;

ушбу шартнома шартларининг бузилиши;

ушбу шартнома билан боғлиқ бўлган бошқа шартномалар (ипотека, суғурта ва шу кабилар) шартларининг бузилиши.

11. Ундиришни кредитни таъминлашга қаратиш

11.1. Томонлар шундай битимга келишдиларки, Қарз оловчи (Биргаликда қарз оловчи) томонидан ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда Банк ўз талабларини, ундиришни ипотека предметига қаратиш учун асослар пайдо бўлгандан кейин, Қарз оловчи (Биргаликда қарз оловчи) билан Банк ўртасида тузилган, нотариал тасдиқланган битим асосида суддан ташқари тартибда қондиради.

11.2. Банк ушбу шартнома ва ипотека тўғрисидаги шартнома шартлари билан гаров билан таъминланган мажбуриятнинг бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги туфайли келиб чиққан талабларни ушбу мулк ҳисобига қондириш учун ундиришни мажбуриятларни таъминлаш сифатида гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишга ҳақлидир.

11.3. Ундиришни мажбуриятни таъминлаш учун гаровга қўйилган, ипотека предмети ҳисобланадиган мол-мулкка қаратиш Қарз оловчи (Биргаликда қарз оловчи) томонидан тўловларни тўлаш муддатлари мунтазам равишда, яъни ўн икки ой мобайнида уч мартадан кўп бузилган тақдирда амалга оширилиши мумкин.

11.4. «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23, 26 ва 28-моддаларда назарда тутилган ҳолатларда Банк ипотека билан таъминланган мажбуриятларнинг муддатидан олдин бажарилишини талаб қилишга, ушбу талаб бажарилмаган тақдирда эса — ундиришни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишга ҳақлидир.

11.5. Агар гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан олинган сумма Банк талабларини қоплаш учун етарли бўлмаса, у етишмаган суммани Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)нинг бошқа мол-мулкидан олиш ҳуқуқига эга.

12. Алоҳида шартлар

12.1. Банк ўз ихтиёрига кўра Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)га нисбатан ушбу шартнома бўйича ўзи эга бўлган ҳуқуқлардан исталганини қўллаши ёхуд қўлламаслиги мумкин.

12.2. Банк томонидан ушбу ҳуқуқларнинг қўлланмаслиги ёхуд қисман қўлланиши ушбу ҳуқуқлардан воз кечишни аниқламайди ва улар келгусида исталган вақтда қўлланиши мумкин.

13. Қўшимча шартлар

13.1. Уй-жойнинг ўзбошимчалик билан қайта қурилганлиги ёки қайта режалаштирилганлиги учун Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради ва ушбу уйни ўз ҳисобидан аввалги ҳолатига келтириши шарт.

13.2. Кредит муддати мобайнида уй-жойни сотиш, ўзгага беришга, ижарага топширишга ва текин фойдаланиш учун беришга, ипотека предмети манзили бўйича яқин қариндошларни ва учинчи шахсларни рўйхатдан ўтказишга Банкнинг ёзма розилигисиз йўл қўйилмайди.

13.3. Томонлар ушбу шартноманинг унга биноан тартибга солинмайдиган қисми юзасидан муносабатларини томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солади.

14. Форс-мажор ҳолатлари

14.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги шартнома тузилгандан кейин, Томонлар олдиндан кўра билмаган, оқилона чора-тадбирлар билан бартараф эта олишмаган, фавқулодда тусдаги ҳодисалар натижасида пайдо бўлган енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари оқибатида содир бўлган тақдирда томонлар мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод қилинадилар.

14.2. Томонлар уларга таъсир кўрсата олмайдиган ва уларнинг пайдо бўлганлиги учун жавоб беришмайдиган, масалан: зилзила, сув тошқини, ёнғин, шунингдек иш ташлаш, ушбу шартнома предметини бажаришга

тўсқинлик қиладиган ҳар қандай тусдаги Ҳукумат ҳужжатлари ёки давлат органларининг қарорлари, ҳарбий ҳаракатлар энгиб бўлмайдиган вазиятлардаги ҳодисалар ҳисобланади.

14.3. Енгиб бўлмайдиган куч вазиятларига асосланадиган Томон бошқа Томонни бундай вазиятлар юзага келганлиги тўғрисида ёзма шаклда дарҳол хабардор қилиши шарт, шунингдек исталган Томоннинг талабига кўра бундай вазиятларнинг юзага келганлиги ҳолатини тасдиқлайдиган, тегишли орган томонидан берилган ҳужжат тақдим этилиши керак.

14.4. Агар шартноманинг ушбу бўлимида кўрсатилган энгиб бўлмайдиган вазиятлар уч ойдан ортиқ давом этса, у ҳолда ҳар қайси Томон бошқа Томонни хабардор қилган ҳолда ушбу шартнома бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бунда Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилган ва бажарилмаган қисмлари бўйича белгиланган тартибда узил-кесил ҳисоб-китоб қиладилар.

15. Шартноманинг амал қилиш муддати

15.1. Ушбу шартнома Томонлар уни имзолаган вақтдан бошлаб кучга киради ва ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунгача амал қилади.

16. Низоларни ҳал этиш

16.1. Ушбу шартномада назарда тутилмаган келишмовчиликлар ва/ёки низоли вазиятлар юзага келган ҳолларда Томонлар, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига амал қилган ҳолда, уларни музокара-лар йўли билан ҳал қиладилар. Томонларнинг келишувига эришилмаган тақдирда низо Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқиш учун суд органларига ўтказилади.

17. Яқуний қоидалар

17.1. Ушбу шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш Томонларнинг келишуви бўйича ёки Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ суд тартибида амалга оширилиши мумкин.

17.2. Ушбу шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар Томонлар имзолаган қўшимча битим тарзида ёзма шаклда расмийлаштирилади.

17.3. Ушбу шартнома ҳар қайси Томон учун бир хил юридик кучга эга бўлган уч нусхада тузилди.

Томонларнинг манзиллари, реквизитлари ва имзолари:

Банк:	Қарз олувчи:	Биргаликда қарз олувчи:
_____ (филиалнинг тўлиқ номи)	_____ (Ф.И.О. тўлиқ)	_____ (Ф.И.О. тўлиқ)
_____	_____	_____
_____ (индекс, манзил, тел.)	_____ (индекс, манзил, тел.)	_____ (индекс, манзил, тел.)
_____	_____	_____
_____ (банк реквизитлари)	_____ (туғилган санаси)	_____ (туғилган санаси)
_____ (СТИР)	_____ (туғилган жойи)	_____ (туғилган жойи)
_____ (филиал бошқарувчисининг Ф.И.О.)	_____ (СТИР)	_____ (СТИР)
М.Ў.		
_____ (имзо)	_____ (имзо)	_____ (имзо)
20__ йил «__» _____	20__ йил «__» _____	20__ йил «__» _____

«Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси иштирокида якка тартибда уй-жой қурилишини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Ипотека тўғрисида
-сон Намунавий шартнома**

_____ 20__ йил «__» _____
(аҳоли пункти)

«__» йил _____ да берилган паспорти серияси _____, № _____, кейинги ўринларда **«Ипотекага қўювчи»** деб аталадиган Ўзбекистон Республикаси фуқароси _____ бир томондан ҳамда Низом ва 20__ йил «__» _____даги -сон бош ишончнома асосида иш кўрувчи **«Ипотекага олувчи»** деб аталадиган «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки номидан _____ филиалининг бошқарувчиси _____ иккинчи томондан, биргаликда **«Томонлар»** деб аталувчи, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. Ипотека томонидан таъминланадиган мажбурият

1.1. Ушбу шартнома Томонлар ўртасида Ипотека кредити бериш тўғри-

сида 200__ йил «___» _____да тузилган -сон шартнома бўйича (кейинги ўринларда «кредит шартномаси» деб юритилади) Ипотекага қўювчининг Ипотекага олувчи олдидаги мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш мақсадида тузилди.

1.2. Кредит шартномаси бўйича Ипотекага қўювчи Қарз олувчи (Қарздор), Ипотекага олувчи эса — Кредит берувчи сифатида иштирок этади.

Кредит берувчи кредит шартномасига мувофиқ кредит шартномасида назарда тутилган шартларда Қарз олувчига «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган инжиниринг шўъба компанияси иштирокида уй-жой қуриш учун _____ (_____) сўм миқдорига ___ (_____) муддатга йиллик _____ фоизли ипотека кредити бериш мажбуриятини, Қарз олувчи эса олинган ипотека кредитини қайтариш ва кредит шартномасининг қарзни қайтариш жадвалига асосан унга 20__ йил «___» _____гача муддатда фоизларни тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.3. Ипотекага олувчи Ипотекага қўювчига кредит шартномасидан келиб чиқадиган ўзининг пул маблағлари талабларининг Ипотекага қўювчининг бошқа кредиторларидан устун даражада Ипотекага қўювчининг ушбу шартнома бўйича қўйилган мол-мулки қийматидан қондирилиши ҳуқуқига эга.

2. Ипотека томонидан таъминланган талаблар

2.1. Ушбу шартномага мувофиқ белгиланган ипотека, агар Ипотекага қўювчи томонидан кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятлари бузилган тақдирда Ипотекага олувчига берилиши керак бўлган қуйидаги суммалар:

қарзнинг асосий суммасини ва кредитдан тўлиқ фойдаланганлик учун фоизлар тўлаш ҳисобига;

Кредитга қўювчи томонидан кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятлари зарур даражада бажарилмаганда зарарларни ва неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳисобига;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 327-моддасига мувофиқ бошқаларнинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоизлар тарзида;

ундиришни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишга сабаб бўлган суд харажатлари ва бошқа харажатларни қоплаш;

гаровга қўйилган мол-мулкни сотиш харажатларини қоплаш тарзида Ипотекага олувчига тўланишини таъминлайди.

2.2. Ушбу шартнома билан Ипотекага олувчининг талаблари гаровга қўйилган мол-мулк ҳисобига уларни қондириш пайтида қандай бўлган бўлса, ўша ҳажмда таъминланади.

3. Ипотека предмети

3.1. Ипотекага қўювчи кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун Ипотекага олувчига қуйидаги қўчмас мулкни:

3.1.1. Ўзбекистон Республикаси, _____ вилояти, _____ тумани, _____ аҳоли пунктидаги -уйда жойлашган _____ кв. м майдондаги ер участкасида кредит ҳисобига барпо этилган умумий майдони _____ кв. м бўлган, шу жумладан яшаш майдони _____ кв. м бўлган якка тартибдаги уй-жойни (кейинги ўринларда «мулк» деб юритилади);

3.1.2. Ушбу шартноманинг 3.1.1-кичик бандида кўрсатилган мол-мулк жойлашган ер участкасига бўлган ҳуқуқини гаровга қўйди.

3.2. Ушбу шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган мол-мулк _____ йил «_____» _____ да _____ томонидан берилган серияси _____ рақами _____ бўлган Эгалик ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома билан тасдиқланадиган ва умрбод мерос қилиб қолдириладиган мулкчилик ҳуқуқини тасдиқлайдиган _____ йил «_____» _____ да _____ томонидан берилган серияси _____ рақами _____ бўлган Ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома билан тасдиқланадиган мулкчилик ҳуқуқи билан Ипотекага қўювчига тегишлидир.

3.3. Мол-мулк Ипотекага қўювчининг эгалигида ва фойдаланувида қолади.

4. Ипотека предметини баҳолаш

4.1. Шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган мол-мулкнинг инвентаризация қиймати _____ (_____) сўмни ташкил этади, бу _____ томонидан _____ йил «_____» _____ да берилган -сон маълумотнома ва _____ томонидан _____ йил «_____» _____ да берилган -сон маълумотнома билан тасдиқланади.

4.2. Шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган мол-мулк томонларнинг келишувига кўра _____ (_____) сўм миқдоридан баҳоланади.

5. Ипотекага қўювчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

5.1. Ипотекага қўювчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

5.1.1. Гаровга қўйилган мол-мулкка эгалик қилиш ва ундан белгиланган мақсадда фойдаланиш.

5.1.2. Гаровга қўйилган мол-мулкни васият қилиб қолдириш.

5.2. Ипотекага қўювчи қуйидагиларга мажбур:

5.2.1. Гаровга қўйилган мол-мулкнинг сақланиши бўйича харажатларни кўтариш.

5.2.2. Гаровга қўйилган мол-мулкнинг сақланишини таъминлаш, шу жумладан уни учинчи шахслар тажовузидан ҳимоя қилиш, ёнғиндан, табиий офатлардан сақлаш.

5.2.3. Гаровга қўйилган мол-мулк йўқотилиши ёки шикастланишининг аниқ хавфи бўлганда, бу тўғрида Ипотекага олувчини хабардор қилиш.

5.2.4. Гаровга қўйилган мол-мулк қийматининг камайишига олиб келадиган хатти-ҳаракатларни содир этмаслик.

5.2.5. Ушбу шартноманинг амал қилиш даврида Ипотекага олувчининг гаровга қўйилган мол-мулкни кўздан кечиришига тўсқинлик қилмаслик.

5.2.6. Ипотекага олувчига унга гаровга берилган мол-мулкнинг гаров билан таъминланган мажбурият тўлиқ ҳажмда бажарилгунга қадар қайта гаровга қўйилмаслигига кафолат бериш.

5.2.7. Ипотека предметида бўлган ўзгаришлар тўғрисидаги, ипотека предметида учинчи шахсларнинг тажовузлири тўғрисидаги маълумотларни Ипотекага олувчига зудлик билан хабар қилиш.

5.2.8. Гаровга қўйилган мол-мулкни учинчи шахслар ихтиёрига бермаслик ва уни Ипотекага олувчининг ёзма розилигисиз ижарага, бошқа фойдаланишга бермаслик. Гаровга қўйилган мол-мулкнинг Ипотекага олувчининг розилиги билан Ипотекага қўювчи томонидан бошқа шахсга фойдаланишга берилиши Ипотекага қўювчини ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

5.3. Ипотекага қўювчи ушбу шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулкнинг тасодифан емирилиши ва тасодифан шикастланиши хавфи юзасидан жавоб беради.

6. Ипотекага олувчининг ҳуқуқлари

6.1. Ипотекага олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

6.1.1. Ушбу шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулкнинг ҳужжатлар бўйича ҳақиқий мавжудлигини, уларнинг ҳолатини ва сақлаш шартларини текшириш.

6.1.2. Ипотекага қўювчидан гаровга қўйилган мол-мулкни сақлаш учун зарур чоралар кўрилишини талаб қилиш.

6.1.3. Агар гаровга қўйилган мол-мулк йўқотилган бўлса ёки унинг шикастланганлик даражаси оқибатида ипотека билан таъминланган мажбуриятларнинг бажарилиши жиддий равишда ёмонлашган тақдирда ипотека билан таъминлаш мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришни талаб қилиш.

6.1.4. Қарз олувчи (Қарздор) томонидан гаров билан таъминланган мажбуриятларнинг бир қисми бажарилган тақдирда гаровга қўйилган барча мол-мулкка бўлган ҳуқуқни сақлаб қолиш.

6.1.5. Ушбу шартнома бўйича талаб қилиш ҳуқуқини Ипотекага қўювчининг бунга олдиндан розилигисиз бошқага бериш.

7. Ипотекага олувчининг ҳуқуқлари кафолати

7.1. Ипотекага қўювчи ушбу шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган мол-мулк давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар ҳеч кимга гаровга қўйилмаганлиги, сотилмаганлиги, ижарага топширилмаганлиги ва фойдаланиш ҳуқуқи чекланмаганлигини, низода ва тақиқ остида (хатловда) эмаслигини, учинчи шахсларнинг ҳар қандай ҳуқуқларидан эркин эканлигини кафолатлайди.

8. Гаровга қўйилган мол-мулкни суғурта қилиш

8.1. Ушбу шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган мол-мулк Ипотекага қўювчи ва _____ суғурта компанияси ўртасидаги 20__ йил «___» _____ да тузилган -сон суғурта шартномаси бўйича суғурта қилинган, бу 20__ йил «___» _____ даги амал қилиш муддати 20__ йил «___» _____ гача бўлган -сон суғурта полиси билан тасдиқланади.

8.2. Ипотекага олувчи ипотека билан таъминланган мажбуриятлар бўйича гаровга қўйилган мол-мулк йўқолганлиги ёки шикастланганлиги учун ўз талаблари мол-мулк кимнинг фойдасига суғурта қилинганлигидан қатъи назар ва қонунда белгиланган Ипотекага қўювчининг бошқа кредиторларининг фойдасига амалга оширилган бошқа шахсларнинг талабларидан устун даражада, қонунда белгиланган чиқариб ташлашлар бундан мустасно, бевосита суғурта қопламасидан қондирилиши ҳуқуқига эга.

9. Ундиришни ипотека предметига қаратиш

9.1. Ипотекага олувчи ипотека билан таъминланган мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги туфайли юзага келадиган талабларни ушбу шартноманинг 2.1-бандида кўрсатилган мол-мулк хисобига қондириш учун ушбу шартномага кўра ундиришни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш ҳуқуқига эга бўлади.

9.2. Тўловларни тўлаш муддатлари доимий равишда бузилганда, яъни ўн икки ой мобайнида уч мартадан ортиқ бузилганда, ушбу шартномага кўра ундириш гаровга қўйилган мол-мулкка қаратилиши мумкин.

9.3. «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23, 26 ва 28-моддаларида назарда тутилган ҳолларда Ипотекага олувчи ипотека билан таъминланган мажбуриятларни муддатидан олдин бажаришни талаб қилиш, ушбу талаб бажарилмаганда эса — ундиришни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш ҳуқуқига эга.

9.4. Ипотекага олувчининг талабига кўра ундириш Ипотекага олувчи билан Ипотекага қўювчининг нотариал тасдиқланган ундиришни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш тўғрисидаги битими асосида қаратилади.

9.5. Ипотекага олувчи томонидан ундиришнинг гаровга қўйилган уй-жойга қаратилиши ва ушбу мол-мулкнинг сотилиши Ипотекага қўювчининг ва ушбу уй-жойда биргаликда яшайдиган оила аъзоларининг, шу жумладан собиқ оила аъзоларининг фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши учун асос ҳисобланади.

9.6. Гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан тушган сумма Ипотекага олувчининг талабини қоплаш учун етарли бўлмаса, у етмайдиган суммани Қарздорнинг бошқа мол-мулкидан олиш ҳуқуқига эга.

10. Ипотека тўғрисидаги шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш

10.1. Мазкур шартнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

10.2. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда _____

(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)

томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тузилган деб ҳисобланади ва кучга киради.

10.3. Ушбу шартномани ва унинг ҳуқуқларидан келиб чиқадиган ҳуқуқларни нотариал тасдиқлаш, давлат рўйхатидан ўтказиш, ипотека тўғрисидаги қайд ёзувига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ харажатлар Ипотекага қўювчи ҳисобидан тўланади.

10.4. Ушбу шартнома Ипотекага қўювчи томонидан кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар амал қилади. Ипотекага қўювчи кредит шартномаси бўйича мажбуриятларни тўлиқ бажаргандан кейин Томонлар ипотека тўғрисидаги қайд ёзувини қайтариб олиш учун _____ га

(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)

биргаликда ариза берадилар.

11. Низоларни ҳал этиш

11.1. Ушбу шартномани бажариш натижасида Томонлар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган барча низолар ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

11.2. Ипотекага олувчининг талаби судга мурожаат этмасдан, ундиришни ипотека предметига қаратиш учун асос юзага келгандан кейин Ипотекага қўювчи ва Ипотекага олувчи ўртасида нотариал тасдиқланган битим асо­сида қондирилади.

11.3. Ипотекага қўювчи ундиришни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш тўғрисидаги нотариал тасдиқланган битимни тузишдан бош тортган тақдирда Ипотекага олувчи ўз талабини суд тартибида қондириш ҳуқуқига эга.

11.4. Ушбу шартнома ва унга қўшимча битимлар билан тартибга солинмаган масалалар бўйича Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига амал қиладилар.

12. Яқуний қоидалар

12.1. Ушбу шартнома Томонларнинг ёзма келишувига кўра ўзгартирилиши ёки тўхтатилиши мумкин.

12.2. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар Томонларнинг тегишли тартибда ваколат берилган вакиллари томонидан имзоланган, муҳрлар билан тасдиқланган, нотариал тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтқа-

зилган Томонларнинг ёзма шаклдаги қўшимча битимлари билан расмийлаштирилади. Бундай ўзгартиришлар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб кучга кирилади.

12.3. Ҳар иккала томон тарафидан келишилган шартномага барча иловалар унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

12.4. Ушбу шартнома _____ варақда, бир хил юридик кучга эга бўлган 5 (беш) нусхада, ҳар бир Томон учун бир нусхадан тузилади, бир нусхаси _____ шаҳри _____ манзилида жойлашган _____ нотариуснинг йиғмажилдида сақланади, икки нусхаси _____га берилади.

(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)

12.5. Ушбу шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулкни келгусида ипотекага қўйиш тақиқланади.

12.6. Нотариал идора ушбу шартномани тасдиқлаш билан бир вақтда ипотека предметини ўзгага беришни тақиқлаб қўяди.

12.7. Мол-мулк ушбу шартнома давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб ипотекага берилган деб ҳисобланади.

Томонларнинг манзили ва реквизитлари:

Ипотекага қўювчи:

Ипотекага олувчи:

Томонларнинг имзолари:

**Ипотекага қўювчи
томонидан**

_____ (Ф.И.О.)

_____ (СТИР)

_____ (имзо)

**Ипотекага олувчи
томонидан**

_____ (лавозими, Ф.И.О.)

_____ (СТИР)

_____ (имзо)

М.Ў.

20__ йил «__» _____

20__ йил «__» _____

Ушбу шартнома мен томондан Ўзбекистон Республикаси, _____ вилояти, _____ шаҳри/тумани, _____ кўчаси, _____-уйда жойлашган давлат нотариал идораси давлат нотариуси _____ томонидан 20__ йил «__» _____да тасдиқланди.

Томонлар шартномани менинг иштирокимда имзоладилар. Шартномани имзолувчиларнинг шахси, уларнинг муомалага лаёқатлилиги, шунингдек «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг ҳуқуқий лаёқати, унинг вакили ваколатлари аниқланди, гаровга қўйилаётган мол-мулкнинг мансублилиги текширилди.

Шартнома _____

(рўйхатдан ўтказувчи органининг номи)

да давлат рўйхатидан

ўтказилиши лозим.

Реестрда _____ -сон билан рўйхатдан ўтказилди.

_____ сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси _____.

«Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг
компанияси иштирокида якка тартибда уй-
жой қурилишини амалга ошириш тартиби
тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

Танлов комиссияси ТАРКИБИ*

- | | | |
|--|---|-------------------------------|
| 1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари, вилоят ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари | — | комиссия раиси |
| 2. «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси ҳудудий филиалининг раҳбари | — | комиссия раисининг ўринбосари |
| 3. Туман ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари | — | комиссия аъзоси |
| 4. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳудудий бошқармаси раҳбари | — | комиссия аъзоси |
| 5. Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси, вилоят архитектура ва қурилиш ҳудудий бош бошқармаси раҳбари | — | комиссия аъзоси |
| 6. Туман ҳокимлиги молия бўлимининг бошлиғи | — | комиссия аъзоси |
| 7. «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси вакили | — | комиссия аъзоси |

* Зарурият бўлганда маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ташаббусига кўра танлов комиссияси таркибига бошқа ташкилотларнинг вакиллари ҳам киритилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 26 октябрдаги 280-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги 272-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 12-сон, 97-модда) билан тасдиқланган Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисидаги низомда:

а) 9-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси иштирокида қурилган уй-жой жойлашган ер участкаси туман ҳокимининг қарорига кўра, якка тартибда уй-жой қурувчига кимошди савдоси ўтказмасдан мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун ажратилади»;

б) 10-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси иштирокида якка тартибда уй-жой қурилиши учун ажратилган ер массивида уй-жой қуришга буюртма расмийлаштирган якка тартибда уй-жой қурувчи компаниянинг ҳудудий филиалларига аниқ ер участкасини ва танлаб олинган намунавий лойиҳани кўрсатган ҳолда ёзма ариза билан мурожаат қилади»;

в) 27-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси буюртмачи сифатида жалб этилганда якка тартибда уй-жой қурилишининг бориши ус-тидан техник назорат функциясини инжиниринг компанияси амалга оши-ради»;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 январдаги 2-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 1-сон, 1-модда) билан тасдиқланган Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кре-дита бериш тўғрисидаги низомнинг 1-бандига қуйидаги мазмундаги хатбо-ши қўшилсин:

«Мазкур Низомнинг амал қилиш тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қурилишига «Қишлоқ қурилиш банк» акция-дорлик тижорат банки томонидан ипотека кредити беришга татбиқ этилмай-ди».

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 25 майдаги 148-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 5-сон, 40-модда) билан тасдиқ-ланган Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат бан-ки томонидан имтиёзли ипотека кредити бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банднинг еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«биргаликда қарз олувчилар — қарз олувчининг ипотека кредити ва

кредит бўйича фоизларнинг ҳар ойдаги тўловларида қатнашадиган, шунингдек ипотека кредити юзасидан биргаликда жавоб берадиган эри (хотини) ҳамда унинг яқин қариндошлари (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, фарзандлари)»;

б) 4-банддаги «бошқа оила аъзоси» сўзлари «яқин қариндошлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-илова 2.1-бандининг бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«биргаликда қарз олувчилар — қарз олувчининг ипотека кредити ва кредит бўйича фоизларнинг ҳар ойдаги тўловларида қатнашадиган, шунингдек ипотека кредити юзасидан биргаликда жавоб берадиган эри (хотини) ҳамда унинг яқин қариндошлари (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, фарзандлари)»;

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

466 Пивони чакана сотишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига мувофиқ ҳамда республика аҳолиси, айниқса ўсиб келаётган авлод соғлиғини сақлашни таъминлаш, шунингдек пивони чакана сотишни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2009 йил 1 ноябрдан бошлаб таълим муассасалари ва диний ташкилотлардан камида 500 метр радиусда жойлашган савдо объектлари орқали пивони чакана сотиш тақиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, ушбу қарорнинг 1-банди талабларига риоя қилмаслик Чакана савдо қоидаларини бузиш ҳисобланади ва қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка олиб келади.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Алкоголли ва кучсиз алкогольли ичимликларни, шу жумладан пивони чакана сотиш қоидаларига риоя қилиниши устидан назоратни қатъийлаштиради ҳамда қоидаларни бузишга йўл қўйган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан таъсирчан чоралар кўрсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларида:

а) 67-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Пиво кучсиз алкоғолли ичимлик ҳисобланади ҳамда ушбу Қоидаларнинг V бўлими талаблари пиво билан чакана савдо қилишга татбиқ этилмайди, 60-банднинг ўнинчи хатбоши бундан мустасно. Пиво сотишга йўл қўйилади»;

б) 189-банднинг ўн бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«алкоғолли ичимликларни, шу жумладан кучсиз алкоғолли ичимликларни ва тамаки маҳсулотларини сотиш қоидаларига риоя қилмаслик».

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 26 октябрь,
282-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

467 **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Котибияти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2008 йил 30 сентябрдаги 875–I/554–I-сон қўшма қарори)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 27 октябрь,
283-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 27 октябрдаги 283-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши тартибини ва Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» 1995 йил 6 январдаги 8-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 1-сон, 1-модда):

а) 3-илованинг 2-рўйхати бешинчи хатбошига «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)» сўзлари қўшилсин;

б) 4-иловага:

қуйидаги мазмундаги 3¹-банд қўшилсин:

3 ¹ . Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва унинг ўринбосари	Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони
---	---

қуйидаги мазмундаги 5¹-банд қўшилсин:

5 ¹ . Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Котибияти мудир ва бошқа масъул ходимлари	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)
---	--

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 3-сон, 11-модда) билан тасдиқланган Ходимларнинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажаришлари, шунингдек, уларнинг жамият манфаатларига доир ҳаракатларни амалга оширишлари билан боғлиқ кафолатли тўловларни бериш тартибининг 1-бандига:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича

вакили (омбудсман) ҳузуридаги Конституциявий ҳуқуқларга ва инсон эркинлигига риоя қилиш комиссияси фаолиятида қатнашиш»;

тўртинчи — еттинчи хатбоши тегишли равишда бешинчи — саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 27 январдаги 24-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 1-сон, 7-модда) билан тасдиқланган Хизмат тураржойлари олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатида:

а) 20-бандга «Сенати» сўзидан кейин «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Котибиятининг» сўзлари қўшилсин;

б) 21-бандга «сенаторлар» сўзидан кейин «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва унинг ўринбосари» сўзлари қўшилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

468 Гишт хом ашёсини геологик жиҳатдан ўрганиш, тажриба-саноат ва саноат асосида кавлаб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензиялар беришнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 19 июндаги ПҚ-1134-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек энергияни тежайдиган замонавий технологиялар асосида пишиқ гишт ишлаб чиқараётган корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Гишт хом ашёсини геологик жиҳатдан ўрганиш, тажриба-саноат ва саноат кўламида кавлаб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензиялар беришнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси билан биргаликда 2010 йил 1 февралгача энергияни тежайдиган замонавий технологиялар асосида пишиқ гишт ишлаб чиқараётган ишлаб турган корхоналарга улар-

нинг буюртманомалари бўйича ғишт хом ашёсини геологик жиҳатдан ўрганиш, тажриба-саноат ва саноат асосида кавлаб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензиялар берилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, энергияни тежайдиган замонавий технологиялар асосида пишиқ ғишт ишлаб чиқарадиган корхоналар ғишт хом ашёсини геологик жиҳатдан ўрганиш, тажриба-саноат ва саноат асосида кавлаб олиш ҳуқуқини берадиган лицензия олингунга қадар, бироқ 2010 йил 1 февралдан кеч бўлмаган муддатгача ишлаб чиқариш фаолиятини давом эттириш ҳуқуқига эга.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Хўжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 27 октябрь,
284-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 27 октябрдаги 284-сон қарорига
ИЛОВА

**Ғишт хом ашёсини геологик жиҳатдан ўрганиш,
тажриба-саноат ва саноат асосида кавлаб олиш учун
ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини
берадиган лицензиялар беришнинг соддалаштирилган
тартиби тўғрисида
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Вақтинчалик низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 19 июндаги ПҚ–1134-сон қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 июндаги ПҚ–649-сон қарори билан тасдиқланган Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга мувофиқ ишлаб чиқилган ва ғишт хом ашёсини геологик жиҳатдан ўрганиш, тажриба-саноат ва саноат асосида кавлаб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензиялар беришнинг соддалаштирилган тартибини белгилайди.

II. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензиялар бериш тартиби ва шартлари

2. Умумий тарқалган фойдали қазилма сифатида ғиштнинг хом ашё базасини ташкил этиш ва кенгайтириш, ғишт хом ашёсини тажриба-саноат ва саноат асосида кавлаб олиш мақсадида геологик жиҳатдан ўрганиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензиялар Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг (кейинги ўринларда Давлат геология қўмитаси деб юритилади) ностандарт, тежамсиз печларни махсус энергия ва ресурсларни тежайдиган технологияларга алмаштирган ҳолда, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этган пишиқ ғишт ишлаб чиқарадиган корхоналар билан тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш натижаларига кўра берилади.

3. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензияни олиш учун лицензия талабгори Давлат геология қўмитасига буюртманома тақдим этади (лицензия бериш схемаси ушбу Низомга иловада келтирилган).

Буюртманомада сўралаётган ер қаъри участкасининг номи, жойлашган жойи (минтақа, туман, яқин аҳоли пунктигача, темир йўл станциясигача бўлган масофа) ҳамда ер қаъридан фойдаланишнинг назарда тутилаётган тури кўрсатилади.

Буюртманомага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши керак:

юрidik шахс — лицензия талабгори давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

фаолиятнинг асосий турларини бажариш ва маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича лицензия талабгорининг техник ва технологик имкониятлари, бундай ишларни бажариш учун лицензия талабгори томонидан пудратчилар сифатида жалб этиладиган корхоналар тўғрисидаги маълумотлар, зарурият бўлганда — ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензиялар (рухсатномалар) нусхалари;

сўралаётган ер қаъри участкасидан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни бажариш имкониятини тасдиқлайдиган лицензия талабгорининг молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар (мавжуд бўлганда — кейинги уч йил учун йиллик баланслар ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлар), зарурият бўлганда, банк ёки бошқа кредит берувчининг кредит берилиши тўғрисидаги кафолати;

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компаниясининг лицензия талабгори пишиқ ғишт ишлаб чиқариш бўйича махсус печлар (айланма, туннелсимон ва бошқалар)дан фойдаланган ҳолда энергияни тежайдиган замонавий технологияларга эгаллигини ёки уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш жараёни бораётганлигини тасдиқлайдиган эксперт хулосаси.

4. Экспертиза «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси томонидан лицензия талабгоридан тегишли мурожаат тушган кундан бошлаб ўн кун мобайнида ўтказилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар

қўмитаси буюртманома қабул қилинганлиги ёки асосли рад этилганлиги тўғрисида лицензия талабгорини буюртманома тушган кундан бошлаб беш иш кунни мобайнида ёзма равишда хабардор қилади.

6. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензия берилиши юзасидан берилган буюртманома кўриб чиқилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдо-рида йиғим ундирилади. Буюртманома кўриб чиқилганлиги учун йиғим сум-маси Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитасининг ҳисоб рақа-мига ўтказилади.

7. Буюртманома қуйидаги ҳолларда, агар:

талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатларда ҳақиқий бўлмаган ёки бузилган маълумотлар мавжуд бўлса;

ариза берувчи ер қаъри участкасидан фойдаланиш учун зарур молия-вий ва техник воситаларга эгаллиги ёки келгусида эга бўлишининг исботини тақдим этмаган бўлса ёки тақдим этиши мумкин бўлмаса рад этилиши мум-кин.

8. Буюртманома қабул қилингандан кейин Давлат геология қўмитаси лицензияга киритиладиган ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартлари лойиҳасини ўн кун мобайнида ишлаб чиқади.

Ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартлари лойиҳаси материаллар тушган кундан бошлаб ўн кун мобайнида бир вақтнинг ўзида Давлат геоло-гия қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва «Саноаткон-техназорат» давлат инспекцияси билан келишилади.

9. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартларининг келишилган лойиҳа-си танишиш учун талабгорга берилади.

10. Талабгор ер қаъридан фойдаланишнинг таклиф этилаётган шартла-рига рози бўлган тақдирда унга беш кун муддатда:

ер қаъри тадбиркорлик таваккалчилиги шартларида ғишт хом ашёсини геологик жиҳатдан ўрганиш, шунингдек тажриба-саноат асосида кавлаб олиш учун берилган тақдирда — ер қаъри участкасидан фойдаланиш бўйича йи-риклаштирилган техник-иқтисодий ҳисоб-китобларни;

ер қаъри ғишт хом ашёсини кавлаб олиш учун берилган тақдирда — ер қаъри участкасидан фойдаланиш бўйича дастлабки техник-иқтисодий асос-ни тайёрлаш учун етарли бўлган сўралаётган участка бўйича геологик маъл-умотлар ва бошқа маълумотлар белгиланган тартибда тақдим этилади.

11. Келишилган муддатларда талабгор ер қаъри участкасидан фойдала-нишнинг ишлаб чиқилган шартлари ва ер қаъридан фойдаланиш мақсадла-ри ҳисобга олинган ҳолда:

ер қаъри участкасидан фойдаланиш бўйича йириклаштирилган техник-иқтисодий ҳисоб-китобларни ёки дастлабки техник-иқтисодий асослашни тайёрлайди ҳамда уларни экспертизадан ўтказиш учун Давлат геология қўмитаси ва «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясига тақдим этади;

мўлжалланаётган фаолиятнинг атроф муҳитга таъсирини баҳолаш лойиҳасини тайёрлайди ва давлат экология экспертизасидан ўтказиш учун Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига тақдим этади.

12. Йириклаштирилган техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар ва (ёки) дастлабки техник-иқтисодий асослашнинг экспертизаси улар тақдим этилган пайдан бошлаб ўн кун муддатда бир вақтнинг ўзида Давлат геология қўмитаси ва «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Атроф муҳитга таъсирни баҳолаш лойиҳасининг давлат экспертизаси ҳам Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан материаллар тақдим этилган пайдан бошлаб ўн кун муддатда амалга оширилади.

13. Экспертиза натижалари бўйича талабгор келишилган муддатларда йириклаштирилган техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар ва (ёки) дастлабки техник-иқтисодий асослашга зарур тузатишлар киритади ҳамда уларни келишиш учун Давлат геология қўмитаси ва «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясига юборади.

14. Ижобий экспертиза хулосаси олинган йириклаштирилган техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар ва (ёки) дастлабки техник-иқтисодий асослаш талабгор томонидан Давлат геология қўмитасига тақдим этилади.

15. Давлат геология қўмитаси ўн кун муддатда зарур материалларни тайёрлайди ва талабгорга ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган тегишли лицензияни беради.

16. Ер қаъридан фойдаланувчига лицензия берилгандан кейин ер қаъри участкасидан фойдаланиш бўйича узил-кесил техник-иқтисодий асослашни белгиланган тартибда ишлаб чиқиш учун фойдаланишга берилган ер қаъри участкаси бўйича геологик маълумотлар ва бошқа маълумотларнинг тўла туркуми тайёрланади.

17. Ғишт хом ашёсини геологик жиҳатдан ўрганиш, тажриба-саноат ва (ёки) саноат асосида кавлаб олиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензия икки йил муддатга берилади, кейинчалик лицензия эгасининг аризасига биноан ер қаъридан фойдаланиш муддати узайтирилади.

18. Давлат геология қўмитаси ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасига ғишт хом ашёсини геологик жиҳатдан ўрганиш, тажриба-саноат ва саноат асосида кавлаб олиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган янгидан берилган лицензиялар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

III. Яқунловчи қоидалар

19. Ушбу Вақтинчалик низом 2012 йил 1 январгача амал қилади.

20. Ушбу Вақтинчалик низомда назарда тутилган мақсадларда ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш, тўхтатиб туриш ва тўхтатиш тартиби ва ер қаъри участкаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа масалалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 июндаги 649-сон қарори билан тасдиқланган Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низом билан тартибга солинади.

Вақтинчалик низомга
ИЛОВА

**Фойдали қазилмаларни (ғишт хом ашёсини) геологик
жиҳатдан ўрганиш, тажриба-саноат ва саноат асосида
кавлаб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш
ҳуқуқини берадиган лицензиялар беришнинг
соддалаштирилган тартиби
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш мuddатлари
1-босқич	Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини олишга талабгор (ариза берувчи)*	<p>Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензияни олиш учун зарур бўладиган ҳужжатларни тайёрлайди.</p> <p>«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компаниясининг лицензия талабгори пишиқ ғишт ишлаб чиқариш бўйича махсус печлар (айлана, туннелсимон ва бошқалар)дан фойдаланган ҳолда энергияни тежайдиган замонавий технологияларга эгаллигини ёки уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш жараёни бораётганлигини тасдиқлайдиган экспертиза ҳулосаси.</p> <p>Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензияларни беришга вакил қилинган тегишли органга буюртманома беради.</p>	талабгорнинг хоҳишига кўра 10 кун
2-босқич	Давлат геология кўмитаси	Буюртманомани кўриб чиқади ва буюртманомани қабул қилиш ёки асосли рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.	5 кун
	Давлат геология кўмитаси	Лицензияга киритиладиган ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартлари лойиҳасини ишлаб чиқади.	10 кун
3-босқич	Маҳаллий давлат ҳокимиятининг тегишли органлари	Ер қаъри участкаси умумий тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун берилган тақдирда лицензияга киритиладиган ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартлари лойиҳасини келишади.	10 кун
4-босқич	Давлат геология кўмитаси, «Саноат-контехназорат» давлат инспекцияси	Ер қаъри участкасидан фойдаланишнинг ишлаб чиқилган шартларини ва ер қаъридан фойдаланиш мақсадларини ҳисобга олган ҳолда йириклаштирилган техник-иқтисодий ҳисоб-китобларни ва (ёки) дастлабки техник-иқтисодий асослашни, мўлжалланаётган фаолиятнинг атроф муҳитга таъсирини баҳолаш лойиҳасини тайёрлайди ва уларни экспертизага тақдим этади.	10 кун
5-босқич	Давлат геология кўмитаси	Давлат экология экспертизасининг ҳулосаси ижобий бўлган тақдирда ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензияни беришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги ҳулосани тақдим этади.	10 кун
6-босқич	Давлат геология кўмитаси	<p>Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензияни расмийлаштиради ва талабгорга беради.</p> <p>Ер қаъридан фойдаланувчига лицензия берилгандан кейин ер қаъри участкасидан фойдаланиш бўйича узил-кесил техник-иқтисодий асослашни белгиланган тартибда ишлаб чиқиш учун фойдаланишга берилган ер қаъри участкаси бўйича геологик маълумотлар ва бошқа маълумотларнинг тўла туркуми тайёрланади.</p>	10 кун

* Изоҳ. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини олишга талабгор (ариза берувчи) фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун ажратилган участ-

канинг фойдали қазилмалари конлари захирасини ўз балансига қабул қилиб олади ва ҳар чоракда Давлат геология қўмитасига «шакл — 5ГР» бўйича ҳисобот тақдим этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

469 Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Уставига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 28 июлдаги ПҚ–1166-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 28 июлдаги ПҚ–1166-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 21 январдаги 45-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Уставада:

а) 17-банднинг олтинчи хатбошидаги «(облигациялардан ташқари)» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 18-бандда:

учинчи хатбошидаги «векселлар» сўзидан кейин «облигациялар» сўзи қўшилсин;

ўн бешинчи хатбошидаги «(облигациялардан ташқари)» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 28 октябрь,
285-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ
САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

471 Қон билан боғлиқ бўлган кўп маротаба қўлланилиши тақиқланган тиббий анжом ва ускуналар рўйхатига қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1784-1*

(2009 йил 2 ноябрдан кучга киradi)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ–3923-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ–700-сон «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2008 йил 4 мартдаги 91-сон буйруғи билан тасдиқланган Қон билан боғлиқ бўлган кўп маротаба қўлланилиши тақиқланган тиббий анжом ва ускуналар рўйхатига (рўйхат рақами 1784, 2008 йил 4 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 14-15-сон, 107-модда) иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киradi.

Вазир

А. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 9 октябрь,
299-сон

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг
2009 йил 9 октябрдаги 299-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Қон билан боғлиқ бўлган кўп маротаба қўлланилиши
тақиқланган тиббий анжом ва ускуналар рўйхатига
киритилаётган қўшимчалар**

Қон билан боғлиқ бўлган кўп маротаба қўлланилиши тақиқланган тиббий анжом ва ускуналар рўйхатига қуйидаги мазмундаги 38 — 43-позициялар қўшилсин:

38.	Диализатор*
39.	Артериядан қон ўтказувчи магистрал*
40.	Венага қон ўтказувчи магистрал*
41.	Артерия қон томири учун диализ игнаси*
42.	Вена қон томири учун диализ игнаси*
43.	Диализ учун катетер*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ҲУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА
ЖИНОЙИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

472 Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2023*

(2009 йил 2 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 54-модда), «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда) қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 13 октябрь,
23/6-сон

**Бош прокуратура ҳузуридаги
Солик, валютага оид
жиноятларга ва жиноий
даромадларни легаллаштиришга
қарши курашиш
департаменти бошлиғи**

3. ДЎСАНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 13 октябрь,
32-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг ҳамда
Бош прокуратура ҳузуридаги Солик, валюта-
га оид жиноятларга ва жиноий даромадларни
легаллаштиришга қарши курашиш
департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги
23/6, 32-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган
даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни
молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат
ҚОИДАЛАРИ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 54-модда), «Банк сири тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон, 144-модда), «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 9-сон, 160-модда) қонунларига мувофиқ тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида ички назоратни ташкил қилиш ҳамда амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
тижорат банки — Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган ва тегишли фаолият турини амалга ошириш лицензиясига эга бўлган тижорат банки;

ички назорат — тижорат банкининг махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни аниқлашга доир фаолияти;

Ички назорат хизмати — ички назоратни амалга ошириш учун жавобгар ҳисобланган тижорат банкининг махсус бўлинмаси;

масъул ходим — тижорат банки филиалида ички назоратни амалга оширилиши учун масъул бўлган шахс;

Ички назорат хизмати ходимлари — ички назоратни амалга оширилиши учун масъул бўлган тижорат банки бош офисидаги Ички назорат хизмати ходимлари, тижорат банки филиалидаги масъул ходим ёки Ички назорат хизмати раҳбари ва ходимлари;

тижорат банкининг ички назорат тизими — мазкур Қоидалар ва ички ҳужжатлар билан белгиланган мақсадларга эришиш ва вазифаларни бажаришга қаратилган Ички назорат хизматининг тижорат банкининг бошқа бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширадиган ҳаракатлари йиғиндиси;

ички ҳужжатлар — тижорат банки фаолиятини тартибга солувчи ва унинг раҳбарияти томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланган ҳужжатлар;

ички қоидалар — тижорат банкида ва унинг филиалларида ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилаб берувчи ички ҳужжатдир;

махсус ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти номидан Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш Бошқармаси (кейинги ўринларда — Департамент);

мижоз — пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни амалга ошириш тўғрисида тижорат банкига топшириқ (ариза, илтимоснома) билан мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахс;

мижознинг ҳақиқий эгаси — юридик шахс — мижознинг мулкдори ёки уни назорат қилувчи шахс, яъни мижоз ва (ёки) амалга оширилаётган операциядан манфаат кўрадиган шахсга нисбатан мулккий ёки назорат ҳуқуқига эга бўлган бир ёки бир неча шахслар;

операция иштирокчилари — мижозлар, уларнинг вакиллари ҳамда мижознинг операцияда иштирок этувчи ҳамкорлари;

гумонли операция — мазкур Қоидаларни жорий қилиш жараёнида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш мақсадида амалга оширилганлиги тўғрисида тижорат банкида гумон уйғотувчи ҳамда уни шубҳали операциялар туркумига киритиш (киритмаслик) ҳақида қарор қабул қилгунга қадар бўлган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция;

шубҳали операция — пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, тайёрлаш, содир этиш жараёнида бўлган ёки содир этиб бўлинган, мазкур Қоидаларни жорий қилиш жараёнида тижорат банкида уни жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни

молиялаштириш мақсадида амалга оширилганлиги тўғрисида шубҳа пайдо бўлган операция;

хабар қилиниши лозим бўлган операциялар — мазкур Қоидалар билан белгиланган шубҳалилик мезонлари ва аломатларидан фойдаланган ҳолда комплекс таҳлил асосида аниқланадиган ҳамда Департаментга хабар қилиниши лозим бўлган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар;

бир маротабалик операциялар — миждозлар томонидан банк ҳисобварағини очмаган ҳолда, камида бир ой давомида такрорланмайдиган, бир маротабалик тартибда амалга ошириладиган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар;

мунтазам равишда амалга ошириладиган операциялар — таҳлил қилинадиган давр мобайнида миждозлар томонидан мунтазам равишда амалга ошириладиган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар;

таҳлил қилинадиган давр — кейинги текширув босқичида тижорат банки миждознинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларини таҳлил қиладиган ҳамда давомийлиги миждоз томонидан бажарилган операция турига кўра бир неча кундан бир неча ойгача бўлиши мумкин бўлган давр;

миждозларни лозим даражада текшириш — миждознинг ва қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текшириш, таъсис ҳужжатлари асосида мулк ва бошқарув тузилмасини ўрганиш орқали миждознинг ҳақиқий эгасини идентификациялаш, шунингдек, миждоз томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва операцияларни, уларнинг бундай миждоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида, доимий асосда ўрганишларни ўтказиш;

миждозни идентификациялаш — тижорат банки томонидан миждозни лозим даражада текшириш мақсадида миждозлар ҳақидаги маълумотларни улар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида аниқлаш;

миждознинг ҳақиқий эгасини идентификациялаш — тижорат банки томонидан қонун ҳужжатлари билан белгиланган таъсис ҳужжатлари (устав ва (ёки) таъсис шартномаси, низом) асосида мулк ва бошқарув тузилмасини ўрганиш орқали юридик шахс бўлган миждознинг мулкдори ёки уни назорат қилувчи шахсни аниқлаш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатлар — жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган ҳамда ўзларининг миллий қонунчилигида бу борадаги халқаро андозаларни жорий қилмаётган давлатлар ёки ҳудудлар. Мазкур давлат ва ҳудудлар рўйхати Департамент томонидан шакллантирилади;

оффшор ҳудуд — имтиёзли солиқ режимини тақдим қилувчи ва (ёки)

молиявий операцияларни амалга оширишда улар ҳақидаги маълумотларни ошкор этмасликни ва тақдим қилмасликни кўзда тутувчи давлатлар ва ҳудудлар;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи органлар — пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар фаолияти устидан контроль ва назорат қилиш функцияларига эга бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат қилувчи, лицензияловчи, рўйхатдан ўтказувчи ва бошқа давлат органлари.

3. Тижорат банкларининг ички назорат тизими мақсади қуйидагилар ҳисобланади:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга йўналтирилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни самарали аниқлаш ва олдини олиш;

тижорат банкининг қасддан ёки қасддан бўлмаган ҳолда жиноий фаолиятга жалб қилинишига, унинг устав фонди (капитали)га жиноий фаолият натижасида олинган капиталнинг, шунингдек, тижорат банкни бошқаришга жиноятчи шахсларнинг кириб келишига йўл қўймаслик;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш.

4. Тижорат банклари ички назорат тизимининг асосий вазифалари:

қонун ҳужжатлари, мазкур Қоидалар ва ички ҳужжатларга мувофиқ миждозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

миждозларнинг ҳақиқий эгасини аниқлаш ва ўрганиш, шунингдек, операцияни амалга оширишда фойдаланиладиган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкларнинг манбасини аниқлаш бўйича асосли ва кўрилиши мумкин бўлган чораларни амалга ошириш;

мазкур Қоидалар ва ички ҳужжатлар билан белгиланган мезонлар асосида гумонли ва шубҳали операцияларни аниқлаш;

ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган шубҳали операциялар тўғрисидаги ахборотлар (ҳужжатлар)ни Департаментга ўз вақтида тақдим этиш;

алоҳида ҳолларда хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни юридик ёки жисмоний шахс ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга кириштириш бўйича операцияларни истисно этганда, бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туриш ҳамда бундай операция ҳақида операция тўхтатиб турилган куннинг ўзида Департаментни хабардор қилиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғри-

сидаги ахборотни, шунингдек, идентификациялаш маълумотларини ва мижозларни лозим даражада текширишга доир материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар давомида сақланишини таъминлаш;

тегишли қарорлар қабул қилиш учун тижорат банки раҳбариятини аниқ ахборотлар ва материаллар билан оператив ва мунтазам равишда таъминлаб бориш;

шубҳали операциялар амалга оширилган ёки амалга оширишга бўлган уринишлар, шубҳали операцияларни амалга оширган мижозлар билан алоқадор шахслар (раҳбарлар, таъсисчилар) тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш, шунингдек, бундай маълумотларни бошқа тижорат банклари ҳамда давлат органлари билан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзаро алмашиб бориш;

республикадаги ва чет элдаги бошқа банклар билан корреспондентлик алоқаларини ўрнатишда уларнинг ички назорат тизимини ўрганиш;

операцияларнинг анонимлигини оширувчи янги технологиялар ёрдамида қонунга хилоф иш қилиш, хусусан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш учун тижорат банки хизматларидан фойдаланиш таҳдидини олдини олишга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадида зарур бўлган тадбирлар қўллаш;

сўровномалар бўйича мижозлар базасидан террорчилик фаолиятини молиялаштиришга алоқадор шахсларни аниқлашдан иборат.

5. Ички назорат тизими мақсад ва вазифаларига эришиш учун Ички назорат хизмати қуйидагилар бўйича функцияларни бажаради:

қонунга хилоф иш қилиш ҳолатларини, шу жумладан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришни ва (ёки) терроризмни молиялаштириш учун тижорат банки хизматларидан фойдаланиш таҳдидини олдини олиш учун қонун ҳужжатларида, мазкур Қоидаларда, ички ҳужжатларда кўзда тутилган чораларни кўриш;

тижорат банки томонидан қонун ҳужжатлари ва тижорат банки ички ҳужжатлари талабларига риоя этилишини мониторинг қилиш;

тижорат банки фаолиятидаги қонун ҳужжатлари ва ички ҳужжатлар талабларига риоя қилинмаганлиги бўйича аниқланган камчилик ва хатоларни бартараф этиш юзасидан раҳбарият кўриб чиқиши учун таклифлар тайёрлаш ва киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг (кейинги ўринларда — Марказий банк) ваколатли вакиллари, тижорат банкининг ички аудит хизмати, ташқи аудит ҳамда Департамент ходимлари томонидан ўтказилган текширув жараёнида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этилишини мониторинг қилиш;

ички назоратни ташкил этиш, ходимлар томонидан қонун ҳужжатлари, мазкур Қоидалар ва ички ҳужжатлар талабларини бузилиш ҳолатларини олдини олиш ва бартараф этиш масалалари бўйича Марказий банк ва Департамент билан ҳамкорлик қилиш.

6. Ҳар бир тижорат банки қонун ҳужжатлари ва мазкур Қоидалар асосида Ички назорат хизматининг вазифалари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини

белгилайдиган низомни ишлаб чиқиши, банк кенгашида тасдиқлаши ва амалга киритиши лозим.

Мазкур Низом Ички назорат хизмати тўғрисидаги қуйидаги маълумотларни акс эттириши керак:

унинг мақсади ва вазифалари;

унинг тижорат банкининг бошқа бўлинмаларидан мустақил бўлишини таъминлаш усуллари;

унинг тижорат банкининг бошқа бўлинмалари, шунингдек, тижорат банки ички аудит хизмати билан ўзаро муносабати;

ўзига юклатилган функцияларни бажариш учун зарур бўлган маълумотларни олиш ҳуқуқига эга бўлиши, шунингдек, мазкур маълумотларни тақдим этиш масалалари юзасидан ҳамкорлик қилиш бўйича тижорат банкининг бошқа бўлинмалари ходимларининг мажбурияти;

қонун ҳужжатлари ва ички ҳужжатлар бўйича мумкин бўлган бузилишларни ўрганиш ўтказиш ҳуқуқига эга бўлиши;

олинган маълумотларни тижорат банки бошқаруви раисига ва зарур ҳолларда тижорат банки кенгашига эркин ифодалаш ва ошкор этиш ҳуқуқига эга бўлиши;

бошқарув раисига тегишли ҳисоботни тақдим қилиш мажбурияти;

тижорат банки бошқарувига қонун ҳужжатлари ва стандартларга мувофиқлик масалалари бўйича, жумладан мазкур соҳадаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар юзасидан маслаҳатлар бериш мажбурияти;

ходимларни танлаш талаблари ва тартиблари;

малакани ошириш бўйича махсус курсларда мунтазам равишда ўқиб бориш мажбуриятлари.

7. Тижорат банклари ҳар йили мазкур Қоидалар талабларидан келиб чиқиб, қуйидагиларни акс эттирган ҳолда ички қоидаларни ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши лозим:

мижозларни лозим даражада текшириш, шу жумладан, мижозларни ва уларнинг ҳақиқий эгасини идентификациялаш, шунингдек, мижозларнинг операциялари устидан доимий мониторингни амалга ошириш қоидалари;

зарур бўлган ахборотни расмийлаштириш ва унинг махфийлигини таъминлаш тартиби;

Ички назорат хизмати ходимлари томонидан тижорат банки бош офисидаги Ички назорат хизмати раҳбарига (кейинги ўринларда — Ички назорат хизмати раҳбари) қонун ҳужжатлари бузилиши далиллари тўғрисида ахборот тақдим этиш тартиби;

кадрларни тайёрлаш ва ўқитишга доир малака талаблари;

гумонли операцияларни аниқлаш мезонлари ва уларнинг аломатлари;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш мақсадида технологик ютуқлардан фойдаланилишини олдини олишга қаратилган чоралар ва бошқалар.

Ички қоидалар тижорат банки кенгаши томонидан тасдиқланади.

II. Ички назорат тизимини ташкиллаштириш

8. Тижорат банкининг ички назорат тизими банк фаолиятининг жиҳатлари, асосий йўналиши, мижозлар базаси ва мижозлар ҳамда уларнинг операциялари билан боғлиқ хатарлар даражасини ҳисобга олган ҳолда ташкиллаштирилади.

9. Тижорат банкининг, шу жумладан унинг филиалларининг ички назорат тизими тузилмаси тижорат банки кенгаши қарори билан белгиланади ва Марказий банкнинг талабларига мувофиқ қайта кўриб чиқилиши лозим.

10. Тижорат банки ички назорат тизими тузилмаси тижорат банки бош офисининг Ички назорат хизматини, шунингдек, тижорат банкининг ҳар бир филиалидаги Ички назорат хизматини ёки масъул ходимни ўз ичига олади.

11. Ички назорат хизмати ички назорат мақсадларига самарали эришиш ва вазифаларни унумли бажариш учун етарли миқдорда ходимлар билан шакллантирилади.

12. Ички назорат хизмати раҳбари ва ходимлари тижорат банки бошқаруви раисининг буйруғи билан тайинланади.

Ички назорат хизмати раҳбари олий иқтисодий ёки юридик маълумотга, тижорат банкининг молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлинмасида камида уч йиллик раҳбарлик иш тажрибасига эга бўлиши лозим.

Ички назорат хизматининг раҳбари ва ходими лавозимига тайинланувчи шахсдан қуйидагилар талаб қилинади:

банк ва молия қонунчилигини, шу жумладан, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларини билиш;

бухгалтерия ҳисоби қоидалари ҳақидаги билимга эга бўлиш, шунингдек, мунтазам равишда малакани ошириш бўйича махсус ўқув курсларида иштирок этиш.

13. Ички назорат хизмати раҳбари ёки ходими лавозимига қуйидаги шахслар тайинланиши мумкин эмас:

ўз фаолияти ва ахлоқида ишониб топширилган бўлинмани нотўғри бошқаргани ёки ишни виждонан юритмаганини намоён этган шахслар;

иқтисодиёт соҳасидаги жинояти учун аввал суд томонидан жиноий жавобгарликка тортилган шахслар.

14. Тижорат банки ички назорат тизими тузилмасини шакллантириш, Ички назорат хизмати раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилгандан сўнг 10 (ўн) кун муддат мобайнида тайинланган шахслар тўғрисидаги сўровнома маълумотларни илова қилган ҳолда бу ҳақида Марказий банкка хабар бериши лозим.

15. Ички назорат хизмати раҳбари ва ходимлари қуйидаги ҳуқуққа эга: ички назоратни амалга ошириш мақсадида тижорат банки бўлинмалари раҳбарлари ва ходимларидан керакли фармойиш берувчи ва бухгалтерия ҳужжатларини талаб қилиб олиш;

ички назоратни амалга ошириш мақсадида олинган ҳужжатлардан нусха кўчириш, тижорат банкининг электрон маълумотлар базаларида, локал

ҳисоблаш тармоқлари ва автоном компьютер тизимларида сақланадиган файллар ва бошқа ёзувлардан нусхалар олиш;

тижорат банкининг бошқа бўлинмалари мутахассисларидан ёрдам сўраш ва олиш;

тижорат банки бўлинмаларининг хоналарига кириш, шунингдек, тижорат банки бошқаруви раисининг ёзма рухсатномаси билан ҳужжатлар сақланиши учун фойдаланиладиган (архивлар), нақд пул ва қимматликлар сақланадиган (пул омбори), компьютер маълумотларини қайта ишлаш ва маълумотларни электрон шаклда сақлаш хоналарига кириш;

бошқарув раисининг ёки тегишли ваколатга эга бўлган унинг ўринбосарининг ёзма розилиги билан терроризмни молиялаштиришга боғлиқ бўлган операцияларни тўхтатиб туриш ҳақида банк филиаллари раҳбарларига кўрсатмалар бериш;

мижозларнинг операцияларига нисбатан келгуси ҳаракатлари, жумладан, қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшимча маълумот олиш ёки мавжуд маълумотларни текшириш бўйича тижорат банки бошқаруви раисига таклифлар тақдим этиш;

мазкур Қоидалар ва ички ҳужжатларга мувофиқ бошқа тадбирларни амалга ошириш.

16. Ички назорат хизмати раҳбари ва ходимлари тижорат банки номидан тўлов (ҳисоб-китоб), кредит ва бухгалтерия ҳужжатларини имзолаш ёки ушбу ҳужжатларга имзо қўйиш орқали розилик билдириш (визалаш) ҳуқуқига эга эмас.

17. Ички назорат хизматининг раҳбари ва ходимлари ўз вазифаларини бажаришда қуйидагиларга мажбурдирлар:

ўз ваколати доирасида мазкур Қоидалар ва ички ҳужжатлар билан юклатилган мақсадларга эришиш ва вазифаларни бажариш учун зарур чораларни кўриш;

тижорат банкининг тегишли бўлинмаларидан олинган ҳужжатларнинг сақланишини ва қайтарилишини таъминлаш;

ўз вазифаларини амалга оширишда олинган маълумотларнинг махфийлигига риоя қилиш;

мазкур Қоидалар ва ички ҳужжатларга мувофиқ бошқа мажбуриятларни амалга ошириш.

18. Ички назорат хизмати раҳбари бевосита тижорат банки бошқаруви раисига ҳисобдордир ва тижорат банкининг бошқа бўлинмаларидан мустақилдир.

Ички назорат хизмати ходимлари бевосита Ички назорат хизмати раҳбарига ҳисобдордир.

19. Тижорат банки бўлинмалари ходимлари Ички назорат хизматига унинг вазифаларининг амалга оширилишида мазкур Қоидалар ва ички ҳужжатларга мувофиқ кўмаклашадилар.

20. Тижорат банки бўлинмалари ходимларининг Ички назорат хизмати раҳбари ёки ходимлари ўртасидаги ўзаро муносабат тартиби ички ҳужжатлар билан белгиланади.

21. Ходимларнинг сўнги янгиликларга, жумладан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг ва терроризмни молиялаштиришнинг замонавий усуллари, услублари ва йўналишлари ҳақидаги ахборотга эга бўлишларини таъминлаш ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги қонун ҳужжатлари ва мажбуриятларнинг барча жиҳатларини аниқ тушунтириб бериш мақсадида тижорат банклари мунтазам равишда ходимларни қайта тайёргарликдан ўтказишлари шарт.

III. Мижозларни лозим даражада текшириш

22. Тижорат банклари қўйидаги ҳолларда мижозларни лозим даражада текшириш бўйича мустақил равишда чора-тадбирларни кўришлари керак:

а) хўжалик ва фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларни ўрнатишда, шу жумладан:

юридик ёки жисмоний шахс банк ҳисобварағини (омонатни) очиш учун ариза билан мурожаат қилганда;

тижорат банки томонидан эмиссия қилинган қимматли қоғозлар харидида;

жисмоний шахс кредит олиш учун мурожаат қилганида;

б) бир марталик операциялар амалга оширилган қўйидаги ҳолларда:

энг кам иш ҳақи миқдорининг 1000 бараварига тенг ёки ундан ошган суммада жисмоний шахслар томонидан нақд чет эл валютаси сотилишида;

жисмоний шахслар томонидан нақд чет эл валютасини сотиб олиниши;

банк ҳисобварағини очмасдан ёки ҳисобварақдан фойдаланмасдан, пул ўтказмаларини амалга оширишда ёки қабул қилишда (коммунал ва алоқа хизмати, бюджет, бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бундан мустасно);

в) шубҳали операциялар амалга оширилганда;

г) мижознинг шахси тўғрисида аввал олинган маълумотларнинг тўғрелигига нисбатан гумонлар мавжуд бўлганда.

23. Мижозни лозим даражада текшириш бўйича тижорат банклари томонидан кўриладиган чора-тадбирлар қўйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

тегишли ҳужжатлар асосида мижознинг ва у қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текширишни;

мижознинг ҳақиқий эгасини идентификациялашни;

мижоз томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни уларнинг бундай мижоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида доимий асосда ўрганиш ўтказишни.

24. Тижорат банки томонидан мижоз ва мижознинг ҳақиқий эгасини идентификацияси мазкур Қоидаларнинг 1 ва 2-иловаларида кўзда тутилган маълумотлар, шунингдек, операциялар ва бошқа битимларнинг бажарили-

ши учун асос ҳисобланувчи ҳужжатлар ва бошқа зарур маълумотлар асосида амалга оширилади.

25. Пластик карточкалардан фойдаланилган ҳолда операциялар бажарилганда мижозни идентификациялаш пластик карточканинг реквизитлари асосида амалга оширилади.

Мижозни ва операциянинг бошқа иштирокчиларини идентификациялаш имконини берувчи барча ҳужжатлар улар тақдим этилган санада кучини йўқотмаган бўлиши шарт.

26. Тижорат банки томонидан жисмоний шахс — мижозни идентификациялаш шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки уни ўрнини босадиган ҳужжат) асосида амалга оширилади. Бунда, тижорат банки мустақил равишда бундай ҳужжатнинг асли билан танишиб чиқиши лозим.

27. Юридик шахс — мижозларга нисбатан мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар бажарилаётганда тижорат банклари улардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни, раҳбарияти ҳақидаги, шунингдек, таъсис ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларни олишлари лозим.

Агар мижоз ёки мижознинг ҳақиқий эгаси мулкчилик таркиби тўғрисида маълумотни ошкор қилиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари татбиқ қилинувчи юридик шахс ҳисобланса, бундай юридик шахснинг таъсисчилари (акциядорлари, иштирокчилари)ни аниқлаш ва тасдиқлаш талаб этилмайди.

28. Тижорат банки юридик шахс — мижозни батафсил ўрганиш мақсадида қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратиши лозим:

мижознинг таъсисчилари (акциядорлари, иштирокчилари) таркибига, мижознинг устав фонди (капитали)нинг 10 фоиздан ортиқ улушига эгалик қилаётган шахсларни аниқлашга;

мижоз бошқаруви органлари тузилмасига ва уларнинг ваколатларига; мижоз устав фонди (капитали)нинг рўйхатга олинган миқдорига.

29. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари нисбатан мижозларни лозим даражада текшириш чора-тадбирларининг ўтказилиши талаб қилинмайди.

30. Норезидент — банк билан вакиллик муносабатлар ўрнатилишида ва амалга оширилишида норезидент — банкни идентификациялашдан ташқари, тижорат банки қўйидагиларни амалга ошириши лозим:

норезидент — банкнинг иш фаолияти хусусиятлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун у ҳақидаги ахборотларни йиғиш;

очиқ маълумотлар асосида норезидент — банкнинг обрўсини ва назорат сифатини, жумладан, ушбу банкка нисбатан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга алоқадор қонун ҳужжатларини бузганлик учун тергов олиб борилган ёки борилмаганлигини аниқлаш;

«транзит ҳисобварақлар»га нисбатан — банк — респондентда банк — корреспондент сўрови бўйича мижоз тўғрисида керакли идентификациялашга

оид зарур маълумотларни тақдим этиш имконияти мавжудлиги тўғрисида тасдиқ олиш;

транзит ўтказмаларини амалга ошириш мақсадида бошқа банклар билан муносабатларни ўрнатишда электрон тўловлар тўғрисидаги барча маълумотларни сақлаш.

Норезидент — банк билан вакиллик муносабатларини ўрнатиш тўғрисида қарор тижорат банки бошқаруви томонидан қабул қилинади.

31. Тижорат банклари вакиллик муносабатлари ўрнатилаётган норезидент — банклар томонидан текширишнинг халқаро стандартлар қўлланилиши ва операцияларга нисбатан тегишли текширув тартибларидан фойдаланилиши ҳақида ишонч ҳосил қилишлари керак.

32. Тижорат банклари вакиллик муносабатларини давом эттириш жараёнида жинорий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатлар ҳудудида жойлашган норезидент — банкларга алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

Тижорат банклари:

улар рўйхатдан ўтган давлатларнинг ҳудудида доимий фаолият юритувчи бошқарув органлари бўлмаган банклар томонидан ҳисобварақлари фойдаланаётганлиги тўғрисида маълумот мавжуд бўлган норезидент — банклар билан муносабатлар ўрнатилишини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар кўришлари шарт;

халқаро ҳисоб-китоблар амалга оширилишида мазкур ҳисоб-китоблар билан боғлиқ тўлов тафсилотлари ва бошқа маълумотларни банк — кореспондентларга тақдим этиши мумкин.

Тижорат банкларининг чет элдаги шўъба банклари, филиаллари ва ваколатхоналари жинорий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда халқаро стандартлар ва улар жойлашган мамлакат талабларига риоя қилишлари лозим.

33. Мижозни ва мижознинг ҳақиқий эгасини қайта идентификациялаш мажбурий ҳисобланмайди, агар ушбу мижоз ва мижознинг ҳақиқий эгаси мазкур Қоидаларга мувофиқ тижорат банки томонидан аввал идентификацияланган бўлса.

34. Мижоз ва мижознинг ҳақиқий эгасини қайта идентификациялаш аввалги идентификациялаш натижасида олинган маълумотлар аниқлигига гумон туғилган тақдирда амалга оширилиши лозим.

35. Мижоз ва мижознинг ҳақиқий эгасини идентификациялашда тижорат банки олинган маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Департамент томонидан шакллантириладиган, мазкур Қоидаларнинг 42-бандида кўрсатилган шахслар рўйхати (кейинги ўринларда — Рўйхат) билан солиштириб чиқиши шарт.

Мижоз ва мижознинг ҳақиқий эгасини идентификациялаш жараёнида Рўйхатга киритилган шахслар аниқланган тақдирда тижорат банки мазкур

Қоидаларнинг VIII бобида ўрнатилган чора-тадбирларни амалга ошириши шарт.

36. Тижорат банклари қуйидаги ҳолларда мижозга пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширишни рад этишга ҳақлидирлар:

юридик шахс бошқаруви органи ёки юридик шахс номидан ишончномасиз фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ўзининг жойлашган ери (почта манзили) бўйича мавжуд бўлмаганида;

шак-шубҳасиз нотўғри бўлган ҳужжатлар тақдим этилганда ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ сўраладиган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

37. Тижорат банкларига қуйидагилар тақиқланади:

аноним (номи кўрсатилмаган ҳолда) шахсларга, яъни ҳисобварақ (омонат) очаётган жисмоний ёки юридик шахслар томонидан уни идентификациялаш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилмаган ҳолда, ҳисобварақ (омонат) очиш;

ўйлаб чиқарилганлиги аниқ бўлган номларга ҳисобварақлар очиш;

ўзлари ва доимий фаолият юритувчи бошқарув органлари улар рўйхатдан ўтган давлатларнинг ҳудудидан жойлашмаган норезидент — банклар билан муносабат ўрнатиш ва давом эттириш;

тақдим этувчига бўлган қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий инструментлар чиқариш.

38. Мижозни лозим даражада текшириш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда тижорат банки бундай мижоз билан ҳамкорлик муносабатларига киришмаслиги ёки бундай мижознинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширмаслиги, ёхуд у билан ҳар қандай амалий иш муносабатларини тўхтатиши лозим.

IV. Гумонли ва шубҳали операциялар мезонлари ва аломатлари

39. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар қуйидаги мезон ва аломатларнинг бири мавжуд бўлганда гумонли операция деб тан олинади:

1) тижорат банки томонидан операцияга ёки уни амалга ошираётган мижозга хатар даражаси юқори деб берилган;

2) пул маблағлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига оффшор ҳудудларда доимий яшовчи ёки рўйхатга олинган шахсларнинг ҳисобварақига ёки фойдасига кўчирилиши, ёхуд бундай шахсларнинг ҳисобварақидан Ўзбекистон Республикасига 30 календарь кундан ошмаган муддат давомида охириги ўтказиш (келиб тушиш) кунда белгиланган энг кам иш ҳақининг 1000 бараварига тенг бўлган ёки ундан ошадиган умумий суммада маблағлар бир маротаба ёки кўп маротаба ўтказилиши (келиб тушиши);

3) резидент — мижоз томонидан товар етказиб бериш (иш бажариш,

хизмат кўрсатиш) шартномаси бўйича аввал олинган бадал суммасини но-резидент фойдасига мунтазам равишда қайтариб берилиши;

4) операцияни амалга ошириш учун тақдим қилинган ҳужжатларнинг ҳақиқийлигига (ишончлигига) гумон туғилиши ва (ёки) операция тўғрисидаги, шу жумладан операция бажарувчи томонларнинг бири ҳақидаги маълумотлар тижорат банкида мавжуд бўлган маълумотларга мувофиқ келмаслиги;

5) операцияни амалга ошириш учун ариза (топшириқ, илтимоснома) билан мурожаат қилинганда миқдорнинг хатти-ҳаракатларининг ғайриоддийлиги, масалан: асабийлашиши, иккиланиш, миқдорнинг ҳаракатларини бошқариб турувчи шахсларнинг мавжудлигида унинг агрессивлиги ёки унинг бошқа шахсларга арзимас сабаб юзасидан телефон орқали маслаҳат учун мурожаат қилиши;

6) миқдорнинг махфийлик масалалари юзасидан ғайриоддий ташвишланиши ёки тижорат банки томонидан операция ҳақида сўралган маълумотларни миқдор томонидан асоссиз рад этилиши ёхуд тақдим этилишида ноўрин кечиктирилиши;

7) амалга оширилаётган операция бўйича миқдор ҳамкорларини аниқлаш имкони йўқлиги;

8) операция иқтисодий моҳиятга эга эмаслиги ва миқдор фаолиятининг тавсифи ва фаолият турига мувофиқ келмаслиги;

9) миқдор фаолияти тавсифига боғлиқ бўлмаган ҳолда унинг ҳисобварағида пул маблағлари айланмасининг асоссиз кўпайиши;

10) тижорат банки иштирокида миқдор томонидан бажарилаётган операцияларнинг операцияларни амалга оширишнинг умумқабул қилинган амалиётига номувофиқлиги;

11) миқдор томонидан бажарилаётган операцияларга ўхшаш операцияларнинг суммалари асоссиз тақсимланиши;

12) ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби миқдорнинг оддий фаолиятдан фарқ қилувчи ностандарт ёки ғайриоддий мураккаб схемалардан иборат бўлиши;

13) миқдор томонидан операциянинг аввал келишилган амалга ошириш схемасига унинг ижро қилинишини бевосита бошланишидан олдин, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкларнинг ҳаракат йўналишига тааллуқли бўлган ўзгартиришлар киритилиши;

14) жисмоний шахс томонидан айирбошлаш қунига белгиланган энг кам иш ҳақининг 1000 баравари миқдорига тенг бўлган ёки ундан ошадиган суммада бир қийматдаги банкнотларни бошқа қийматдаги банкнотларга айирбошлаш;

15) операция амалга оширилиш қунига белгиланган энг кам иш ҳақининг 1000 баравари миқдорига тенг ёки ундан ошадиган суммада жисмоний шахс томонидан нақд пул кўринишидаги пул маблағларини юридик шахснинг ёки яқка тартибдаги тадбиркорнинг банк ҳисобварағига қарз, кредит, молиявий ёрдам, устав фонди (капитал)га қўйилма сифатида киритилиши;

40. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар

қуйидаги мезон ва аломатларнинг бири мавжуд бўлганда шубҳали операция деб тан олинади:

1) операция бажарувчи томонларидан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахс бўлса;

2) жисмоний шахслар томонидан, шу жумладан пул ўтказмалари тизимлари орқали бир вақтда ёки 3 ойдан ошмаган муддат давомида кўп маротаба энг кам иш ҳақининг 1000 баравари миқдорига тенг ёки ундан ошадиган умумий суммада чет эл валютасида пул маблағлари олиниши ёки жўнатилиши;

3) жисмоний шахслар томонидан бир вақтда ёки 3 ойдан ошмаган муддат давомида кўп маротаба энг кам иш ҳақининг 1000 баравари миқдорига тенг ёки ундан ошадиган умумий суммада чет эл валютасидаги пул маблағлари сотилиши ёки сотиб олиниши;

4) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига номи кўрсатилмаган ҳолда, (аноним) шахсга очилган ҳисобвараққа пул маблағлари кўчирилиши ҳамда Ўзбекистон Республикасига номи кўрсатилмаган ҳолда, (аноним) шахсга очилган ҳисобварақдан пул маблағларининг тушиши;

5) тижорат банки томонидан хабар қилиниши лозим бўлган операциялар тоифасига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган гумонли операция.

41. Ички қоидалар билан гумонли операцияларни қўшимча мезонлари ва аломатлари белгиланиши мумкин.

V. Алоҳида ҳолларда хабар қилиниши лозим бўлган операциялар мезонлари

42. Операция бажарувчи томонларидан бири қуйидаги шахслар ҳисобланиши тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олинган ахборот мавжуд бўлганда ҳар қандай операция алоҳида ҳолларда хабар қилиниши лозим:

террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёки амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс.

VI. Хатар даражасини аниқлаш

43. Мижозни лозим даражада текшириш жараёнида олинган маълумотлар асосида, мижознинг фаолияти ва операциялари турларини инобатга олган ҳолда, Ички назорат хизмати мижоз томонидан жиноий фаолиятдан олин-

ган даромадларни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш мақсадида операцияларни амалга оширилишини баҳолаши ва тегишли (юқори ёки паст) хатар даражасини белгилаши лозим (кейинги ўринларда — хатар даражаси).

44. Тижорат банки аввалдан қуйидаги мезонларга жавоб берадиган мижозларни юқори даражадаги хатар тоифасига киритиши мумкин бўлиб, уларга нисбатан тижорат банки кучайтирилган эътибор қаратиши лозим:

а) террорчилик фаолиятида иштирок этаётганлиги ёхуд террорчилик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларнинг назорати остида эканлиги ёхуд террорчилик фаолияти билан шуғулланаётган ёки шуғулланишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори эканлиги ёхуд уни назорат қилаётганлиги тўғрисида мавжуд бўлган маълумотга тегишли шахслар;

б) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда ёхуд оффшор ҳудудда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахслар;

в) оффшор ҳудудларда ҳисобвараққа эга бўлган резидент ва норезидентлар;

г) ҳақиқатда жойлашган жойи таъсис ёки рўйхатга олиш ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга мувофиқ бўлмаган ташкилотлар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар;

д) фаолият даври молиявий йилнинг бир чорагидан ошмаган ташкилот ва яқка тартибдаги тадбиркорлар;

е) ҳақиқий эгаси мазкур банднинг «а», «б» кичик бандларида кўрсатилган шахслар ҳисобланган ташкилотлар;

ж) мунтазам равишда (масалан, 3 ой ичида кетма-кет) шубҳали ёки гумонли операцияларни амалга оширувчи мижозлар;

з) ички қоидаларда белгиланадиган бошқа шахслар.

45. Агар мижозлар билан ҳамкорлик юқори даражадаги хатар билан боғлиқ бўлмаса, у ҳолда бундай мижозлар паст даражадаги хатар тоифасига киритилади.

46. Тижорат банки қуйидаги мезонларга жавоб берадиган операцияларни юқори даражадаги хатар тоифасига киритиши мумкин бўлиб, уларга нисбатан тижорат банки кучайтирилган эътибор қаратиши лозим:

а) иштирокчилари мазкур Қоидаларнинг 44-бандининг «а», «б» кичик бандларида кўрсатилган шахслар ҳисобланган операциялар;

б) оффшор ҳудудда очилган ҳисобварақлар орқали амалга ошириладиган операциялар;

в) қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар, шунингдек, таркибида қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар мавжуд бўлган заргарлик буюмлари билан операциялар, тижорат банклари ўзлари амалга оширадиган бундай операциялардан ташқари;

г) ички қоидаларда белгиланадиган бошқа операциялар.

47. Мижоз ёки мижоз томонидан амалга ошириладиган операция юқори даражадаги хатар тоифасига киритилган тақдирда, операцияни амалга оши-

риш (ҳисобварақ очиш, ҳисобварақдан маблағ кўчириш ва шу кабиларда) учун тижорат банкининг тегишли бўлинмаси Ички назорат хизмати раҳбаридан рухсат олиши ҳамда ушбу миждоз томонидан амалга ошириладиган операциялар устидан доимий мониторинг юритиши шарт.

Мижоз томонидан амалга ошириладиган операцияларнинг тавсифи ўзгаришига қараб, тижорат банки зарур ҳолларда у билан ишлаш бўйича хатар даражасини қайта кўриб бориши лозим. Тижорат банклари барча мураккаб, ғайриоддий йирик миждордаги операцияларга, шунингдек, иқтисодий ёки қонуний мақсадсизлиги аниқ бўлган операцияни ғайриоддий амалга ошириш схемаларига кучайтирилган эътибор қаратишлари керак.

VII. Гумонли ва шубҳали операцияларни аниқлаш

48. Идентификациялаш жараёнида олинган маълумотлар, шунингдек, миждоз билан ишлаш бўйича белгиланган хатар даражаси операцияларнинг миждоз фаолиятининг асосий йўналишларига мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиш учун ва зарур ҳолларда маблағлар манбаларини ўрганиш учун ўтказиладиган миждозлар томонидан амалга ошириладиган (оширилган) операцияларнинг мониторингига асос бўлиб ҳисобланади.

49. Миждозлар операцияларининг жорий текшируви тижорат банкининг миждозларга бевосита хизмат кўрсатувчи (масъул ижрочилар, кассирлар ва шу каби) тегишли ходимлари томонидан, лавозим мажбуриятларига мувофиқ амалга оширилади. Мазкур ходимлар гумонли операциялар аниқланган тақдирда бундай операциялар ҳақида бевосита ўз раҳбарига ва Ички назорат хизмати ходимларига ёзма равишда хабар беришга мажбурдирлар.

Миждозлар операцияларининг кейинги текшируви Ички назорат хизмати ходимлари томонидан жорий текширув жараёнида аниқланмайдиган шубҳали операцияларни аниқлаш мақсадида, миждознинг ўтган давр мобайнида бажарган операцияларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

50. Гумонли операциялар аниқланганда тижорат банкининг миждозларга бевосита хизмат кўрсатувчи ходимлари Ички назорат хизматининг топшириғига биноан зарур ҳолларда ўтказиладиган операция ҳақидаги қўшимча маълумотлар юзасидан миждозга муружаат қиладилар.

51. Ички назорат хизмати ходимлари миждоз ва операция ҳақидаги маълумотларни ўрганадилар ҳамда уларни Ички назорат хизмати раҳбарига юборадилар.

52. Асосли шубҳалар мавжуд бўлган тақдирда Ички назорат хизмати раҳбари миждоз операциясини шубҳали деб ҳисоблаш тўғрисида қарор қабул қилади.

53. Операцияларни шубҳали деб тан олиш ҳар бир алоҳида ҳолатда мазкур Қоидалар билан белгиланган шубҳали операциялар мезонлари ва аломатларидан фойдаланган ҳолда комплекс таҳлил асосида амалга оширилади.

54. Миждоз операциясини шубҳали деб тан олингандан сўнг, Ички назорат хизмати раҳбари тижорат банкининг миждозга нисбатан келгуси ҳаракатлари юзасидан, шу жумладан:

Департаментга шубҳали операция тўғрисида хабар бериш;
тижорат банкининг тегишли раҳбарларини ва унинг мижозлар билан бевосита фаолият юритадиган мутасадди бўлинмалари раҳбарларини операция шубҳали деб тан олинганлиги тўғрисида маълум қилиш;
мижоз тўғрисида қўшимча маълумот олиш;
мижоз билан ишлаш хатар даражасини қайта кўриб чиқиш;
мижоз билан операциялар амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратиш зарурияти;

қонун ҳужжатларига ва мижоз билан тузилган шартномага мувофиқ шартнома муносабатларини тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилади.

Шубҳали операция ҳақидаги хабар тижорат банки томонидан у аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ Департаментга берилади.

55. Ҳар бир хабар берилиши тўғрисидаги маълумот Ички назорат хизматининг махсус журналида қайд этиб борилади.

56. Тижорат банклари, шунингдек, тегишли операциянинг шубҳали эканлигини тасдиқловчи ёки шубҳалилигини олиб ташловчи ҳар қандай маълумот юзасидан дарҳол Департаментга хабар беришлари зарур.

VIII. Алоҳида ҳолларда хабар берилиши лозим бўлган операциялар аниқланганда амалга ошириладиган чора-тадбирлар

57. Агар мижоз билан муносабатларни ўрнатиш даврида, ёки ушбу муносабатларни амалга оширишда, ёхуд бир маротабалик операцияларни ўтказишда Ички назорат хизмати раҳбариди ёки ходимларида мазкур Қоидаларга мувофиқ операция алоҳида ҳолларда хабар қилиниши лозимлиги тўғрисида шубҳалар пайдо бўлса, Ички назорат хизмати раҳбари ёки ходимлари қўйидаги чора-тадбирларни кўришлари лозим:

мижоз ва мижознинг ҳақиқий эгасини батафсил идентификациялаш;

юрidik ёки жисмоний шахс ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш бўйича операцияларни истисно этганда, бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туриш тўғрисида асослантирилган фармойиш қабул қилиш;

операция тўхтатиб турилган куннинг ўзида операция тўғрисидаги хабарни Департаментга юбориш учун тайёрлаш;

операция ҳақидаги маълумотни Ички назорат хизматининг махсус журнаliga киритиш.

58. Операцияни тўхтатиш фақатгина тижорат банкида мижоз тўғрисидаги мавжуд ахборотлар Рўйхатдаги маълумотлар билан тўлиқ мос келган тақдирда амалга оширилади.

59. Операция тўхтатилган тақдирда мижознинг топшириғи асосида ҳисобварақлардан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш амалга оширилмайди.

Мижоз топшириғи операциялари тўхтатилган мижозларнинг топшириқлари рўйхатга олинадиган алоҳида журналда рўйхатга олиниши, шунингдек, операция тўхтатилиши муддати тугагунига қадар махсус жилдга жойлаштирилиши лозим.

Операциялари тўхтатилган мижозларнинг топшириқларини рўйхатга олиш учун алоҳида журналда тўхтатилган операцияни, шунингдек, ушбу операция иштирокчиларини идентификациялаш имконини берувчи маълумотлар қайд этиб борилади.

60. Департаментнинг операцияни икки иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ҳақидаги кўрсатмаси мавжуд бўлганда, тижорат банки уни кўрсатилган муддатгача тўхтатади.

IX. Тижорат банклари томонидан Департамент сўровларининг бажарилиши

61. Департамент жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни, шу жумладан тижорат банкининг автоматлаштирилган ахборот, маълумотнома тизимларидан ҳамда маълумотлар базаларидан сўраш ва бепул олиш ҳуқуқига эга.

62. Тижорат банклари Департаментнинг сўровлари бўйича қўшимча маълумотларни тақдим қиладилар.

63. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи хорижий органлар сўров билан Департаментга мурожаат қиладилар. Департамент Марказий банк орқали тегишли сўровни тижорат банкларига тақдим этади. Тижорат банклари бундай сўров асосида сўралаётган маълумотни Департаментга тақдим этадилар.

X. Ички назоратни амалга ошириш натижасида олинган маълумотлар ва ҳужжатларни расмийлаштириш, сақлаш ва махфийлигини таъминлаш

64. Мижозларни лозим даражада текшириш билан боғлиқ бўлган тўлиқ ёки қисман ва хорижий тилда тузилган ҳужжатлар тижорат банки томонидан, зарур ҳолларда, давлат тилига ёки рус тилига таржимаси билан талаб этилиши мумкин.

65. Тақдим қилинган ҳужжатлар нусхаларининг тўғрилигига гумон ёки бошқа зарурат пайдо бўлган тақдирда, тижорат банки танишиш учун ҳужжатларнинг асл нусхаларини тақдим қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

66. Мижозни лозим даражада текшириш жараёнида олинган мижоз тўғрисидаги маълумотлар мазкур Қоидаларнинг 3-иловасига мувофиқ мижоз сўров-

номасида қайд этилади. Тижорат банки ички ҳужжатларга мувофиқ мижоз сўровномасига бошқа маълумотларни киритиш ҳуқуқига эга.

67. Мижоз сўровномаси қоғоз шаклида ва электрон шаклда тўлдирилади. Электрон шаклда тўлдирилган мижоз сўровномаси қоғоз шаклида чиқарилганда тижорат банкининг бош бухгалтери ёки у бўлмаган тақдирда, унинг муовини томонидан тасдиқланади.

68. Мижозлар сўровномалари мижозлар мақоми бўйича (юридик ва жисмоний шахслар бўйича) хронологик тартибда алоҳида жилдларда тикиб борилади ва Ички назорат хизмати ходими томонидан сақлаб борилади.

Электрон шаклда тўлдирилган сўровномалар тижорат банкининг мижозларни идентификациясини амалга оширувчи ходимларига мижоз тўғрисидаги маълумотларни текшириш учун доимий режимда тезкор фойдаланиш имкониятини берувчи электрон базада сақланади.

69. Мижоз сўровномаси тижорат банкида мижоз билан муносабатлар тўхтатилган кундан бошлаб беш йилдан кам бўлмаган муддат давомида сақланади.

70. Мижоз сўровномасида кўрсатиладиган маълумотларнинг ўзгаришига, шунингдек, у томонидан амалга оширилаётган молиявий операцияларнинг тавсифи ўзгаришига қараб, тижорат банклари зарур ҳолларда мижоз билан ишлаш бўйича хатар даражасини қайта кўриб бориши лозим.

71. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборот зарурат туғилган тақдирда операция тафсилотларини қайта тиклаш мумкин бўлган тарзда расмийлаштирилиши лозим.

72. Тижорат банклари пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, идентификациялаш маълумотларини ва мижозларни лозим даражада текширишга доир материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар давомида, лекин бундай операциялар амалга оширилганидан ёки мижозлар билан амалий иш муносабатлари тўхтатилганидан кейин камида беш йил мобайнида сақлашлари шарт.

73. Тижорат банклари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборотга кириш имкониятини чеклайдилар, унинг тарқалиб кетмаслигини таъминлайдилар ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга уларнинг операциялари ҳақида Департаментга хабар берилганлиги тўғрисида маълум қилиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Тижорат банки ички назорат вазифаларини бажариш жараёнида олинган маълумотларни банкнинг ходимлари томонидан ошкор қилинмаслигини (ёки улардан шахсий мақсадда ёхуд учинчи шахслар манфаатларида фойдаланмаслигини) таъминлайди.

74. Учинчи шахсларга маълумотлар, шу жумладан сўровномадан мижознинг идентификация маълумотларини ташкил этувчи маълумотлар тақдим қилиниши қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

75. Мижозни лозим даражада текшириш ва идентификациялаш натижасида олинган маълумотлар, тижорат банки мижоз томонидан жиноий фао-

лиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришни амалга ошириш хатари юқори деб баҳолаган тақдирда камида бир йилда бир маротаба ҳамда бошқа ҳолларда камида уч йилда бир маротаба янгилиниб борилиши лозим.

ХІ. Тижорат банкининг, Ички назорат хизмати ҳамда бошқа бўлинмалар раҳбар ва ходимларининг жавобгарлиги

76. Тижорат банклари, Ички назорат хизмати ва бошқа бўлинмалар раҳбар ва ходимлари мазкур Қоидаларни бузганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

77. Қонун ҳужжатлари, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини тижорат банки ходимлари томонидан операцияларни амалга ошириш жараёнида бузиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги тўғрисида далиллар маълум бўлиб қолган тижорат банки ходимлари ушбу далилларни дарҳол Ички назорат хизмати раҳбарига ёки ходимларига ёзма равишда етказадилар.

ХІІ. Яқуний қоидалар

78. Тижорат банклари томонидан мазкур Қоидалар талабларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат Марказий банк томонидан ва зарур ҳолларда Департамент билан биргаликда амалга оширилади.

79. Тижорат банки бошқаруви ички ва ташқи вазиятларнинг ўзгаришини инобатга олган ҳолда, тижорат банки ички назорат тизимини доимий равишда мониторинг қилиб боради ва самарадорлигини баҳолаб боради, шунингдек, зарур ҳолда самарали ишлашини таъминлаш учун унинг фаолиятини кучайтиради.

Ички назорат тизими самарадорлигини мониторинг қилиш тижорат банки ички аудит хизмати томонидан ҳам олиб борилиши мумкин.

80. Тижорат банкининг ички аудит хизмати ёки бошқа назорат хизматлари томонидан аниқланган ички назорат тизимининг камчиликлари ўз вақтида тижорат банки бошқаруви раисига маълум қилинади. Маълумотни олгандан сўнг тижорат банки бошқаруви раиси аниқланган камчиликларнинг ўз вақтида бартараф қилинишини таъминлаши лозим.

Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Ички назорат қоидаларига
1-ИЛОВА

Жисмоний шахсларни идентификациялашда зарур бўлган МАЪЛУМОТЛАР

1. Фамилияси, исми, отасининг исми.
2. Туғилган санаси ва жойи.
3. Фуқаролиги.
4. Доимий ва (ёки) вақтинчалик яшаш жойи.
5. Паспорт ёки унинг ўрнини босадиган хужжат реквизитлари: хужжат серияси ва рақами, хужжат берилган сана, хужжатни берган орган номи.
6. Солиқ тўловчининг идентификацион рақами (агар мавжуд бўлса).
7. Уй телефони рақами (агар мавжуд бўлса).

Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Ички назорат қоидаларига
2-ИЛОВА

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларни идентификациялашда зарур бўлган МАЪЛУМОТЛАР

1. Юридик шахсларни идентификациялашда зарур бўлган маълумотлар:
 - а) тўлик, шунингдек, агар, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномасида кўрсатилган бўлса, қисқартирилган номи;
 - б) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот: сана, рақам, рўйхатга олувчи орган номи;
 - в) солиқ тўловчининг идентификацион рақами;
 - г) жойлашган ери (почта манзили);
 - д) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган бошқа маълумотлар;
 - е) лицензияланиши лозим бўлган фаолият турларини амалга ошириш учун мавжуд бўлган лицензиялар тўғрисида маълумотлар: фаолият тури, лицензиянинг рақами ва берилган санаси; ким томонидан берилганлиги; амал қилиш муддати;
 - ж) юридик шахс номидан иш кўрувчи жисмоний шахсни идентификацияси тўғрисида маълумотлар;
 - з) юридик шахс таъсисчилари (акциядорлари, иштирокчилари) ҳақидаги ҳамда уларнинг устав фонди (капитали)даги улушлари тўғрисида маълумотлар;

и) рўйхатга олинган ва тўланган устав фонди (капитали) миқдори тўғрисидаги маълумотлар;

к) юридик шахс бошқарув органлари (юридик шахснинг бошқарув органларининг тузилмаси ва шахсий таркиби) тўғрисидаги маълумотлар;

л) телефон рақамлари.

2. Якка тартибдаги тадбиркорларни идентификациялашда зарур бўлган маълумотлар:

а) мазкур Қоидаларнинг 1-иловасида кўзда тутилган маълумотлар;

б) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот:

сана, рақам, рўйхатга олувчи орган номи;

в) фаолият амалга ошириладиган жой;

г) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган бошқа маълумотлар;

д) фаолият турларини амалга ошириш учун мавжуд гувоҳномалар ва лицензиялар тўғрисидаги маълумотлар: фаолият тури, лицензия рақами, берилган санаси; ким томонидан берилганлиги; амал қилиш муддати;

е) телефон рақамлари.

Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Ички назорат қоидаларига
3-ИЛОВА

Мижоз сўровномасида кўрсатиладиган МАЪЛУМОТЛАР

1. Мижозни идентификациялаш жараёнида олинган, мазкур Қоидаларнинг 1, 2-иловаларида кўрсатилган маълумотлар.

2. Хатар даражаси ҳақида маълумот, шу жумладан хатарни баҳолаш асослари.

3. Банк томонидан мижозни идентификациялашда амалга оширилган қўшимча чора-тадбирлар натижалари.

4. Мижоз билан муносабатлар ўрнатилган сана — тижорат банкидаги биринчи банк ҳисобварағи (омонати) очилган сана.

5. Мижоз сўровномаси тўлдирилган ва ўзгартириш киритилган сана.

6. Мижоз билан ишлашга масъул ходим, хусусан, ҳисобварақ очган ва ҳисобварақ очилганлигини тасдиқлаган ходим (бош бухгалтер ва унинг муовини) фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими.

7. Қоғоз шаклидаги мижоз сўровномасини тўлдирган ходим имзоси (фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими кўрсатилган ҳолда) ва электрон кўринишдаги мижоз сўровномасини тўлдирган ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими.

8. Ички қоидаларда белгиланадиган бошқа маълумотлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА
ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

473 **Ҳарбий хизматчиларни олий ҳарбий таълим муассасалари ва Сержантларни тайёрлаш мактабларида ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини давлатга ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
27 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2024*

(2009 йил 6 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 январдаги ПҚ–257-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат Божхона қўмитаси ва Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги **қарор қилади:**

1. Ҳарбий хизматчиларни олий ҳарбий таълим муассасалари ва Сержантларни тайёрлаш мактабларида ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини давлатга ундириш тартиби тўғрисидаги низом иловага асосан тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

Мудофаа вазири

К. БЕРДИЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 16 октябрь,
10-сон

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 16 октябрь,
12-сон

Фавқулодда вазиятлар вазири

К. АХМЕДОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 16 октябрь,
281-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 16 октябрь,
100-сон

**Миллий хавфсизлик
хизмати раиси**

Р. ИНОЯТОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 16 октябрь,
90-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

С. НОСИРОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 16 октябрь,
01-02/5-27-сон

**Ўзбекистон Алоқа ва
ахборотлаштириш агентлиги
бош директори**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 16 октябрь,
325-сон

Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги,
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий
хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўми-
таси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш
агентлигининг 2009 йил 16 октябрдаги
10, 12, 281, 100, 90, 01-02/5-27,
325-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ҳарбий хизматчиларни олий ҳарбий таълим
муассасалари ва Сержантларни тайёрлаш мактабларида
ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини давлатга
ундириш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 январдаги ПҚ–257-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат Божхона қўмитаси, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ҳарбий хизматчиларидан (кейинги ўринларда ҳарбий хизматчилар деб юритилади) олий ҳарбий таълим муассасалари (кейинги ўринларда ОҲТМ деб юритилади) ва Сержантлар тайёрлаш мактабларида (кейинги ўринларда СТМ деб юритилади) уларни ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини ундирилишини тартибга солади.

I. Умумий қоида

1. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва ҳарбий хизматчилар, шунингдек, уларнинг ота-оналари ОҲТМ ва СТМга ўқишга киришидан олдин ОҲТМ ва СТМ раҳбарияти томонидан, ўқишни тамомлагач шартнома талабларини бажармаганлиги сабабли захирага бўшатилиши, шартноманинг муддатидан илгари бекор қилиниши ёки содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этилиши ҳолатларида моддий масъуллиги тўғрисида ёзма ҳолда огоҳлантириладилар.

**II. Ҳарбий хизматчиларни ўқитишга сарфланган
маблағларни ундириш**

2. ОҲТМ ва СТМни тамомлаган ва ҳарбий хизматни ўташ ҳақидаги янги шартномани имзолаган ҳарбий хизматчилар, шартнома талабларини бажармаганлиги ёки содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этилиши сабабли шартномада кўрсатилган муддатдан илгари захирага бўшатилса, улардан ўқитишга сарфланган бюджет маблағлари ундириб олинади.

3. ОХТМ ва СТМда ўқитишга сарфланган бюджет маблағлари қуйидаги ҳолатларда ундирилмайди, агар:

а) ҳарбий хизматчини шартнома муддати тугагач, шунингдек, соғлиги туфайли, штатлар қисқариши сабабли ундан ҳарбий хизматда фойдаланишнинг имконияти йўқлиги ёки вазирлик ва муассасаларнинг ташаббуси билан давлат ва ҳарбий сирлардан хабардор бўлишга рад этилган ёки шу ҳуқуқ бекор қилиниши билан бўшатиlsa;

б) ҳарбий хизматчининг ота-онасидан бири ҳуқуқ-тартибот органлари ходими бўлиб хизмат вазифасини ўтаётганда ҳалок бўлган бўлса;

в) ҳарбий хизматчи ҳалок бўлганлиги муносабати билан қисм шахсий таркиби рўйхатидан ўчирилган бўлса.

4. ОХТМни тамомлаган ва 5 йил давомида ҳарбий хизматни ўтаган ҳарбий хизматчи, уни ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини ундиришдан озод этилади.

ОХТМни тамомлагач, шартнома тузмасдан ҳарбий хизматни ўтаган ва 2006 йилнинг 1 сентябригача захирага бўшатилган ҳарбий хизматчилар, уларни ўқитиш учун сарфланган бюджет маблағларини тўлашдан озод этиладилар.

III. Ундириладиган тўловларнинг ҳажми

5. Олдин муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ОХТМ курсантини ўқитиш учун сарфланган бюджет маблағлари ва ундириладиган маблағлар ҳажми 5 йиллик ўқиш учун — захирага бўшатилган вақтида Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 430 баравари, 4 йил учун — 350 бараварига тенг.

Олдин муддатли ҳарбий хизматни ўтамаган ОХТМ курсантидан 5 йиллик ўқиш муддати учун — захирага бўшатилган вақтида Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 350 баравари, 4 йил учун — 270 бараварига тенг ҳажмда маблағлар ундирилади.

Ҳарбий хизматчининг СТМда ўқитишга сарфланган бюджет маблағлари ҳажми унинг захирага бўшатилган вақтида Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 40 бараварига тенг даражада ундирилади.

6. Ундириладиган бюджет маблағлари офицерлар учун хизматни ўтаган даврининг ОХТМни тамомлаб, янги шартнома бўйича 5 йил хизмат, СТМ битирувчилари учун — амалдаги шартноманинг ўталмаган муддати нисбатидан келиб чиқиб амалга оширилади.

7. Ушбу Низомнинг 2-бандида назарда тутилган ҳолатларда ҳарбий хизматчиларни захирага бўшатилиши тўғрисидаги буйруқда уни ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини ундириш зарурлиги кўрсатилади.

Қонунчиликда белгиланган тартибда буйруқ устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

8. Захирага бўшатилган ҳарбий хизматчилар ОХТМ ва СТМда уларни ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини бўшатиш тўғрисидаги буйруқ

эълон қилинган кундан эътиборан республика бюджетига 30 кун ичида махсус ҳисобга пул тўлаш орқали қайтардилар.

Ҳарбий хизматчиларни ўқитишга сарфланган бюджет маблағлари захирага бўшатишган ҳарбий хизматчилар, юридик (давлат ташкилотларидан ташқари) ёки жисмоний шахслар томонидан қайтарилиши мумкин.

Керакли пул маблағлари белгиланган муддатда тўланмаса, қарз қонунчилиқда белгиланган тартибда суд орқали ундирилади.

9. ОХТМ ва СТМда ўқиш учун сарфланган харажатларни тўлаганликни тасдиқловчи ҳужжатлар захирага бўшатишган ҳарбий хизматчилар томонидан пул маблағлари тўлови амалга оширилгандан кейин уч иш куни ичида сўнгги хизмат жойига тақдим этилиши лозим.

10. Буйруқ бекор қилинганда, ундирилган маблағлар ҳарбий хизматчига ёки тўловни амалга оширган шахсларга республика бюджетидан белгиланган тартибда қайтарилади.

IV. Яқунловчи қоидалар

11. Ҳарбий хизматни ўташдан бош тортиши, шартнома талабларини бажармаганлиги ёки содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этилиши муносабати билан ҳарбий хизматдан бўшатишган ҳарбий хизматчиларга ушбу Низом талаблари ҳамда вазирликлар ва муассасалар томонидан белгиланган тартибга кўра, олий ҳарбий таълим муассасасини тугатганлиги ҳақидаги давлат намунасидаги диплом ва унга илова, ўқитишга сарфланган бюджет маблағлари ундирилгандан сўнг берилади.

12. Ўқиш учун сарфланган бюджет маблағларини қайтармаган шахсларга кейинчалик ишга жойлашиш учун дипломнинг вақтинчалик берилмаслик сабаблари кўрсатилган ва олий маълумотга эга эканлиги тўғрисида маълумотнома ҳамда ўзлаштирган ўқув фанлари рўйхати, уларнинг ҳажми ва баҳолари қайд қилинган диплом иловасидан кўчирма берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ
БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

474 Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий
стандарти (8-сон МБМС) «Хусусийлаштириш мақса-
дида мулк қийматини баҳолаш»ни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
28 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2025*

(2009 йил 7 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 апрелдаги ПҚ–335-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2008 йил 24 апрелдаги ПҚ–843-сонли «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (8-сон МБМС) «Хусусийлаштириш мақсадида мулк қийматини баҳолаш» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

Раис

Д. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 6 октябрь
01/19-18/20-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат мулки қўмитасининг
2009 йил 6 октябрдаги
01/19-18/20-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш
миллий стандарти (8-сон МБМС) «Хусусийлаштириш
мақсадида мулк қийматини баҳолаш»**

Мазкур Мулкни баҳолаш миллий стандарти (8-сон МБМС) Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 208-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 апрелдаги ПҚ–843-сонли «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 18-сон, 145-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги баҳолаш фаолиятини норматив жиҳатдан тартибга солинишини белгилайди.

I-боб. Умумий қоидалар

1. 8-сон МБМСнинг мақсади хусусийлаштириш объектлари қийматини аниқлаш ва баҳолаш натижаларини акс эттириш меъёрлари ва қоидаларини белгилашдан иборатдир.

2. 8-сон МБМСнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

хусусийлаштириш объектларини баҳолашнинг стандарт тушунчалари ва қоидаларидан фойдаланиш орқали баҳоловчилар ҳаракатларининг мувофиқлигини таъминлаш;

баҳолашнинг ҳолисоналигига ва унинг сифатини оширишга қўмаклашишга қаратилган тартиботларни белгилаш;

бошланғич дастлабки ахборотга, баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот мазмунига ва материални баён этишга қўйиладиган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботлар ҳар хил талқин қилинишини истисно этадиган талабларни белгилаш;

мулкни баҳолашнинг самарали миллий тизимини шакллантиришга қўмаклашиш.

II-боб. Атамалар ва тушунчалар

3. 8-сон МБМСда қуйидаги атамалар ва тушунчалар қўлланилади:

аналог — асосий иқтисодий, жисмоний ва бошқа тавсифларга кўра баҳолаш объектига ўхшаш, нархи ўхшаш шартларда тузилган битимдан ёки рақобатли бозорда қилинган таклифдан маълум бўлган бошқа объект;

баҳолаш санаси — баҳолаш объектининг қиймати аниқланган сана;

пул оқими — даромад келтираётган мулкдан фойдаланишда ва (ёки) уни сотишдан тушумлар ва чиқимлар (харажатлар)дан ҳосил бўладиган ҳақиқий ёки ҳисобий даврий даромад;

дисконтлаш — баҳолаш объектидан кутилаётган бўлғуси пул оқимларини дисконтлашнинг тегишли ставкасидан фойдаланиб жорий қийматга келтириш;

фаразлар — баҳоловчининг ҳаққоний деб ҳисобланадиган тахминлари. Фаразлар текшириш ва тасдиқлаш мумкин бўлмаган баҳолаш объектига ёки баҳолаш ёндашувларига таъсир этадиган фактлар, шартлар ёки вазиятларни ўз ичига олади;

эскириш (қадрсизланиш) — жисмоний эскириш, функционал ва ташқи (иктисодий) қадрсизланиш каби турли сабаблар таъсирида мулк қийматининг йўқолиши;

капиталлаштириш — баҳолаш объектидан кутилаётган тушумларни унинг жорий қийматига айлантириш;

назорат улуши — мулкда қатнашиш (корхона устав фондида улуш) бўлиб, унинг эгасига корхона устидан назорат қилиш имкониятини таъминлайди;

мультипликатор — корхонанинг нархи ёки бошқа қиймат негизи ва унинг фаолиятини тавсифловчи молиявий, ишлаб чиқариш ва моддий кўрсаткичлари ўртасидаги нисбатни кўрсатувчи коэффициент.

чекловчи шартлар — қонунчилик, буюртмачи ёки баҳоловчи томонидан баҳолашга қўйилган чеклашлар;

таваккалчилик — баҳолаш объекти қийматига таъсир кўрсатишга қодир бўлган прогноз қилинаётган натижаларга эришмаслик ёки улардан ҳар қандай четлаш;

ихтисослаштирилган мулк — ўзининг (мазкур мулк хусусияти ёки унинг тузилиши, конфигурациясининг хусусиятлари, ўлчами, жойлашган ери ва бошқалар билан белгиланган) хусусиятига кўра фойдаланиш доираси чекланган мулк;

дисконтлаш ставкаси — бўлғуси пул оқимларини жорий қийматга ўзгартириш учун ишлатиладиган унумлилиқ ставкаси

капиталлаштириш ставкаси — одатда фоиз ҳисобида ифодаланган маълум давр учун даромад миқдорини қийматга ўзгартиришда ишлатиладиган бўлувчи

III-боб. Қўлланиш соҳаси

4. Қуйидагилар хусусийлаштириш мақсадида баҳолаш объектлари (кейинги ўринларда матнда баҳолаш объекти деб юритилади) ҳисобланади:

мулкий мажмуалар сифатидаги давлат унитар корхоналари ёки давлат муассасалари (кейинги ўринларда матнда корхоналар деб юритилади);

давлат мулкида бўлган кўчмас ва кўчар мулк;

давлатга тегишли бўлган қимматли қоғозлар;

юримдик шахсларнинг устав фондларида давлатга тегишли бўлган улушлар ва мулкий пайлар;

давлатга тегишли бўлган номоддий активлар.

5. 8-сон МБМС баҳоловчи ташкилотлар, баҳоловчилар ҳамда баҳолаш хизматларининг буюртмачилари учун мўлжалланган ва хусусийлаштириш мақсадида баҳолаш объектлари қийматини баҳолаш бўйича хизматлар кўрсатишда ва хусусийлаштирилаётган мулкни баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини текширишда қўлланилиши мажбурийдир.

6. 8-сон МБМС:

банкротлик тартиботлари доирасида реализация қилинаётган баҳолаш объектлари;

хусусийлаштирилаётган давлат тураржой фонди;

ҳаво ва сув транспорти воситалари;

алоҳида баҳолаш объектлари сифатида хусусийлаштирилиши лозим бўлган номоддий активлар қийматини баҳолашга татбиқ этилмайди.

7. Баҳолаш объектининг 8-сон МБМСга мувофиқ аниқланган қиймати хусусийлаштириш объектининг бошланғич нархини белгилашда тавсия этиладиган қиймат ҳисобланади. Хусусийлаштириш чоғида тузилган битимда белгиланган нарх баҳолашни амалга ошириш чоғида аниқланган қийматдан фарқ қилиши мумкин.

8. 8-сон МБМСни амалиётда қўллашда ушбу 8-сон МБМСнинг илова-сида келтирилган Услубий кўрсатмалардан фойдаланиш лозим.

IV-боб. Бухгалтерия ҳисоби стандартлари билан алоқадорлик

9. Баҳолаш амалиётида «эскириш» атамасининг мазмунини бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган шундай атама (амортизация ажратмалари) мазмунидан фарқлаш лозим. Шу туфайли ҳам, «эскириш» ёки «ҳисобланган эскириш» атамаларини баҳоловчилар Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (1-сон МБМС)да (рўйхат рақами 1604, 2006 йил 24 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 30-сон, 302-модда) акс эттирилган баҳолашнинг умумий принциплари ва тушунчаларига мувофиқ қўллашлари лозим.

«Асосий воситалар», «товар-моддий захиралари», «номоддий активлар», «бошланғич қиймат», «жорий қиймат», «қолдиқ (баланс) қиймати» тушунчалари улар бухгалтерия ҳисобида қайси маънода қўлланилса, шу маънода тушунилиши лозим.

10. Молиявий ҳисобот ҳужжатларидан МБМСнинг асосий фарқи шу билан белгиланадики, баҳолаш объектини баҳолашда қўлланиладиган қийматнинг пулдаги ифодаси тарихий факт эмас, балки муайян даврда объектининг фойдалилигига қийматнинг танланган турига мувофиқ берилган баҳо ҳисобланади. Қийматнинг бу баҳоси молиявий ҳисоботда акс эттирилган қийматдан фарқ қилиши мумкин.

V-боб. Стандарт талаблари

11. Баҳолаш объектининг қийматини хусусийлаштириш мақсадида баҳолаш қўйидаги босқичлардан ташкил топади:

баҳолаш ҳақидаги вазифани белгилаш ва баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисида шартнома тузиш;

баҳолаш объектини идентификация қилиш;

ахборот йиғиш ва уни таҳлил қилиш;

баҳолаш объектидан энг мақбул ва энг самарали фойдаланишнинг таҳлили (8-сон МБМСда назарда тутилган ҳоллар учун);

баҳолаш ёндашувлари ва усулларини танлаш, асослаш ва қўллаш;

баҳолаш натижаларини, қўлланилган баҳолаш ёндашувларини мувофиқлаштириш ва баҳолаш объектининг якуний қийматини ҳисоблаш;

қўлланилган баҳолаш ёндашувлари натижаларини мувофиқлаштириш ва баҳолаш объектининг якуний қийматини ҳисоблаш;

баҳолаш ҳақидаги ҳисоботни тузиш.

1-§. Баҳолаш ҳақидаги вазифани белгилаш ва баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисида шартнома тузиш

12. Баҳолаш ҳақидаги вазифа буюртмачи томонидан баҳоловчи ташкилот билан биргаликда тузилади ва баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисидаги шартномага илова сифатида расмийлаштирилади. Баҳолаш ҳақидаги вазифада қўйидагилар кўрсатилиши лозим:

баҳолаш объектининг номи ва тавсифи;

баҳолаш санаси;

баҳолаш мақсади (мақсадлари) ва баҳолаш натижаларидан фойдаланиш мўлжали;

баҳолаш мақсадига мувофиқ бўлган қиймат тури;

чекловчи шартлар;

буюртмачи ёки унинг вакили тақдим этиши лозим бўлган дастлабки маълумотлар рўйхати;

баҳолаш ишларини бажариш муддатлари.

Баҳолаш мақсадига ва баҳолаш объектининг хусусиятларига қараб баҳолаш ҳақидаги вазифа қўшимча шартларни ўз ичига олиши мумкин.

13. Давлат корхонаси ёки муассасасини хусусийлаштиришда, агар давлат мулки объектларини тасарруф этувчининг қарорлари билан ўзгача тартиб ўрнатилган бўлмаса, баҳолаш объектининг бозор қиймати аниқланади. Баҳолаш мақсадларига қараб бозор қиймати билан бир қаторда бозор қийматидан фарқ қилувчи бошқа қиймат аниқланиши ҳам мумкин. Бозор қийматидан фарқ қилувчи бошқа қийматини аниқлаш зарур ҳолларда, аниқланаётган қийматнинг қўлланиш сабаблари ва унинг бозор қийматидан фарқи баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда очиб берилиши ва тавсифланиши лозим.

14. Аниқланадиган қиймат тури баҳолаш ҳақидаги вазифада белгиланиши ва кейинчалик баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилиши ва тунтирилиши лозим.

2-§. Баҳолаш объектини идентификация қилиш

15. Баҳолаш объектини идентификация қилишда баҳоловчи баҳолаш объектини ва унга бўлган ҳуқуқларнинг амалдаги ҳолатини тақдим этилган ҳужжатларга мувофиқлигини аниқлайди. Шунингдек, баҳолаш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган фаразлар ва чекловчи шартлар таҳлили амалга оширилади.

16. Баҳолаш объектини идентификация қилиш баҳоловчи томонидан буюртмачи ва (ёки) унинг вакили тақдим этган ҳужжатлар асосида баҳолаш объектини кўздан кечириш, ўлчаш, фотосуратга олиш (зарур ҳолда), унинг амалда мавжудлиги ва ҳолатини текшириш, объект номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган ери, жисмоний таркиби, техник тавсифини ва баҳолаш объектининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи бошқа маълумотларни ўз ичига олган тавсифини ўрганиш йўли билан амалга оширилади.

17. Акциялар, улушлар (пайлар)ни баҳолашда баҳоловчи уларнинг жорий ҳолатини буюртмачи ёки унинг вакили тақдим этган ҳужжатларга, корхона (эмитент)нинг таъсис ҳужжатларига ва қимматли қоғозлар ваколатли депозитарийси маълумотларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан ўрганилиши лозим.

18. Буюртмачи билан келишган ҳолда, баҳолаш объектини (унинг таркибий қисмларини) идентификация қилиш баҳолаш объекти фаолиятининг хусусияти ва (ёки) асосий воситалар бирлигининг миқдоридан келиб чиққан ҳолда чекланган хусусият касб этиши мумкин.

Баҳолаш объектини идентификация қилишнинг чекланган хусусияти баҳолаш ҳақидаги вазифада чекловчи шартлар билан бир қаторда кўрсатилади.

19. Тақдим этилган ҳужжатлар билан баҳолаш объекти ва унга бўлган мулкӣ ҳуқуқларнинг амалдаги ҳолати ўртасидаги тафовутлар аниқланган тақдирда, баҳоловчи бу ҳақда буюртмачига ва (ёки) ҳужжатларни тақдим этган шахсга хабар бериши ва уларга тегишли тузатишлар киритишни талаб қилиши шарт.

Буюртмачи ва (ёки) ҳужжатларни тақдим этган шахс уларни баҳоловчининг талаблари билан мувофиқ ҳолатга келтиришни рад этган ёки уларга зарурий тузатишларни киритиш мумкин бўлмаган ҳолда, баҳоловчи баҳолашни амалга оширишдан бош тортиши ёки баҳолашни баҳолаш объектининг амалдаги ҳолатидан келиб чиқиб, тақдим этилган ҳужжатлар ва баҳолаш объектининг ҳолати ўртасида тафовут мавжудлигини баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирган ҳолда амалга ошириши мумкин.

3-§. Ахборот йиғиш ва уни таҳлил қилиш

20. Ахборот йиғиш ва уни таҳлил қилиш:

баҳолаш объектига оид ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларни;

баҳолаш объектига оид бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот маълумотларини;

баҳолаш объектининг тузилиши, баҳоланаётган ҳуқуқлар таркиби ва мазкур ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатлар ҳақидаги маълумотларни;

баҳолаш объектига оид қўшимча юкламалар ва сервитутлар ҳақидаги маълумотларни;

баҳолаш объектидан фойдаланишга чекловларни;

баҳолаш объекти ва унинг таркибий қисмларининг техник тавсифини;

баҳолаш объекти мансуб бўлган бозорнинг ҳолати ва динамикаси ҳақидаги ахборотни;

бошқа хил ахборотни олиш ва ўрганишни ўз ичига олади.

Корхоналар (акциялар, улушлар, пайлар)ни баҳолашда корхона (эмитент) тавсифи ва ривожланиш режалари қўшимча тарзда ўрганилади.

21. Баҳолаш объектларини баҳолашда қуйидагилардан фойдаланилади:

бюртмачи ёки унинг вакилидан олинган дастлабки маълумотлардан, шунингдек баҳоловчи томонидан бухгалтерия, бирламчи ва статистик ҳисоб маълумотларидан олинган, баҳолаш объекти раҳбари (баланс сақловчи, эмитент) имзоси ва муҳр билан тасдиқланган маълумотлардан;

ишларни бажаришга жалб қилинган учинчи шахслардан олинган, уларнинг имзоси билан тасдиқланган ахборотдан;

ихтисослашган ташкилотлардан олинган (тармоққа оид, аналитик шарҳлар, фонд бозори шарҳлари), шу жумладан оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида эълон қилинган ахборотдан;

бошқа хил (сўров, интервью натижаларига кўра ва бошқа манбалардан олинган) ахборотдан, бунда мазкур ахборотдан фойдаланиш учун жавобгарлик баҳоловчига юклатилади.

22. Қуйидагилар баҳолаш объектини баҳолашда бюртмачи ёки унинг вакили тақдим этадиган дастлабки ахборот ҳисобланади:

хусусийлаштириладиган корхоналар (акциялар, улушлар, пайлар) учун:

юридик шахснинг амалдаги устави ёки таъсис шартномаси, акциядорлар реестридан кўчирма (реестр сақловчининг маълумотномаси);

шўъба компаниялар ҳақида ахборот, уларга оид ҳуқуқни белгиловчи ва молиявий ҳужжатлар;

охирги уч йил учун ва охирги ҳисобот санасига қадар бўлган ҳолатга кўра бухгалтерия баланслари ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларни ўз ичига олувчи бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот маълумотлари, баланс моддаларига изоҳлар;

асосий воситалар, номоддий активлар ва узоқ муддатли қўйилмалар рўйхати;

5 йилдан кам бўлмаган муддатга мўлжалланган корхонанинг ривожланиш режаси;

участкадаги ердан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар, шу жумладан участканинг ҳудудий чегараси ҳақида маълумотлар (геодезик план/чизма ёки ер участкасининг у жойлашган ер кўрсатилган ва тавсифланган хариталари нусхалари, ер участкасини ажратиш тўғрисида қарор);

бинолар ва иншоотларга оид кадастр ҳужжатлари;

баҳолаш объектдан фойдаланишга оид қўшимча юкламалар ва чекловлар, шу жумладан узоқ муддатли ижара мавжудлиги ҳақида маълумотлар (ваколатли орган маълумотномаси);

охирги ҳисобот йили учун аудитор хулосаси (агар аудиторлик текшируви ўтказилган бўлса);

кўчмас мулк учун:

участкадаги ердан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар, шу жумладан участканинг ҳудудий чегараси ҳақида маълумотлар (геодезик план/чизма ёки ер участкасининг у жойлашган ер кўрсатилган ва тавсифланган хариталари нусхалари, ер участкасини ажратиш тўғрисида қарор);

бинолар ва иншоотларнинг кадастр ҳужжатлари;

сервитутлар ва узоқ муддатли ижара шартномалари мавжудлиги ҳақида маълумотлар (ваколатли орган маълумотномаси);

бинолар ва иншоотлар миқдори ва техник ҳолати, кўкаламзорлар, ҳудудни ободонлаштириш ва муҳандислик коммуникациялари ҳақида ахборот;

баҳолаш объекти таркибида баҳоланиши лозим бўлган мулк ҳақида маълумотлар;

баҳоланиши лозим бўлган мулкнинг бошланғич ва қолдиқ (баланс) қийматлари;

корхона (эмитент)дан жорий фойдаланиш ҳақида ахборот;

машиналар ва ускуналар учун:

объектнинг тўлиқ номи: русуми, модели, серияси;

ишлаб чиқарувчи завод (фирма);

баҳоланаётган ускунани харид қилиш, ижарага олишга ёки унга нисбатан ўзга ҳуқуққа оид ҳужжатларнинг нусхалари;

ишлаб чиқарилган йил ва ишга туширилган сана;

объектнинг техник тавсифи (техник ҳужжатларга биноан);

баҳолаш объектнинг техник ҳолатига оид актлар;

инвентарь рақами, баҳолаш санасидан олдин охириги ҳисобот санасига қадар бўлган ҳолатга кўра бошланғич ва қолдиқ (баланс) қийматлари;

консервация ва таъмирлаш ҳақида маълумотлар (узеллар, агрегатларни алмаштириш, такомиллаштириш);

транспорт воситаси техник паспортининг нусхаси.

23. Дастлабки ахборотдан ташқари баҳоловчи корхона фаолияти билан боғлиқ таваккалчиликлар, баҳоланаётган корхона ва (ёки) тармоқ корхоналари акцияларининг котировкалари ва акциялар курсларининг ўзгаришлари, акциядорлар ўртасида акцияларнинг тақсимланиши, акцияларнинг акциядорлар ўртасида тақсимланиши, ўхшаш мулк бўйича битимлар, ўхшаш мулкни

ижарага беришнинг бозор ставкалари ҳақида қўшимча ахборотни йиғади ва таҳлил қилади.

Йиғиладиган ахборотнинг хусусияти ва ҳажмини баҳоловчи баҳолаш ҳақидаги вазифага, баҳолаш объектининг хусусиятлари ва баҳолаш натижаларининг қўлланилишига қараб белгилайди.

24. Баҳолаш жараёнида фойдаланиладиган ахборот ишончли ва баҳоловчи нархни белгиловчи энг муҳим омилларни аниқлаши учун етарли бўлиши лозим.

Буюртмачи ёки унинг вакили тақдим этган ахборот (шу жумладан маълумотномалар, жадваллар, бухгалтерия баланслари), шунингдек баҳоловчининг ўзи бевосита йиққан ахборот шу ахборотни тақдим этган ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва мазкур ташкилот муҳри билан тасдиқланган ҳолдагина ишончли деб ҳисобланади.

25. Баҳоловчи, агар тақдим этилган ахборот ҳажми ва сифати 8-сон МБМС талабларига мувофиқ баҳолашни амалга ошириш ва баҳолаш ҳақида ҳисобот тайёрлаш учун етарли бўлмаса, баҳолаш ишларини бажаришдан бош тортиш ҳукукига эга.

26. Баҳолашни ўтказиш вақтида баҳоловчи олган барча ахборот ва ҳужжатлардан махфийлик шароитида, қонунчилик талабларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланилиши лозим.

Баҳоловчи баҳолаш жараёнида унга тақдим этилган барча ахборот ва ҳужжатлардан қонунчилик талабларини ҳисобга олган ҳолда махфийлик шароитида фойдаланилиши лозим.

27. Йиғилган ахборот асосида баҳоловчи баҳолаш объекти мансуб бўлган бозорнинг ва тармоқни таҳлил қилади, зарур ҳолда молиявий ҳисоботни таҳлил қилади ва унга тузатишлар киритади. Бунда, тузатилган ҳисоботдан фақат баҳолаш ҳақидаги вазифада назарда тутилган мақсадларда фойдаланилади.

4-§. Баҳолаш объектидан энг мақбул ва энг самарали фойдаланишнинг таҳлили

28. Баҳолаш объектидан энг мақбул ва энг самарали фойдаланишнинг таҳлили фақат баҳолашнинг алоҳида объекти ҳисобланган кўчмас мулкни баҳолаш чоғида амалга оширилади.

29. Баҳолаш объектидан энг мақбул ва энг самарали фойдаланишнинг таҳлили баҳолаш объектидан энг даромадли ва рақобатли фойдаланиш йўлини аниқлаш учун ўтказилади.

30. Мавжуд фойдаланиш шароитида (баҳолаш объектлари фаолият тури сақланган ҳолда хусусийлаштирилганда) баҳолаш объектининг қиймати аниқланган ҳолда баҳолаш объектидан энг мақбул ва энг самарали фойдаланишнинг таҳлили ўтказилмайди.

31. Баҳолаш объектидан энг мақбул ва энг самарали фойдаланишни аниқлаш баҳоловчи ўз таҳлилий малакаси ёрдамида чиқарган хулосалар ва

амалга оширган ҳисоб-китоблар маҳсули ҳисобланади ва сўзсиз фактни эмас, балки унинг фикрини ифода этади.

32. Объектдан энг мақбул ва энг самарали фойдаланишнинг вариантини аниқлашда таҳлилнинг қуйидаги мезонларидан фойдаланилади:

конунчилик нуқтаи назаридан рухсат этилганлик — мўлжалланган фойдаланишнинг хусусияти баҳолаш объекти мулкдорининг ҳаракатларини чекловчи қонунчиликка зид бўлмаслиги лозим;

жисмоний имконият — баҳолаш объектидан энг мақбул ва энг самарали фойдаланиш;

молиявий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик — объектдан фойдаланиш баҳолаш объектининг мулкдорига даромадни таъминлаши лозим;

мумкин қадар юқори даражадаги самарадорлик — энг мақбул ва энг самарали фойдаланиш ё мулкдорнинг соф фойдасини мумкин қадар кўпайтиришни, ё баҳолаш объектининг энг катта қийматига эришишни назарда тутати.

5-§. Баҳолаш ёндашувлари ва усулларини танлаш, асослаш ва қўллаш

33. Баҳолаш объектининг қийматини хусусийлаштириш мақсадида баҳолашда баҳоловчи даромад, харажат ва қиёсий ёндашувлардан фойдаланади. Бирон-бир ёндашувни қўллаш мумкин эмаслиги ёки қўллашнинг чекланиши баҳоловчи томонидан баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда асосланиши лозим.

34. У ёки бу ёндашувни қўллашда баҳоловчи 8-сон МБМСда белгиланган баҳолаш усулларининг биридан фойдаланади. Баҳолашнинг энг мақбул усулини танлаш баҳоловчининг мулоҳазаларига мувофиқ амалга оширилади ва баҳолаш натижаларидан фойдаланишнинг мақсади, аниқланаётган қиймат тури, баҳолаш объектининг хусусиятлари ва ахборот манбалари билан белгиланади.

35. Даромад ёндашуви баҳолаш объектининг қийматини мазкур объектдан фойдаланишдан олиш кутилаётган даромадларнинг жорий қийматини аниқлашга асосланади. Баҳолаш харидор мазкур объектни харид қилишдан олиши мумкин бўлган бўлғуси даромадларнинг прогнозига мувофиқ шакллантирилади.

36. Даромад ёндашуви доирасида тўғридан-тўғри капиталлаштириш усули ёки пул оқимларини дисконтлаш усули қўлланилади.

Даромад ёндашуви усуллари билан баҳолаш дисконтлаш ставкаси ва (ёки) капиталлаштириш ставкасидан фойдаланишни назарда тутати.

Дисконтлаш ставкаси миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг баҳолаш санасига қадар бўлган қайта молиялаштириш ставкасининг (баҳолаш объектига инвестициялаш таваккалчилиги учун устамани ҳисобга олувчи) 1,5 коэффицентига кўпайтмаси сифатида аниқланади.

Капиталлаштириш ставкаси сифатида 2% га тенг деб олинган пул

оқими узоқ муддатли ўсиш суръати хажми айириб ташланган дисконтлаш ставкаси қабул қилинади.

37. Тўғридан-тўғри капиталлаштириш усули баҳолаш объектидан фойдаланишдан ҳар йили тенг миқдорда пул оқимларини олиш мўлжалланганда амалдаги активларни баҳолаш учун қўлланилади.

Усул баҳолаш объектидан йил давомида фойдаланишдан олинган пул оқимини капиталлаштириш ставкасидан фойдаланган ҳолда қийматга айлан-тиришга асосланади.

38. Пул оқимларини дисконтлаш усули пул оқимлари беқарор бўлган объектларни баҳолашда қўлланилади ва бўлғуси пул оқимлари жорий пул оқимларидан сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин, деган фаразга асосланади.

Мазкур усул бўлғуси даромадлар прогнозини шакллантиришни, даромадларни олиш билан боғлиқ таваккалчиликка баҳо беришни ва даромадларни олиш вақтини аниқлашни назарда тутаяди.

Бўлғуси даромадларни аниқлашда корхона фаолиятининг кутилаётган муддати икки даврга бўлинади. Прогноз даври деб аталадиган биринчи давр учун пул тушумларининг батафсил йилма-йил прогнози тузилади. Прогноз даври тугаганидан сўнг корхона пул тушумларининг ўсиш суръатлари умуман олганда барқарор бўлиб қоладиган ва уларни олдиндан айтиш мумкин бўладиган мутаносиб ҳолатга эришиши лозимлиги (прогноздан кейинги давр) фараз қилинади.

39. Қиёсий ёндашув олди-сотди бозор нархларини ва (ёки) улар мавжуд бўлмаган ҳолда таклиф нархларини баҳолаш объектига қиёсий (ўхшаш) объектнинг тегишли тузатишларини ҳисобга олиб таққослашга асосланади.

Аналогларни танлашнинг асосий мезонлари бўлиб, баҳолаш объекти билан ўхшаш жисмоний ва иқтисодий тавсифлар, аналогнинг баҳолаш объекти билан айна бир бозор сегменти ва (ёки) тармоққа мансублиги, баҳолаш объекти ва аналогдан фойдаланишнинг ўхшашлиги ҳисобланади.

40. Баҳолаш объекти қийматини қиёсий ёндашувда баҳолашда капитал бозори усули (компания-аналог усули), битимлар усули, бозорга оид таққослашлар усули, баҳолаш объекти билан олдинги битимлар усули ва аналог билан тўғридан-тўғри таққослаш усули (машиналар, ускуналар ва транспорт воситалари қийматини баҳолаш учун) қўлланилади.

41. Капитал бозори усули (компания-аналог усули) таққослаш учун асос сифатида бозорда вужудга келган маълум олди-сотди нархидан фойдаланиш-ни назарда тутаяди. Усул асосан назоратсиз акциялар пакетларини ва улушларни баҳолаш учун қўлланилади.

42. Битимлар усули акциялар назорат пакетининг ва умуман корхона-нинг нархлари ҳақидаги ахборотга асосланади. Усулдан акцияларнинг назорат пакетларини ёки корхоналарни баҳолашда фойдаланилади.

43. Бозорга оид таққослашлар усули баҳоланаётган кўчмас мулк билан жисмоний ва иқтисодий тавсифларга кўра ўхшаш бўлган кўчмас мулкни сотишга доир битимларнинг бозор нархларини ёки таклиф нархларини таҳлил қилишга асосланади. Усул «талаб ва таклиф» принципига асосланиб,

мазкур принципга мувофиқ объект нархи шу жойда, шу вақтда ва шу бозорда аналогга бўлган талаб ва таклифнинг ўзаро алоқаси натижасида аниқланади.

44. Баҳолаш объекти билан олдинги битимлар усулини қўллашда баҳолаш объекти билан илгари тузилган битимларнинг нархлари ахборот манбаи ҳисобланади. Бунда, баҳоловчи вақт омилини, шунингдек, иқтисодий муҳит ва тармоқдаги ҳолатларнинг ўзгаришларини ҳисобга олиб тузатишлар киритади.

45. Аналог билан тўғридан-тўғри таққослаш усули асосан таққослашнинг ўхшаш объектлари хусусидаги бозорга оид ахборотдан ҳамда баҳолаш объектининг аниқ нусхаларига доир ахборотдан фойдаланишга асосланади. Усул аналогларнинг нархларига уларнинг жойлашган ери ва битим санасини ҳисобга олган ҳолда тузатишлар киритишни назарда тутаяди.

46. Қиёсий ёндашув усуллари билан фойдаланиш ўхшаш объектларнинг жисмоний ва иқтисодий тавсифлари, нархлари ва битимларнинг саналари, жойлашган ери, бажарилиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг турдошлиги ва ўхшаш объектларнинг бошқа тавсифлари ҳақида ахборотнинг мавжудлигини назарда тутаяди. Баҳоланаётган объект ўхшаш объектдан қай даражада фарқ қилса, айти шу даражада ўхшаш объект нархига у баҳолаш объекти билан айти бир тавсифга эга бўлган ҳолда қандай нархда сотилиши мумкинлигини аниқлаш учун тузатишлар киритилади.

47. Қиёсий ёндашув усуллари билан баҳолаш барча аналоглар бўйича ҳисобланадиган ва айти бир кўрсаткичга кўпайтирувчи сифатида қўлланиладиган мультипликаторлардан фойдаланишга асосланади.

48. 8-сон МБМС мақсадларида икки хил мультипликатор: ораликли ва моментли мультипликаторлардан фойдаланилади. Қўлланилган мультипликаторни танлаш баҳоловчи томонидан баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда асосланиши лозим.

49. Харажат ёндашуви жамланган эскириш ёки қилинган харажатлар (мажбуриятлар) ҳисобига кадрсизланишни ҳисобга олиб объектни тиклаш ёки алмаштириш учун зарур бўлган харажатларни аниқлашга асосланади.

Харажат ёндашуви даромадли объектни баҳолашга нисбатан бирдан-бир ягона ёндашув сифатида қўлланишига йўл қўйилмайди.

50. Хусусийлаштирилаётган корхона (акциялар, улушлар, пайлар)ни баҳолашга нисбатан харажат ёндашувининг асосий усули соф активлар усулидир. Айрим ҳолларда, давлат мулки объектларини тасарруф этувчининг тугатилаётган корхона мулкени (таркибий бирликларини) хусусийлаштириш тўғрисида қарори мавжуд бўлган тақдирда, хусусийлаштириш объектини баҳолашга нисбатан харажат ёндашуви қўлланилганда тугатиш қиймати усулидан фойдаланилиши мумкин.

51. Соф активлар усули қўлланилганда баҳоланаётган мулк таркибига қуйидагилар киритилади:

корхона балансидаги ва қонунчиликда белгиланган хусусийлаштириш тартиботлари доирасида ўтказилган инвентаризация натижасида аниқланган асосий воситалар, уларнинг техник ҳолатидан қатъи назар, амалдаги (шу

жумладан вақтинчалик капитал таъмирлашда бўлган ва модернизация қилинаётган объектлар, тугалланмаган қурилиш объектлари) ва консервация қилинган, захира ёки резервдаги объектлар (ўрнатилмаган асбоб-ускуналар), ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентари, ишчи ва махсулдор ҳайвонлар, кўп йиллик ўсимликлар ва бошқа турдаги, шунингдек, бошқа корхоналар ва ташкилотларга фойдаланиш учун, ижарага берилган асосий воситалар;

хусусийлаштирилаётган корхона (бинолар, иншоотлар, объектлар) жойлашган ер участкаларидан (агар улар бўлса) фойдаланиш ҳуқуқи ва корхона фаолияти учун зарур бўлган ажратилган ер участкаларидан фойдаланишга бўлган ҳуқуқ;

бошқа узоқ муддатли активлар, шу жумладан номоддий активлар;

жорий активлар;

бошқа активлар.

52. Мулкни баҳолаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

а) қўйидагиларнинг тикланиш қиймати аниқланади:

кўчмас мулкнинг (бинолар ва иншоотларнинг) тикланиш қиймати лойиҳа-смета ҳужжатлари ёки бинолар ва иншоотлар тикланиш қийматининг яхлитланган меъёрлари негизида ёки баҳолаш санасида Ҳукумат қарори бўйича асосий фондларни сўнгги қайта баҳолаш санасидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари бўйича асосий фондлар қиймати қимматлашиши коэффициентларини қўллаш йўли билан;

машиналар, ускуналар ва транспорт воситаларининг (ҳаво ва сув транспорти воситалари бундан мустасно) тикланиш қиймати алмаштириш харажатлари ёки аниқ нусхасини яратиш харажатлари негизида ёки баҳолаш санасида Ҳукумат қарори бўйича асосий фондларни сўнгги қайта баҳолаш санасидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари бўйича асосий фондлар қиймати қимматлашиши коэффициентларини қўллаш йўли билан;

қолган асосий воситаларнинг тиклаш қиймати уларнинг бошланғич баланс қийматини ишлаб чиқарувчи заводлар, преysкурантлар, прайс-варақлар нархларига мувофиқ бўлгунгача қайта баҳолаш ёки баҳолаш санасида Ҳукумат қарори бўйича асосий фондларни сўнгги қайта баҳолаш санасидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари бўйича асосий фондлар қиймати қимматлашиши коэффициентларини қўллаш йўли билан;

тугалланмаган қурилиш ва ўрнатилмаган асбоб-ускуналарнинг қиймати мос равишда кўчмас мулк (бинолар ва иншоотлар) ҳамда машиналар, ускуналар ва транспорт воситаларини баҳолаш билан бир хил тартибда ёки баҳолаш санасида Ҳукумат қарори бўйича асосий фондларни сўнгги қайта баҳолаш санасидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари бўйича асосий фондлар қиймати қимматлашиши коэффициентларини қўллаш йўли билан;

б) эскириш ҳажми аниқланади:

кўчмас мулк учун — жамланган (умумий) эскириш (жисмоний, функционал ва ташқи эскириш);

машиналар, ускуналар ва транспорт воситалари учун — жисмоний эскириш;

қолган асосий воситалар учун — жисмоний эскириш ёки норматив (баланс бўйича қабул қилинган) эскириш;

тугалланмаган қурилиш ва ўрнатилмаган асбоб-ускуналар учун эскириш ҳисобланмайди.

Бунда, баҳоловчи ҳар бир асосий восита бўйича ҳисоблаган эскириш ҳажми корхона бухгалтерияси ҳисоблаган ва корхона балансида акс эттирилган норматив эскириш ҳажмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас;

в) 10 фоиздан камроқ қолдиқ қийматга эга бўлган асосий воситалар бўйича баҳолаш чоғида уларнинг тиклаш қийматининг 10 фоизи миқдоридаги қиймати киритилади;

г) интеллектуал мулк объектлари Интеллектуал мулкни баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1953, 2009 йил 8 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 19-20-сон, 241-модда) мувофиқ баҳоланади;

д) узоқ муддатли инвестициялар қийматини баҳолаш белгиланган тартибда бозор қиймати бўйича амалга оширилади;

е) товар-моддий бойликларга тегишли бўлган инвентарлар ва хўжалик буюмлари амалдаги улгуржи ёки чакана (бозор нархларидан юқори бўлмаган) нархларда ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотига кўра «ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари» гуруҳи бўйича асосий фондларни қайта баҳолашнинг ҳар йилги коэффициентини инвентарлар ва хўжалик буюмларининг баланс қийматига қўллаш йўли орқали баҳоланади;

ж) қолган узоқ муддатли ва жорий активлар қиймати, шунингдек, корхонанинг мажбуриятлари корхонанинг охириги (баҳолаш санасидаги) ҳисобот бухгалтерия баланси маълумотларига мувофиқ баланс қиймати бўйича белгиланади.

Бухгалтерия баланси корхона томонидан ҳар йили бир марта тузиладиган ҳолларда ва баҳолаш санаси уни тузиш санасидан уч ойдан ортиқ муддатга ортда қолган бўлса, ҳисоб-китоблар учун асос сифатида охириги (баҳолаш санасидан олдинги) чорак якуни бўйича оралиқ баланс олинади.

53. Асосий воситалар қийматини баҳолашда уларнинг баҳолаш натижалари бўйича аниқланган қиймати корхона бухгалтериясида кўрсатилган ва корхона балансида акс эттирилган баланс қолдиқ қийматидан кам бўлмаслиги керак.

54. Баҳолаш объекти корхоналарда иштирок этиш улуши (акция пакетлари, улушлар, пайлар) бўлган ҳолларда балансда сақловчи (эмитент) асосий воситалари қийматини баҳолаш юқоридагига ўхшаш тартибда амалга оширилади.

Баҳолаш объекти устав фондининг 5 фоизи миқдоридаги ва ундан камроқ бўлган, назорат қилиш ваколатини бермайдиган корхонада иштирок этиш улуши бўлса, балансда сақловчи (эмитент) барча асосий воситалари қийматини баҳолаш санасида Ҳукумат қарори бўйича асосий фондларни сўнги

қайта баҳолаш санасидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари бўйича асосий фондлар қиймати қимматлашиши коэффицентларини қўллаш йўли билан баҳолашга йўл қўйилади.

6-§. Қўлланилган баҳолаш ёндашувлари натижаларини мувофиқлаштириш ва баҳолаш объектининг якуний қийматини ҳисоблаш

55. Баҳолаш объектининг якуний қийматини ҳисоблаш учун баҳоловчи, қўлланилган баҳолаш ёндашувлари натижаларини мувофиқлаштириш (ўлчаш)ни амалга оширади.

56. Мувофиқлаштириш жараёнида баҳоловчи барча омиллар, шу жумладан қабул қилинган фаразлар ва чеклашлар таҳлили асосида ҳар бир ёндашувнинг афзалликлари ва камчиликлари нисбатини, баҳолашнинг якуний натижасига уларнинг таъсири даражасини турли ёндашувларни қўллашда олинган натижаларга бериладиган ўлчов коэффицентларини таҳлил қилиш йўли билан миқдор жиҳатидан акс эттириши лозим.

57. Турли хил ёндашувлар билан олинган энг катта ва энг кичик натижалар ўртасида жиддий (50 фоиздан ортиқ) тафовут мавжуд бўлган тақдирда, мазкур тафовут сабаблари таҳлил қилиниб, унинг натижалари баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади ва мувофиқлаштириш учун баҳоловчи фикрига кўра энг ишончли бўлган натижалар танланади.

58. Баҳолаш объектининг якуний қийматини ҳисоблашда баҳоловчининг барча мулоҳазалари ва фаразлари асосланиши лозим.

59. Баҳолашга ёндашувларни қўллаш натижалари мувофиқлаштирилганидан кейин баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган баҳолаш объектининг якуний қиймати ягона катталик сифатида ифодаланиши лозим.

7-§. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни тузиш

60. Ёзма тарзда тузилган баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот баҳоловчи ташкилот баҳолаш объекти қийматини аниқлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажарганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

Баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолаш объекти қийматини аниқлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажарганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб, баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот ҳисобланади.

61. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда баҳолаш объектига тавсиф берилади, йиғилган ахборот, амалга оширилган таҳлил босқичлари ва ҳисоб-китоблар акс эттирилади, олинган натижалар асосланади, баҳолаш объектининг якуний қиймати, баҳолаш базасининг тасдиғи, баҳолаш мақсади, шунингдек баҳолаш натижаларини тўлиқ ва бир хилда талқин қилишни таъминловчи барча фаразлар ва чекловчи шартлар кўрсатилади.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган дастлабки маълумотлар таркиби ва амалга оширилган баҳолаш жараёнини баён этишнинг кетма-

кетлиги баҳолаш объекти қийматини ҳисоблашни тўлиқ акс эттириш имконини бериши ва ўхшаш натижаларга олиб келиши лозим.

62. Ҳисобот фақат баҳолаш жараёнида ҳисоблаш ва таҳлил қилишда фойдаланилган ахборот ва маълумотларни ўз ичига олиши лозим.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда келтирилган, баҳолашни амалга ошириш чоғида фойдаланилган ёки ҳисоблашлар натижасида олинган ахборотга ахборот манбаига ишора қилиш йўли билан изох берилиши лозим.

63. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши лозим:

титул варағи;

мундарижа;

умумлаштирувчи қисм (илова хат);

қисқартмалар, шартли белгилар, символлар, бирликлар ва атамалар рўйхати;

кириш;

асосий қисм;

хулоса;

фойдаланилган манбалар рўйхати;

иловалар.

64. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот рақамланган ва баҳоловчи (баҳоловчилар) томонидан саҳифама-саҳифа имзоланган, тикилган, шунингдек баҳолаш буюртмачиси шартнома тузган баҳоловчи ташкилот раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланиши лозим.

65. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботга иловада баҳоловчи фойдаланган ва баҳолаш объектининг миқдор ва сифат тавсифларини белгиловчи ҳужжатларнинг нусхалари, шунингдек, техник инвентаризация ҳужжатлари ва бошқа зарур ҳужжатлар келтирилиши лозим. Агар бу баҳолаш ҳақидаги вазифада белгиланган бўлса, баҳолаш объектининг унинг баҳолаш санасидаги жорий ҳолатини акс эттирувчи фотосуратлари мавжудлиги мажбурийдир.

Иловада баҳоловчи ташкилот лицензияси, баҳоловчиларнинг малака сертификатлари ва фуқаролик жавобгарлиги суғурта полисининг нусхалари ҳам келтирилиши лозим.

66. Баҳоловчи ташкилот баҳолашнинг баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган натижалари учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

Баҳоловчи ташкилот кўрилган зарарлар ёки баҳолаш объектининг суд томонидан баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган қиймат ҳаққоний эмас деб топилганлиги учун, агар улар баҳолаш буюртмачиси ёки учинчи шахслар томонидан ишончсиз ахборот берилиши оқибатида вужудга келган бўлса, жавобгар бўлмайди.

VI-боб. Ахборотни ошкор этишга қўйиладиган талаблар

67. Баҳолаш жараёнида фойдаланилган ахборотни баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда ошкор этиш шундай амалга оширилиши лозимки, баҳолаш

ҳақидаги ҳисоботдан фойдаланувчилар баҳолаш жараёни мантиқини ва баҳолаш объектининг қийматини аниқлаш учун баҳоловчи кўрган чораларни тушуна олсинлар.

68. Баҳолаш жараёнида қўлланилган барча ахборот ошкор этилиши лозим, махфий хусусиятга эга бўлган ахборот бундан мустасно. Махфий ахборотни баҳоловчи фақат буюртмачи ва (ёки) мазкур ахборотни тақдим этган шахслар билан келишган ҳолда ёки суднинг тегишли қарорига биноан ошкор этади. Фойдаланилаётган ахборотнинг махфийлик даражаси буюртмачи ва (ёки) мазкур ахборотни тақдим этувчи ёки унга бевосита алоқадор бўлган шахслар томонидан белгиланади.

69. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда барча фаразлар ва чекловчи шартларнинг моҳияти, шунингдек, ахборотни ошкор этишга қўйиладиган ҳар қандай талаблар очиб берилади.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботга мазкур стандартга ва қабул қилинган бошқа мулкни баҳолаш стандартларига риоя қилинганлиги ҳақидаги баёнот киритилиши, стандартларнинг талабларидан ҳар қандай четга чиқиш кўрсатилиши ва бундай четга чиқишга изоҳ берилиши лозим.

70. Баҳолаш объектининг 8-сон МБМС талабларига мувофиқ тузилган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилган якуний қийматидан, агар баҳолаш ҳақидаги ҳисобот тузилган санадан баҳолаш объектини хусусийлаштириш мақсадида унинг бошланғич нархи тайинланган санагача 6 ойдан ортиқ вақт ўтмаган бўлса, хусусийлаштириш мақсадида фойдаланилиши мумкин.

Баҳолаш ўтган (баҳолашни амалга ошириш санасига мос келмайдиган) санага қадар бўлган ҳолатга кўра амалга оширилган тақдирда, баҳолаш объектининг қиймати ҳақидаги хулоса баҳолаш амалга оширилган санадагина ҳақиқий бўлади.

VII-боб. Стандартдан четга чиқиш шартлари

71. Меъёрий қоидалар ёки давлат мулкни тасарруф этувчиларнинг қарорлари баҳоловчига 8-сон МБМС талабларига тўлиқ ёки қисман риоя қилиш имкониятини бермаса, баҳоловчи қийматни аниқлаш бўйича мос келувчи ҳисоблашларни ва тегишли баҳолаш тартиботларини қўллаши лозим. Бунда, баҳолаш ҳақидаги ҳисоботда аниқланиши лозим бўлган қийматни кўрсатиш билан бир қаторда 8-сон МБМС талабларидан четга чиқиш сабаблари далиллар билан асосланиши лозим.

Мулкни баҳолаш Миллий стандарти
(8-сон МБМС) «Хусусийлаштириш мақсадида
мулк қийматини баҳолаш»га
ИЛОВА

8-сон МБМС «Хусусийлаштириш мақсадида мулк қийматини баҳолаш»ни қўллаш бўйича услубий кўрсатмалар

8-сон МБМСни қўллаш бўйича услубий кўрсатмалар (кейинги ўринларда услубий кўрсатмалар деб юритилади) 8-сон МБМСни амалда қўллаш мақсадида ишлаб чиқилган.

I-боб. Атамалар ва тушунчалар

1. Услубий кўрсатмаларда қуйидаги атамалар ва тушунчалардан фойдаланилади:

ташқи (иқтисодий, экологик) эскириш — ташқи вазият ўзгариши (шу жумладан кўчмас мулк бозоридаги ўзгаришлар, ижтимоий, молиявий, қонунчилик, экологик ва бошқа шароитларнинг ўзгариши) натижасида мулк қийматидаги йўқотишлар;

жамланган (умумий) эскириш — жисмоний, функционал ва ташқи эскириш натижасида бинолар ва иншоотлар тикланиш қийматининг ёки алмаштириш қийматининг камайиши;

бартараф этиб бўлмайдиган эскириш — келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш харажатлари уларни бартараф этиш натижасида объект қийматига қўшиладиган қийматдан кўпроқ харажатга эга эскириш;

назорат учун мукофот — назорат элементлари мавжудлигини акс эттирадиган қўшимча қиймат;

реверсия — прогноз даврининг охирида капиталнинг қайтиши;

етарли бўлмаган назорат учун чегирма — бизнесдаги акциялар пакети (улуш) 100 фоиз қийматининг мутаносиб миқдоридан чегириб қолиннадиган, айрим ёки барча назорат ваколатларининг йўқлигини акс эттирадиган сумма ёки фоиз;

ликвидлиликнинг пастлиги учун чегирма — объект лозим даражада ликвид эмаслигини акс эттириш учун унинг бозор қиймати камайтириладиган мутлақ ёки нисбий катталиқ;

хусусий капитал — корхонанинг барча мажбуриятлари чегириб ташланганда қоладиган активлар;

алмаштириш қиймати — ўхшаш даражада фойдали бўлган янги яхшиланишларнинг жорий нархлардаги қиймати;

жисмоний эскириш — табиий қариш, нотўғри фойдаланиш, лойиҳалаш вақтида йўл қўйилган хатолар ёки фойдаланиш қоидаларининг бузилиши натижасида объект (унинг элементлари) фойдаланишга яроқлилик хусу-

сиятларини қисман ёки тўла йўқотиши билан боғлиқ бўлган қийматдаги йўқотишлар;

функционал эскириш — хоҳишлар, техник инновациялар ёки бозор стандартлари ўзгариши натижасида объект қийматидаги йўқотишлар.

II-боб. Баҳолаш ҳақидаги вазифани белгилаш ва баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисида шартнома тузиш

2. Баҳолаш ҳақидаги вазифани белгилаш буюртмачи томонидан баҳоловчи ташкилот билан биргаликда амалга оширилади. Баҳолаш ҳақидаги вазифада баҳолаш объектини баҳолашнинг асосий шартлари, шунингдек баҳолашни ўтказишнинг чекловчи шартлари белгиланади ва таърифланади.

3. Баҳолаш ҳақидаги вазифа қўйидаги шаклда тузилади:

Баҳолаш объекти (номи ва қисқача тавсифи)	
Балансда сақловчи (номи, реквизитлари)	
Баҳолаш объекти (қорхона, эмитент) жойлашган манзил	
Буюртмачи ва унинг реквизитлари	
Баҳоловчи ташкилот ва унинг реквизитлари	
Баҳолашни ўтказиш учун асос	
Баҳолаш объектининг ташкилий-ҳуқуқий шакли	
Баҳолашнинг мақсади ва вазифалари	
Аниқланаётган қиймат тури	
Чекловчи шартлар	
Баҳолаш санаси	
Баҳолашни ўтказиш графиги (муддатлари)	
Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни буюртмачига тақдим этиш санаси	

Баҳолаш мақсадига ва баҳолаш объектининг хусусиятларига қараб баҳолаш ҳақидаги вазифа қўшимча шартларни ўз ичига олиши мумкин.

4. Баҳолаш ҳақидаги вазифа баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисидаги шартномага илова сифатида расмийлаштирилади. Шартномага баҳолашни ўтказиш учун зарур бўлган, буюртмачи ёки унинг вакили тақдим этадиган ҳужжатлар рўйхати илова қилиниши ҳам мумкин.

III-боб. Баҳолаш объектини идентификация қилиш

5. Йиғилган (буюртмачидан ёки унинг вакилларида олинган) бирламчи ҳужжатларга эга бўлган ҳолда, баҳоловчи буюртмачининг вакили ёки баҳолаш объектининг балансда сақловчиси (эмитент) вакили билан бирга баҳолаш объектини кўздан кечириш, унинг амалдаги ҳолатини ўрганиш, уни тавсифлаш, ўлчаш ва фотосуратга олишни ҳамда баҳолаш объектини идентификация қилиш учун зарур бўлган бошқа ҳаракатларни бажаради.

6. Баҳолаш объектини идентификация қилиш вақтида баҳолаш объектининг амалдаги ҳолатидан келиб чиқиб унинг сифат ва миқдор кўрсаткич-

ларининг буюртмачи ва (ёки) унинг вакили тақдим этган ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларга мувофиқлиги аниқланади.

Шунингдек, баҳолаш объектига бўлган амалдаги мулк хуқуқларнинг мулкка бўлган хуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларга мувофиқлиги ўрганилади.

Зарур ҳолда баҳоловчининг сўровига биноан ҳужжатларни тақдим этган шахс тегишли ҳужжатларга аниқликлар (изоҳлар)ни қўшимча маълумотномалар сифатида расмийлаштиради.

Баҳолаш объектини идентификация қилиш бўйича бажарилган барча ишларни баҳоловчи баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда акс эттиради.

7. Корхонани баҳолашда баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда қуйидагилар акс эттирилиши лозим:

корхонанинг номи ва юридик манзили;

тармоққа мансублиги ва асосий фаолият тури;

давлат рўйхатидан ўтказилган сана ва реестр рақами;

ташкилий-хуқуқий шакли;

солиқ тўловчининг идентификация рақами ва банк реквизитлари;

мулк таркиби ва тузилиши;

филиаллар ва ваколатхоналар;

мулк хуқуқлар, чеклашлар, қўшимча юкламалар ва сервитутлар, ижара шартномалари;

корхонанинг молиявий-иқтисодий ҳолати.

Баҳоланаётган корхонанинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш вақтида унинг фаолият йўналишларини, корхона тарихи, ишлаб чиқариш қувватлари, ишчи ва бошқарув ходимлари ҳақидаги ретроспектив маълумотларни, ички молиявий ахборотни (бухгалтерия баланси маълумотларини, охири уч йил учун молиявий натижалар ва пул маблағларининг ҳаракати ҳақидаги ҳисоботларни) ўрганиш ва уларга тавсиф бериш лозим.

8. Кўчмас мулкни баҳолаш вақтида қуйидагиларни тавсифлаш ва идентификация қилиш лозим:

номи, фойдаланиш йўналиши ва жорий фойдаланиш;

баҳолаш объекти жойлашган ер, унинг жисмоний ва хуқуқий тавсифи;

баҳолаш объектининг иқтисодий хусусиятлари ва даромад келтириш қобилияти;

кўчмас мулк ҳисобланмайдиган, лекин баҳолашга киритиладиган ҳар қандай мулк ёки номоддий активлар;

баҳолаш объектига алоқадор бўлган ҳар қандай маълум сервитутлар, чеклашлар ва қўшимча юкламалар.

9. Машиналар ва ускуналарни баҳолаш вақтида, баҳолаш мақсадига қараб, қуйидагиларни идентификация қилиш лозим:

мустақил фойдаланиладиган машиналар, агрегатлар ва қурилмаларни;

технологик жараёнга мувофиқ технологик машиналар ва ёрдамчи мосламаларни бирлаштирувчи технологик мажмуаларни;

ишлаб чиқарувчи таркибий бўлинманинг инвентарь объектлар тўплами-дан иборат бўлган машиналар ёки дастгоҳлар паркини;
транспорт воситаларини.

Машиналар ва ускуналарни идентификация қилиш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда баҳоланаётган ускуналарнинг инвентарь рўйхати таҳлил қилинади, уларнинг техник-иқтисодий тавсифлари аниқланади. Мазкур ахборот манбаи бўлиб инвентарь карточкалари, техник паспортлар, тавсифномалар, фойдаланиш бўйича қўлланмалар, номенклатура маълумотномалари ва бошқа ҳужжатлар хизмат қилади. Иккинчи босқич баҳолаш объекти ўрнатилган жойда амалга оширилади ва унинг амалдаги ҳолатини ўрганишни назарда тутади.

Машиналар ва ускуналарни идентификация қилиш қуйидаги усуллардан бири ёрдамида амалга оширилади:

якка тартибда идентификация ускуналар (машиналар ёки транспорт воситалари)нинг ҳар битта бирлигини алоҳида ўрганиш, ташқи кўздан кечириш ва асбоб, мослама, жиҳоз ва инвентарни амалда бутлигини, шунингдек уларнинг иш қобилиятини ва фойдаланиш учун тайёрлигини текшириш йўли билан амалга оширилади. Якка тартибда идентификация машиналар, ускуналар ва транспорт воситалари алоҳида баҳолаш объектлари ёки корхоналарнинг устав фондига киритиш учун мўлжалланган объектлар ҳисобланган ёки баҳоланаётган корхона таркибида бўлган, миқдори 300 бирликдан кам бўлган ҳолларда ўтказилади;

оммавий идентификация баҳолаш объектларининг турдош гуруҳларини (турлар ёки русумлар ёки фойдаланиш йўналиши ёки бошқаларга кўра) шакллантириш принципига биноан амалга оширилади. Оммавий идентификация машиналар, ускуналар ва транспорт воситалари кўчмас мулк таркибида унинг ажралмас қисми сифатида баҳоланган ёки баҳоланаётган корхона таркибида бўлган, миқдори 300 бирликдан кам бўлмаган ҳолларда ўтказилади.

Машиналар, ускуналарни ва транспорт воситаларини идентификация қилиш усулларида қатъи назар, идентификация таомилида қуйидаги ахборотни акс эттириш талаб этилади:

номи, модели (русуми) мазкур турдаги баҳоланаётган объектлар сонини кўрсатган ҳолда;

ишлаб чиқарувчининг номи;

объектнинг йўналиши;

асосий техник тавсифи;

тайёрланган йил ва (охирги) фойдаланишга топшириш санаси;

пойдеворга ўрнатилиши ва коммуникация тармоқларига уланиши ҳақида маълумотлар;

объектнинг таъмирланиши ва унга техник хизмат кўрсатилиши, унинг айрим узеллари ва агрегатлари алмаштирилиши ҳақида маълумотлар.

10. Мулкни идентификация қилиш вақтида баҳоловчи заҳарли ёки хавфли материалларнинг мавжудлиги ёки ўзгача таъсирини, аниқ ёки яширин нуқсонларни аниқлаш учун тегишли органлар томонидан бирон-бир текши-

рув ўтказилгани ёки ўтказилмаганини баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатиши лозим.

IV-боб. Ахборот йиғиш ва уни таҳлил қилиш

11. Баҳолаш объектларини баҳолаш учун ахборот йиғиш тартиби: зарур маълумотлар таркибини аниқлаш; ахборот манбаларини танлаш; зарур ахборотни йиғиш; маълумотларни тизимга солиш, уларни ишлаш ва таҳлил қилиш; ахборотни баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда баён этишни ўз ичига олади.

12. Баҳолаш жараёнида фойдаланиладиган ахборот баҳоловчига нархни шакллантирувчи энг муҳим омилларни аниқлаш ва баҳолаш объектнинг якуний қиймати ҳақида асосли хулоса чиқариш имкониятини таъминлаши лозим.

13. Баҳоловчи баҳолашни ўтказиш учун зарур бўлган ахборотни йиғишни амалга оширади, баҳолаш объектнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини ўрганеди, баҳолаш объектнинг қийматини аниқлаш учун муҳим бўлган ахборотни, шу жумладан:

баҳолаш объектнинг қийматига таъсир этувчи иктисодий, экологик ва бошқа омиллар ҳақидаги ахборотни;

баҳолаш объекти мансуб бўлган бозордаги талаб ва таклиф ҳақидаги ахборотни;

баҳолаш объекти ҳақидаги ахборотни, шу жумладан ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларни, баҳолаш объектидан жорий фойдаланиш ҳақидаги, баҳолаш объекти билан боғлиқ қўшимча юкламалар ҳақидаги маълумотларни, баҳолаш объектнинг жисмоний хусусиятлари, унинг техник ва фойдаланишга оид кўрсаткичлари, эскириши, олдинги ва кутилаётган даромадлар ва харажатлар ҳақидаги ахборотни, баҳолаш объектига доир бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот маълумотларини, шунингдек, баҳолаш объектнинг қийматини аниқлаш учун аҳамиятга молик бўлган бошқа ахборотни баҳолашни ўтказиш вақтида қўлланилиши лозим бўлган ёндашувлар ва усуллар ёрдамида таҳлил қилишни амалга оширади.

14. Корхоналар (акциялар, улушлар, пайлар)ни баҳолаш вақтида баҳоловчи йиғилган бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи асосида корхона молия-хўжалик фаолиятининг таҳлилини амалга ошириши лозим.

15. Баҳоловчи ахборотнинг етарлилиги ва ҳаққонийлигини таҳлил қилишни бунинг учун унга маълум бўлган воситалар ва усуллардан фойдаланиб амалга ошириши лозим.

Агар қўшимча ахборотдан фойдаланиш баҳолаш объектнинг якуний қийматини сезиларли даражада ўзгаришига олиб келмаса, йиғилган ахборот баҳолаш мақсади учун етарли деб ҳисобланиши мумкин. Ахборот етарли эмаслиги баҳолаш объекти қийматини баҳолашнинг якуний натижасига

таъсир кўрсатган бўлса, бу ҳол баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилиши лозим.

V-боб. Баҳолаш объектидан энг мақбул ва энг самарали фойдаланишнинг таҳлили

16. Баҳолаш объектидан энг мақбул ва энг самарали фойдаланишнинг таҳлили кўчмас мулк бозор қийматини ҳисоблашнинг ажралмас қисмидир.

Энг мақбул ва энг самарали фойдаланиш кўчмас мулкдан фойдаланишнинг қонун йўли билан рухсат этилган, жисмоний жиҳатдан рўёбга чиқариш ва молиявий жиҳатдан амалга ошириш мумкин бўлган, кўчмас мулкнинг функционал имкониятларини тўла рўёбга чиқариш ва унинг энг катта қийматини таъминлаш имкониятини берадиган эҳтимол тutilган йўли сифатида аниқланади.

17. Баҳолаш объектидан фойдаланиш, агар у қонунга мувофиқ тақиқланган ёки уни жисмоний жиҳатдан амалга ошириш мумкин бўлмаса, энг самарали деб қаралиши мумкин эмас. Ҳатто фойдаланиш қонунда рухсат этилган ва жисмоний жиҳатдан уни амалга ошириш мумкин бўлган ҳолда ҳам баҳоловчи оқилона мулоҳазаларга кўра бундай фойдаланиш амалда мумкинлиги ҳақидаги ўз фикрини асослаши лозим.

Таҳлил фойдаланишнинг бир ёки бир нечта варианты бўлиши мумкинлигини намойиш этганидан сўнг, молиявий нуқтаи назардан уларнинг асослилиги текширилади. Баҳолаш объектининг энг катта қийматини таъминлайдиган ва бошқа талабларга жавоб берадиган фойдаланиш энг самарали деб ҳисобланади.

Фойдаланишнинг қонунда рухсат этилган ва жисмоний жиҳатдан амалга ошириш мумкин бўлган барча вариантлари орасидан баҳолаш объектига киритилган инвестицияларга зарур миқдордаги даромадни ва баҳолаш объектининг энг катта қийматини таъминлайдиган фойдаланиш варианты танланади.

18. Баҳолаш объектидан фойдаланишнинг эҳтимол тutilган вариантларини танлашга унинг жисмоний тавсифи, сервитутлар ва бошқа қўшимча юкламалар, яхшилашларни амалга ошириш мумкин эмаслиги, объект жойлашган ер ҳамда баҳоловчи аниқлаши шарт бўлган бошқа омиллар муайян чеклашлар белгилаши мумкин.

Энг самарали фойдаланишнинг бир неча турларини аниқлаш мумкин бўлган ҳолларда баҳоловчи фойдаланишнинг барча муқобил вариантларини ундан фойдаланиш натижаларига таъсир этувчи барча ички ва ташқи омиллар нуқтаи назардан кўриб чиқиши лозим.

19. Баҳолаш объекти унинг фаолият тури ва асосий йўналишини сақлаш шarti билан хусусийлаштирилаётган бўлса, энг мақбул ва энг самарали фойдаланишнинг таҳлили ўтказилмайди. Кейинчалик унинг қийматини ҳисоблашда баҳоловчи баҳолаш объектидан унинг жорий фойдаланилишига мувофиқ фойдаланилади деган фароздан келиб чиқиши лозим.

Бозорга оид ахборот етарли эмаслиги энг мақбул ва энг самарали фой-

даланишнинг таҳлилидан воз кечилишига ва баҳолаш объектдан фойдаланишнинг жорий тури энг мақбул деб эътироф этилишига сабаб бўлади.

Энг мақбул ва энг самарали фойдаланишнинг таҳлилини амалга оширишдан воз кечиш баҳоловчи томонидан баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда асосланиши лозим.

VI-боб. Баҳолаш ёндашувлари ва усуллари танлаш, асослаш ва қўллаш

1-§. Даромад ёндашуви

20. Баҳолаш объектлари қийматини даромад ёндашуви билан баҳолаш пул оқимларини дисконтлаш усули ёки тўғридан-тўғри капиталлаштириш усули ёрдамида амалга оширилади.

Корхоналар (акциялар, улушлар, пайлар)ни баҳолаш

21. Пул оқимларини дисконтлаш усули (кейинги ўринларда матнда ПОД усули деб юритилади) пул оқимлари беқарор бўлган корхоналарни баҳолаш учун қўлланилади ва баҳолаш объектнинг қийматини прогноз ва прогноздан кейинги даврларда (даврнинг охирида) ундан кутилаётган пул оқимларининг жорий қийматларини қўшиш йўли билан аниқлашга асосланади.

Ҳисоблашлар қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$PV = \frac{CF_1}{1 + DR} + \frac{CF_2}{(1 + DR)^2} + \dots + \frac{CF_n}{(1 + DR)^n} + \frac{FV}{(1 + DR)^n}, \text{ бу ерда:}$$

PV — жорий қиймат;

CF — n -чи давр пул оқими;

FV — реверсия, прогноздан кейинги даврда корхонанинг қолдиқ қиймати;

DR — дисконтлаш ставкаси;

n — прогноз даврининг охириги йили.

22. Прогноз йилининг ўртасида пул оқимларини олиш мўлжалланаётган бўлса (ишлаб чиқариш мавсумий бўлганда, даромад йил мобайнида бўлиб-бўлиб олинганда), пул оқими прогноз даврининг ўртасидан бошлаб дисконтланади.

Ҳисоблашлар қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$PV = \sum_{i=1}^n \frac{CF_i}{(1 + DR)^{(i-0,5)}} + \frac{FV}{(1 + DR)^n}$$

23. Қуйидагилар корхона (акциялар пакетлари, улушлар, пайлар)ни ПОД усули билан баҳолашнинг асосий босқичлари ҳисобланади:

- а) пул оқими моделини танлаш;
- б) прогноз даврининг давом этиш муддатини аниқлаш;
- в) ретроспектив таҳлил, тушум, харажатлар ва инвестицияларни прогноз қилиш;
- г) ҳар бир давр учун пул оқими миқдорини ҳисоблаш;
- д) дисконтлаш ставкасини аниқлаш;
- е) прогноздан кейинги даврдаги қиймат (реверсия қиймати) миқдорини ҳисоблаш;
- ж) бўлғуси пул оқимлари ва реверсия жорий қийматларини қўшиш;
- з) яқунловчи тузатишлар киритиш.

24. Хусусийлаштирилаётган корхона (акциялар пакетлари, улушлар, пайлар)ни баҳолаш вақтида хусусий капитал учун пул оқими модели қўлланади.

Хусусий капитал учун пул оқими

Ҳаракат белгиси	Кўрсаткич
Плюс	Солиқлар тўланганидан кейинги соф фойда
Плюс	Амортизация ажратмалари
Плюс (минус)	Хусусий айланма капиталнинг камайиши (ўсиши)
Плюс (минус)	Асосий воситаларга инвестицияларнинг камайиши (ўсиши)
Плюс (минус)	Σ зоқ муддатли қарзнинг ўсиши (камайиши)
Минус	Имтиёзли акциялар учун дивидендлар
Жами:	Хусусий капитал учун пул оқими

Айрим ҳолларда баҳолаш объектини баҳолаш ҳақидаги вазифада ПОД усули билан ҳисоблашларда инвестиция киритилган капитал учун пул оқими моделдан фойдаланиш белгиланиши мумкин.

25. Прогноз даврининг давом этиш муддатини аниқлаш корхонанинг ривожланиш режаларини, қиймат кўрсаткичлари (тушум, таннарх, даромад, нархлар ва бошқалар) динамикасини, талаб, ишлаб чиқариш ва сотув ҳажмларининг ўзгариш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Прогноз даврининг давом этиш муддати беш йил қилиб белгиланади. Баҳолаш ҳақидаги вазифада прогноз даврининг бундан каттароқ муддати белгиланиши мумкин.

Корхонанинг мавжудлигини тугатиш учун объектив сабаблар бўлмаса, у номуайян муддат мавжуд бўлиши мумкинлиги фараз қилинади. Корхонанинг кейинги мавжудлик муддати икки қисмга: баҳоловчи пул оқимлари динамикасини прогноз қиладиган прогноз даврига ва пул оқими ўсишининг узоқ муддатли суръатлари ҳисобга олинadиган прогноздан кейинги даврга бўлинади.

26. Ретроспектив таҳлил ва прогноз корхона ва умуман тармоқ фаолиятининг ретроспектив кўрсаткичлари билан мантиқан мос келиши лозим.

Ялпи тушум таҳлили ва прогнози қуйидаги омилларни ўрганишни талаб этади:

ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатурасини;
ишлаб чиқариш ҳажмлари ва маҳсулот нархларини;
корхонанинг ўсиш суръатларини;
маҳсулотга бўлган талабни;

мавжуд (шу жумладан ҳали ишга солинмаган) ишлаб чиқариш қувватларини;

капитал қўйилмаларнинг имкониятлари ва эҳтимол тутилган оқибатларини;

корхонанинг ривожланиш режаларини.

27. Харажатларни прогноз қилишда баҳоловчи:

ретроспектив маълумотлар ва тенденцияларни ҳисобга олиши;

ўзгармас ва ўзгарувчан харажатлар тузилишини ўрганиши;

бир марталик ва алоҳида (зарурий) харажатлар моддаларини ўрганиши;

кредитлар бўйича фоизлар тўлаш учун харажатларни қарздорликнинг прогноз қилинаётган даражаларига мувофиқ ҳисоблаши;

прогноз қилинаётган харажатларни рақиб корхоналарнинг тегишли кўрсаткичлари ёки тармоқдаги ўртача ўхшаш кўрсаткичлар билан таққослаши;

эскирган ускуналарни алмаштириш учун харажатлар (қўйилмалар) қилиш зарурлигини прогноз қилиши ва асослаши;

активларнинг амортизация ажратмаларини уларнинг ўсиши ва ҳисобдан чиқарилишини ҳисобга олиб аниқлаши лозим.

28. Инвестицияларни (инвестициялар, молиялаш манбалари, инвестициялар сиёсатига бўлган эҳтиёжни) таҳлил ва прогноз қилишда баҳоловчи:

маблағлар жалб қилиш (кредитлар олиш, акциялар чиқариш ва бошқалар)га бўлган заруриятни таҳлил қилиши;

ортиқча ёки етишмаётган айланма воситаларни аниқлаши;

асосий капитал эскиришига қараб уни алмаштириш ва ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш мақсадида капитал қўйилмаларнинг зарурий миқдорини аниқлаши;

узок муддатли қарздорликнинг ўзгариши (кўпайиши ёки камайиши)ни ҳисоблаши лозим.

29. Прогноз даврининг ҳар бир йилига пул оқими миқдорини ҳисоблаш учун билвосита ва бевосита усуллар қўлланилади.

Билвосита усул фаолият йўналишлари бўйича пул маблағлари ҳаракатининг таҳлилига йўл қўяди. У даромаддан фойдаланиш ва мавжуд пул маблағларини инвестициялашни амалда намойиш этади.

Бевосита усул кирим ва чиқим моддалари, яъни бухгалтерия счётлари бўйича пул маблағлари ҳаракатининг таҳлилига асосланади.

Пул оқими ҳажмини ҳисоблашда баҳоловчи корхонанинг ривожланиш режаларини ўрганади ва зарур ҳолда уларга тузатиш киритади.

30. Дисконтлаш ставкасининг миқдори 8-сон МБМСнинг 36-бандига мувофиқ аниқланади.

31. Прогноз давридаги реверсия қийматини ҳисоблаш хусусий капиталнинг барча активлари тузилишига қараб амалга оширилади.

Корхона активлари (хусусий капитал) асосан узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, капитал қўйилмалар, инвестициялар ва бошқалар)дан иборат бўлса, реверсия қиймати прогноздан кейинги давр санасидаги корхона соф активларининг бозор қийматини дисконтлаш йўли билан ҳисобланади.

Бунда, прогноздан кейинги даврда корхона соф активларининг бозор қиймати сифатида корхона қийматини харажат ёндашуви билан ҳисоблаш натижаси олинади.

Ҳисоблашлар қуйидаги формулалар бўйича амалга оширилади:

$$\begin{aligned} S_1 &= V * I * (1-A) \\ S_2 &= S_1 * I * (1-A) \\ S_3 &= S_2 * I * (1-A) \\ &\dots \\ S_n &= S_{n-1} * I * (1-A) \\ FV &= S_n * 1,02 \end{aligned} \quad , \text{бу ерда:}$$

$S_1, S_2, S_3, \dots, S_n$ — соф активларнинг тегишли прогноз даврларидаги бозор қиймати;

V — баҳолаш санасида корхона соф активларининг бозор қиймати;

I — баҳоланаётган корхона тармоғига қараб, баҳолаш санасидан олдинги йил яқунларига кўра аниқланган нархларнинг йиллик қимматлашув индекси;

A — асосий воситалар амортизация ажратмаларининг ўртача ҳажмини 5 фоиз миқдориди белгилловчи 0,05 коэффиценти;

FV — прогноздан кейинги даврда кутилаётган қиймат (реверсия қиймати);

n — прогноз даврлари сони.

Корхона активлари асосан жорий активлар (пул маблағлари, тайёр маҳсулот, товарлар ва бошқалар)дан иборат бўлган ҳолда, реверсия қиймати прогноздан кейинги биринчи давр пул оқимини пул оқими ўсишининг узоқ муддатли суръатларини ҳисобга олувчи капиталлаштириш ставкаси бўйича ҳисобланади. Ҳисоблашлар қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$FV = \frac{CF_r}{DR - t} \quad , \text{бу ерда:}$$

FV — прогноздан кейинги даврда кутилаётган қиймат (реверсия қиймати);

CF_r — прогноздан кейинги (қолдиқ) даврнинг биринчи йилидаги пул оқими (охирги прогноз даврининг пул оқими $1 + t$ га кўпайтирилади);

DR — дисконтлаш ставкаси;

t — колдиқ даврда пул оқими ўсишининг узоқ муддатли (шартли равишда ўзгармас) суръатлари.

32. Хусусийлаштириш мақсадида баҳолаш объектларини баҳолаш вақтида ПОД усули қўлланилганда прогноздан кейинги даврда пул оқими ўсишининг узоқ муддатли суръатлари йилига 2 фоиз ҳажмида белгиланади.

33. Прогноз даврида пул оқимлари ва реверсия жорий қийматини ҳисоблаш уларнинг кўрсаткичларини бирлик жорий қийматининг тегишли коэффициенти (дисконтлаш омили) бўйича дисконтлаш йўли билан амалга оширилади.

ПОД усулини қўллаганда баҳолаш объекти прогноз даврида келтирадиган даврий пул оқимларининг жорий қийматлари ва баҳолаш объектининг прогноздан кейинги даврдаги жорий қийматини қўшиш лозим.

Пул оқимлари ва реверсия жорий қийматини ҳисоблаш

Кўрсаткич	1-чи прогноз йили	2-чи прогноз йили	...	n-чи прогноз йили	Прогноздан кейинги давр
Пул оқими (CF _n , CF _r)	CF ₁	CF ₂	...	CF _n	CF _r
Реверсия қиймати (FV)	-	-	-	-	FV
Жорий қиймат коэффициенти (K _n)	$K_1 = \frac{1}{(1 + DR)}$	$K_2 = \frac{1}{(1 + DR)^2}$...	$K_n = \frac{1}{(1 + DR)^n}$	$K_n = \frac{1}{(1 + DR)^n}$
Пул оқимлари ва реверсия жорий қиймати (PV _n)	PV ₁ = CF ₁ * K ₁	PV ₂ = CF ₂ * K ₂	...	PV _n = CF _n * K _n	PV _r = FV * K _n
Корхона қиймати (V)	V = PV ₁ + PV ₂ + ... + PV _n + PV _r				

34. Бўлғуси пул оқимлари ва реверсия жорий қиймати аниқланганидан сўнг зарур ҳолда яқунловчи тузатишлар киритилади.

Қийматни ПОД усули билан ҳисоблашда корхонанинг ишлаб чиқаришда ва даромад олишда иштирок этмайдиган (шу жумладан консервация қилинган) активлари қийматини ҳисобга олиш лозим.

Шунингдек, хусусий айланма капиталнинг амалдаги миқдорига тузатиш киритиш зарур: ортиқча хусусий капитал бошланғич қиймат миқдорига қўшилиши, тақчиллик эса — ундан айрилиши лозим.

Корхонани ПОД усули билан баҳолаш натижасида ликвидли корхонанинг ёки корхонадаги ликвидли назорат (50 фоиздан ортиқ) улушнинг қийматини оламиз. Агар назорат улуши баҳоланаётган бўлмаса, назорат ҳуқуқларининг етишмаган қисмига чегирма қилиш лозим. Тузатиш киритиш улушнинг ҳар 10 фоизига 0,01 коэффициентини қўллаш йўли билан амалга оширилади.

35. Тўғридан-тўғри капиталлаштириш усули хўжалик фаолиятининг даромадли тарихига эга бўлган, активларни жамғаришга улгурган ва барқарор фаолият кўрсатаётган корхоналарни баҳолаш учун қўлланилади. Усул баҳолаш санасидан кейинги биринчи йил мобайнида олинадиган бўлғуси даромадни капиталлаштириш йўли билан амалга оширилади.

36. Даромадни капиталлаштириш усули босқичлари:

- 1) даромадлар олишнинг барқарорлигини асослаш;
- 2) капиталлаштириладиган даромад турини танлаш;

- 3) капиталлаштириладиган даромад миқдорини аниқлаш;
- 4) капиталлаштириш ставкасини ҳисоблаш;
- 5) даромадни капиталлаштириш;
- 6) якуний тузатишларни киритиш.

37. Даромадлар олишнинг барқарорлигини (нисбий барқарорликни) асослаш тузатилган молиявий ҳисобот таҳлили асосида амалга оширилади.

38. Капиталлаштириладиган даромад сифатида тушум ёки амортизация ажратмаларини ҳисобга олувчи кўрсаткичлар: солиқлар тўланганидан кейинги даромад (ишлаётган корхоналар, акцияларнинг пакетлари, улушлар учун), солиқлар тўлангунга қадар бўлган даромад (кўчмас мулк учун) амал қилиши мумкин. Пул оқимини капиталлаштириш корхона узоқ вақт мобайнида тахминан бир хил миқдорда даромад олиши кутилаётган вазиятларга мос келади.

39. Капиталлаштириш лозим бўлган даромад сифатида қуйидагилар танланиши мумкин:

баҳолаш санасидан кейин бир йилга прогноз қилинган миқдор;
ретроспектив ва балки, прогноз (уч йил учун) маълумотлари асосида ҳисобланган, танланган турдаги ўртача ўлчанган миқдор.

Пул оқимига тузатиш киритиш, яъни бир марталик оғишларни барта-раф этиш лозим.

40. Капиталлаштириш ставкасининг миқдори 8-сон МБМСнинг 36-бандига мувофиқ аниқланади.

41. Пул оқимини капиталлаштириш қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$V = CF / CR, \text{ бу ерда:}$$

V — капиталлаштирилган қиймат;

CF — пул оқими;

CR — капиталлаштириш ставкаси.

42. Корхона (акциялар пакетлари, улушлар, пайлар) қийматини тўғридан-тўғри капиталлаштириш усули билан ҳисоблашда корхонанинг ишлаб чиқаришда ва даромад олишда иштирок этмайдиган (шу жумладан консервация қилинган) активлари қийматини ҳисобга олиш лозим.

Шунингдек, хусусий айланма капиталнинг амалдаги миқдорига тузатиш киритиш зарур: ортиқча хусусий капитал бошланғич қиймат миқдорига қўшилиши, тақчиллик эса — ундан айрилиши лозим.

Корхонани тўғридан-тўғри капиталлаштириш усули билан баҳолаш натижасида ликвидли корхона қийматини ёки корхонадаги ликвидли акцияларнинг назорат (50 фоиздан ортиқ) пакетининг (улушнинг, пайнинг) қиймати олинади. Агар назорат пакети баҳоланаётган бўлмаса, назорат ҳуқуқларининг етишмаган қисмига чегирма қилиш лозим. Чегирма ПОД усулида қўлланган тартибда киритилади.

Кўчмас ва кўчар мулкни баҳолаш

43. Кўчмас мулкни даромад ёндашуви билан баҳолаш тўғридан-тўғри капиталлаштириш усули билан амалга оширилади. Бунда, даромад кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган тушумлардан таркиб топиши назарда тутилади, чунки объектни ижарага бериш айниқса барқарор пул оқими-ни таъминлайди.

Тўғридан-тўғри капиталлаштириш методини қўллаш жараёнида ижара ставкалари миқдори, ижара шартлари, операцион харажатларнинг миқдорларига оид бозор ахборотидан фойдаланилади. Бунда, фойдаланилаётган ижара ставкаси маҳаллий ҳокимият органлари томонидан давлат мулки объектлари учун белгиланган ижара ставкасидан паст бўлмаслиги керак.

Ҳисоблашлар қуйидаги кетма-кетликда бажарилади:

хусусийлаштирилаётган бино (унинг бир қисми) умумий майдони учун ижара ҳақи сифатидаги потенциал ялпи даромад прогноз қилинади;

майдон тўла юкланмаслиги ва тушумларнинг бой берилиши билан боғлиқ йўқотишлар ҳисобланади;

ҳақиқий ялпи даромад потенциал ялпи даромад ва йўқотишлар ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади;

операцион харажатлар чегириб ташланади ва айирма сифатида соф операцион даромад олинади;

капиталлаштириш коэффициенти 8-сон МБМСнинг 36-бандига мувофиқ ҳисобланади;

кўчмас мулк қиймати соф операция даромадининг капиталлаштириш коэффициентига нисбати сифатида баҳоланади.

44. Кўчмас мулкни тўғридан-тўғри капиталлаштириш усули билан баҳолашда мазкур мулк таркибида хусусийлаштирилиши лозим бўлган активлар қийматини ҳисобга олиш талаб этилади.

45. Машиналар, ускуналар, автотранспорт воситалари ва номоддий активлар, шунингдек, бошқа кўчар мулк (акциялар, улушлар, пайлар, интеллектуал мулк объектлари бундан мустасно) даромад ёндашуви билан баҳоланмайди.

2-§. Қиёсий ёндашув

46. Баҳолаш объектларини хусусийлаштириш мақсадида баҳолашда қиёсий ёндашув қўлланилганда қуйидаги усулларнинг биридан фойдаланилади:

баҳолаш объекти билан олдинги битимлар усули;

капитал бозори (компания-аналог) усули;

битимлар усули;

бозорга оид таққослашлар усули;

аналог билан тўғридан-тўғри таққослаш усули.

Бунда, баҳолаш методининг танланишини баҳоловчи баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда асослаши лозим.

47. Қиёсий ёндашув билан баҳолашда, қўлланилаётган баҳолаш методидан қатъи назар (баҳолаш объекти билан олдинги битимлар усулидан ташқари), аналоглар рўйхати камида уч объектни ўз ичига олиши лозим.

Корхона (акциялар, улушлар, пайлар)ни баҳолаш

48. Корхона (акциялар, улушлар, пайлар) қийматини баҳолаш қўйидаги методларнинг бири: капитал бозори усули, битимлар усули ёки баҳолаш объекти билан олдинги битимлар усулини қўллаган ҳолда амалга оширилади.

49. Капитал бозори усули ва битимлар усули амалда бир-бирига мос келади, уларнинг фарқи баҳолаш объектнинг хусусияти ва нархга оид дастлабки маълумот туридадир.

Капитал бозори усули очиқ бозорда вужудга келган нархлар ҳақидаги ахборотдан фойдаланишга асосланади ва акцияларнинг назорат қилиш ваколатларини бермайдиган пакетлари (улушлар, пайлар)ни баҳолаш учун қўлланилади.

Битимлар усули умуман корхонанинг ёки акциялар назорат пакети (улушлар, пайлар)нинг харид нархлари ҳақидаги ахборотдан фойдаланишга қараб мўлжал олади. Бу корхонани ёки акциялар назорат пакети (улушлар, пайлар)ни баҳолашда мазкур усулнинг энг оптимал қўлланиш соҳасини белгилайди.

50. Капитал бозори ва битимлар усуллари қўйидаги асосий босқичларни ўз ичига олади:

- а) ахборот йиғиш ва уни таҳлил қилиш;
- б) қиёсий аналогларни танлаш;
- в) тегишли молиявий кўрсаткичларни таҳлил қилиш;
- г) мультипликаторлар танлаш ва уларнинг катталигини ҳисоблаш;
- д) баҳолаш объекти қийматининг бошланғич миқдорини аниқлаш;
- е) якунловчи тузатишлар киритиш.

51. Баҳолаш объектнинг аналогларини аниқлаш учун баҳоловчи баҳолаш объекти билан ўхшаш бўлган объектлар (акциялар пакетлари, улушлар, умуман корхоналар)нинг ҳақиқий олди-сотди нархлари, баҳолаш объекти билан ўхшашликни аниқлаш ва зарурий тузатишларни киритиш имкониятини берадиган бухгалтерия ва молиявий ҳисобот ҳақидаги маълумотларни йиғиши лозим.

52. Капитал бозори ва битимлар усулларини қўллаш вақтида баҳоловчи хорижий аналоглар тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиши мумкин. Бу ҳолда тегишли тузатишлар киритилади: ҳисобот айлантирилади ва мамлакатга хос таваккалчилик даражасига қараб мультипликаторнинг ҳисобланадиган қийматига тузатиш киритилади.

53. Баҳолаш объекти ва аналоглар асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг ҳар бир кўрсаткичи (ишлаб чиқариш ҳажми, ишлаб чиқариш қуввати, асосий воситаларнинг эскирганлиги) бўйича мавжуд тафовутлар 50 фоиз-

дан ортиқ бўлса, бошқа кўрсаткичлар ўхшаш эканлигидан қатъи назар, мазкур объектлардан аналоглар сифатида фойдаланилиши мумкин эмас.

54. Қиёсий объектларни танлаш жараёни қуйидаги мезонлар бўйича амалга оширилади:

тармоққа оид ўхшашлик — потенциал қиёсий аналоглар рўйхати тармоқнинг бир сегментига мансуб бўлиши лозим;

микдор — реализация қилинган маҳсулот ҳажми, даромад микдори каби ва бошқа параметрлар солиштирилади;

ўсиш истиқболлари — баҳоланаётган корхонанинг аналогларга нисбатан рақобатдаги устунликлари ва камчиликларини ўрганиш;

молиявий таваккалчилик даражаси — капитал тузилишини ёки хусусий ва жалб қилинган маблағлар нисбатини таққослаш, ликвидлигини ёки жорий мажбуриятларни жорий активлар билан тўлаш имкониятини ўрганиш, қарзни тўлай олиш қобилиятини таҳлил қилиш;

мўлжалланаётган битимнинг қиёсийлиги — битим шакли, молиялаш шартлари, ҳақ тўлаш шартлари ва бошқалар.

Қиёслаш мезонларининг юқорида келтирилган рўйхати асосий ҳисобланади, лекин у тўлиқ эмас ва баҳоловчи рўйхатни қўшимча омиллар билан мустақил равишда тўлдириши мумкин.

55. Баҳоловчи мезонлар таҳлили асосида қуйидаги хулосалардан бирини қабул қилиши ва асослаши лозим:

аналог бир қанча тавсифларга кўра баҳолаш объекти билан қиёсий ва мультипликаторларни ҳисоблаш учун ундан фойдаланилиши мумкин;

аналог баҳолаш объекти билан лозим даражада қиёсий эмас ва баҳолаш жараёнида ундан фойдаланилиши мумкин эмас.

56. Капитал бозори усули ва битимлар усулини қўллаш вақтида баҳоловчи балансларни, даромадлар ва харажатлар ҳақидаги ҳисоботларни, қўшимча ахборотни таҳлил қилади, молиявий коэффициентларни ҳисоблайди. Молиявий таҳлил аналогларнинг баҳолаш объекти билан қиёсийлигини аниқлашнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Молиявий таҳлил натижаларига кўра «Молиявий коэффициентларнинг йиғма жадвали» тузилади. Бу жадвалда қуйидаги ахборот акс этиши лозим:

Номи	Молиявий коэффициентлар					
1. 1-чи аналог						
2. 2-чи аналог						
3. 3-чи аналог						
4. ...						
5. n-чи аналог						
6. Ўртача арифметик қиймат						
7. Медиана						
8. Баҳолаш объекти						
9. Баҳолаш объектнинг ўрни						

Жадвал эркин тарзда тузилади, лекин у энг муҳим молиявий коэффициентлар, чунончи:

реализациядан олинган тушумда соф фойда улуши;
барча активларнинг умумий суммасида хусусий капитал улуши;
ликвидлилик;
активларнинг айланувчанлигини ўз ичига олиши лозим.

Аналоглар ва баҳолаш объектига доир кўрсаткичларнинг қийматлари сезиларли даражада фарқ қилиши мумкинлиги туфайли, кейинги қарорларни қабул қилиш учун аналоглар ва баҳолаш объекти бўйича молиявий коэффициентларнинг ҳақиқий ҳисобий қийматларидан ташқари жадвалга ўртача арифметик қиймат ва медиана каби ёрдамчи кўрсаткичларни киритиш талаб этилади. Молиявий таҳлилнинг яқунловчи босқичида баҳоловчи баҳолаш объекти ифодаланган кўрсаткичларнинг ҳар бири бўйича танланган аналоглар орасида эгаллаган ўринни аниқлаши лозим. Эгалланган ўринлар йиғиндиси баҳолаш объектининг якуний рейтингини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Мазкур жадвал материалларидан баҳоловчи баҳолаш объекти учун мультипликатор қийматини танлаш босқичида фойдаланади.

57. Капитал бозори усули ва битимлар усулидан фойдаланилганда мультипликаторни ҳисоблаб топиш учун:

танланган барча аналоглар (корхона, акциялар пакети, улушлар, пайлар аналоглари) бўйича нархни аниқлаш;

ёки муайян давр учун, ёки баҳолаш санасига қадар бўлган ҳолатга кўра молиявий базани аниқлаш;

тегишли мультипликаторларни ҳисоблаш лозим.

Муайян давр учун молиявий база ҳақида ахборот баҳолаш санасидан олдинги тўлиқ ҳисобот йили яқунларига кўра олинади.

Аналоглар нархи баҳолаш санасидан олдинги тўлиқ ҳисобот йили ва чораклар мобайнида тузилган битимлар ҳақидаги ахборотга мувофиқ олинади. Бунда, айни бир аналоглар бўйича нархлар ҳақидаги ахборот энг катта ва энг кичик қийматлар ўртасида ўртача қиймат сифатида олиниши мумкин.

58. Капитал бозори ва битимлар усуллари қўллаш вақтида қуйидаги мультипликаторлардан фойдаланилиши мумкин:

оралиқ мультипликаторлар — нарх/фойда, нарх/пул оқими, нарх/дивидендлар, нарх/сотишдан келган тушум;

моментли мультипликаторлар — нарх/баланс қиймати, нарх/активлар (моддий ва номоддий) соф қиймати.

Нарх/фойда, нарх/пул оқими мультипликаторлари нархни аниқлашнинг энг кенг тарқалган усули ҳисобланади, чунки баҳолаш объекти ва ўхшаш корхоналар даромади ҳақидаги ахборот энг очиқ ахборотдир. Мультипликатор учун молиявий база сифатида фойданинг ҳар қандай кўрсаткичидан (соф даромад, солиқ солингунга қадар бўлган даромад, фоизлар ва солиқлар тўлангунга қадар бўлган даромад ва бошқа кўрсаткичлардан) фойдаланилиши мумкин.

Аналоглар ҳақида қайси ахборот очиқ эканлигига қараб, турли мультипликаторлардан фойдаланилиши мумкин. Баҳолаш объекти қийматини қиёсий ёндашув билан ҳисоблашда нархни шакллантирувчи энг муҳим омилларни ҳисобга олиш учун бир нечта мультипликаторлардан фойдаланиш тавсия этилади.

59. Мультипликатор қийматини танлаш ҳар бир коэффицент бўйича ўртача ва медиана қийматлари таҳлилига, шунингдек баҳолаш объектининг таққослаш элементи бўйича позициясига мувофиқ амалга оширилади.

Шундан сўнг баҳолашга «Молиявий коэффицентларнинг йиғма жадвали»да акс этирилган молиявий таҳлил натижалари жалб қилинади. Муайян турдаги мультипликатор қийматини танлаш учун баҳоловчи қиймат жиҳатидан баҳолаш объекти коэффицентларига энг яқин бўлган молиявий коэффицентлардан фойдаланади.

60. Баҳоловчи баҳолаш объектининг муайян шароитлари, мақсадлари ва турига, у ёки бу ахборотга бўлган ишонч даражасига қараб ҳар бир мультипликаторга ва, тегишли равишда, қиймат вариантга солиштирма огирлик белгилайди.

Бундай ўлчаш натижасида қийматнинг бошланғич миқдори олинади ва ундан кейинги тузатишларни киритиш учун асос сифатида фойдаланилиши мумкин.

Қийматнинг бошланғич миқдорини ўлчаш

Қўллаш учун танланган мультипликаторлар	Мультипликаторлар миқдори	Қўлланилаётган мультипликаторлар типига қараб баҳолаш объекти кўрсаткичлари	Мультипликатор қўлланилганидан кейин баҳолаш объектининг қиймати	Солиштирма огирлик	Оралиқ натижалар
1.					
2.					
3.					
Қийматнинг бошланғич миқдори					

61. Қийматнинг якуний миқдорини аниқлашда мультипликаторлар қўлланилганидан кейин олинган натижага (зарур ҳолда) ликвидлилик ва назорат даражасига қараб тузатиш киритилади.

Назорат даражасига қараб тузатиш киритиш (кўпайтириш ёки камайтириш) қуйидаги тартибда амалга оширилади:

баҳоланаётган объект (корхона, акциялар пакети, улуш, пай) ва аналог ўртасида миқдор жиҳатидан фарқ 10 фоизгача (ичига олиб) бўлса, 1,02 коэффиценти қўлланилади;

баҳоланаётган объект (корхона, акциялар пакети, улуш, пай) ва аналог ўртасида миқдор жиҳатидан фарқ 10 фоиздан ортиқ бўлса, ҳар 10 фоиз

тафовут учун қўлланиладиган 1,02 коэффициентига 0,02 коэффициенти қўшилади.

62. Баҳолаш объекти билан олдинги битимлар усули акциялар пакетлари, улушлар, пайларни баҳолашда қўлланилади. Мазкур усулни қўллашда баҳолаш объекти тегишли бўлган эмитентнинг акциялари, улушлари ва пайлари билан илгари тузилган, муддати бир йилдан ошмайдиган битимлари ҳақидаги маълумотлар ахборот манбаи ҳисобланади.

63. Олдинги битим тузилган вақтдан бошлаб эмитентда жиддий ўзгаришлар (тармоқ, фаолият соҳаси, ишлаб чиқариш қувватлари ва бошқалар) юз берган ҳолларда эмитент акциялари, улушлари ва пайлари билан илгари тузилган битимларнинг нархлари ҳақидаги ахборотдан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

64. Мазкур усулни қўллашда баҳоловчи баҳолаш объекти билан илгари тузилган битим нархига (нархларига) вақт омилини, шунингдек баҳолаш объектининг иқтисодий ва тармоққа оид муҳитидаги ҳолатларнинг ўзгаришини ҳисобга олиб тузатиш киритишни амалга оширади.

Шунингдек, мазкур услубий кўрсатмаларнинг 61-бандида келтирилган тартибда ликвидлилик даражаси ва назорат даражасига (чегирмалар/мукофотлар) тузатишлар киритилади.

65. Баҳолаш объектининг илгари тузилган битим бўйича нархига тузатишлар бухгалтерия ҳисоби бўйича тегишли харажатлар ва даромадлар моддаларидаги ўзгаришларни ҳисобга олиб киритилади. Шунингдек, баҳолаш объектининг натурал кўрсаткичлар (ишлаб чиқариш қуввати, ишлаб чиқариш ҳажми, моддий активларнинг эскирганлиги ва ҳ. к.) бўйича ҳақиқий натижаларига ҳам тузатиш киритилиши лозим.

Кўчмас мулк (бинолар, иншоотлар)ни баҳолаш

66. Кўчмас мулк қийматини ёки кўчмас мулк объектларидан иборат мулкый мажмуалар қийматини баҳолашда бозорга оид таққослашлар усулидан фойдаланилади.

Баҳолаш объекти қийматини бозорга оид таққослашлар усули билан аниқлаш қўйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

а) бозорни ўрганиш ва баҳоланаётган объектга ўхшаш объектларни сотиш бўйича битимлар ёки таклифлар ҳақида ахборот йиғиш;

б) таққослаш элементларини танлаш ва асослаш;

в) баҳолаш объекти бозорига хос бўлган таққослаш бирликларини танлаш;

г) қиёсий аналогларни баҳолаш объекти билан таққослаш бирликларига кўра солиштириш ва баҳолаш объекти билан таққосланаётган ҳар бир объект нархига тузатишлар киритиш;

д) аналоглар нархларининг тузатиш киритилган қийматларини мувофиқлаштириш.

67. Таққослаш элементлари сифатида фақат нархни белгилайдиган ва

аналоглар нархига жиддий таъсир кўрсатишга қодир бўлган элементлар қуйидагилар орасидан олинади:

Омиллар гуруҳи	Олди-сотди битимлари учун таққослаш элементлари
1. Мулкый ҳуқуқлар	1.1. Объектнинг ижара шартномаси бўйича қўшимча юкламалари 1.2. Сервитутлар ва ижтимоий қўшимча юкламалар 1.3. Объект таркибидаги ер участкасига бўлган ҳуқуқлар
2. Молиялаш шартлари	2.1. Сотувчининг харидорни имтиёзли кредитлаши 2.2. Пул маблағлари эквиваленти билан тўлов
3. Алоҳида шартлар	3.1. Сотув нархининг ижара ставкаси билан бозорга оид бўлмаган алоқаси 3.2. Ривожланиш учун субсидия ёки имтиёзлар
4. Бозор шартлари	4.1. Нархларнинг вақтда ўзгариши 4.2. Таклиф нархининг битим нархидан фарқи
5. Жойлашган ери	5.1. Худуднинг нуфузлилиги 5.2. Ишга оид фаоллик ва ҳаёт таъминоти марказларига яқинлик 5.3. Объектга (транспортда ва пиёда) етишнинг қулайлиги 5.4. Атроф муҳит сифати (рекреация ва экология) 5.5. Объект атрофидаги иморатларнинг ҳолати
6. Жисмоний тавсифлар	6.1. Ер участкасининг тавсифи 6.2. Ҳажмий-режалаштириш ва конструктив тавсифи 6.3. Иморатларнинг эскириши ва уларни таъмирлашга бўлган эҳтиёж
7. Иқтисодий тавсифлар	7.2. Энг мақбул ва энг самарали фойдаланиш шартларига объектнинг мувофиқлиги 7.1. Ресурсларни тежаш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш имкониятлари
8. Сервис ва қўшимча элементлар	8.1. Алоқа ва коммунал хизматлар билан таъминланганлик 8.2. Муҳандислик ва энергетик коммуникацияларга ер участкасининг уланиш имкониятлари 8.3. Автотранспорт учун тўхташ жойи ва (ёки) гараж мавжудлиги 8.4. Хавфсизлик тизимининг ҳолати 8.5. Кўчмас мулк таркибида қўшимча усқуналар мавжудлиги

68. Баҳолашни мазкур метод билан ўтказишда баҳоловчи объектнинг якуний қийматига таъсир этувчи бошқа элементларни ҳам кўриб чиқиши мумкин. Баҳоловчи бунини баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириши ва баҳолаш объектнинг якуний қийматини аниқлашда ҳисобга олиши лозим.

69. Мазкур усулни қўллашда фоизли ва қийматга оид тузатишлардан фойдаланилади.

Фоизли тузатишлар аналогнинг сотув нархини аналог билан баҳолаш объекти тавсифларидаги тафовут даражасини акс эттирувчи тузатиш коэффициентига кўпайтириш йўли билан киритилади.

Қийматга оид тузатишлар аналог нархини аналог билан баҳолаш объекти тавсифларидаги тафовутнинг баҳоланган муайян суммасига ўзгартириш йўли билан киритилади. Қийматга оид тузатишлар таққослаш бирлиги нархига ёки аналогнинг умумий нархига киритилади.

Таққосланаётган объектларнинг тузатиш киритилган сотув нархларининг якуний қийматлари мос келмаслиги мумкин. Шу туфайли тузатиш

киритилган сотув нархини танлаш киритилган тузатишлар қиймати ёки миқдори энг кам бўлган аналог (аналоглар)нинг тузатиш киритилган нархидан фойдаланишга асосланади.

70. Тузатишлар ҳар бир таққослаш элементи бўйича алоҳида — аналог нархининг олдинги, тузатиш киритилган қийматига нисбатан киритилади. Тузатишлар киритиш кетма-кетлиги қуйидаги тартибда амалга оширилади:

таққослаш элементларининг биринчи гуруҳидан тўртинчи гуруҳигача тузатишлар доим кўрсатилган кетма-кетликда киритилади, ҳар бир тузатишдан кейин таққосланаётган объектнинг сотув нархи қайтадан ҳисобланади (кейинги тузатишларга ўтилгунга қадар);

кейинги (таққослаш элементларининг тўртинчи гуруҳидан кейин) тузатишларни киритиш исталган тартибда амалга оширилиши мумкин. Бунда, аввал фоизли тузатишлар, сўнгра қийматга оид тузатишлар киритилади.

71. Аналог ва баҳолаш объекти учун таққослаш бирлиги сифатида қайси бирликлар ҳақида бозорга оид ахборот мавжуд бўлса, шу бирликлардан фойдаланилади.

Яхшиланмаган ер участкаси учун солиштирма тавсифлар (солиштирма нархлар)дан фойдаланилади:

ер участкаси майдони бирлиги нархи: квадрат метр; «сотих» (100 кв. м); гектар (10 000 кв. м);

узунлик бирлиги нархи: погон метри;

мазкур турдаги функционал фойдаланиш учун стандарт бўлган майдонли участка нархи.

Яхшиланган ер участкаси учун солиштирма тавсиф сифатида бутун объект қийматига энг катта ҳисса қўшувчи мулк компоненти учун нархни шакллантирувчи омил миқдори ўлчов бирлигининг солиштирма нархи олинади. Иморат қиймати ер участкаси қийматидан катта эканлиги аён бўлса, бутун объект учун таққослашнинг асосий бирлиги сифатида иморатнинг солиштирма нархидан фойдаланилади:

иморатнинг фойдали (ижарага берилган, умумий) майдони бирлиги (кв. м) нархи;

иморат ҳажмининг бирлиги нархи;

квартира ёки хона нархи (нотурар жой сифатида расмийлаштирилган);

объектнинг даромад келтирадиган бир элементи нархи (ресторан ёки театрдаги ўрин, меҳмонхонадаги ўрин ёки номер).

72. Аналогларнинг нархларига тузатишларни ҳисоблашда таҳлил воситалари ва аналоглар битимларининг нархларини баҳолаш объектнинг қийматига келтириш усуллари билан ажралиб турадиган техникаларнинг икки гуруҳидан фойдаланилиши мумкин:

миқдор жиҳатидан таҳлил техникалари гуруҳи: нархларга компенсацион тузатишлар киритиш техникаси ва омилли таҳлил техникаси;

сифат жиҳатидан таҳлил техникалари гуруҳи: нархларни сифат жиҳатидан таққослаш техникаси ва кваллиметрик моделлаштириш техникаси.

73. Аналогларнинг нархларига тузатишлар киритиш яқунларига кўра ҳар

бир аналог бўйича таққослаш бирлигининг тузатилган нархи аниқланади ва олинган (тузатилган) натижаларнинг барчаси тегишли таққослаш бирлиги бўйича қийматнинг ягона миқдорига келтирилади.

Баҳолаш объектининг якуний қиймати қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C = \Pi_{\text{ед.}} * C_{\text{ед.}}, \text{ бу ерда:}$$

C — баҳолаш объектининг якуний қиймати;

$\Pi_{\text{ед.}}$ — баҳолаш объекти таққослаш бирлигининг умумий кўрсаткичи (жами юза, жами ҳажм, жами узунлик ва ҳ. к.);

$C_{\text{ед.}}$ — ягона қийматга келтирилган (тузатишлар киритилган) аналогларнинг таққослаш бирлиги қиймати.

Машиналар, ускуналар ва транспорт воситаларини баҳолаш

74. Машиналар, ускуналар ва транспорт воситалари қийматини қиёсий ёндашув билан баҳолаш бозор нархлари асосида аналог билан тўғридан-тўғри солиштириш усули ёрдамида амалга оширилади. Таққослаш:

иккиламчи бозорда сотилаётган мутлақ аналог билан;

мутлақ аналог бўлмаса, иккиламчи бозорда сотилаётган тахминий аналог билан, тузатишлар киритиш орқали;

иккиламчи бозор бўлмаса, янги ўхшаш ускуна билан, эскиришга тузатишлар киритиш орқали амалга оширилади.

75. Машиналар, ускуналар ва транспорт воситалари қийматини аналог билан тўғридан-тўғри солиштириш усули билан баҳолаш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

а) аналоглар бозорининг таҳлили;

б) мос келувчи таққослаш birlikларини танлаш;

в) мос келувчи таққослаш элементларини аниқлаш;

г) баҳолаш объекти ва аналог ўртасидаги фарқларга қараб тузатишлар киритиш;

д) баҳолаш объектининг якуний қийматини ҳисоблаш.

76. Аналоглар асосий кўрсаткичлар: функционал йўналиши, конструктив ва параметрик ўхшашликларга кўра танланади.

Функционал аналоглар йўналиш жиҳатидан ўхшашлик билан тавсифланади, яъни улар бир хил функциялар (операциялар, амаллар, жараёнлар)ни бажаришга кодир. Мақсади бир бўлган ва муайян даражада бир-бирининг ўрнини боса оладиган функционал аналоглар тузилиши, амал қилиш принципи, фойдаланиш вақтида истеъмол қиладиган ресурсларга кўра фарқ қилиши мумкин. Функционал ўхшашлик — қиёсий ёндашув билан баҳолашнинг зарурий, лекин етарли бўлмаган шarti.

Конструктив аналоглар машиналар, ускуналар ва транспорт воситала-

ри тури (туркуми)га кўра ўхшашлик билан тавсифланади ва яқин (ёки деярли бир хил) ва тузилиш жиҳатидан ўхшаш аналогларга бўлинади.

Параметрик аналоглар асосий ишлаб чиқариш ва фойдаланиш кўрсаткичлари (ишлаб чиқариш қуввати, оғирлик, габаритлар ва бошқалар) бўйича ўхшашлик билан тавсифланади.

Машиналар, ускуналар ва транспорт воситаларини аналог билан тўғридан-тўғри солиштириш усули билан баҳолашда база сифатида параметрлари қиймат жиҳатидан баҳоланаётган объектга мумкин қадар яқин бўлган яқин (деярли бир хил) аналогларни танлаш лозим.

Аналогларни танлашда баҳолаш объекти билан айни бир ишлаб чиқарувчи томонидан ва айни бир мамлакатда ишлаб чиқарилган машиналар, ускуналар ва транспорт воситаларининг бирликларига устунлик берилади.

77. Аналогларни реализация қилиш нархларига тегишли тузатишлар, чунончи: сотув шартларидаги фарқларга кўра нархларга тузатиш (тижорат тузатиши); техник жиҳатдан қиёсийликка тузатиш (техник тузатиш) киригилади.

Тижорат тузатиши:

$$Ц_{\text{кор}} = Ц + у * (M_6 - M_n), \quad у = (P1 - P2) / (N1 - N2), \text{ бу ерда:}$$

$Ц_{\text{кор}}$ — тузатиш киритиш йўли билан тузатилган нарх;

$Ц$ — бошланғич нарх;

$у$ — параметр бирлиги «нархи», яъни параметр унинг ўлчаш бирлигига нисбатан ўзгарганида нарх қанча пул бирлигига ўзгаришини кўрсатувчи қиймат;

M_6 — баҳолаш объектининг конструктив-функционал параметри (қувват, унумдорлик ва ҳ. к.) кўрсаткичи;

M_n — танланган аналогнинг конструктив-функционал параметри (қувват, унумдорлик ва ҳ. к.) кўрсаткичи;

$P1, P2$ — аналогларнинг нархлари;

$N1, N2$ — аналогларнинг нархни шакллантирувчи параметрлари.

Техник тузатиш:

$$P_6 = P_n * (M_6 / M_n)^x, \quad x = \log (P1 / P2) / \log (N1 / N2), \text{ бу ерда:}$$

P_6 — баҳолаш объектининг қиймати;

P_n — аналог объектининг сотув нархи;

x — баҳолаш объекти қийматининг объект параметрлари қийматларига боғлиқлигини тавсифловчи даража коэффициенти (нархнинг тўхташ коэффициенти).

Даража коэффициентини аниқлашда бир нечта аналоглардан (камида уч хил аналогдан) фойдаланиш тавсия этилади. Коэффициентнинг якуний қийматини ўртача кўрсаткич сифатида аниқлаш мумкин.

Аналогнинг сотув санаси баҳолаш санаси билан мос келмаган ҳолда, аналог қиймати баҳолаш санасига келтирилиши лозим. Аналог қийматини

келтириш машиналар, ускуналар ва транспорт воситаларининг тегишли мансублигига кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари бўйича асосий фондлар қиймати қимматлашиши коэффициентларини қўллаш йўли билан амалга оширилади.

78. Машиналар, ускуналар ва транспорт воситаларини аналог билан тўғридан-тўғри солиштириш усули билан баҳолашда, агар аналоглар баҳолаш объектини баҳолаш амалга оширилаётган худуддан (мамлакатдан) ташқарида жойлашган бўлса, танланган аналоглар қийматига ҳам тузатиш киритилиши лозим. Бу ҳолда аналог қийматига транспорт ва божхонада расмийлаштириш харажатларини киритиш талаб этилади.

Танланган аналогларнинг қиймат кўрсаткичларига бошқа тавсифлар бўйича ҳам тузатишлар киритилиши мумкин, агар мазкур тавсифлар аналоглар қийматига сезиларли даражада таъсир кўрсатадиган бўлса.

79. Бошқа турдаги кўчар мулк (интеллектуал мулк объектлари, акциялар, улушлар, пайлар, машиналар ва ускуналар, шунингдек, транспорт воситаларидан ташқари) қиёсий ёндашув усуллари билан баҳоланмайди.

3 §. Харажат ёндашуви

80. Харажат (мулкый) ёндашуви баҳолаш объекти қийматига қилинган харажатлар нуктаи назаридан ёндашади ва хусусийлаштириш мақсадида мулкни баҳолашда соф активлар усули ёрдамида амалга оширилади.

81. Айрим ҳолларда баҳолаш объектини харажат ёндашуви билан баҳолашда тугатиш қиймати усулидан фойдаланилиши мумкин. Тугатиш қиймати баҳолаш объектининг бозор қийматидан тугатиш учун қилинган тўғридан-тўғри харажатларни (шу жумладан шошилиш ва мажбурий сотиш бўйича вақт омилини) айириш йўли билан аниқланади.

Корхона (акциялар, улушлар, пайлар)ни баҳолаш

82. Корхона (акциялар, улушлар, пайлар)ни баҳолашда соф активлар усули, корхона активлари ва мажбуриятларининг баланс қиймати уларнинг бозор қийматига мос келмаслиги мумкин бўлгани туфайли, бухгалтерия балансининг айрим моддаларини бозор қиймати даражасигача тузатиш киритиш йўли билан амалга оширилади.

83. Корхона қийматини ҳисоблашнинг базавий формуласи:

$$\text{Хусусий капитал} = \text{активлар} - \text{мажбуриятлар}$$

84. Корхона (акциялар, улушлар, пайлар)ни соф активлар усули билан баҳолашда активларнинг бир қисми бозор қиймати бўйича олинади, активларнинг қолган қисми ва мажбуриятлар баланс қиймати бўйича олинади.

Ҳар бир актив ва мажбурият қиймати активлар — пасивларнинг ҳар бир туркуми учун алоҳида-алоҳида аниқланади:

Соф активлар қийматини ҳисоблаш

Т/р	Қўрсаткич	Баланс бўйича қўрсаткич қиймати	Тузатилган баланс бўйича қўрсаткич қиймати		
I. Активлар					
1.	Асосий воситалар	Қўрсаткичларнинг қийматлари охириги ҳисобот санасидаги (баҳолаш санасидаги) корхона балансидан кўчириб олинади	Баҳо қўрсаткичларнинг қийматларини баҳоловчи аниқлайди. Олинадиган қийматлар балансда кўрсатилган қийматларга мос келиши ҳам, улардан анча фарқ қилиши ҳам мумкин		
	шу жумладан балансда ҳисобга олинмаган асосий воситалар (алоҳида сатрда кўрсатилади)				
2.	Номоддий активлар**				
3.	Σзоқ муддатли инвестициялар				
4.	Ўрнатилиши лозим бўлган ускуналар (ўрнатилмаган ускуналар)				
5.	Капитал қўйилмалар (тугалланмаган қурилиш)				
6.	Ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқлари				
7.	Σзоқ муддатли дебиторлик қарзлари*				
8.	Σзоқ муддатли кечиктирилган харажатлар*				
9.	Товар-моддий захираларга тегишли бўлган инвентарлар ва хўжалик буюмлари				
10.	Товар-моддий захиралар (инвентарь ва хўжалик буюмларини ҳисобга олмаганда)*				
11.	Бошқа жорий активлар*				
12.	Жами активлар				
II. Пассивлар					
13.	Σзоқ муддатли мажбуриятлар*				
14.	Жорий мажбуриятлар*				
15.	Жами пассивлар				
16.	Соф активларнинг қийматлари (12-сатр – 15-сатр)				

* Баланс қиймати бўйича ҳисоблашда иштирок этадиган активлар; баланс қиймати бўйича ҳисоблашда иштирок этадиган мажбуриятлар.

** Номоддий активлар баланс қиймати бўйича баҳолашда иштирок этади, интеллектуал мулк объектлари бундан мустасно. Интеллектуал мулк объектлари белгиланган тартибда баҳоланади.

85. Баҳолаш объектини хусусийлаштириш мақсадида баҳолашда соф активлар усулидан фойдаланилганда корхона активларининг ҳисобланган қиймати баланс бўйича акс эттирилган қўрсаткичдан паст бўлмаслиги керак. Активларнинг ҳисобланган (бозор) қиймати активларнинг баланс (қолдиқ) қийматидан паст бўлган ҳолда баҳолаш вақтида асос сифатида активларнинг баланс (қолдиқ) қиймати олинади.

86. Асосий воситалар қийматини баҳолаш уларнинг ҳақиқий ҳолатидан келиб чиқиб асосий воситаларнинг ҳар бир бирлиги учун алоҳида-алоҳида амалга оширилади ва кейинчалик уларнинг қиймати баҳолаш ҳақидаги ҳисоботда акс эттирилади.

Асосий воситалар қийматини баҳолаш жараёнида баҳоловчи балансда ҳисобга қўйилмаган асосий воситалар бўйича ахборотни баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда алоҳида акс эттиради.

Корхонада чет эл валютасига харид қилинган асосий воситалар мавжуд бўлса, баҳоловчи мазкур харажатларни улардан ҳисоблашларда фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан ўрганиши лозим.

Кўчмас мулк (бинолар, иншоотлар) қийматини баҳолаш

87. Кўчмас мулк қийматини баҳолаш қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Кўчмас мулкнинг тиклаш қиймати лойиҳа-смета ҳужжатларига биноан аниқланади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари мавжуд бўлмаса, кўчмас мулк тикланиш қийматининг йириклаштирилган нормативларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

Кўчмас мулкнинг тикланиш қиймати смета қиймати асосида амалдаги нархларда лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича мулкнинг смета қийматига смета ҳужжатлари тузилган вақтдан бошлаб кўчмас мулкни қайта баҳолашнинг тегишли коэффициентлари ва нархлар қимматлашиши индексларини қўллаш йўли билан аниқланади (ҳисоблашлар тўлиқ бўлмаган ҳисобот даври – йил якунлари бўйича амалга оширилганда):

$$C_{\text{д.с.с.}} = C_c * I_1 * I_2 * I_3 * \dots * I_y, \text{ бу ерда:}$$

$C_{\text{д.с.с.}}$ — кўчмас мулкнинг амалдаги нархлардаги тиклаш қиймати;

C_c — кўчмас мулк қурилишининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича смета қиймати;

$I_1, I_2, I_3, \dots, I_y$ — асосий воситаларни қайта баҳолашнинг тегишли коэффициентлари ва нархлар қимматлашиши индекслари.

Йириклаштирилган нормативлар асосида кўчмас мулкнинг тикланиш қиймати қуйидаги тартибда аниқланади.

Кўчмас мулкнинг тикланиш қиймати қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C_{\text{в.с.}} = S * C_{\text{с.е.}} * K_1 * K_2 * K_3 * \dots * K_y * I_1 * I_2 * I_3 * \dots * I_y, \text{ бу ерда:}$$

$C_{\text{в.с.}}$ — кўчмас мулк объектининг тикланиш қиймати;

S — кўчмас мулк объектининг ўлчов бирлиги (ҳажм, юза, погон метри ва ҳ. к.);

$C_{\text{с.е.}}$ — тиклаш қийматининг йириклаштирилган кўрсаткичи;

$K_1, K_2, K_3, \dots, K_y$ — тузатиш коэффициентлари (капиталлик гуруҳи, ҳудуднинг зилзилабардошлиги, ҳудудий коэффициент ва ҳ. к.);

$I_1, I_2, I_3, \dots, I_y$ — қурилиш материаллари нархлари қимматлашишининг тегишли индекслари.

Кўчмас мулкнинг тикланиш қийматига кўчмас мулк тикланиш қийматининг жорий нархлардаги 10 фоизи миқдордаги тадбиркорлик фойдаси суммаси қўшилади.

88. Кўчмас мулкнинг умумий эскириши жисмоний, функционал ва ташқи эскириш кўрсаткичлари йиғиндиси сифатида аниқланади.

Эскириш фоиз ва қиймат ҳисобида ўлчанади.

89. Жисмоний эскириш кўчмас мулк алоҳида конструктив элементлари эскириш кўрсаткичларининг йиғиндиси сифатида аниқланади ва қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$И_{\text{физ.}} = \left[\sum_1^i И_i * К_i \right] / 100, \text{ бу ерда:}$$

$И_i$ — i -чи конструктив элементнинг жисмоний эскириши, % ҳисобида;
 $К_i$ — кўчмас мулк умумий массасида i -чи конструктив элемент улуши;
 i — конструктив элементлар сони.

Ҳар бир конструктив элементнинг жисмоний эскириши ҳажмини баҳоловчи уларнинг ҳақиқий ҳолатига қараб қурилиш нормаларига мувофиқ (кўздан кечириш жараёнида) аниқлайди.

90. Функционал эскириш бартараф этиладиган ва бартараф этилмайдиган бўлади. Бартараф этиладиган функционал эскириш:

илгари мавжуд бўлмаган янги элементни қўшишни талаб этадиган камчиликлар;

эски элементни янгига алмаштиришни ёки замонавийлаштиришни талаб этадиган камчиликлар;

ўта такомиллаштиришлар (ортиқча қиймат) билан белгиланади.

Бартараф этилмайдиган функционал эскиришга бирон-бир элемент нуқсонни ёки ўта такомиллаштиришлар сабаб бўлиши мумкин.

Илгари мавжуд бўлмаган янги элементни қўшишни талаб этадиган камчиликлар ушбу элементларни қўшиш, шу жумладан уларни ўрнатиш қиймати билан ўлчанади.

Эски элементни янгига алмаштиришни ёки замонавийлаштиришни талаб этадиган камчиликлар мавжуд элементларнинг уларнинг жисмоний эскириши ҳисобга олинган қиймати, минус материалларни қайтариш қиймати (сотиш), плюс мавжуд элементларни демонтаж қилиш қиймати ва плюс янги элементларни ўрнатиш қиймати сифатида ўлчанади.

Кўчмас мулк объектида бор бўлган ва мавжудлиги ҳозирги вақтда замонавий фойдаланиш стандартларига мос келмайдиган элементлар ўта такомиллаштиришлар ҳисобланади. Улар ўта такомиллаштиришлар позицияларининг жорий тикланиш қиймати, минус жисмоний эскириш, плюс демонтаж қиймати ва минус материалларни қайтариш қиймати, агар у мавжуд бўлса (ёки тугатиш қиймати) сифатида ўлчанади.

Бартараф этилмайдиган функционал эскириш ижара ҳақидаги йўқотишлар суммасини ёки кўчмас мулк объектини лозим даражада сақлаш учун ортиқча эксплуатацион харажатлар суммасини капиталлаштириш йўли билан аниқланади.

91. Ташқи эскиришни аниқлаш ижара ҳақидаги йўқотишларни капиталлаштириш йўли билан ёки жуфт сотувлар усули ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Ташқи эскиришни ижара ҳақидаги йўқотишларни капиталлаштириш йўли

билан аниқлаш бартараф этилмайдиган функционал эскиришни ҳисоблаш тартиби билан бир хил.

Ташқи эскириш жуфт сотувлар усули билан қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$I_{\text{внеш.}} = [(A_{\text{бел.}} - A_c) - P - C_{\text{зем.}}] / A_c, \text{ бу ерда}$$

$A_{\text{бел.}}$ — баҳолаш объектининг ташқи эскириш белгилари мавжуд бўлмаган аналог;и;

A_c — баҳолаш объектининг ташқи эскириш белгилари мавжуд бўлган аналог;и;

P — ўхшаш объектларнинг жисмоний ва бошқа фарқларидаги тафовут;

$C_{\text{зем.}}$ — ер участкаси қиймати.

92. Умумий эскириш қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$I_c = 1 - (1 - I_{\text{физ.}} / C_{\text{вост.}}) * (1 - I_{\text{функ.}} / C_{\text{вост.}}) * (1 - I_{\text{внеш.}} / C_{\text{вост.}}), \text{ бу ерда:}$$

I_c — умумий эскириш;

$I_{\text{физ.}}$ — жисмоний эскириш;

$I_{\text{функ.}}$ — функционал эскириш;

$I_{\text{внеш.}}$ — ташқи (иқтисодий) эскириш;

$C_{\text{вост.}}$ — кўчмас мулк объектининг тиклаш қиймати.

Кўчмас мулк объектини хусусийлаштириш мақсадида баҳолашда, агар ҳисобланган умумий эскириш 70 фоиздан ортиқ бўлса, эскиришнинг базавий кўрсаткичи сифатида 70 фоиз олинади.

93. Кўчмас мулк қийматини лойиҳа-смета ҳужжатларига ёки йириклаштирилган нормативларга мувофиқ ҳисоблаш баланс (қолдик) қийматидан паст натижа берган ҳолда, баланс (қолдик) қийматга Ҳукумат қарори бўйича сўнгги қайта баҳолаш санасидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари бўйича қурилиш материаллари қиймати қимматлашиши коэффицентни қўллаш йўли билан амалга оширилган қийматнинг ҳисоби асос сифатида олинади.

Ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқлари қийматини баҳолаш

94. Ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқлари қийматини баҳолаш у корхона балансида ҳисобга қўйилган ёки қўйилмаганидан қатъи назар, ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

Ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқлари қиймати баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда алоҳида сатр билан кўрсатилади.

Ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқлари қийматини баҳолаш ер солиғи ставкасини капиталлаштириш йўли билан амалга оширилади. Бунда, капиталлаштириш ставкаси:

доимий фойдаланиш ҳуқуқини баҳолашда — баҳолаш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаш ставкасига тенг миқдорда;

узоқ муддатли ижара ҳуқуқини баҳолашда — баҳолаш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган, 1,1 коэффициентига кўпайтирилган қайта молиялаш ставкасига тенг миқдорда;

кисқа муддатли ижара ҳуқуқини баҳолашда — баҳолаш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган, 1,2 коэффициентига кўпайтирилган қайта молиялаш ставкасига тенг миқдорда олинади.

Баҳолашнинг мазкур тартиби ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқлари баҳолашнинг якка тартибдаги объектлари ҳисобланганда, шунингдек ер участкаларидан қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланилган ҳолларда қўлланилмайди.

Машиналар, ускуналар ва транспорт воситаларини баҳолаш

95. Машиналар ва ускуналарни баҳолаш баҳолаш объектнинг аниқ нусхасини яратиш ёки уни ўхшашига алмаштириш харажатларининг жисмоний эскириш чегириб ташланган ҳолда ҳисоблашга асосланади.

Тикланиш қийматини аниқлашда барча сарфлар, шу жумладан транспорт харажатлари ҳамда монтаж ва созлаш-ишга тушириш ишлари учун харажатлар ҳисобга олинади.

Транспорт харажатлари амалда қилинган сарфларга кўра олинади. Монтаж ва созлаш-ишга тушириш ишлари учун харажатлар тикланиш қийматининг 10 фоизи миқдорида олинади.

96. Машиналар ва ускуналар қийматини ҳисоблаш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- а) тикланиш қийматини ёки алмаштириш қийматини аниқлаш;
- б) жисмоний эскиришни аниқлаш;
- в) бозор қийматини ҳисоблаш.

Тиклаш қиймати қуйидаги методларнинг бири ёрдамида ҳисобланади: турдош объект нархи бўйича ҳисоблаш усули; элементма-элемент ҳисоблаш усули; индекс усули.

Бунда, турдош машиналар ва ускуналар бўйича умумий метод қўлланилади.

97. Бир хил (янги) машиналар ва ускуналарни реализация қилиш нархи маълум бўлган ҳолларда уларнинг тикланиш қийматини аниқлашда мазкур ахборот базавий ахборот сифатида олинади.

98. Турдош объект нархи бўйича ҳисоблаш усулидан фойдаланишни баҳоловчи қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

ишлаб чиқариш технологияси, ишлатилган материаллар ва тузилишига кўра ўхшаш, нархи маълум бўлган турдош объект танланади;

турдош объектнинг ишлаб чиқариш таннархи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C_{п.од} = \frac{(1 - H_{дс}) * (1 - H_{пр} - K_p) * C_{од}}{(1 - H_{пр})}, \text{ бу ерда:}$$

$C_{п.од}$ — турдош объектни ишлаб чиқариш таннархи;

$C_{од}$ — турдош объект нархи;

$H_{дс}$ — қўшилган қиймат солиғи ставкаси (коэффициент сифатида қўлланилади);

$H_{пр}$ — фойда солиғи ставкаси (коэффициент сифатида қўлланилади);

K_p — маҳсулотнинг рентабеллик кўрсаткичи.

Талаб катта бўлган маҳсулотлар учун рентабеллик кўрсаткичи 0,25 — 0,35 оралиғида, талаб даражаси ўртача бўлган маҳсулотлар учун 0,1 — 0,25 оралиғида, паст рентабелли маҳсулотлар учун 0,05 — 0,1 оралиғида олинади.

Турдош объект таннархига объектлар массасидаги фарқларни ҳисобга олувчи тузатишлар киритилади:

$$C_n = C_{п.од} * \frac{G_o}{G_{од}}, \text{ бу ерда:}$$

C_n — турдош объектни ишлаб чиқариш таннархи;

G_o — баҳолаш объекти конструкциясининг массаси;

$G_{тур.}$ — турдош объект конструкциясининг массаси.

Баҳолаш объектнинг тикланиш қиймати қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$S_v = \frac{(1 - H_{пр}) * C_n}{1 - H_{пр} - K_p}, \text{ бу ерда:}$$

S_v — баҳолаш объектнинг тикланиш қиймати. Талаб мавжуд бўлмаган машиналар ва ускуналар баҳоланаётган бўлса, уларнинг қиймати таннарх даражасида олинади.

99. Турдош объектларнинг микдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олувчи тузатишларни киритиш (зарур ҳолларда) қиёсий ёндашув билан ҳисоблашда аналог нархига киритиладиган тузатишни ҳисоблаш билан бир хил тартибда амалга оширилади.

100. Элементма-элемент ҳисоблаш усули баҳолаш объекти алоҳида тугалланган узеллар (блоклар)дан иборат бўлган, йиғиш мутахассислар аралашувини талаб этмайдиган ҳолларда қўлланилади. Объект қиймати узелларни харид қилиш, транспортда ташиш ва фойдани ҳисобга олган ҳолда йиғиш харажатлари, шунингдек, солиқ ва бож тўловлари ва йиғимлари билан боғлиқ харажатлар йиғиндиси сифатида аниқланади.

Мазкур усулдан фойдаланилганда:

баҳолаш объектининг бутловчи узеллари ва агрегатлари рўйхати тузилади;

бутловчилар нархига доир ахборот йиғилади;

баҳолаш объектининг тикланиш қиймати қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C_n = \Pi_{эл} + B, \text{ бу ерда:}$$

C_n — объектнинг тикланиш қиймати;

$\Pi_{эл}$ — бутловчи узеллари ёки агрегатлар харид қилиш учун харажатлар суммаси;

B — бошқа харажатлар (транспортда ташиш, йиғиш, турли йиғимлар).

101. Индекс усули қўлланилганда баҳолаш объектининг бошланғич баланс қийматини жорий нархларга келтириш Ҳукумат қарори бўйича асосий фондларни сўнгги қайта баҳолаш санасидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари бўйича асосий фондлар қиймати қимматлашиши коэффициентларини қўллаш йўли билан амалга оширилади.

Баҳолаш объекти (бутловчи узеллари, компонентлар ва бошқалар)нинг таннархини шакллантирувчи харажатларни индексация қилиш амалга оширилиши мумкин.

102. Машиналар ва ускуналарни хусусийлаштириш мақсадида баҳолашда баҳолаш объектларининг жисмоний эскириши жадвалда келтирилган кўрсаткичларга мувофиқ эксперт йўли билан аниқланади:

Ҳолатнинг баҳоси	Техник ҳолат тавсифи	Эскириш
Янги	Янги (шу жумладан ўрнатилган, лекин фойдаланишга киритилмаган), аъло ҳолатда.	5% гача
Жуда яхши	Носозликларсиз ишлаётган, оз муддат фойдаланилган, нуқсонлар ва носозликлар аниқланмаган ускуна.	5% — 20%
Яхши	Иш қобилиятини чекламайдиган кичик фойдаланиш нуқсонларига эга бўлган ускуна. Капитал таъмирлашдан чиққан, яхши ҳолатдаги ускуна.	20% — 35%
Қониқарли	Қониқарли ҳолатдаги ускуна. Иш режимларини танлашда таъмирлашлар орасида хизматлар кўрсатиш ёки жорий таъмирлаш вақтида бартараф этиладиган баъзи бир чеклашлар бўлиши мумкин.	35% — 50%
Шартли равишда яроқли	Ускуна ишида бартараф этиш учун режадан ташқари таъмирлашлар ўтказиш талаб этиладиган носозликлар кузатилади. Иш режимларини танлаш ва энг катта юкланишларга чеклашлар бор. Асосий қисмларини жиддий таъмирлаш ёки алмаштириш талаб этилади.	50% — 75%
Қониқарсиз	Тез-тез бузилиб турадиган, асосий узелларни капитал таъмирлашни талаб этадиган, ёмон ҳолатдаги ускуна.	75% — 90%
Фойдаланиш учун яроқсиз	Асосий йўналиши бўйича фойдаланишга яроқсиз бўлган ускуна. Ҳали ишлаётган асосий материаллар қиймати бўйича сотишдан бошқа имкониятлар йўқ.	90% дан ортиқ

103. Транспорт воситалари қийматини хусусийлаштириш мақсадида баҳолаш ҳам шу тартибда амалга оширилади.

Транспорт воситалари қийматини баҳолашда баҳолаш объектининг эскиришини транспорт воситалари улардан фойдаланишга топширилган вақтдан бошлаб (транспорт воситаси капитал таъмирланган ёки асосий агрегатлар ва узеллар алмаштирилган ҳолларда — капитал таъмирлаш ўтказилган вақтдан бошлаб) босиб ўтган масофасидан келиб чиқиб аниқлашга йўл қўйилади. Бунда, эскириш кўрсаткичи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$И = \begin{cases} П_{\text{ф}} / П_{\text{н}} * 100 & И \leq 90\% \text{ бўлса} \\ 90\% & И > 90\% \text{ бўлса} \end{cases}, \text{ бу ерда:}$$

И — эскириш;

$П_{\text{ф}}$ — баҳолаш санасида транспорт воситасининг ҳақиқий йўл босиши (ёки ёши, хизмат муддати), км ёки йил (мото-соат) ҳисобида;

$П_{\text{н}}$ — транспорт воситасининг ҳисобдан чиқарилгунгача бўлган (капитал таъмирлангунгача) вақтга қадар норматив йўл босиши (ёки ёши, хизмат муддати), км ёки йил (мото-соат) ҳисобида.

Транспорт воситалари қийматини мазкур услубий кўрсатмаларга асосан баҳолаш услубиёти фақат ер усти транспорт воситалари қийматини баҳолаш учун қўлланилиши мумкин. Бошқа турдаги (учувчи (хаво), сув) транспорт воситаларини баҳолаш учун махсус услубиётлардан фойдаланилади.

Бошқа асосий воситалар, инвентарь ва хўжалик буюмлари қийматини баҳолаш

104. Асбоблар, ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентари (мебелсиз), ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар, кўп йиллик ўсимликлар, кутубхона фондлари ва бошқа асосий воситалар қийматини баҳолаш уларнинг бошланғич баланс қийматини жорий бозор нархларига (ишлаб чиқарувчи заводлар, прайс-варақлар, преysкурантлар нархларига ва бошқаларга) мувофиқ бўлгунгача қайта баҳолаш йўли билан ёки Ҳукумат қарори бўйича асосий фондларни сўнгги қайта баҳолаш санасидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари бўйича асосий фондлар қийматининг қимматлашиши коэффициентларини тегишли тоифа бўйича қўллаш йўли билан амалга оширилади.

Ушбу асосий воситаларнинг эскириши уларнинг ҳақиқий ҳолатидан келиб чиқиб эксперт йўли билан ёки бухгалтерия ҳисоби нормаларига мувофиқ аниқланади. «Маҳсулдор ҳайвонлар» ва «Кутубхона фондлари» гуруҳлари бўйича эскириш ҳисобланмайди.

105. Товар-моддий захираларга мансуб бўлган инвентарлар ва хўжалик буюмлари қиймати амалдаги улгуржи ёки чакана нархларда (ишлаб чиқарувчи заводлар, прайс-варақлар, преysкурантлар нархларига ва бошқаларга) ёки уларнинг баланс қийматига асосий фондларни йиллик қайта баҳо-

лаш энг катта коэффициентини қўллаш йўли билан баҳоланади. Мазкур активлар турига эскириш ҳисобланмайди.

106. Баҳоланаётган корхонага қарашли бўлган, балансдан ташқари ҳисобварақларда ҳисобга олинган активлар шу тартибда баҳоланади.

107. 5 фоиз ва ундан кам миқдордаги акциялар пакетлари (улушлар, пайлар) қиймати баҳоланганда, корхонанинг барча асосий воситалари қийматини баҳолаш Ҳукумат қарори бўйича асосий фондларни сўнги қайта баҳолаш санасидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари бўйича асосий фондлар қиймати қимматлашиши коэффициентларини қўллаш йўли билан амалга оширилади.

Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар қийматини баҳолаш

108. Баҳоланаётган корхонада қимматли қоғозлар (акциялар), масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли (шу жумладан хорижий) жамиятларнинг устав капиталидаги улушлар, мулкӣ пайлар, шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари сифатидаги узоқ муддатли молиявий қўйилмалар (инвестициялар), бошқа узоқ муддатли инвестициялар мавжуд бўлса, баҳоловчи уларни баҳолаши лозим.

109. 75 фоиз минус бир оддий акция миқдоридagi акциялар пакетлари қийматини баҳолаш даромадлиликдан келиб чиқиб қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$C_{ак.} = B_{ин.} * \left(1 + \frac{D_{в}}{H} + \frac{K_{са} - H}{H} \right) * \frac{C_{ск}}{C_{уф}}, \text{ бу ерда:}$$

$C_{ак.}$ — акциялар пакети қиймати;

$B_{ин.}$ — акциялар пакетининг баланс қиймати;

$D_{в}$ — бир акция учун тўланган дивидендлар миқдори;

H — бир акциянинг номинал қиймати;

$K_{са}$ — бир акциянинг курс бўйича қиймати;

$C_{ск}$ — хусусий капиталнинг баланс бўйича ҳажми (ўз маблағлари манбалари);

$C_{уф}$ — устав капиталининг баланс бўйича миқдори.

Акциялар қийматини баҳолашда баҳоловчи баҳоланаётган акциялар пакетининг назорат даражасини ва курс бўйича қиймат сифатида олинаётган илгари сотилган акциялар қийматини ҳисобга олиши ва тегишли тузатишларни киритиши лозим.

110. 75 фоизгача миқдордаги масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлардаги (чет эл капитали иштирокидаги жамиятлардан ташқари) улушлар ва мулкӣ пайлар қийматини баҳолаш 75 фоиз минус бир оддий акция миқдоридagi акциялар пакетлари қийматини баҳолаш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

111. Шўъба ва тобе хўжалик юритувчи субъектларга инвестициялар,

75 фоиздан (ичига олиб) ортиқ миқдордаги акциялар пакетлари (қимматли қоғозлар 75 фоиздан (ичига олиб) ортиқ миқдордаги масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлардаги улушлар ва мулкӣ пайлар, шунингдек чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга қўйилмалар (устав фондида иштирок этиш улушидан қатъи назар) қийматини баҳолаш қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$C = [(C_{\text{о.с.}} * I) + (И * 0,1 * I) + (C_{\text{тмз}} * I) + C_{\text{б.ак}}] - C_{\text{б.о.}} \text{ бу ерда:}$$

C — узоқ муддатли инвестицияларнинг ҳисобланган қиймати;

$C_{\text{о.с.}}$ — инвестициялар киритилган корхоналар асосий воситаларининг умумий баланс қолдиқ қиймати;

I — корхона асосий воситалари эскиришининг баланс бўйича умумий суммаси;

I — нархлар қимматлашиши энг катта индекси;

$C_{\text{тмз}}$ — товар-моддий захираларнинг баланс қиймати (баланс сатри бўйича умумий суммаси);

$C_{\text{б.ак.}}$ — қолган барча (узоқ муддатли ва жорий) активларнинг баланс қиймати;

$C_{\text{б.о.}}$ — мажбуриятларнинг баланс қиймати.

112. Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарда узоқ муддатли молиявий қўйилмалар қийматини баҳолашда баҳоловчи мазкур қўйилмаларнинг баҳолаш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича қайта ҳисобланган валюта қийматини ҳисобга олиши лозим.

Ўрнатиладиган ускуналар ва тугалланмаган қурилиш қийматини баҳолаш

113. Ўрнатиладиган ускуналар қийматини баҳолаш «Машиналар ва ускуналар» гуруҳи бўйича асосий воситалар қийматини баҳолаш учун назарда тутилган тартибда, созлаш-ишга тушириш харажатларини ҳисобга олмасдан амалга оширилади.

114. Тугалланмаган қурилиш (капитал қўйилмалар) қийматини баҳолаш кўчмас мулкни баҳолаш учун назарда тутилган тартибда ёки Ҳукумат қарори бўйича сўнгги қайта баҳолаш санасидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари бўйича қурилиш материаллари қийматининг қимматлашиши коэффициентларини қўллаш йўли билан амалга оширилади.

4-§. Қўлланилган ёндашувлар доирасида олинган натижаларни мувофиқлаштириш ва баҳолаш объектининг якуний қийматини ҳисоблаш

115. Баҳолаш объекти қийматининг якуний натижаси баҳолашнинг уч ёндашуви натижаларининг ўртача арифметик қиймати ҳисобланмайди. Ҳар

бир ёндашув аҳамияти баҳоланаётган мулк тури, баҳолаш мақсади билан, шунингдек, мазкур ёндашув далилий маълумотлар билан қай даражада қувватланаётгани билан белгиланади. Баҳоловчи баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда ўзининг ҳаракатларига аниқ асослашлар ва тегишли далиллар келтирган ҳолда бир (ёки ҳатто икки) ёндашув натижаларини ҳисобга олмасликка ҳақли.

116. Қийматнинг якуний миқдорини ҳисоблаш олинган натижаларни ҳар бир ёндашувнинг муҳимлик даражасини ҳисобга олган ҳолда ўлчаш йўли билан амалга оширилади.

Мувофиқлаштириш жараёнида баҳоловчи у ёки бу ёндашув билан олинган натижанинг баҳолаш якуний натижасига таъсири даражасини белгилайдиган ўлчов коэффициентларини таҳлил қилади. Қуйидагилар ўлчов коэффициентларини баҳолаш учун (мувофиқлигига кўра) асосий мезонлар ҳисобланади:

- бозорга оид ахборотдан фойдаланиш;
- асосий воситаларнинг эскирганлиги;
- баҳолаш объектининг функционаллиги ва ихтисослашуви;
- ер участкаси ва қўшимча ҳудуд мавжудлиги;
- баҳолаш объекти жойлашган ер;
- баҳолаш объектининг ҳажми;
- баҳолаш объектининг сифат туркуми.

117. Муайян мезонларни уларга тегишли кўрсаткичларни бириктириш йўли билан баҳолагач, баҳоловчи ҳар бир баҳолаш ёндашуви бўйича ўлчов коэффициентларини аниқлаши лозим. Мезонларни баҳолаш қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Бозорга оид ахборотдан фойдаланиш

Харажат ёндашуви билан ҳисоблаш учун:

бинолар (иншоотлар)нинг камида 30 фоизи уларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда баҳоланади; баҳолаш объекти асосий воситаларининг камида 30 фоизи (бинолар, иншоотлардан ташқари) бозорга оид ахборотдан фойдаланган ҳолда баҳоланади;	1
бинолар (иншоотлар)нинг камида 60 фоизи уларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда баҳоланади; баҳолаш объекти асосий воситаларининг камида 60 фоизи (бинолар, иншоотлардан ташқари) бозорга оид ахборотдан фойдаланган ҳолда баҳоланади;	2
бинолар (иншоотлар)нинг камида 90 фоизи уларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда баҳоланади; баҳолаш объекти асосий воситаларининг камида 90 фоизи (бинолар, иншоотлардан ташқари) бозорга оид ахборотдан фойдаланган ҳолда баҳоланади.	3

Мезонларнинг бинолар (иншоотлар) ва бошқа асосий воситалар бўйича ўрнатилган чегаралари мазкур асосий воситаларнинг позициялари миқдори

ва уларнинг бошланғич (баланс) қиймати суммасига бўлган нисбатдан келиб чиқиб қўлланилади.

Баҳолаш объекти қийматини харажат ёндашуви билан баҳолаш юқорида кўрсатилган мезонларга мос келмаган тақдирда, мувофиқлаштириш жараёнида харажат ёндашуви билан ҳисоблаш натижасига баллар берилмайди.

Даромад ёндашуви билан ҳисоблаш учун:

балансда сақловчи (эмитент) молиявий прогнозларидан фойдаланилган	1
балансда сақловчи (эмитент) прогнозларидан фойдаланишдан ташқари, баҳоловчи бўлгуси даромадларнинг қўшимча таҳлилини амалга оширган	2
қўшимча таҳлилни амалга ошириш ва балансда сақловчи (эмитент) прогнозларидан фойдаланишдан ташқари, ихтисослашган молиявий институтлар ва бошқа ташкилотлар тайёрлаган прогнозлар ҳақидаги ахборотдан фойдаланилган	3

Қиёсий ёндашув билан ҳисоблаш учун:

3 аналог билан битимлар ҳақидаги бозорга оид ахборотдан фойдаланилганда	1
4 — 6 аналог билан битимлар ҳақидаги бозорга оид ахборотдан фойдаланилганда	2
6 дан ортиқ аналоглар билан битимлар ҳақидаги бозорга оид ахборотдан фойдаланилганда	3

Асосий воситаларнинг эскирганлиги

Асосий воситаларнинг эскирганлик коэффициенти баланс бўйича асосий воситалар эскириш суммасининг уларнинг бошланғич баланс қиймати-га нисбати сифатида аниқланади:

Кўрсаткичлар	Харажат ёндашуви	Даромад ёндашуви	Қиёсий ёндашув
Баҳолаш санасида коэффициент 0,5 қийматидан ортиқ	1	3	2
Баҳолаш санасида коэффициент 0,2 дан 0,5 гача (ичига олиб) натижа беради	2	3	1
Баҳолаш санасида коэффициент қиймати 0,2 дан паст	3	2	1

Баҳолаш объектининг функционаллиги ва ихтисослашуви:

Кўрсаткичлар	Харажат ёндашуви	Даромад ёндашуви	Қиёсий ёндашув
Кўп миқдорда капитал қўйилмаларсиз қайта ихтисослаштириш имконияти мавжуд эмас	3	1	2
Баҳолаш объекти оз миқдорда харажатлар билан қайта ихтисослаштирилиши мумкин	1	3	2

Ер участкаси ва қўшимча ҳудуд мавжудлиги:

Кўрсаткичлар	Харажат ёндашуви	Даромад ёндашуви	Қиёсий ёндашув
Ҳудуднинг ярмидан кўпроғи иморатлар билан банд этилган	3	1	2
Ҳудуднинг ярмидан камроғи иморатлар билан банд этилган	2	3	1
Ҳудуднинг ярмидан камроғи иморатлар билан банд этилган, шунингдек, алоҳида жойлашган қўшимча ҳудуд мавжуд	1	3	2

Баҳолаш объекти жойлашган ер:

Кўрсаткичлар	Харажат ёндашуви	Даромад ёндашуви	Қиёсий ёндашув
Баҳолаш объекти вилоят марказида (шу жумладан Тошкент шаҳрида) ёки вилоятга бўйсинувчи шаҳарда жойлашган	3	2	1
Баҳолаш объекти туман марказида ёки туманга бўйсинувчи шаҳарда жойлашган	2	3	1
Баҳолаш объекти қишлоқда, тоғли ҳудудда, бошқа узоқ ва овлоқ ҳудудда жойлашган	2	1	3

Баҳолаш объектининг ҳажми:

Кўрсаткичлар	Харажат ёндашуви	Даромад ёндашуви	Қиёсий ёндашув
Баҳолаш объекти 100 фоизли актив ёки назорат элементларига эга (акцияларнинг назорат пакетлари ва улушларга)	3	2	1
Баҳолаш объекти назорат элементларига эга эмас (акцияларнинг назорат пакетлари ва улашларга)	2	3	1

Баҳолаш объектининг сифат туркуми:

Кўрсаткичлар	Харажат ёндашуви	Даромад ёндашуви	Қиёсий ёндашув
Баҳолаш объектининг техник мансублиги — индустриал	3	2	1
Баҳолаш объектининг техник мансублиги — ноиндустриал	2	3	1

118. Турли ёндашувлар билан олинган баҳолаш натижаларининг амалга оширилган таҳлили асосида баҳоловчи асосий мезонлар бўйича ҳар бир ёндашув учун ўлчовларни аниқлайди.

Т/р	Мезонлар	Харажат ёндашуви	Даромад ёндашуви	Қиёсий ёндашув
1.	Бозорга оид ахборотдан фойдаланиш	C_1^3	$C_1^д$	$C_1^с$
2.	Асосий воситаларнинг эскирганлиги	C_2^3	$C_2^д$	$C_2^с$
3.	Баҳолаш объектининг функционаллиги ва ихтисослашуви	C_3^3	$C_3^д$	$C_3^с$
4.	Ер участкаси ва қўшимча ҳудуд мавжудлиги	C_4^3	$C_4^д$	$C_4^с$
5.	Баҳолаш объекти жойлашган ер	C_5^3	$C_5^д$	$C_5^с$

Т/р	Мезонлар	Харажат ёндашуви	Даромад ёндашуви	Қиёсий ёндашув
6.	Баҳолаш объекти ҳажми	C_6^3	C_6^d	C_6^c
7.	Баҳолаш объектининг сифат туркуми	C_7^3	C_7^d	C_7^c
	Барча мезонлар бўйича баллар йиғиндиси	$\Sigma C_{i^3, i=1-7}$	$\Sigma C_{i^d, i=1-7}$	$\Sigma C_{i^c, i=1-7}$
	Барча ёндашувлар бўйича баллар йиғиндиси	$C = \Sigma C_i^3 + \Sigma C_i^d + \Sigma C_i^c$		
	Тегишли ёндашувлар бўйича солиштирма ўлчов коэффициентлари	$K_3 = \frac{\Sigma C_i^3}{C}$	$K_d = \frac{\Sigma C_i^d}{C}$	$K_c = \frac{\Sigma C_i^c}{C}$

119. Баҳолаш объекти қийматининг якуний миқдори тегишли равишда турли ёндашувлар билан олинган ҳисоблаш натижаларига тегишли ўлчов коэффициентлари қўлланилганидан кейин ёндашувларнинг натижаларини қўшиш йўли билан аниқланади:

$$C = \gamma_3 * K_3 + \gamma_d * K_d + \gamma_c * K_c, \text{ бу ерда:}$$

C — баҳолаш объекти қийматининг мувофиқлаштирилган якуний миқдори;

$\gamma_{3, d, c}$ — баҳолаш объекти қийматини харажатга оид, даромадга оид ва қиёсий ёндашувлар билан ҳисоблаш натижалари.

120. Баҳолаш объектининг якуний қиймати ягона катталик сифатида ифодаланади.

VII-боб. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни тузиш

121. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот баҳоловчининг баҳолаш объекти қиймати хусусидаги йиғилган ахборот ва ҳисоблашлар асосида тасдиқланган хулосасини ўз ичига олган ҳужжатдир.

Баҳолашни амалга ошириш вақтида баҳоловчи баҳолаш объектининг бозор қийматидан фарқ қилувчи бошқа қийматини аниқлаган бўлса, баҳолаш объектининг бозор қийматини аниқлашдан четга чиқиш сабаблари баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилиши ва баҳолаш объектини баҳолаш жараёни акс эттирилиши лозим.

122. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни тузишда баҳоловчи қуйидаги қоидаларга амал қилиши лозим:

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда баҳолаш объектининг қиймати нуқтаи назаридан муҳим бўлган барча ахборот баён этилиши керак;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда келтирилган, баҳолашни амалга ошириш вақтида фойдаланилган ёки ҳисоблашлар натижасида олинган ахборот тасдиқланган бўлиши керак;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг мазмуни мазкур ҳисоботдан фойдаланувчиларни чалғитиши, шунингдек, ҳар хил талқинга йўл қўймаслиги керак;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда ифодаланган материаллар таркиби ва кетма-кетлиги ҳамда баҳолаш жараёнининг тавсифи қийматни ҳисоблашни

тўлиқ тасвирлаш имкониятини бериши ва уни айни шу натижаларга олиб келиши лозим;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот баҳолашни амалга ошириш вақтида оралик ва якуний натижаларни аниқлашда фойдаланилмаган ахборотни, агар у баҳолаш фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик талабларига мувофиқ мажбурий бўлмаса, ўз ичига олмаслиги керак.

123. Баҳолаш объектининг туридан, шунингдек, баҳолаш мақсадларидан (қонунчиликда назарда тутилган мақсадлардан ташқари) қатъи назар, баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот тузилиш жиҳатидан қуйидаги бўлимлар ва уларнинг қисмларидан таркиб топиши лозим:

а) I-бўлим «Титул варағи» — баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг биринчи саҳифаси ҳисобланади ва ҳужжатни излаш учун зарур бўлган бошланғич ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади.

Титул варағида қуйидаги маълумотлар келтирилади:

баҳоловчи ташкилот номи;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг рўйхатга олиш рақами;

ишнинг номи;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот тузилган сана.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот икки ёки ундан ортиқ китобдан иборат бўлса, ҳар бир китоб биринчи китобнинг титул варағига мувофиқ бўлган ва мазкур китобга дахлдор маълумотларни ўз ичига олган ўз титул варағига эга бўлиши лозим. Китоб рақами титул варағида қўйилади;

б) II-бўлим «Мундарижа» тегишли саҳифаларнинг рақамлари кўрсатилган барча бўлимлар, кичик бўлимлар, бандлар (агар улар номланган бўлса) ва иловалар номини ўз ичига олади.

Икки ёки ундан ортиқ китобдан иборат бўлган баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот тузилганда уларнинг ҳар бирида ўз мундарижаси бўлиши лозим. Бунда, биринчи китобда баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг китоб рақамлари кўрсатилган умумий мундарижаси, кейинги китобларда — фақат тегишли китоб мундарижаси жойлаштирилади. Биринчи китобда кейинги китоблар мундарижаси ўрнига уларнинг номинигина кўрсатишга йўл қўйилади;

в) III-бўлим «Илова хат (умумлаштирувчи қисм)» буюртмачига баҳолашни амалга ошириш натижалари ҳақидаги эркин шаклда (иш услубида) баён этилган хабарни ўз ичига олади. Хатда қуйидагилар кўрсатилади:

баҳолашни амалга ошириш учун асос;

баҳолаш объектининг номи ва жойлашган манзили;

бажарилган ишларнинг қисқача баёни;

қиймат аниқланган санага қадар бўлган ҳолатга кўра баҳолаш объектининг қиймати ҳақида хулоса;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот қайси қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ тайёрланган бўлса, шу ҳужжатларга ҳавола;

илова хат баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботга асосан тайёрлангани ва фақатгина ҳисоботнинг тўлиқ матнига боғлиқ равишда, яъни ҳисоботда қабул қилинган барча фаразлар ва чеклашларни ҳисобга олган ҳолда талқин қилиниши мумкинлигига кўрсатма.

Илова хат баҳоловчи ташкилотнинг фирма бланкасида расмийлаштирилади, раҳбари томонидан имзоланади ва муҳри билан тасдиқланади;

г) IV-бўлим «Қисқартмалар, шартли белгилар, символлар, бирликлар ва атамалар рўйхати» баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда қабул қилинган, кенг тарқалган ва таърифлари билан бирга келтирилиши лозим бўлган қисқартмалар, шартли белгилар, символлар, бирликлар, махсус (профессионал) атамаларни ўз ичига олади.

Агар қисқартмалар, шартли белгилар, символлар, бирликлар ва атамалар баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда икки мартадан кам такрорланган бўлса, алоҳида рўйхат тузилмайди, балки уларга изоҳ бевосита матнда биринчи марта зикр этилганда берилади;

д) V-бўлим «Кириш» баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботдан фойдаланувчига баҳоловчи амалга оширган иш натижалари ҳақида тўлиқ ахборот олиш имкониятини берадиган асосий фактлар ва хулосаларнинг қисқача баёнини ўз ичига олади. Мазкур бўлимга қуйидаги қисмлар киритилиши лозим:

асосий фактлар ва хулосалар, бу ерда қуйидагилар кўрсатилади:

баҳолаш объекти ҳақида умумий ахборот;

баҳолаш тўғрисида шартнома номи, унинг рақами ва санаси, тарафларнинг тўлиқ номи, ваколатли орган қарори (ҳукумат қарорлари, баҳолашни амалга ошириш учун асос ҳисобланадиган бошқа ҳужжатлар);

турли ёндашувларни қўллаш йўли билан олинган баҳолаш натижалари;

баҳолаш объекти қийматининг якуний миқдори;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботга сўнгги тузатиш киритилган ва ҳисобот тақдим этилган кўринишда расмийлаштирилган календарь санага мувофиқ бўлган баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот тузилган сана;

ҳисоботнинг тартиб рақами;

баҳолаш ҳақида вазифа, у мазкур услубий кўрсатмалар талабларига мувофиқ ахборотни ўз ичига олиши лозим;

баҳолаш буюртмачиси ҳақида (номи, юридик манзили), баҳоловчи ташкилот ҳақида (ташкилий-ҳуқуқий шакли, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги ҳужжатдаги каби тўлиқ номи, идентификацион маълумотлар (давлат реестридаги қайд рақами, СТИР ва ҳ. к.), юридик манзили (агар манзиллар бир нечта бўлса, уларнинг ҳаммаси кўрсатилади), фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш ҳақидаги маълумотлар, баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган лицензия рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати; банк реквизитлари) ва баҳоловчи ташкилот билан меҳнат шартномасига биноан ишлайдиган баҳоловчи ҳақида (фамилияси, исми, отасининг исми, баҳолашни амалга ошириш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат рақами ва берилган санаси, меҳнат шартномаси рақами ва санаси) маълумотлар. Шунингдек, баҳолашни амалга ошириш ва баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлашга жалб қилинган барча ташкилотлар ва мутахассислар ҳақида ахборот уларнинг малакаси ва баҳолаш объектини баҳолаш-

ни амалга оширишда уларнинг иштирок этиш даражасини кўрсатган ҳолда келтирилиши лозим;

баҳолаш натижаларига таъсир кўрсатган фаразлар ва чекловчи шартлар. Хусусийлаштириш мақсадида мулкни баҳолашга нисбатан фаразлар ва чекловчи шартлар рўйхати қуйидагича бўлиши мумкин:

мазкур ҳисобот тўла ҳажмда ва унда кўрсатилган мақсадлардагина ишончлидир;

баҳоловчи ташкилот баҳолаш объектига бўлган ҳуқуқларнинг юридик тавсифи учун жавобгар бўлмайди. Баҳоланаётган ҳуқуқлар, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда айтиб қўйилган чеклашлардан ташқари, ҳар қандай эътирозлар ёки чеклашлардан ҳоли деб қаралади;

баҳоловчи, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилган омиллардан ташқари, баҳолаш натижаларига таъсир этадиган яширин омилларнинг йўқлигини назарда тутати. Баҳоловчи ташкилот бундай омилларнинг мавжудлиги ва уларни аниқлаш зарурияти учун жавобгар бўлмайди;

баҳоловчи баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлашда фойдаланган дастлабки маълумотлар ишончли манбалардан олинган бўлиши ва ҳаққоний деб ҳисобланиши лозим. Баҳоловчи ташкилот уларнинг мутлақо аниқлигини кафолатлай олмайди, шу боис баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда ахборот манбаларига ҳаволалар келтирилиши лозим;

баҳоловчи ташкилот ушбу санадан кейин вужудга келиши ва баҳолаш объектининг бозор қийматига таъсир этиши мумкин бўлган иқтисодий, юридик ва бошқа омилларнинг ўзгариши учун ҳеч қандай жавобгарликни ўз зиммасига олмайди;

бюртмачи ҳам, баҳоловчи ташкилот ҳам баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботдан фақат баҳолаш тўғрисидаги шартномада назарда тутилган тартибда фойдаланишлари мумкин;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот баҳоловчи ташкилотнинг объект қиймати хусусидаги фикрини ўз ичига олади ва объект эркин бозорда объектининг мазкур баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилган қийматига тенг бўлган нархда сотилишини кафолатламайди;

баҳолаш фаолиятининг қўлланилаётган стандартлари, бу ерда 8-сон Мулкни баҳолаш Миллий стандартдан, баҳолаш объектини баҳолашни амалга оширишда қўлланиладиган бошқа стандартлардан фойдаланилгани ҳақида ахборот келтирилиши лозим;

е) VI-бўлим «Асосий қисм» қуйидаги мажбурий қисмларни ўз ичига олиши лозим:

баҳолаш жараёни босқичлари, бу ерда баҳоловчи ўзи бажарган ишлар кетма-кетлигини босқичма-босқич баён этади. Ҳар бир босқичда баҳолаш объектини баҳолаш бўйича бажарилган ишлар ҳақида умумий маълумотлар келтирилади (бажарилган ишларнинг оддий рўйхатини келтиришга йўл қўйилади). Амалга оширилган таҳлил ва ҳисоблашларнинг батафсил тавсифи баҳолаш объектининг хусусиятлари, баҳолаш вазифаси ва мавжуд ахборот ҳажмига мувофиқ навбатдаги қисмларда келтирилади;

баҳолаш объектининг тавсифи (уни идентификация қилиш), бу ерда

баҳолаш объектини кўздан кечириш, дастлабки ва ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар, баҳолаш объектнинг техник, молиявий, миқдор ва сифат кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотлар келтирилади. Бунда, баҳоловчи баҳолаш объекти ҳақидаги барча молиявий ва техник ахборотни, қўшимча юкламалар ва чеклашлар, баҳолаш объектдан жорий фойдаланиш ҳақидаги маълумотларни ва баҳолаш объектига тааллуқли бўлган, унинг қийматига сезиларли даражада таъсир кўрсатадиган бошқа омиллар ва кўрсаткичларни ёритиб беради.

Амалга оширилган кўздан кечиришнинг барча натижаларини баҳоловчи баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда босқичма-босқич баён этади. Кўчмас мулкнинг ҳажмий-режалаштириш кўрсаткичларини ўлчаш амалга оширилганида, бирон-бир параметр қийматини тасдиқлаш ёки белгилаш зарурияти туғилган ҳолда, баҳоловчи бунга баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатиб ўтади.

Баҳоловчи баҳолашни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни олиш жараёнини ҳам ахборотни олишнинг аниқ манбаларини кўрсатган ҳолда баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда акс эттиради. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда баҳоловчи баҳолаш объектини баҳолашда фойдаланилган (буюртмачи, балансда сақловчидан ва бошқа манбалардан олинган) барча ҳужжатларни уларнинг номи, рақами, санасини ва ҳужжатни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа маълумотларни кўрсатган ҳолда санаб ўтади.

Буюртмачи ёки унинг вакили сўралаётган ахборотни тақдим этишдан бош тортгани баҳолаш натижаларининг аниқлиги ва (ёки) ҳаққонийлигига сезиларли даражада таъсир кўрсатган бўлса, бу ҳолат баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда қайд этилади.

Баҳолаш объектнинг тавсифи баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботдан фойдаланувчи баҳолаш объекти ҳақида баҳоланаётган мулкнинг қийматига таъсир этадиган барча жиҳатлардан аниқ тасаввур ҳосил қилиши учун имконият яратиши лозим;

баҳолаш объекти бозорининг таҳлили баҳолаш объектига бевосита тааллуқли бўлмаган, лекин унинг қийматига таъсир этадиган барча омиллар таҳлилинга ўз ичига олиши лозим. Ушбу бўлимда баҳолаш объекти қийматини аниқлашда фойдаланилган нархни шакллантирувчи барча омиллар ҳақида ахборот келтирилиши ва уларнинг қийматлари асосланиши лозим.

Баҳоловчи баҳолаш объектнинг минтақадаги ҳолатини (мақомини) белгиловчи вазиятга умумий тавсиф беради. Бозорнинг фаоллиги ўхшаш объектларнинг талаб ва таклифи ҳажми ва динамикаси нуқтаи назаридан, очиқлик даражаси ҳамда баҳолаш объектнинг жозибадорлиги ёки ноёблигини белгиловчи бошқа кўрсаткичлар таҳлил қилинади. Чиқарилган таҳлилий хулосаларни қувватловчи миқдор ва сифатга оид барча маълумотлар кўрсатилади.

Тармоқ тавсифи тармоқ ҳажми ва тузилиши, бозорнинг асосий ишти-

рокчилари ва тармоқнинг ривожланиш истиқболлари таҳлилини ўз ичига олади.

Кўриб чиқиладиган кўрсаткичларнинг аниқ рўйхати ҳар бир ҳолда ба-жариладиган баҳолашнинг асосий вазифаларига мос келиши, баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот ортқча ахборот билан юкланишига йўл қўймасли-ги керак.

Бозордаги вазият таҳлили натижаси баҳолаш объектининг бозордаги тутган ўрни ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилади. Бунда, баҳоловчи мазкур ҳолатни аниқлашда қайси мезонларга амал қилганини кўрсатади;

энг мақбул ва энг самарали фойдаланиш таҳлили, бу ерда баҳоловчи баҳолаш объектидан фойдаланиш натижасида унинг қийматини мумкин қадар ошириш имконияти ҳақидаги ўз мулоҳазаларини баён этади ва уларни асос-лайди.

Баҳолаш объектидан энг самарали фойдаланиш таҳлили муқобил фойдаланиш вариантларини танлашни назарда тутаяди, шу туфайли ҳам баҳолаш объектининг функционал йўналиши, конструктив ечимларнинг тўлиқ ёки қисман ўзгариши, ҳуқуқлар таркиби ва бошқа параметрлар ўзгариши мумкинлигини ҳисобга олиб вариантлар рўйхатини келтириш лозим.

Баҳоловчи фойдаланилган барча қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни ҳам баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириши даркор;

баҳолаш жараёни тавсифи баҳолаш объекти қийматини аниқлашнинг баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботдан фойдаланувчига баҳолаш жараёни манти-қини ва баҳоловчи баҳолаш объекти қийматини аниқлаш йўлида ташлаган қадамларнинг муҳимлигини тушуниш имкониятини берувчи кетма-кетлиги-ни ўз ичига олиши лозим.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда баҳоловчи харажат, қиёсий ва даромад ёндашувлари доирасида қўллаган усулларнинг танланиши асосланган бўли-ши керак. Баҳоловчи баҳолаш объектини баҳолашга нисбатан муайян ёнда-шувни қўллашдан воз кечилганлиги сабабларини далиллар билан асослаб бериши лозим.

Ҳар бир ёндашув доирасида баҳоловчи ўзи қилган барча таҳлиллар, ҳисоблашлар, фикр-мулоҳазалар, фаразлар ва чеклашларни келтиради. Қа-бул қилинган ёндашувлар доирасида баҳолаш усулларини қўллаб баҳолаш-ни амалга оширишда баҳоловчининг ҳар бир ҳаракати лозим даражада асос-ланган бўлиши керак.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда ҳисоблашлар тавсифи келтирилиши, ҳисоблашларга баҳоловчи баҳолашни амалга ошириш вақтида қўлланилган ёндашувлар ва усуллар доирасида олган ёки кўрсатган ҳулосалар ва нати-жаларни текшириш имкониятини таъминловчи тушунтиришлар берилиши лозим.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда, шунингдек, баҳоловчи фикрига кўра баҳолаш объекти қийматини ҳисоблашнинг у қўллаган усулини тўла акс эттириш учун муҳим ҳисобланган ҳар қандай маълумотлар акс эттирилиши мумкин;

ж) VII-бўлим «Хулоса» қуйидаги қисмлардан таркиб топиши лозим:

турли ёндашувлар ёрдамида олинган баҳолаш натижаларини мувофиқлаштириш. Баҳоловчи баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда мувофиқлаштириш тартибининг тавсифини, қўлланилган ёндашувларнинг яроқлилиги, аниқлиги ва асослилиги борасида танланган мезонлар аҳамиятининг тавсифини келтириши, бу ёндашувларда дастлабки маълумотлардан қай даражада фойдаланилиши ва баҳолаш объектининг якуний қийматига олиб келишини кўрсатиб ўтиши лозим.

Баҳолаш ёндашувларининг ҳар бири билан олинган натижалар ўртасидаги жиддий тафовут унинг эҳтимол тутилган сабаблари хусусидаги асослантирилган шарҳлар билан тушунтирилиши керак.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботдан баҳолаш объекти бозор қийматининг якуний кўрсаткичи қўшилган қиймат солиғини ўз ичига олиши ёки олмаслиги аниқ бўлиши лозим;

сифат тўғрисида баёнот — баҳоловчининг баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот амалдаги қонунчилик ва фойдаланилаётган баҳолаш стандартлари талабларига мувофиқ эканлиги ҳақидаги расмий баёноти. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг сифати тўғрисидаги баёнотнинг таркибий қисми саналувчи қоидалар рўйхати қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

мазкур баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда баён этилган барча фактлар тўғри ва ҳаққонийдир;

амалга оширилган таҳлил, билдирилган фикрлар ва чиқарилган хулосалар баҳоловчиларнинг ўзига қарашли ва фақат мазкур баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда айтиб қўйилган фаразлар ва чекловчи шартлар доирасида ҳақиқийдир;

баҳолаш объектида баҳоловчининг жорий манфаатлари ҳам, бўлғуси манфаатлари ҳам мавжуд эмас ва у битимдан манфаатдор тарафларга нисбатан ҳолисона ва беғараз иш кўрган;

баҳоловчига тўланадиган ҳақ баҳолаш объекти қийматининг якуний миқдорига, шунингдек, буюртмачи ёки учинчи тараф мазкур баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботдан фойдаланиши натижасида юз бериши мумкин бўлган воқеаларга боғлиқ эмас;

таҳлил, фикр-мулоҳазалар ва хулосаларни олиш, мазкур ҳисоботни тузиш Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва 8-сон МБМС «Хусусийлаштириш мақсадида мулкни баҳолаш» талабларига тўла мувофиқ тарзда амалга оширилган;

з) VIII-бўлим «Фойдаланилган манбалар рўйхати» баҳолаш объектини баҳолашни амалга оширишда фойдаланилган маълумотлар рўйхатини ўз ичига олади.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда фойдаланилган адабиётлар ва ахборот манбаларига ҳаволалар ҳисобот матнида келтирилиши лозим, бу манбаларнинг номлари тўлиқ ифодаланган рўйхат эса ҳисоботнинг алоҳида бўлимида (иловада) келтирилади.

Манбалар жумласига қуйидагилар кирази: қонунчилик ва бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатлар, маълумотлар ва услубий адабиётлар, услубий тав-

сиялар, ишга оид адабиётлар, маълумотлар базалари, Интернет тармоғидан олинган маълумотлар ва ҳ. к.;

и) IX-бўлим «Иловалар» баҳолашни амалга оширишда фойдаланилган босма шаклдаги барча ахборотни (шу жумладан интернет-саҳифаларни) ўз ичига олади. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот иловаларида четдаги ташкилотларга юборилган сўровлар ва бундай сўровларга олинган жавобларнинг нусхалари ҳам келтирилиши лозим.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботга илова қилинган барча ҳужжатлар тегишли тарзда расмийлаштирилган бўлиши лозим (ваколатли шахс томонидан имзоланган ва ҳужжатларни тақдим этувчи органлар ва ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган бўлиши керак, Интернет тармоғидан олинган ахборотдан ташқари).

Ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар йўқлиги баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни ҳаққоний эмас деб топиш учун бевосита асос ҳисобланади.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботга иловалар баҳоловчи ташкилот лицензияси, баҳоловчининг баҳолашни амалга ошириш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхаларини, фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш полисининг нусхаси ва зарур фотоматериалларни ҳам ўз ичига олиши лозим.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда илова ҳужжатларининг тўлиқ рўйхати келтирилиши лозим.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот нусхасини баҳоловчи ташкилот ҳисобот тузилган санадан эътиборан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида сақлаши лозим.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ
БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

475 Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий
стандарти (9-сон МБМС) «Бизнес қийматини баҳо-
лаш»ни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
28 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2026*

(2009 йил 7 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 апрелдаги ПҚ-335-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2008 йил 24 апрелдаги ПҚ-843-сонли «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (9-сон МБМС) «Бизнес қийматини баҳолаш» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

Раис

Д. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 6 октябрь,
01/19-18/19-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат мулки қўмитасининг
2009 йил 6 октябрдаги
01/19-18/19-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш
миллий стандарти (9-сон МБМС)
«Бизнес қийматини баҳолаш»**

Мазкур Мулкни баҳолаш Миллий стандарти (9-сон МБМС) Ўзбекистон Республикаси «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 208-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 апрелдаги ПҚ-843-сонли «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида»ги Қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 18-сон, 145-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги баҳолаш фаолиятини норматив жиҳатдан тартибга солинишини белгилайди.

I-боб. Умумий қоидалар

1. 9-сон МБМСнинг мақсади бизнес қийматини баҳолашнинг атама ва тушунчаларни, ахборотга қўйиладиган талабларни, баҳолашни амалга ошириш тартибини, баҳолаш ёндашувлари ва усулларини, баҳолаш натижаларини расмийлаштиришга қўйиладиган талабларни ўрнатувчи нормалари ва қоидаларини белгилашдир.

2. 9-сон МБМСда қуйидаги атамалар ва тушунчалар қўлланилади:

пул оқими — муайян давр мобайнида актив, активлар гуруҳи, корхона томонидан яратиладиган пул маблағлари оқими;

инвестицияланган капиталга олинган пул оқими (қарзсиз пул оқими) — корхона фаолияти молиялаштирилганидан ва зарур капитал қўйилмалар амалга оширилганидан сўнг акциядорлар ва инвесторларга тўланадиган пул оқими;

хусусий капиталга олинган пул оқими (қарзли пул оқими) — корхона фаолияти молиялаштирилганидан, капитал қўйилмалар амалга оширилганидан ва қарзли молиялаштириш ҳажмлари ўзгарганидан сўнг қоладиган, акцияларни сақловчиларга йўналтирилладиган пул оқими;

фаразлар — ҳаққоний деб ҳисобланадиган тахминлар. Фаразлар баҳолаш объектига таъсир этадиган фактлар, шартлар ёки вазиятларни ёки баҳолашга нисбатан текшириш ва тасдиқлаш мумкин бўлмаган ёндашувларни ўз ичига олади;

ёпиқ корхона — акцияларга эга бўлмаган ёки акциялари очиқ бозорда сотилмайдиган ва иштирокчилари сони қонун ҳужжатларига мувофиқ чекланган корхона;

назорат — корхонани бошқаришга ва унинг сиёсатига таъсир кўрсатиш имконияти;

назорат улуши — мулкдаги (корхона устав фондидаги) улуш бўлиб, унинг эгасига корхона устидан назорат қилиш имкониятини таъминлайди;

мультипликатор — корхонанинг нархи ёки ўзгача қиймат асоси ва унинг фаолиятини тавсифловчи молиявий, ишлаб чиқариш ёки ашёвий кўрсаткич ўртасидаги нисбатни кўрсатувчи коэффициент;

чекловчи шартлар — қонунчилик, буюртмачи ёки баҳоловчи баҳолашга қўйган чеклашлар;

очиқ корхона — акциялари очиқ бозорда сотиладиган ва иштирокчилари сони қонун ҳужжатларига мувофиқ чекланмаган корхона;

дисконтлаш ставкаси — бўлғуси пул тушумларини жорий қийматга айлантириш учун фойдаланиладиган иқтисодий самара ставкаси;

капиталлаштириш ставкаси — муайян давр учун даромад миқдори қийматга айлантириш учун фойдаланиладиган, қоида тариқасида, фоиз ҳисобида ифодаланадиган бўлувчи;

жорий қиймат — муайян санада тегишли дисконтлаш ставкасидан фойдаланиб келтирилган бўлғуси даромадлар қиймати.

II-боб. Қўлланиш соҳаси

3. 9-сон МБМСда бизнес (корхона) деганда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган тижорат ташкилоти тушунилади.

4. Қуйидагилар 9-сон МБМС қоидалари татбиқ этиладиган баҳолаш объектлари ҳисобланади:

бизнес (корхона);

бизнесдаги мулк улушлари.

5. 9-сон МБМС баҳоловчи ташкилотлар, баҳоловчилар ҳамда баҳолаш хизматларининг буюртмачилари учун мўлжалланган ва бизнес (корхона) ёки бизнесдаги мулк улуши қийматини баҳолаш бўйича хизматлар кўрсатишда ва бизнес қийматини ёки бизнесдаги мулк улушини баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ишончилигини текширишда қўлланилиши мажбурийдир.

6. 9-сон МБМС хусусийлаштириш мақсадида корхонани (корхонадаги мулк улушини) баҳолашда, шунингдек хусусийлаштириш мақсадида корхонани (корхонадаги мулк улушини) баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ишончилигини текширишда қўлланилмайди.

7. 9-сон МБМСни амалиётда қўллашда ушбу 9-сон МБМСнинг илова-сида келтирилган Услубий кўрсатмалардан фойдаланиш лозим.

III-боб. Бухгалтерия ҳисоби стандартлари билан алоқадорлик

8. Бизнес қийматини аниқлашда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот маълумотлари асосий ахборот манбаи ҳисобланади ва баҳолаш таомил-

лари, ёндашувлари ва усулларини танлашга, шунингдек, якуний қиймат ҳақидаги хулосага жиддий таъсир кўрсатишга қодир.

9. Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари ва мулкни баҳолаш миллий стандартлари кўзлайдиган мақсадлардаги тушунчалар аппаратида, қийматни аниқлаш ва активлар ҳисобини юритишнинг турли хил усулларида ифодаланадиган фарқлар бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот маълумотларига улардан келгусида бизнес қийматини аниқлашда фойдаланиш учун тузатишлар киритиш заруриятини белгилайди.

10. Баҳоловчи бухгалтерия ҳисоби атамаларидан фойдаланганда, уларнинг мазмунини баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда ёритиб бериши лозим.

IV-боб. Стандарт талаблари

11. Бизнес (корхона) қийматини баҳолаш қуйидаги босқичлардан таркиб топади:

баҳолаш ҳақидаги вазифани белгилаш ва баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисида шартнома тузиш;

ахборот йиғиш ва уни таҳлил қилиш;

баҳолаш ёндашувлари ва усулларини танлаш, асослаш ва қўллаш;

баҳолаш натижаларини, қўлланилган баҳолаш ёндашувларини мувофиқлаштириш ва баҳолаш объектининг якуний қийматини аниқлаш;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни тузиш.

1-§. Баҳолаш ҳақидаги вазифани белгилаш

12. Баҳолаш ҳақидаги вазифа буюртмачи томонидан баҳоловчи ташкилот билан ҳамкорликда тузилади ва баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисидаги шартномага илова сифатида расмийлаштирилади. Баҳолаш ҳақидаги вазифада қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

баҳолаш объектининг номи ва тавсифи;

баҳолаш санаси;

баҳолаш мақсади (мақсадлари) ва баҳолаш натижаларидан фойдаланиш мўлжали;

баҳолаш мақсадига мувофиқ бўлган қиймат тури;

фаразлар ва чекловчи шартлар;

буюртмачи ёки ўзга ваколатли шахс тақдим этиши лозим бўлган бошланғич ахборот рўйхати;

баҳолаш ишларини бажариш муддатлари.

Баҳолаш мақсадига ва баҳолаш объектининг хусусиятларига қараб баҳолаш ҳақидаги вазифа қўшимча шартларни ўз ичига олиши мумкин.

13. Баҳолаш объектининг тавсифи қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

хусусий капитали (мулк улуши) баҳоланаётган корхона номини;

баҳоланаётган корхона устав фондидаги мулк улушининг бу улуш нис-

бий ва мутлақ қийматлари кўрсатилган ҳажмини, акциядорлик жамиятларини баҳолашда эса, бунга қўшимча равишда баҳоланаётган акциялар миқдори ва турини;

корхонанинг жойлашган манзили, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва қайси тармоққа мансублиги ҳақидаги маълумотларни;

корхона устав фондининг ҳажми ва тузилиши ҳақидаги ахборот, шу жумладан устав фондидаги улушларнинг тақсимланиши, чиқарилган ва эълон қилинган оддий ва имтиёзли акциялар миқдори ҳақидаги қисқача маълумотларни;

баҳолаш объектига бўлган мулкӣ ҳуқуқлар тавсифини ва кўрсатилган ҳуқуқларга доир чеклашлар ва мажбуриятлар ҳақидаги маълумотларни.

14. Баҳолаш мақсади сифатида буюртмачи баҳолаш натижаларидан ёки баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботдан нима учун фойдаланишни мўлжаллаётгани кўрсатилади.

15. Бизнес (корхона) ёки ундаги мулк улуши қийматини баҳолашда, агар баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисидаги шартномада ёки баҳолаш объектини баҳолаш қайси норматив ҳужжатга мувофиқ амалга оширилаётган бўлса, шу норматив ҳужжатда ўзгача тартиб ўрнатилган бўлмаса, баҳолаш объектининг бозор қиймати аниқланиши лозим. Бозор қийматидан бошқача қиймат аниқланиши лозим бўлган ҳолатларда қўлланиш сабаблари ҳамда аниқланаётган қиймат ва бозор қиймати ўртасидаги фарқлар баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда баён этилиши ва ёритиб берилиши лозим.

2-§. Ахборот йиғиш ва уни таҳлил қилиш

16. Баҳоловчи баҳолаш ёндашувлари ва усулларини асосли равишда танлаш ва қўллаш учун зарур ва етарли бўлган ҳажмда баҳолаш объекти ҳақида ахборот ва бозор ҳақида ахборотни йиғиш ва таҳлил қилишни амалга оширади.

17. Қуйидагилар баҳолаш объекти ҳақидаги ахборот манбалари ҳисобланади:

буюртмачи ёки ўзга ваколатли шахс томонидан тақдим этиладиган бошланғич ахборот;

баҳоловчи корхонани кўздан кечириш жараёнида ҳамда корхона раҳбарияти ва мутахассислари билан суҳбатлашиш натижаларига кўра олган ахборот;

учинчи шахслар ва ташкилотлардан олинган, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида эълон қилинган ахборот.

18. Бошланғич ахборот қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

баҳолаш санасида киритилган барча ўзгартиш ва қўшимчаларни ўз ичига олган корхона устави нусхасини;

юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини;

акциядорлар реестри нусхасини (акциядорлик жамиятлари учун);

баҳоланиши лозим бўлган корхона устав фондидаги улуш, шу жумладан ҳуқуқлар, имтиёзлар ва шартлар, миқдор кўрсаткичлари, назоратга таъсир этадиган омиллар ва сотиш ёки топширишни чеклайдиган битимлар ҳақидаги маълумотларни;

корхона, унинг тарихи, режалари ва ривожланиш имкониятлари ҳақидаги умумий маълумотларни;

корхонанинг ташкилий тузилиши ҳақидаги маълумотларни;

корхона мулкнинг таркиби ҳақидаги маълумотларни;

ўтган ва жорий даврлар учун корхона молиявий ҳисоботини;

асосий фаолият ҳақидаги маълумотларни (даромадлар ва харажатлар тузилиши);

бошқа турдаги фаолият ҳақида маълумотларни (даромадлар ва харажатлар тузилиши);

ўтган ва жорий даврлар учун дивидендлар тўлаш ҳақидаги маълумотларни.

Тақдим этилаётган бошланғич ахборот корхона раҳбариятининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланиши лозим ва шу ҳолдагина ҳақиқий ҳисобланади.

Баҳолаш мақсадига ва баҳолаш объектининг хусусиятларига қараб, баҳоловчи бошланғич ахборот рўйхатини кенгайтириши ёки баҳолашни амалга ошириш жараёнида керакли ахборотни талаб қилиб олиши мумкин.

19. Баҳоловчи қўшимча равишда бозор ҳақида қуйидаги ахборотни йиғиши ва таҳлил қилиши лозим:

миллий иқтисодиётнинг ҳолати ва унинг мазкур корхонага таъсири ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган макроиқтисодий ахборотни;

корхона жойлашган минтақа ҳақидаги ахборотни;

корхона мансуб бўлган бозор ва (ёки) бозор сегменти ҳақидаги ахборотни.

20. Йиғилган ахборот асосида баҳоловчи кўриб чиқилаётган давр учун корхона молиявий ҳисоботи маълумотларини таҳлил қилишни амалга ошириши лозим. Ушбу таҳлил бухгалтерия балансларини, молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботларни ва молиявий коэффициентларнинг асосий тоифаларини таҳлил қилишни ўз ичига олади.

Зарур ҳолда баҳоловчи тармоқнинг ўхшаш корхоналари ёки тармоқ бўйича ўртача кўрсаткичлар билан қиёсийликка ва корхона пул оқимларини прогноз қилишда қўлланишга яроқлиликка эришиш учун молиявий ҳисоботни меъёрга солишни — баҳоланаётган бизнес қийматига жиддий таъсир кўрсатадиган кўрсаткичлар бўйича тузатиш киритишни амалга оширади. Тузатишларни киритиш учун асослар ва уларнинг қўлланиши баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда келтирилиши лозим.

3-§. Баҳолаш ёндашувлари ва усулларини танлаш, асослаш ва қўллаш

21. Баҳолаш объектини баҳолашни амалга оширишда баҳоловчи баҳоланишнинг даромад ҳақида, қиёсий ва харажат ҳақида ёндашувларидан

фойдаланиши (ёки фойдаланишдан воз кечиш сабабларини асослаши) лозим.

22. Ҳар бир баҳолаш ёндашуви доирасида 9-сон МБМСда белгиланган усулларни танлашни баҳоловчи баҳолаш мақсади, баҳолаш объектининг хусусияти ва ривожланиш имкониятлари, чекловчи шартлар, ахборот базаси мавжудлиги ва унинг тўлиқлигини ҳисобга олиб мустақил амалга оширади.

23. Баҳолаш объекти қийматини даромад ёндашуви билан баҳолаш учун баҳоловчи баҳолаш объектидан қутилаётган даромадларни баҳолаш санасида қийматнинг ягона миқдорига ўзгартиришга асосланган қуйидаги усуллардан бирини қўллайди:

пул оқимларини дисконтлаш усули — баҳолаш объекти қиймати баҳолаш санасида дисконтлаш ставкаси бўйича келтирилган прогноз давридаги ва прогноз давридан кейинги пул оқимларини қўшиш йўли билан аниқланади;

даромадни капиталлаштириш усули — баҳолаш объекти қиймати айрим давр мобайнида олинган даромад миқдорини шу даромадга мувофиқ бўлган капиталлаштириш ставкасига бўлиш йўли билан аниқланади.

24. Пул оқимларини дисконтлаш усулини қўллашда баҳоловчи:

пул оқими турини танлаши;

прогноз даври муддатини белгилаши;

даромадлар ва харажатларни таҳлил ва прогноз қилишни амалга ошириши;

прогноз даврининг ҳар бир босқичи учун пул оқими ҳажмини ҳисоблаши;

дисконтлаш ставкасини аниқлаши;

баҳолаш объекти қийматининг прогноз давридан кейинги ҳажмини ҳисоблаши;

баҳолаш объектининг жорий қийматини ҳисоблаши;

якуний тузатишлар киритиши лозим.

25. Корхона капиталининг тузилишига (хусусий капитал ва жалб қилинган капиталнинг ўзаро нисбатига) қараб, баҳоловчи хусусий капиталга олинган пул оқимидан ёки инвестицияланган капиталга олинган пул оқимидан фойдаланади. Бу пул оқимлари солиқ тўланишидан олдинги ёки солиқ тўланганидан кейинги ҳолатга кўра, номинал ёки реал суммаларда ҳисобланади.

26. Тугаганидан сўнг:

ё корхона даромадининг ўзгариш суръатларини барқарорлаштириш;

ё корхонани сотиш ёки тугатиш мўлжалланаётган давр прогноз даври сифатида олинади.

27. Хусусий капиталга олинган пул оқими учун дисконтлаш ставкаси қуйидаги усуллардан бири ёрдамида ҳисобланади:

капитал активларни ҳисоблаш усули;

кумулятив тузиш усули;

дисконтланган пул оқимини таҳлил қилиш усули.

Инвестицияланган капиталга олинган пул оқимига дисконтлаш ставкасини ҳисоблаш учун капиталнинг ўртача ўлчанган қиймати усули қўлланилади.

Дисконтлаш ставкаси танланган пул оқимига мувофиқ бўлиши лозим.

28. Баҳолаш объектининг прогноз даври тугаганидан кейинги қийматини аниқлаш қуйидаги усуллардан бири ёрдамида амалга оширилади:

агар пул оқимларини барқарорлаштириш мўлжалланаётган бўлса, прогноз даври тугаганидан кейин биринчи йил пул оқимини Гордон моделига мувофиқ капиталлаштириш йўли билан;

агар прогноз даври тугаганидан кейин бизнесни сотиш мўлжалланаётган бўлса, соф активлар қиймати бўйича ёки мўлжалланаётган қайта сотиш нархи бўйича;

агар прогноз даври тугаганидан кейин бизнесни тугатиш мўлжалланаётган бўлса, тугатиш қиймати бўйича.

29. Баҳолаш объектининг жорий қиймати прогноз даври пул оқимларининг жорий қийматлари ва бизнеснинг прогноз даври тугаганидан кейинги жорий қиймати йиғиндиси сифатида ҳисобланади.

30. Баҳоловчи қуйидаги якуний тузатишларни киритади (ёки киритишдан воз кечиш сабабларини асослайди):

пул оқимини шакллантиришда ишга солинмаган активлар мавжудлигига;

хусусий айланма капиталнинг ортиқчалиги ёки тақчиллигига;

агар баҳолаш объекти мулкдаги улуш бўлса, назорат ва ликвидлик даражасига.

31. Даромадни капиталлаштириш усулини қўллаганда баҳоловчи:

ўтган даврдаги ва жорий молиявий ҳисоботни таҳлил қилиш ва зарур ҳолда уни меъёрга солишни амалга ошириши;

капиталлаштириладиган даромад тури ва ҳажмини танлаши;

капиталлаштириш ставкасини ҳисоблаши;

баҳолаш объектининг жорий қийматини аниқлаши;

якуний тузатишлар киритиши лозим.

32. Даромаднинг қуйидаги турларидан бири капиталлаштириладиган даромад сифатида олинади:

соф даромад;

солиқлар тўлангунга қадар бўлган даромад;

реализациядан келган тушум;

соф пул оқими;

дивидендлар.

Даромад номинал ёки реал суммаларда ҳисобланади.

33. Капиталлаштирилиши лозим бўлган даромад ҳажми сифатида баҳолаш санасидан кейинги йил учун бўлғуси даромад ҳажми олинади ва у қуйидаги усуллардан бири билан ҳисобланади:

жорий даромадлар усули билан;

даромаднинг оддий ўртача ҳажмини ҳисоблаш усули билан;

даромаднинг ўртача ўлчанган ҳажмини ҳисоблаш усули билан;

тренд усули (статистик усул) билан.

34. Капиталлаштириш ставкаси танланган даромад турига мувофиқ бўлиши лозим ва у:

ўхшаш объектлар бўйича битимлар ёки таклифлар ҳақида маълумотлар мавжуд бўлган ҳолда бозор экстракцияси усули билан;

дисконтлаш ставкасида даромад ўзгаришининг доимий суръатини ҳисобга олиш йўли билан ҳисобланади.

35. Баҳолаш объектнинг қиймати даромаднинг танланган ҳажмини капиталлаштириш ставкасига бўлиш йўли билан ҳисобланади.

36. Баҳоловчи қўйидаги якуний тузатишларни киритади (ёки киритишдан воз кечиш сабабларини асослайди):

даромадни шакллантиришда ишга солинмаган активлар мавжудлигига; агар баҳолаш объекти мулкдаги улуш бўлса, назорат ва ликвидлик даражасига.

37. Баҳолаш объекти қийматини қиёсий ёндашув билан баҳолаш учун баҳоловчи ўхшаш корхоналар ёки улардаги мулк улушларининг сотув нархларини таққослашга асосланган қўйидаги усулларни қўллайди:

ўхшаш корхоналар акцияларининг бозор нархлари таҳлилига асосланган капитал бозори усулини;

баҳоланаётган бизнесдаги мулк улушлари билан олди-сотди қилишга доир ахборот таҳлилига асосланган баҳоланаётган корхона бўйича битимлар усулини;

баҳоланаётган корхона акцияларининг фонд бозоридаги котировкалари ҳақидаги ахборот асосида тўғридан-тўғри капиталлаштириш усулини.

Ахборотнинг мавжудлигига ва мавжуд ахборотнинг тўлиқлигига қараб, баҳоловчи баҳолаш объектини баҳолаш учун қиёсий ёндашувнинг бир ёки ундан ортиқ усулларини қўллайди.

38. Қиёсий ёндашувдан фойдаланганда баҳоловчи:

ўхшаш корхоналарни танлашни амалга ошириши;

корхоналарни таққослаш параметрларини аниқлаши ва мультипликаторларни ҳисоблашни амалга ошириши;

мультипликаторлар қийматини танлашни амалга ошириши ва баҳолаш объекти қийматини аниқлаши;

якуний тузатишларни киритиши лозим.

Ўхшаш корхона деб баҳоланаётган корхонага асосий иқтисодий кўрсаткичларга кўра ўхшаш ва айни бир тармоққа мансуб бўлган корхона ҳисобланиши лозим.

39. Ўхшаш корхоналарни танлаш:

ўхшаш корхоналар ёки уларнинг акциялари (мулкдаги улушлари)нинг амалдаги сотув нархлари ҳақидаги бозор ахборотининг;

ўхшаш корхоналар молиявий ҳисоботи ва (ёки) ишлаб чиқариш фаолияти кўрсаткичларининг;

таққосланаётган объектлар ўртасидаги ўхшашлик ёки фаркни аниқлаш ва қиёсийликни таъминлаш учун зарур тузатишлар киритиш имко-

ниятини берадиган қўшимча маълумотларнинг таҳлили асосида амалга оширилади.

Ўхшаш корхоналар ёки уларнинг акциялари (мулкдаги улушлари)нинг амалдаги сотув нархлари ҳақида ахборот бўлмаган ҳолда, савдо жараёнида нархнинг пасайишига чегирма ҳисобга олинган ҳолда таклиф нархлари ҳақидаги ахборотдан фойдаланишга йўл қўйилади.

40. Мультипликаторни ҳисоблаш учун:

ўхшаш корхоналар учун сотув нархини ёки ўзгача қиймат асосини аниқлаш;

ўхшаш корхоналарнинг мос келадиган молиявий ёки бошқа хил кўрсаткичларни танлаш лозим.

Мультипликаторларда ҳисобга олинадиган молиявий ёки бошқа хил кўрсаткичлар баҳоланаётган корхона ва таққосланаётган корхоналар учун баҳолаш санасига нисбатан айна бир даврда ёки айна бир давр учун ҳисобланиши лозим.

41. Баҳолаш объектининг қиймати қиёсий ёндашув ёрдамида мультипликаторларнинг танланган қийматларини баҳолаш объектининг тегишли молиявий ёки бошқа хил кўрсаткичларига кўпайтириш орқали олинган натижаларни мувофиқлаштириш йўли билан аниқланади.

42. Баҳоловчи қуйидаги якуний тузатишларни киритади (ёки киритишдан воз кечиш сабабларини асослайди):

агар қиймат базаси сифатида инвестицияланган капиталдан фойдаланилган бўлса, узоқ муддатли қарздорликка;

хусусий айланма капиталнинг тақчиллигига (ортиқчалигига);

даромадни шакллантиришда ишга солинмаган активлар мавжудлигига;

ишлаб чиқаришнинг ноқулай диверсификациясига (портфель скидка);

ликвидликка (ёпиқ корхона очиқ аналоглар бўйича баҳоланган ҳолда); назорат даражасига.

43. Бизнес қийматини харажат ёндашуви билан баҳолашда баҳоловчи баҳолаш объектини тиклаш ёки алмаштириш учун зарур бўлган харажатларга асосланган қуйидаги усуллардан бирини қўллайди:

соф активлар усули — бизнес қиймати корхона барча активларининг бозор қийматлари ва унинг мажбуриятлари ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади;

тугатиш қиймати усули — бизнес қиймати корхона тугатилганда унинг мулкдори олиши мумкин бўлган мулкнинг қиймати ва тугатиш харажатлари ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади.

44. Соф активлар усулини қўллаганда баҳоловчи:

корхонанинг баҳолаш санасидаги охириги бухгалтерия баланси бўйича активлар ва мажбуриятлар таркибини ўрганиши;

балансда ҳисобга олинмаган активлар ва мажбуриятлар бор-йўқлигини аниқлаши;

активлар ва мажбуриятлар бозор қиймати бўйича ҳисобга олинадиган баҳолаш балансини тузиши;

баҳолаш балансига мувофиқ активлар суммасининг бозор қийматини ва мажбуриятлар суммасининг бозор қийматини аниқлаши;

корхона хусусий капитали қийматини активларнинг бозор қийматидан мажбуриятларнинг бозор қийматини айириш йўли билан аниқлаши лозим.

Мажбуриятларнинг бозор қиймати, қоида тариқасида, уларнинг жорий қийматига тенгдир.

45. Тугатиш қиймати усулини қўллаганда баҳоловчи:

корхонанинг баҳолаш санасидаги охириги бухгалтерия баланси бўйича активлар ва мажбуриятлар таркибини ўрганиши;

балансда ҳисобга олинмаган активлар ва мажбуриятлар бор-йўқлигини аниқлаши;

корхона активларининг жорий қийматини уларнинг бозор қиймати негизда (тегишли активга хос бўлган сотув муддати билан солиштирилганда) қисқартирилган сотув муддатига скидка инобатга олган ҳолда ҳисоблаши;

тугатиш харажатларини аниқлаши;

активларнинг жорий қийматидан тугатиш харажатларини айириб ташлаши ва тугатиш даврининг операцион даромади (кўрилган зарар)ни (агар у мавжуд бўлса) қўшиши (айириши);

корхона мажбуриятларининг жорий қийматини ҳисоблаши;

корхонанинг тугатиш қийматини активларнинг тузатиш киритилган жорий қиймати ва корхона мажбуриятларининг жорий қиймати ўртасидаги тафовут сифатида аниқлаши лозим.

4-§. Қўлланилган ёндашувлар доирасида олинган натижаларни мувофиқлаштириш ва баҳолаш объектининг якуний қийматини аниқлаш

46. Баҳолаш объектининг якуний қийматини аниқлаш учун баҳоловчи қўлланилган ёндашувлар доирасида олинган натижаларни мувофиқлаштиришни амалга оширади.

Турли хил ёндашувлар билан олинган баҳолаш натижалари ўртасида жиддий тафовут мавжуд бўлса, баҳоловчи олинган тафовут сабабларининг таҳлилини баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда келтириши лозим. Баҳолаш натижасининг юкори чегарасидан 30 фоиздан ортиқ қийматга эга бўлган тафовут жиддий тафовут деб ҳисобланиши лозим.

47. Мувофиқлаштириш, қоида тариқасида, турли баҳолаш ёндашувлари билан олинган баҳолаш натижалари учун солиштирама ўлчовларни аниқлаш орқали амалга оширилади, бунда баҳоловчи:

баҳолаш мақсадини ва баҳолаш натижаларидан фойдаланиш мўлжаллини;

баҳоланаётган бизнес ва унинг активлари хусусиятини;

қиймат турини;

баҳолаш ёндашувларини қўллашда фойдаланилган ахборот ҳажми ва сифатини;

мулк улуши баҳоланган ҳолда — қўшимча тарзда бу улуш ҳажми, назорат даражаси ва ликвидликни ҳисобга олиши лозим.

48. Мувофиқлаштириш усули ва солиштирма ўлчовларнинг танланиши, шунингдек, бунда баҳоловчининг барча мулоҳазалари ва фаразлари баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда асосланиши лозим.

49. Баҳолаш объектининг якуний қиймати пул ҳисобида ягона катталик сифатида ифодаланиши лозим.

5-§. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни тузиш

50. Баҳолаш натижалари баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган ва баҳоловчи ташкилотнинг баҳолаш объекти қиймати хусусидаги йиғилган ахборот ва ҳисоблашлар асосида тасдиқланган профессионал мулоҳазасини ўз ичига олган баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот сифатида расмийлаштирилиши лозим.

51. Ҳисобот баҳолаш миллий стандартлари талабларига мувофиқлик ҳақидаги баёнотни ва улардан ҳар қандай четга чиқиш ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим.

52. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни тузишда қуйидаги қоидаларга риоя этиш лозим:

баҳолаш объекти қийматини аниқлаш учун етарли бўлган барча очик ахборот ҳисоботда баён этилиши лозим;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг мазмуни мазкур ҳисоботдан фойдаланувчиларни чалғитмаслиги, шунингдек, ҳар хил талқинларга йўл қўймаслиги керак;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда ифодаланган материаллар таркиби ва кетма-кетлиги, баҳолаш жараёни тавсифи, ҳисоблашлар ва уларга изоҳлар баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботдан фойдаланувчига қийматни ҳисоблашни амалга ошириш имкониятини бериши ва уни айни шу натижаларга келтириши лозим;

баҳолаш жараёнида оралик ва якуний натижаларни аниқлашда фойдаланилмаган ахборот, агар у баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига биноан мажбурий бўлмаса, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда келтирилиши мумкин эмас.

53. Бизнес қийматини баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот қуйидаги асосий бўлимлардан иборат бўлиши лозим:

титул варағи;

мундарижа;

умумлаштирувчи қисм (илова хат);

баҳолашга ҳақидаги вазифа ҳамда асосий фактлар ва хулосалар;

мамлакат ва минтақадаги умумий иқтисодий вазият тавсифи;

баҳолаш объекти мансуб бўлган тармоқ ва бозор тавсифи;

бизнес (корхона) тавсифи;

корхона молиявий ҳисоботи маълумотлари таҳлили;

баҳолаш ёндашувлари ва усулларининг танланиши ва қўлланилиши тавсифи;

баҳолаш объектининг якуний қийматини аниқлаш;
иловалар.

54. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот баҳоловчи (баҳоловчилар) томонидан саҳифама-саҳифа рақамланган ва имзоланган, ипдан ўтказилган, шунингдек баҳоловчи ташкилот раҳбарининг имзоси ва шу ташкилот муҳри билан тасдиқланиши лозим.

55. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботга иловалар баҳоловчи баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш жараёнида фойдаланган ҳужжатларнинг нусхаларини, шунингдек, баҳоловчи ташкилот лицензияси, баҳоловчиларнинг маляка сертификатлари ва фуқаролик мажбурияти суғурта полисининг нусхаларини ўз ичига олиши лозим.

V-боб. Фикр-мулоҳазалар

56. Бизнесда мулк улушлари қийматини аниқлашда қуйидаги қоидаларни ҳисобга олиш лозим:

бизнесда мулк улушлари назоратли ёки назоратсиз хусусиятга эга бўлиши мумкин;

баҳоланаётган мулк улушининг назорат ҳуқуқини акс эттириш учун назорат даражасини, мулкни тақсимлаш самарасини, мулкдорлар иттифоқини тузиш имкониятини, овоз бериш тартибини, дивидендлар тўлаш билан боғлиқ чеклашларни, корхонанинг молиявий аҳволини ҳисобга олувчи турли хил мукофотлар ва чегирмалар қўлланилади;

киритиладиган чегирмалар ёки мукофотлар ҳажми баҳолаш усуллари билан ҳам, корхона типи (очиқ, ёпиқ) билан ҳам белгиланади.

57. Харажат ва даромад ёндашувларнинг усуллари билан ҳамда қиёсий ёндашувнинг тармоқлар ўзаро нисбати усули билан қуйидагилар аниқланади:

мулкнинг мутлақ назорат ҳуқуқига эга бўлган (75 фоиздан ортиқ) назоратли улуши қиймати, корхона хусусий капитали қийматининг мутаносиб қисми сифатида;

мулкнинг мутлақ назорат ҳуқуқига эга бўлмаган назоратли улуши қиймати, назорат айрим элементлари йўқлигига скидка чегириб ташланган корхона хусусий капитали қийматининг мутаносиб қисми сифатида;

мулкнинг назоратсиз улуши қиймати, назорат йўқлигига скидка чегириб ташланган корхона хусусий капитали қийматининг мутаносиб қисми сифатида.

58. Қиёсий ёндашувнинг билимлар усули билан қуйидагилар аниқланади:

мулкнинг назоратли улуши қиймати. Мулкнинг баҳоланаётган улуши ҳажми аналоглардан фарқ қилган тақдирда, олинган қийматга назорат айрим элементлари мавжудлиги ёки йўқлигига мукофотлар ёки чегирмалар қўлланади;

мулкнинг назоратсиз улуши қиймати, бунда олинган қийматга назорат йўқлигига скидка қўлланади.

59. Қиёсий ёндашувнинг капиталлар бозори усули билан қуйидагилар аниқланади:

мулкнинг назоратли улуши қиймати, бунда олинган қийматга назорат мавжудлигига мукофот қўлланади;

мулкнинг назоратсиз улуши қиймати.

60. Даромад ёндашувнинг баҳолаш объекти даромадларинигина ҳисобга оладиган усуллари қўлланилган ҳолда назорат мавжудлигига мукофотлар ёки назорат йўқлигига скидкалар қўлланмайди.

61. Очиқ корхоналар билан ёки ёпиқ корхоналардаги назоратли улушлар билан таққослаганда ёпиқ корхоналардаги назоратсиз улушларда ликвидликнинг тақчиллиги қуйидаги усуллардан бири билан ҳисобга олинади:

дисконтлаш ставкасини ошириш билан;

ликвидликнинг тақчиллигига скидкани ҳисоблаш билан.

62. Назоратсиз улуш қийматига назорат учун мукофотни қўшиш, назоратли улуш қийматида эса назоратнинг озлигига скидкани ҳисобга олиш лозим бўлган ҳолларни аниқлаш учун баҳоловчи корхонада мулк улушларининг тақсимланишини таҳлил қилиши лозим.

63. Чегирмалар ёки мукофотларнинг қўлланишини баҳоловчи баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда асослаб бериши лозим.

64. Мулкий мажмуа сифатидаги корхона ёки унинг бир қисми қийматини баҳолаш фақат харажат ҳақида ёндашув усуллари билан амалга оширилади.

VI-боб. Ахборотни ошкор этишга қўйиладиган талаблар

65. Баҳолаш жараёнида фойдаланилган ахборотни баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда ошкор этиш шундай амалга оширилиши лозимки, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг баҳолаш фаолияти соҳасида махсус билимларга эга бўлмаган фойдаланувчилари баҳолаш жараёни мантиқини ва баҳолаш объектининг қийматини аниқлаш учун баҳоловчи бажарган амалларнинг аҳамиятини тушуна олсинлар.

66. Баҳолаш жараёнида қўлланилган барча ахборот ошкор этилиши лозим, махфий хусусиятга эга бўлган ахборот бундан мустасно. Махфий ахборотни баҳоловчи фақат буюртмачи ва (ёки) мазкур ахборотни тақдим этган шахслар билан келишган ҳолда ёки суднинг тегишли қарорига биноан ошкор этади. Фойдаланилаётган ахборотнинг махфийлик даражаси буюртмачи ва (ёки) мазкур ахборотни тақдим этувчи ёки унга бевосита алоқадор бўлган шахслар томонидан белгиланади.

67. Баҳолашда фойдаланилган ва баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда келтирилган ахборот унинг манбасига ишорага эга бўлиши лозим, бунда мазкур манба ёзма ёки оғзаки эканлиги аҳамиятсиз.

VII-боб. Стандартдан четга чиқиш шартлари

68. 9-сон МБМСнинг баҳолаш жараёни ва олинган натижани баён этиш, баҳолашга ва якуний қиймат ҳақидаги хулосага дахлдор бўлган ҳар қандай фаразлар ва чекловчи шартларни ошкор этиш билан боғлиқ талабларидан бирон-бир тарзда четга чиқилишига йўл қўйилмайди.

69. Баҳолаш талаблари мазкур стандарт талабларидан фарқ қиладиган норматив ҳужжатга мувофиқ амалга оширилган тақдирда, баҳоловчи мазкур фарқларни, аниқланаётган қиймат турини танлашга уларнинг таъсирини аниқлаши ва олинган натижани қўллашга чеклашлар белгилаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
Мулкни баҳолаш Миллий стандарти
(9-сон МБМС) «Бизнес қийматини
баҳолаш»га
ИЛОВА

**9-сон МБМС «Бизнес қийматини баҳолаш»ни қўллаш
бўйича услубий кўрсатмалар**

9-сон МБМСни қўллаш бўйича услубий кўрсатмалар (кейинги ўринларда услубий кўрсатмалар деб юритилади) 9-сон МБМСни амалда қўллаш мақсадида ишлаб чиқилган.

I-боб. Атамалар ва тушунчалар

1. Услубий кўрсатмаларда қуйидаги атамалар ва тушунчалардан фойдаланилади:

таваккалсиз ставка — инвестор фойдалана оладиган, қўйилмаларнинг суммалари ва муддатлари бўйича баҳоланаётган объект билан қиёсий бўлган, таваккалчиликнинг миллий иқтисодиёт учун энг паст даражаси билан тавсифланадиган даромад ставкаси;

гудвилл — корхонадан алоҳида идентификация қилиниши ва баҳолаши мумкин бўлмаган омиллар (корхона номи ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг машҳурлиги, муайян обрў ва ишга доир алоқалар мавжудлиги, жойлашган ер ва бошқа шунга ўхшаш омиллар) таъсирида вужудга келадиган номоддий актив;

ишлаб турган корхона — номуайян вақт мобайнида фаолият кўрсатиши тахмин қилинаётган корхона;

номунтазам таваккалчилик — корхона фаолиятининг инвестициялаш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётган ички омиллари билан боғлиқ бўлган, диверсификация йўли билан пасайтирса бўладиган таваккалчилик;

таваккалчилик учун мукофот — таваккалчиликни акс эттириш учун таваккалсиз ставкага қўшиладиган даромад ставкаси;

мунтазам таваккалчилик — макроиқтисодий омиллар таъсирида бутун бозор конъюктурасининг ўзгаришлари билан боғлиқ бўлган, диверсификация йўли билан бартараф этиб бўлмайдиган таваккалчилик.

II-боб. Баҳолашга оид вазифани аниқлаш

2. Баҳолашга оид вазифани белгилашда баҳоловчи баҳолаш санаси баҳолаш мақсадларидан келиб чиқиб белгиланишини ҳисобга олиши лозим. Баҳоловчи фақат баҳолаш санасида мавжуд бўлган ҳолатларни ва баҳолаш санасига қадар юз берган воқеаларни эътиборга олиши керак. Бизнесни баҳолашда баҳолаш санаси, қоида тариқасида, баҳолаш ўтказилишини белгиланган воқеа юз бергунга қадар тузилган сўнгги молиявий ҳисобот санаси билан мос келади. Баҳолаш санаси (молиявий ҳисобот тузилган сана билан мос келмайдиган) оралиқ санага белгиланиши ҳам мумкин.

3. Баҳолаш объектига нисбатан учинчи шахсларнинг ҳужжат билан тасдиқланган мулкӣ ҳуқуқлари, мазкур объектдан фойдаланишда чеклашлар ва унга доир мажбуриятлар бўлмаган ҳолда, унинг қийматини баҳоловчи, агар баҳолашга оид вазифада ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, кўрсатилган ҳуқуқлар, чеклашлар ва мажбуриятлар йўқлиги ҳақидаги фарздан келиб чиқиб аниқлайди.

4. Баҳолаш объектининг бозор қийматини аниқлашга қаратилган бизнесни ёки ундаги улушни баҳолашнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

ишлаб турган корхона ёки корхонадаги мулк улуши билан олди-сотди қилиш;

бошқарув қарорлари қабул қилиш;

қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш);

корхона ўз акцияларини қайтариб сотиб олиши;

бошқа ташкилотнинг устав фондига акциялар пакетини киритиш.

Норматив ҳужжатлар ёки баҳолашга оид вазифада бозор қийматини аниқлашга қаратилган баҳолашнинг бошқа мақсадлари белгиланиши ҳам мумкин.

5. Бизнес ёки ундаги улуш қийматини баҳолашда аниқланиши мумкин бўлган қийматнинг бозор қийматидан бошқа турларига қуйидагилар кирази:

инвестиция қиймати — белгиланган ёки берилган инвестициялаш мақсадларида баҳолаш объектининг конкрет инвестор ёки инвесторлар гуруҳи учун қиймати. Инвестиция қиймати баҳолаш вақтида инвестор томонидан баҳолаш объекти билан боғлиқ инвестицияга оид қарорлар қабул қилиш мақсадида аниқланади;

тугатиш қиймати — мажбурловчи ҳолатлар мавжудлиги туфайли баҳолаш объекти қисқа вақт ичида реализация қилиниши лозим бўлган ҳолда баҳолаш объектининг қиймати. Тугатиш қиймати баҳолаш вақтида корхонани тугатиш мақсадида аниқланади.

III-боб. Ахборот йиғиш ва уни таҳлил қилиш

6. Баҳолаш ёндашувлари ва усулларининг танланиши ва қўлланишини асослаш учун баҳоловчи баҳолаш объектини таҳлил қилишни амалга оширади. Баҳолаш объектини таҳлил қилиш учун зарур ахборот тури ва ҳажми баҳоловчи томонидан баҳолаш мақсади, аниқланаётган қиймат тури, баҳолаш объектининг хусусиятлари, фаразлар ва чекловчи шартларга қараб аниқланади.

7. Баҳоловчи йиғилган баҳоланаётган корхона ҳақидаги ахборот асосида:

корхонанинг ривожланиш тенденцияларини аниқлайди;

даромадларни прогноз қилади;

баҳоланаётган бизнесга хос бўлган номунтазам таваккалчилик омилларини аниқлайди.

8. Баҳоловчи макроиқтисодий ахборотни таҳлил қилиш чоғида ўрганиши ва баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда келтириши лозим бўлган асосий кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

иқтисодий ўсиш (ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш) суръатлари;

саноат ишлаб чиқариши ҳажми;

инфляция даражаси;

миллий валютанинг айирбошлаш курси;

фоиз ставкалари даражаси;

фонд бозори кўрсаткичлари;

солиқ солиш структураси.

Баҳолаш объектининг хусусияти ва баҳолаш мақсадларига қараб баҳоловчи макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мазкур рўйхатини кенгайтириши мумкин.

9. Баҳоловчи баҳолаш объекти мансуб бўлган бозорни аниқлаши ва уни таҳлил қилиши лозим. Таҳлил қилиш ва баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда келтириш талаб этиладиган бозорга оид асосий кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

баҳолаш объекти мансуб бўлган тармоқнинг ўсиш суръатлари;

тармоқдаги даромаддорликнинг ўртача кўрсаткичлари;

эҳтимол тутилган инвесторлар учун тармоқнинг жалб қилувчанлиги;

тармоқнинг ривожланиш имкониятлари;

тармоқни сегментларга ажратиш ва баҳоланаётган корхона мансуб бўлган сегментни аниқлаш;

тармоқнинг норматив-ҳуқуқий тартибга солиниши ва тармоқда корхоналар фаолияти учун ўзига хос чеклашлар.

Бозорга оид ахборот таҳлили натижаларига кўра баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда бозорнинг мазкур сегментини тавсифловчи қуйидаги параметрлар бўйича хулосалар акс эттирилиши лозим:

нархлар динамикаси;

асосий рақиблар;

корхонанинг тармоқдаги ўрни;

компаниянинг имкониятлари.

10. Қуйидагилар молиявий ҳисобот маълумотларини таҳлил қилишнинг асосий турлари ҳисобланади:

ягона базага мувофиқ таҳлил (вертикал таҳлил). Ушбу мақсадда бухгалтерия баланси моддалари активлар суммасига нисбатан фоиз ҳисобида, молиявий натижалар ҳақидаги ҳисобот моддалари эса — даромадларнинг умумий суммасига нисбатан фоиз ҳисобида ифодаланади;

горизонтал таҳлил. У давр мобайнида молиявий ҳисобот кўрсаткичлари ўзгаришининг таҳлилини назарда тутди. Таҳлил қилиш талаб этиладиган асосий кўрсаткичларга реализациядан келган тушумнинг ўсиш суръатлари, даромаднинг ўсиш суръатлари ва активларнинг ўсиш суръатлари киради;

молиявий коэффицентлар таҳлили. У ҳисобланган коэффицентларни норматив кўрсаткичлар, бошқа корхоналарнинг коэффицентлари билан ёки тармоққа оид ўртача кўрсаткичлар билан таққослашни амалга ошириш имкониятини беради.

Корхонани баҳолашда молиявий коэффицентларнинг қуйидаги асосий гуруҳлари ҳисобланади:

корхонанинг иш фаоллигини тавсифлайдиган айланувчанлик коэффицентлари;

корхона ишининг даромаддорлигини, харажатларнинг иқтисодий самара бериш даражасини ва маблағлардан фойдаланиш даражасини тавсифлайдиган, шунингдек, корхона соф ёки операцион даромадининг корхона фаолиятининг у ёки бу параметрига нисбатини акс эттирадиган даромаддорлик ва рентабеллик коэффицентлари;

корхонани молиялаштириш манбаларида хусусий ва жалб қилинган маблағлар нисбатини акс эттирадиган ва корхонанинг кредиторлардан молиявий мустақиллиги даражасини ва унинг узлуксиз ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш учун тўловлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш қобилятини тавсифлайдиган молиявий барқарорлик коэффицентлари;

корхонанинг қисқа муддатли даврдаги тўлов қобилятини ва унинг бозор конъюнктурасидаги тезоқар ўзгаришларга дош бериш қобилятини тавсифлайдиган ликвидлик коэффицентлари.

Баҳолаш объектининг хусусиятларига қараб баҳоловчи кўрсатилган гуруҳларда фойдаланиладиган коэффицентлар сони ва турини мустақил аниқлайди, шунингдек, бошқа мос келувчи коэффицентларни ҳисоблаши мумкин.

11. Зарур ҳолда баҳоловчи молиявий ҳисоботни меъёрга солишни, яъни корхона молиявий ҳисоботини баҳолаш жараёнида фойдаланилиши мумкин бўлган баҳолаш балансларига ва молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботларга қайта баҳолашни амалга оширади.

Қуйидагилар асосий меъёрга соладиган тузатишлар ҳисобланади:

бухгалтерия баланси маълумотларига корхона активлари ва мажбуриятларининг бозор қийматини олиш учун зарур бўлган тузатишлар;

молиявий натижалар ҳақидаги ҳисобот маълумотларига баҳоланаётган

корхонага хос бўлмаган даромадлар ва харажатларга тегишли бўлган тузатишлар.

Меъёрга солиш натижасида корхона молиявий ҳисоботи маълумотлари: тармоқнинг ўхшаш корхоналари ёки тармоққа оид ўртача кўрсаткичлар билан қиёсий бўлиши;

корхона пул оқимларини прогноз қилишда фойдаланиш учун яроқли бўлиши лозим.

Меъёрга солинган молиявий ҳисобот (баҳолаш баланслари ва молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар)дан фақат баҳолаш мақсадида фойдаланилади.

12. Корхона молиявий ҳисоботи маълумотлари таҳлилининг натижалари баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда келтирилади ва қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

баҳолаш санасига қадар сўнги уч йил учун бухгалтерия баланслари таҳлилининг натижалари изоҳлар ва хулосалар билан;

баҳолаш санасига қадар сўнги уч йил учун молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар таҳлилининг натижалари изоҳлар ва хулосалар билан;

баҳолаш санасига қадар сўнги уч йил учун молиявий коэффициентларнинг асосий гуруҳлари бўйича якуний ҳисоб-китоблар.

IV-боб. Баҳолаш ёндашувлари ва усулларини танлаш, асослаш ва қўллаш

1-§. Даромадга оид ёндашув

13. Баҳолаш объекти қиймати пул оқимларини дисконтлаш усули (кейинги ўринларда матнда ПОД усули деб юритилади) ёрдамида баҳолаш объектдан прогноз даврида кутилаётган пул оқимларининг жорий қийматлари ва баҳолаш объектининг прогноз даврдан кейинги жорий қийматини қўшиш йўли билан аниқланади. Бунда, кўрсатилган қийматлар баҳолаш санасидаги дисконтлаш ставкаси бўйича келтирилади.

Баҳолаш объектининг жорий қийматини ПОД усули билан ҳисоблаш формуласи, пул оқимлари прогноз даврининг ҳар бир йили охирида тушади деб фараз қилинганда, қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$PV = \sum_{i=1}^n \frac{CF_i}{(1+D)^i} + \frac{FV}{(1+D)^n}, \text{ бу ерда:}$$

PV — жорий қиймат;

i — прогноз даври йилининг рақами;

n — прогноз даврининг охириги йили;

CF_i — прогноз даври i-чи йилининг пул оқими;

D — дисконтлаш ставкаси;

FV — баҳолаш объектининг прогноз даври тугаганидан кейинги қиймати.

Пул оқимлари йил ўртасида тушади деб фараз қилинганда (улар йил мобайнида мутаносиб равишда тушганда) i ўрнига даража кўрсаткичи $i-0,5$, n ўрнига тегишинча $n-0,5$ ишлатилади.

14. Баҳолаш объекти қийматини ПОД усули билан баҳолашда, баҳолаш мақсади, баҳолаш объектининг хусусияти ва капитал тузилишига қараб, хусусий ёки инвестицияланган капиталга олинган, солиқ тўлангунга қадар ёки солиқ тўланганидан кейинги ҳолатга кўра номинал ёки реал суммаларда ҳисобланган пул оқимлари қўлланилади.

Қорхона хусусий капитали ёки ундаги мулк улуши қийматини баҳолаш учун қўлланиладиган пул оқимининг асосий тури хусусий капиталга олинган соф пул оқими бўлиб, у қуйидаги тартибда ҳисобланади:

соф даромад;

плюс амортизация ажратмалари;

плюс (минус) хусусий айланма капиталнинг камайиши (кўпайиши);

плюс (минус) активларнинг сотилиши (капитал қўйилмалар);

минус имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар;

плюс (минус) узоқ муддатли қарзларнинг қўпайиши (камайиши).

Қорхона капиталининг тузилишида жалб қилинган капитал улуши анча кўп (20 фоиздан ортиқ) бўлса, инвестицияланган капиталга олинган соф пул оқими қўлланилади ва у қуйидаги тартибда ҳисобланади:

соф даромад;

плюс амортизация ажратмалари;

плюс (минус) хусусий айланма капиталнинг камайиши (кўпайиши);

плюс (минус) активларнинг сотилиши (капитал қўйилмалар);

плюс узоқ муддатли қарзлар бўйича илгари соф даромадни ҳисоблаш вақтида чегириб ташланган фоизларни тўлаш;

минус даромад солиғининг тўланган фоизлар суммасига тўғри келадиган қисми.

15. Даромадларни прогноз қилишда баҳоловчи қуйидаги омилларни ўргангани ва ҳисобга олади:

чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини;

ишлаб чиқариш ҳажмлари ва маҳсулот нархлари;

чиқарилаётган маҳсулотга бўлган талаб;

инфляция суръатлари (номинал пул оқими учун);

корхонанинг мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари;

капитал қўйилмаларни амалга ошириш режаси ва оқибатлари;

талаб имкониятларини белгилайдиган иқтисодийдаги умумий вазият;

тармоқдаги вазият ва рақобат;

баҳоланаётган корхонанинг бозордаги улуши;

прогноз даври тугаганидан сўнг даромадларнинг ўсиш суръатлари.

Харажатларни прогноз қилишда баҳоловчи:

харажатлар тузилишини, ўзгармас ва ўзгарувчи харажатлар нисбатини таҳлил қилади;

бир марталик ва фавқулодда харажатлар моддаларини аниқлайди; амортизацияланадиган активлар мавжудлигидан, уларнинг бўлғуси кўпайиши ва ҳисобдан чиқарилиши прогнозидан келиб чиқиб, амортизация ажратмалари миқдорини аниқлайди;

жалб қилинган маблағлар бўйича фоиз тўловлари миқдорини бу маблағларнинг прогноз қилинаётган миқдорига мувофиқ аниқлайди;

корхонанинг асосий воситалар ва айланма активларга бўлган эҳтиёжини прогноз қилади;

корхона хусусий айланма капиталнинг ортиқчалиги ёки тақчиллигини ҳисоблайди;

узоқ муддатли қарзлар ҳажмининг ўзгаришларини ҳисоблайди (хусусий капиталдан олинадиган пул оқими учун).

16. Дисконтлаш ставкасини ҳисоблаш учун, пул оқими турига қараб, қуйидаги усулларнинг биридан фойдаланилиши мумкин:

хусусий капиталдан олинадиган пул оқими учун — капитал активларни баҳолаш усули, кумулятив тузиш усули ва дисконтланган пул оқимини таҳлил қилиш усулидан;

инвестицияланган капиталдан олинадиган пул оқими учун — капиталнинг ўртача ўлчанган қиймати моделидан.

Дисконтлаш ставкасини ҳисоблаш қўлланилаётган (солиқ тўлангунга қадар ёки солиқ тўланганидан кейинги) пул оқимига мос келадиган асосда, қийматда (номинал ёки реал қийматда) ва ҳисоблаш валютасида амалга оширилиши лозим.

17. Дисконтлаш ставкасини капитал активларни баҳолаш усули билан ҳисоблаш фонд бозорининг эркин муомаладаги акциялар даромаддорлик даражасининг ўзгаришига доир ахборотини таҳлил қилиш асосида, қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$D = R_f + \beta (R_m - R_f) + S_1 + S_2 + C, \text{ бу ерда:}$$

D — дисконтлаш ставкаси;

R_f — таваккалсиз ставка;

β — бета коэффициентини, мунтазам таваккалчилик кўрсаткичи бўлиб, фонд бозорининг умумий даромаддорлик даражасига нисбатан конкрет корхона акциялари умумий даромаддорлик даражасининг ўзгаришини акс эттиради;

R_m — бозорнинг умумий даромаддорлик даражаси (даромаддорликнинг бозордаги ўртача меъёри);

S_1 — кичик корхоналарга таваккалчилик учун мукофот бўлиб, у устав фонди миқдори йирик корхоналар билан таққослаганда унча катта бўлмаган корхоналарнинг паст даражадаги кредит қобилияти ва молиявий барқарорлиги билан белгиланади;

S_2 — конкрет корхонага инвестициялар қилиш таваккалчилиги учун мукофот (номунтазам таваккалчиликлар);

С — мамлакатга оид таваккалчилик бўлиб, у фақат капитал активни баҳолаш усули бўйича ҳисоблаш формуласининг барча элементлари сифатида бошқа мамлакатлар бозорига оид маълумотлардан фойдаланилганида ҳисобга олинади.

18. Дисконтлаш ставкасини кумулятив тузиш усули ёрдамида ҳисоблаш даромад таваккалсиз ставкаси ва баҳоланаётган корхонага инвестициялар қилиш таваккалчилиги учун мукофотларни қўшиш йўли билан, қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$D = R_f + RP_m + RP_s + RP_u, \text{ бу ерда:}$$

D — дисконтлаш ставкаси;

R_f — таваккалсиз ставка;

RP_m — таваккалсиз инвестициялар билан таққослаганда, акцияларга қўйилмалар таваккалчилиги учун мукофот;

RP_s — кичик корхоналарга таваккалчилик учун мукофот;

RP_u — конкрет корхона ёки тармоққа хос бўлган таваккалчилик учун мукофот бўлиб, унинг доирасида таваккалчиликнинг қуйидаги омиллари баҳоланиши мумкин:

етакчи шахсга боғлиқлик;

корхонани молиялаштириш манбалари;

товарга оид ва ҳудудий диверсификация;

мижозларнинг диверсификацияланганлиги;

баҳоланаётган корхонага хос бўлган бошқа таваккалчиликлар.

19. Дисконтлаш ставкасини пул оқими дисконтланган усули ёрдамида ҳисоблаш баҳолаш объектининг жорий қийматини ПОД усули билан ҳисоблаш формуласида дисконтлаш ставкаси қийматини, қолган параметрлар маълум бўлганда, мазкур формула элементларининг тенглигига эришгунга қадар олдинма-кетин ўзгартириш йўли билан амалга оширилади.

20. Дисконтлаш ставкасини капиталнинг ўлчанган ўртача қиймати усули ёрдамида ҳисоблаш хусусий капитал ва жалб қилинган маблағларга иқтисодий самара олишнинг ўлчанган ставкаларини қўшиш йўли билан (бу ерда ўлчовлар сифатида хусусий ва жалб қилинган маблағларнинг капитал таркибидаги улушлари амал қилади), қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$WACC = k_d(1 - t_c)w_d + k_p w_p + k_s w_s, \text{ бу ерда:}$$

k_d — жалб қилинган маблағлар бўйича банк фоиз ставкаси;

t_c — корхонанинг даромад солиғи ставкаси;

k_p — имтиёзли акциялар бўйича даромад ставкаси;

k_s — оддий акциялар бўйича даромад ставкаси;

w_d — корхона капитали таркибида жалб қилинган капитал улуши;

w_p — корхона капитали таркибида имтиёзли акциялар улуши;

w_s — корхона капитали таркибида оддий акциялар улуши.

21. Дисконтлаш ставкасини ҳисоблаш усулининг танланиши ва ҳисоблашда олинган қийматлар ва фаразлар баҳоловчи томонидан баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда асослантирилиши лозим.

22. Баҳолаш объектининг прогноз даври тугаганидан кейинги қиймати қуйидаги усуллардан бири ёрдамида ҳисобланади:

эскириш ва капитал қўйилмаларнинг қийматлари тенг деб фараз қилинганда, прогноздан кейинги даврда барқарор даромадлар олиш прогнозига асосланган Гордон модели ёрдамида:

$$FV = \frac{CF_{(t+1)}}{D - g}, \text{ бу ерда:}$$

FV — баҳолаш объектининг прогноз даври тугагандан кейинги қиймати;

$CF_{(t+1)}$ — прогноздан кейинги даврнинг биринчи йили учун пул оқими;

D — дисконтлаш ставкаси;

g — сотув пул оқимининг ўсиш суръати;

мўлжалланаётган сотув, у баҳолаш объектини сотиш мажбурияти мавжуд бўлган ёки бундай сотиш муайян турдаги бизнесга хос бўлган ҳолда қўлланилади. Сотув нарҳини ҳисоблаш пул оқимини қиёсий баҳолаш объеклари сотувларига доир;

соф активлар қийматига доир;

тугатиш қийматига доир маълумотлар таҳлили асосида олинган коэффициентлар ёрдамида қиймат кўрсаткичларига қайта ҳисоблашдан иборат.

23. Баҳолаш объектининг жорий қиймати ПОД усули билан прогноз даври пул оқимларининг жорий қийматлари ва баҳолаш объектининг прогноз даври тугаганидан кейинги жорий қиймати йиғиндиси сифатида ҳисобланади.

Баҳолаш объектининг бозор қийматини олиш учун қуйидаги тузатишларни киритиш талаб этилади:

пул оқимини шакллантиришда ишга солинмаган активларнинг (агар улар мавжуд бўлса) қиймати қўшилади;

хусусий айланма капиталнинг ортикча қисми қўшилади (тақчиллиги айирилади);

агар корхона хусусий капиталининг қийматини ҳисоблаш учун инвестицияланган капиталга олинган пул оқимидан фойдаланилаётган бўлса, узоқ муддатли қарзлар миқдори айириб ташланади.

Баҳолаш объекти бизнесдаги мулк улуши бўлган ҳолда ҳам баҳоловчи назорат ва ликвидлик даражасига қараб тузатишлар киритади.

24. Баҳолаш объекти қийматини даромадни капиталлаштириш усули ёрдамида аниқлаш айрим давр (одатда — бир йил) мобайнида олинган даромад миқдорини шу даромадга мувофиқ бўлган капиталлаштириш ставкасига бўлиш йўли билан, қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$PV = \frac{CF}{R}, \text{ бу ерда:}$$

PV — жорий қиймат;

CF — йил (ёки бошқа танланган давр) мобайнида олиш кутилаётган даромад;

R — капиталлаштириш ставкаси.

25. Капиталлаштирилиши лозим бўлган даромад миқдори қуйидаги усуллардан бири билан ҳисобланади:

жорий даромадлар усули билан — капиталлаштирилиши лозим бўлган даромад миқдори сифатида сўнгги ҳисобот даври кўрсаткичлари олинади;

даромаднинг оддий ўртача миқдорини ҳисоблаш усули билан — кутилаётган даромад миқдори ретроспектив даврдаги даромаднинг ўртача миқдорига тенг деб олинади;

даромаднинг ўлчанган ўртача миқдорини ҳисоблаш усули билан — кутилаётган даромад миқдори ретроспектив даврдаги даромаднинг ўлчанган ўртача миқдорига тенг деб олинади, бунда даромадни олиш даври баҳолаш санасига қанча яқин бўлса, унинг кўрсаткичи вазни шунча салмоқли бўлади;

мавжуд тенденциялар давом этади деган фаразга асосланган тренд (статистик усул) билан охириги уч йил учун ретроспектив маълумотларга асосланиб тренд тузиш ва қуйидаги формуладан фойдаланишни назарда тутати:

$$y = a + bx_{n+1}, \text{ бу ерда:}$$

y — прогноздан кейинги даврнинг биринчи йилидаги даромад миқдори;

x_{n+1} — прогноздан кейинги даврнинг биринчи йилига мос келадиган давр рақами;

a ва b — аниқланиши лозим бўлган номаълум ўзгарувчилар.

$$a = \frac{\sum y - b \sum x}{n}, \text{ бу ерда:}$$

n — ўтган даврлар сони;

x — давр рақами.

$$b = \frac{n(\sum xy) - (\sum x)(\sum y)}{n(\sum x^2) - (\sum x)^2}$$

26. Капиталлаштириш ставкаси қуйидаги усуллардан бири билан аниқланади:

баҳолаш объектига ўхшаш объектларнинг даромадлари миқдорлари ва сотув нархлари ҳақидаги бозор ахбороти таҳлилига асосланган бозор экстракцияси усули билан;

дисконтлаш ставкасидан баҳолаш объектидан олинган даромадлар ўсишининг йиллик ўртача суръатини айтириш йўли билан.

Капиталлаштириш ставкаси бозор экстракцияси усули билан қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$R_0 = \sum_{i=1}^n R_i K_i, \text{ бу ерда:}$$

R_0 — баҳолаш объекти учун капиталлаштириш ставкаси;

n — ўхшаш объектлар сони;

K_i — i -чи ўхшаш объектнинг ўлчов коэффициенти;

R_i — i -чи ўхшаш объект учун $R_i = I_i / V_i$ формуласи билан аниқланадиган капиталлаштириш ставкаси;

I_i — i -чи объектнинг баҳолаш объектининг капиталлаштирилаётган турдаги даромадига мос келадиган даромади;

V_i — i -чи объектнинг сотув нархи.

Капиталлаштириш ставкасининг дисконтлаш ставкаси билан ўзаро алоқаси қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$R_0 = D - g, \text{ бу ерда:}$$

D — дисконтлаш ставкаси;

g — ўсиш суръатлари.

Баҳоловчи даромаднинг ўсиш суръатлари йўқлигини прогноз қилган бўлса, капиталлаштириш ставкаси миқдор жиҳатидан дисконтлаш ставкасига тенглаштирилади.

27. Баҳолаш объектининг жорий қиймати капиталлаштириш усули ёрдамида йил (ёки бошқа давр) мобайнида олиниши кутилаётган даромад миқдорини капиталлаштириш ставкасига бўлиш йўли билан ҳисобланади.

Баҳолаш объектининг бозор қийматини олиш учун пул оқимларини шакллантиришда ишга солинмаган активлар (агар улар мавжуд бўлса) бозор қийматини қўшиш лозим.

Баҳолаш объекти бизнесдаги мулк улуши бўлган ҳолда ҳам баҳоловчи назорат ва ликвидлик даражасига қараб тузатишлар киритади.

2-§. Қиёсий ёндашув

28. Қиёсий ёндашув ўхшаш корхоналар ёки улардаги мулк улушларининг сотув нархлари таҳлилига асосланади.

Қиёсий ёндашув доирасида капитал бозори усулидан ва битимлар усулидан фойдаланганда баҳоловчи камида учта ўхшаш корхонани танлаб олиши лозим. Таққослаш учун ўхшаш корхоналарни танлашда қиёсийлик ме-

зонлари таркиби баҳолаш шартлари ва зарурий ахборот мавжудлиги билан белгиланади. Қуйидагилар баҳоловчи ҳисобга олиши лозим бўлган асосий мезонлар ҳисобланади:

баҳолаш объекти ва ўхшаш корхоналар бир тармоққа мансублиги;
миқдор жиҳатидан қиёсийлик, сотувлар ҳажми, активлар жами қиймати, бозорга оид капиталлаштириш ва бошқа кўрсаткичларда ифодаланиши мумкин;

даромадларнинг ўсиш суръатлари жиҳатидан қиёсийлик.

29. Баҳолаш объектининг бозор қийматини қиёсий ёндашув усуллари билан аниқлаш учун қуйидаги формула бўйича ҳисобланадиган мультипликаторлар қўлланилади:

$$M = \frac{H}{K}, \text{ бу ерда:}$$

M — мультипликатор;

H — ўхшаш корхонанинг сотув нархи (ёки қийматни белгиловчи ўзга асос);

K — корхона фаолиятини тавсифлайдиган молиявий, ишлаб чиқаришга оид ёки моддий кўрсаткич.

Тегишинча, баҳолаш объектининг нархи молиявий кўрсаткични тегишли мультипликаторга кўпайтириш йўли билан аниқланиши мумкин:

$$H = M * K$$

Мультипликаторлар умуман корхона бўйича ёки бир акцияга нисбатан ҳисобланиши мумкин.

30. Бизнесни баҳолашда мультипликаторларнинг қуйидаги асосий турларидан фойдаланилади:

нарх/даромад (фойда, пул оқими);

нарх/дивидендлар. Бу мультипликатор амалда тўланган дивидендлар асосида ёки бундай тўловларга хос бўлган ўхшаш корхоналар бўйича соф фойдага нисбатан фоиз ҳисобида ўлчанадиган эҳтимол тутилган дивиденд тўловлари асосида ҳисобланади;

нарх/реализациядан келган тушум;

нарх/ишлаб чиқариш физик ҳажми;

нарх/хусусий капитал (соф активлар)нинг баланс қиймати.

Баҳолаш объекти ва ўхшаш корхоналарнинг хусусиятларига қараб баҳоловчи бошқа турдаги мультипликаторларни қўллаши ҳам мумкин.

Баҳолаш объектини баҳолаш учун ўринли бўлган мультипликаторларнинг танланишини асослаш ва ҳисоблаш таомилининг тавсифи баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда келтирилиши лозим.

31. Баҳолаш объектининг бозор қиймати қиёсий ёндашув ёрдамида мульт-

типликаторларнинг танланган қийматларини баҳолаш объектининг тегишли молиявий ёки бошқа кўрсаткичларига кўпайтириш орқали олинган натижаларни мувофиқлаштириш ва якуний тузатишлар киритиш йўли билан аниқланади:

агар қийматни белгиловчи асос сифатида инвестицияланган капитал қиймати олинган бўлса, узоқ муддатли қарзлар айириб ташланади;

хусусий айланма капиталнинг тақчиллиги айириб ташланади (ортиқча айланма капитал қўшилади);

даромадни шакллантиришда ишга солинмаган активларнинг (агар улар мавжуд бўлса) бозор қиймати қўшилади;

одатдаги харидор учун жалб қилувчан бўлмаган ишлаб чиқариш диверсификацияси мавжуд бўлса, портфелли чегирма айириб ташланади;

ёпиқ корхона акциялари фонд бозорида котировка қилинадиган ўхшаш корхоналар бўйича баҳоланган ҳолда, ликвидлик учун чегирма айириб ташланади;

мулкнинг баҳоланаётган улуши унинг ўхшашлари билан таққослаганда берадиган назорат қилиш имконияти даражасига қараб, назоратнинг йўқлиги учун чегирма айириб ташланади ёки назорат учун мукофот қўшилади.

3-§. Харажат ёндашув

32. Баҳолаш объектини баҳолаш учун харажатга оид усулнинг танланиши баҳоловчи қабул қилган баҳолаш шартига боғлиқ бўлади:

соф активлар усули ишлаб турган корхона баҳоланган ҳолда қўлланилади;

тугатиш қиймати усули корхонани тугатиш шarti қабул қилинган ҳолда қўлланилади.

Харажатга оид ёндашув усуллари учун умумий формула куйидаги кўринишга эга:

$$\text{Корхона қиймати} = \text{Активлар қиймати} - \text{Мажбуриятлар қиймати}$$

33. Ишлаб турган корхонани соф активлар усули билан баҳолаш учун баҳоловчи баҳолаш санасига қадар сўнгги корхона бухгалтерия балансини ҳисоблаш натижалари асосида баҳолаш баланси (иктисодий баланс)ни тузади. Иктисодий балансда корхонанинг барча, шу жумладан бухгалтерия балансида ҳисобга олинмаган активлари (масалан, гудвилл) ва мажбуриятлари бозор қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Иктисодий балансни тузишда баҳоловчи:

кўчмас мулкнинг бозор қийматини аниқлайди;

машиналар, ускуналар ва транспорт воситаларининг бозор қийматини аниқлайди;

номоддий активларнинг бозор қийматини аниқлайди. Активларнинг тар-

моқ бўйича ўртача даромаддорлиги ҳақида ахборот мавжуд бўлса, гудвилл қиймати қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\text{Гудвилл} = \frac{\text{СД} - \text{АБК} * \text{АСД}}{\text{КС}}, \text{ бу ерда:}$$

СД — корхона соф даромади;

АБК — корхона активларининг бозор қиймати;

АУД — активларнинг тармоқ бўйича ўртача даромаддорлиги;

КС — капиталлаштириш ставкаси;

корхона молиявий қўйилмаларининг бозор қийматини, шу жумладан корхонанинг қимматли қоғозларга ва бошқа ташкилотларнинг устав капиталларига инвестицияларини, шунингдек, бошқа ташкилотларга берилган қарзларни аниқлайди. Фонд бозорида котировка қилинадиган қимматли қоғозларга инвестицияларнинг бозор қийматини баҳолашда баҳоловчи ушбу қимматли қоғозларнинг бозордаги котировкаларига асосланади. Акциялари фонд бозорида котировка қилинмайдиган ташкилот устав капиталига инвестицияларни баҳолаш бизнесни ва ундаги мулк улушларини баҳолаш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади. Бундай ташкилот устав фондининг 20 фоизидан ошмайдиган инвестицияларни баҳолашда бозор қиймати сифатида инвестициялаш объекти саналган ташкилот соф активларининг мутаносиб қийматини олишга йўл қўйилади. Соф активлар қиймати ташкилотнинг баҳолаш объекти саналган корхонанинг баҳолаш санасига қадар сўнгги бухгалтерия баланси билан айна бир санада тузилган бухгалтерия баланси бўйича аниқланади;

нихоясига етказилмаган капитал қўйилмалар — тугалланмаган қурилиш объектлари ва ўрнатилиши лозим бўлган ускуналарнинг бозор қийматини аниқлайди;

товар-моддий захираларнинг бозор қийматини аниқлайди. Бунда, хом ашё қиймати элтиб бериш қийматини, реализация қилиш соф қиймати бўйича тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматини, бозор қиймати бўйича реализация қилиш харажатлари чегириб ташланган тайёр маҳсулот қийматини ўз ичига олган жорий бозор нархлари бўйича баҳоланади. Тузилган шартномага мувофиқ чиқарилган тайёр маҳсулот қийматига тузатиш киритилмайди;

бўлғуси даврлар харажатлари баланс қиймати бўйича баҳоланади;

пул маблағлари қийматига тузатиш киритилмайди;

хар бир дебитор бўйича дебиторлик қарзининг бозор қийматини кутилаётган қарз тўловлари ва қарз бўйича фоизларни дисконтлашни дисконтлаш ставкаси бўйича, қарзни узиш муддатлари ва эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш йўли билан аниқлайди. Дисконтлаш ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаш ставкаси миқдоридан олинади. Ҳажми унча катта бўлмаган (энг кам иш ҳақи миқдорининг икки юз бараваригача) берилган аванслар ва дебиторлик қарзларини баҳолашда, шунингдек, дебиторлик қарзини узиш

бўйича тўловлар уч ой ичида кутилаётган бўлса, уларнинг қиймати баланс қийматиغا тенг деб олинади;

узок муддатли мажбуриятларнинг бозор қийматини кутилаётган қарз тўловлари ва қарз бўйича фоизларни дисконтлашни дисконтлаш ставкаси бўйича, тўлов муддатларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш йўли билан аниқлайди. Дисконтлаш ставкаси корхонанинг фоизли қарзларига қўлланиладиган ставкага тенг деб олинади;

жорий мажбуриятларнинг бозор қийматини аниқлайди. Бу қиймат мазкур мажбуриятларнинг баланс қийматиغا тенг деб олинади;

ҳисобга олинмаган мажбуриятларнинг (агар улар мавжуд бўлса) бозор қийматини аниқлайди.

34. Корхона хусусий капиталининг бозор қиймати соф активлар усули ёрдамида активлар суммасининг бозор қийматидан мажбуриятлар суммасининг бозор қийматини айриб ташлаш йўли билан аниқланади. Баҳоланаётган мулк улушининг бозор қиймати корхона хусусий капитали қийматиға нисбатан мутаносиб қисм сифатида ҳисобланади. Мулкнинг назорат ҳуқуқини бермайдиган улуши (акцияларнинг назорат ҳуқуқини бермайдиган пакети) баҳоланган ҳолда айрим (ёки ҳамма) назорат функцияларининг йўқлиғига чегирма киритилади.

35. Тугатиш қиймати усули корхона тугатилганда ва унинг активлари алоҳида-алоҳида сотилганда мулкдор олиши мумкин бўлган қийматни аниқлашга асосланади.

Баҳоловчи корхона активларининг жорий қийматини бу активларнинг мўлжалланаётган сотиш санасида аниқланган, баҳолаш санасида активни сотиш билан боғлиқ таваккалчиликни ҳисобга олувчи дисконтлаш ставкаси бўйича келтирилган жорий қиймати сифатида аниқланади. Тугатиш шартлари билан бундай активни сотишга хос бўлган муддатдан камроқ сотиш муддати белгиланган бўлса, активнинг бозор қийматидан қисқартирилган сотиш муддатиға чегирмани айриб ташлаш талаб этилади.

Тугатиш харажатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

тугатиш учун тўғридан-тўғри харажатлар — воситачиларға ҳақ, жалб қилинадиган ташкилотлар хизматиға ҳақ тўлаш, активларни сотишда тўланадиган солиқларни;

активларға улар сотилгунға қадар эгалик қилиш билан боғлиқ харажатлар — тайёр маҳсулот захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, ускуналар, машиналар, механизмлар, кўчмас мулк объектларини сақлаб туриш харажатларини ва корхонани тугатиш яқунлангунға қадар унинг ишини қувватлаш бўйича бошқарув харажатларини.

36. Корхонанинг тугатиш қиймати тугатиш харажатлари айриб ташланган активларнинг жорий қиймати билан корхона мажбуриятларининг жорий қиймати ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади. Мулк улушининг қиймати корхонанинг тугатиш қийматиға нисбатан мутаносиб қисм сифатида ҳисобланади.

**V-боб. Қўлланилган ёндашувлар доирасида олинган
натижаларни мувофиқлаштириш ва баҳолаш объектининг
якуний қийматини ҳисоблаш**

37. Баҳолаш натижаларини мувофиқлаштириш — баҳолашга нисбатан турли ёндашувлар ёрдамида олинган натижаларни ўлчаш ва таққослаш йўли билан баҳолаш объектининг якуний қийматини аниқлаш. Мувофиқлаштириш қуйидаги усуллардан бири билан амалга оширилади:

манتيкий мувофиқлаштириш усули билан. У баҳоловчи амалга оширадиган таҳлил асосида, барча муҳим параметрларни ҳисобга олган ҳолда солиштирма ўлчовларни танлашдан иборат. Баҳоловчи устун ёндашувни аниқлайди, қолган ёндашувларнинг натижаларидан эса устун ёндашув ёрдамида олинган натижани текшириш ва унга тузатиш киритиш учун фойдаланилади;

математик ўлчаш усули билан. Бунда, турли баҳолаш ёндашувлари билан олинган натижаларнинг солиштирма ўлчовларини аниқлаш учун бир нечта мезонлардан фойдаланилади ва уларнинг ёрдамида қўлланилган ҳисоблаш усулининг афзалликлари ёки камчиликлари конкрет объектни баҳолаш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тавсифланади.

38. Солиштирма ўлчовларни аниқлашда баҳоловчи қуйидаги асосий омилларни таҳлил қилиши лозим:

таҳлил ва ҳисоблашларга асос бўлган ахборотнинг ишончилиги ва етарлилигини;

баҳолаш ёндашуви баҳолаш объектига хос бўлган нарх белгиловчи омиллар тузилишини ҳисобга олишга қодирлигини;

ёндашув баҳолаш объектига ўхшаш объектларнинг одатдаги харидорлари ва сотувчилари мотивациясини акс эттиришга қодирлигини;

баҳолаш ёндашуви ҳисобланаётган қиймат турига мувофиқлигини.

39. Баҳолаш объекти қийматининг якуний миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K_{як} = K_{хар} * C_1 + K_{дар} * C_2 + K_{қиёс} * C_3, \text{ бу ерда:}$$

$K_{як}$ — баҳолаш объектининг якуний қиймати;

$K_{хар}$, $K_{дар}$, $K_{қиёс}$ — тегишинча харажатга оид, даромадга оид ва қиёсий ёндашувлар билан аниқланган қийматлар;

C_1 , C_2 , C_3 — ҳар бир баҳолаш ёндашуви учун танланган тегишли солиштирма ўлчовлар.

Бунда, қуйидаги шарт бажарилиши лозим:

$$C_1 + C_2 + C_3 = 1$$

VI-боб. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни тузиш

40. Бизнес қийматини баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот тузилиши қуйидаги асосий бўлимларни ўз ичига олиши лозим:

титул варағи;

мундарижа;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботга илова хат;

баҳолашга оид вазифа ҳамда асосий фактлар ва хулосалар;

мамлакат ва минтақадаги умумий иқтисодий вазият тавсифи;

баҳолаш объекти мансуб бўлган тармоқ ва бозор тавсифи;

бизнес (корхона) тавсифи;

корхона молиявий ҳисоботи маълумотлари таҳлили;

баҳолаш ёндашувлари ва усулларининг танланиши ва қўлланилиши тавсифи;

баҳолаш объектининг якуний қийматини аниқлаш;

иловалар.

41. Ҳисоботнинг титул варағида қуйидагилар кўрсатилади:

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг рўйхатга олиш рақами;

баҳолаш объектининг номи ва манзили;

баҳоланаётган қиймат тури;

баҳолаш санаси;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот тузилган сана;

буюртмачи ва баҳоловчининг номи.

42. Мундарижада баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг саҳифалар рақамлари кўрсатилган барча бўлимлари ва кичик бўлимлари сарлавҳалари санаб ўтилади.

43. Илова хат мухтасар шаклда тузилади ва қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим:

хат рақами ва санасини;

баҳоланаётган мулкӣ ҳуқуқлар кўрсатилган баҳолаш объектининг номи;

баҳолаш объектининг манзили (жойлашган ери)ни;

баҳолашни амалга ошириш учун асосни;

баҳолаш мақсадини;

баҳолаш санасини;

баҳоланаётган қиймат турини;

энг муҳим фаразлар ва чекловчи шартларни;

баҳолаш натижасини;

баҳоловчи ташкилот раҳбарининг имзосини.

44. «Баҳолашга оид вазифа ҳамда асосий фактлар ва хулосалар» бўлими баҳолаш объектини баҳолаш тўғрисидаги шартнома ва баҳолашга оид вазифанинг хусусияти ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун етарли бўлган ҳажмдаги ахборотни ўз ичига олиши лозим. Ушбу бўлимда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

буюртмачи ҳақида ахборот;
бажарувчилар ҳақида ахборот;
баҳолаш объекти;
баҳоланаётган мулкӣ ҳуқуқлар;
баҳолаш мақсади;
баҳолаш натижаларидан фойдаланиш чегараси;
баҳоланаётган қиймат тури;
баҳолаш санаси;
баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот тузилган сана;
баҳолаш объектининг якуний қиймати ҳақида хулоса;
фаразлар ва чекловчи шартлар;
баҳолаш миллий стандартлари талабларига мувофиқлик ҳақида баёнот;
фойдаланилган ахборотлар рўйхати.

45. «Мамлакат ва минтақадаги умумий иқтисодий вазият тавсифи» бўлимида баҳолаш натижаларига таъсир этадиган асосий макроиқтисодий омиллар, уларнинг ўзгариш тенденциялари ва баҳоланаётган бизнес истиқболларига таъсири тавсифи келтирилади.

46. «Баҳолаш объекти мансуб бўлган тармоқ ва бозор тавсифи» бўлими қуйидаги ахборотни ўз ичига олади:

тармоқнинг ҳолати ва ривожланиш имкониятлари ҳақида;

сотув бозорлари ва маҳсулотни сотиш хусусиятлари ҳақида;

тармоқдаги рақобат шартлари, ўриндош товарлар ишлаб чиқарадиган асосий рақибларнинг мавжудлиги (нархлар, хизмат кўрсатиш сифати, сотув йўллари ва ҳажмлари) ҳақида.

47. «Баҳоланаётган бизнес (корхона) тавсифи» бўлимида қуйидагилар келтирилади:

корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли тўғрисида маълумотлар;

корхонанинг тарихи тўғрисида маълумотлар;

фаолият йўналишлари (асосий ишлаб чиқариш фаолияти, маҳсулотлар, хизматлар) тўғрисида ахборот;

етказиб берувчилар ва истеъмолчилар тавсифи;

мавсумий ва циклга оид омиллар мавжудлиги ҳақида маълумотлар;

корхона мулки тўғрисида маълумотлар;

ходимлар тўғрисида маълумотлар;

бизнеснинг ривожланиш имкониятлари тўғрисида маълумотлар;

бизнесдаги улушлар билан олдинги битимлар тўғрисида ахборот.

48. «Корхона молиявий ҳисоботи маълумотлари таҳлили» бўлими қуйидагиларни ўз ичига олади:

тақдим этилган молиявий ҳисобот таҳлилини;

молиявий ҳисобот маълумотларига киритилган тузатишларни баҳолаш мақсадида берилган изоҳларни;

молиявий коэффициентлар таҳлилини;

ўхшаш корхоналарнинг молиявий кўрсаткичлари билан таққослаш натижаларини;

корхона молиявий ҳолати прогнозларини;

бизнес қийматига молиявий кўрсаткичлар таъсири ҳақидаги ахборотни.

49. «Баҳолаш ёндашувлари ва усулларининг танланиши ва қўлланилиши тавсифи» бўлимида қуйидагилар келтирилади:

баҳолаш ёндашувлари ва усулларига қисқача шарҳ;

қўлланилган баҳолаш ёндашувлари ва усулларининг танланиши ва асосланиши ёки бирон-бир баҳолаш ёндашувидан фойдаланишдан воз кечишни асослаш;

корхона қийматини танланган баҳолаш ёндашувлари ва усуллари ёрдамида аниқлаш тартиби ва ҳисоблашлар.

50. «Баҳолаш объектининг якуний қийматини аниқлаш» бўлими қуйидагиларни ўз ичига олади:

бизнесдаги улушлар баҳоланган ҳолда, чегирмалар ва мукофотлар қўлланилишини асослашни;

турли баҳолаш ёндашувлари билан олинган натижаларни мувофиқлаштиришни;

баҳолаш объектининг якуний қиймати ҳақидаги хулосани.

51. «Иловалар» бўлими қуйидагиларни ўз ичига олади:

баҳолаш жараёнида фойдаланиладиган ҳужжатлар (ёки уларнинг нусхалари)ни;

баҳолаш объектининг фотосуратларини (зарур ҳолда);

баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган лицензия нусхасини;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлашда иштирок этган баҳоловчилар малака сертификатларининг нусхаларини;

баҳоловчи ташкилотнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш ҳақидаги суғурта полиси нусхасини;

бошқа маълумотларни.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг пировард тузилиши (бўлимлар ва кичик бўлимлар сони ва уларнинг кетма-кетлиги тартиби, уларнинг номи) ва ҳажми баҳоловчи томонидан баҳолаш объектининг хусусияти, баҳолаш мақсадлари, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг эҳтимол тутилган фойдаланувчиси ҳамда қонун ҳужжатларининг талабларига қараб белгиланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ҲУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА
ЖИНОЙИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

476 Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
28 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2027*

(2009 йил 7 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Кредит уюшмалари тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 65-модда), «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 37-38-сон, 372-модда), «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда) қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти **қарор қиладилар:**

1. Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 13 октябрь,
23/5-сон

**Бош прокуратура ҳузуридаги
Солиқ, валютага оид жиноятларга ва
жиноий даромадларни
легаллаштиришга қарши курашиш
департаменти бошлиғи**

З. ДЎСАНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 13 октябрь,
31-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг ва
Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валюта-
га оид жиноятларга ва жиноий даромадларни
легаллаштиришга қарши курашиш департа-
ментининг 2009 йил 13 октябрдаги
23/5, 31-сон қарорига
ИЛОВА

**Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан
олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни
молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат
ҚОИДАЛАРИ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Респуб-
ликсининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Кредит уюшма-
лари тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-
номаси, 2002 й., 4-5-сон, 65-модда), «Микрокредит ташкилотлари тўғриси-
да»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2006 й., 37-
38-сон, 372-модда), «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаш-
тиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги
(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й.,
9-сон, 160-модда) қонунларига мувофиқ нобанк кредит ташкилотларида жи-
ноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни
молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида ички назоратни ташкил қилиш
ҳамда амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдалани-
лади:

нобанк кредит ташкилот — Ўзбекистон Республикасининг резиден-
ти бўлган ва тегишли фаолият турини амалга ошириш лицензиясига эга
бўлган кредит уюшмаси, ломбард ёки микрокредит ташкилоти;

ички назорат — нобанк кредит ташкилотининг махсус ваколатли дав-

лат органига хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни аниқлашга доир фаолиятидир;

Ички назорат хизмати — нобанк кредит ташкилотининг ички назоратни амалга оширилиши бўйича масъул бўлган махсус бўлинмаси;

масъул ходим — ички назоратни амалга оширилиши учун масъул шахс;

ички назорат тизими — мазкур Қоидалар ва ички қоидаларда белгиланган мақсадларга эришиш ва вазифаларни бажаришга қаратилган масъул ходим ёки Ички назорат хизматининг нобанк кредит ташкилотининг бошқа бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширадиган ҳаракатлари йиғиндиси;

ички қоидалар — нобанк кредит ташкилотларида ва унинг филиалларида ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилаб берувчи ички ҳужжатдир;

махсус ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти номидан Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш Бошқармаси (кейинги ўринларда — Департамент);

мижоз — пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни амалга ошириш тўғрисида нобанк кредит ташкилотига ариза билан мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахс;

мижознинг ҳақиқий эгаси — юридик шахс — мижознинг мулкдори ёки уни назорат қилувчи шахс, яъни мижоз ва (ёки) амалга оширилаётган операциядан манфаат кўрадиган шахсга нисбатан мулккий ёки назорат ҳуқуқига эга бўлган бир ёки бир неча шахслар;

операция иштирокчилари — мижозлар, уларнинг вакиллари ҳамда мижознинг операцияда иштирок этувчи ҳамкорлари;

гумонли операция — мазкур Қоидаларни жорий қилиш жараёнида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш мақсадида амалга оширилганлиги тўғрисида нобанк кредит ташкилотида гумон уйғотувчи, уни шубҳали операциялар туркумига киритиш (киритмаслик) ҳақида қарор қабул қилгунга қадар бўлган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция;

шубҳали операция — пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, тайёрлаш, содир этиш жараёнида бўлган ёки содир этиб бўлинган, мазкур Қоидаларни жорий қилиш жараёнида нобанк кредит ташкилотида уни жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш мақсадида амалга оширилганлиги тўғрисида шубҳа пайдо бўлган операция;

хабар қилиниши лозим бўлган операциялар — мазкур Қоидалар билан белгиланган шубҳалилик мезонлари ва аломатларидан фойдаланган ҳолда комплекс таҳлил асосида аниқланадиган ҳамда Департаментга хабар қилиниши лозим бўлган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар;

бир маротабалик операциялар — жисмоний шахслар томонидан бир маротабалик тартибда амалга ошириладиган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар;

мунтазам равишда амалга ошириладиган операциялар — таҳлил қилинадиган давр мобайнида мижоз томонидан мунтазам равишда амалга ошириладиган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар;

таҳлил қилинадиган давр — кейинги текширув босқичида нобанк кредит ташкилоти мижознинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларини таҳлил қиладиган ҳамда давомийлиги мижоз томонидан бажарилган операция турига кўра бир неча кундан бир неча ойгача бўлиши мумкин бўлган давр;

мижозларни лозим даражада текшириш — мижознинг ва қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текшириш, таъсис ҳужжатлари асосида мулк ва бошқарув тузилмасини ўрганиш орқали мижознинг ҳақиқий эгасини идентификациялаш, шунингдек, мижоз томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва операцияларни, уларнинг бундай мижоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида, доимий асосда ўрганишларни ўтказиш;

мижозни идентификациялаш — нобанк кредит ташкилоти томонидан мижозни лозим даражада текшириш мақсадида мижозлар ҳақидаги маълумотларни улар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида аниқлаш;

мижознинг ҳақиқий эгасини идентификациялаш — нобанк кредит ташкилоти томонидан қонун ҳужжатлари билан белгиланган таъсис ҳужжатлари (устав ва (ёки) таъсис шартномаси, низом) асосида мулк ва бошқарув тузилмасини ўрганиш орқали юридик шахс бўлган мижознинг мулкдори ёки уни назорат қилувчи шахсни аниқлаш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатлар — жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган ҳамда ўзларининг миллий қонунчилигида бу борадаги халқаро андозаларни жорий қилмаётган давлатлар ёки ҳудудлар. Мазкур давлат ва ҳудудлар рўйхати Департамент томонидан шакллантирилади;

оффшор ҳудуд — имтиёзли солиқ режимини тақдим қилувчи ва (ёки) молиявий операцияларни амалга оширишда улар ҳақидаги маълумотларни ошкор этмасликни ва тақдим қилмасликни кўзда тутувчи давлатлар ва ҳудудлар;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи органлар — пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар фаолияти устидан контроль ва назорат қилиш функцияларига эга бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назо-

рат қилувчи, лицензияловчи, рўйхатдан ўтказувчи ва бошқа давлат органлари.

3. Ички назорат тизими мақсади қўйидагилар ҳисобланади:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга йўналтирилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни самарали аниқлаш ва олдини олиш;

нобанк кредит ташкилотининг қасддан ёки қасддан бўлмаган ҳолда жиноий фаолиятга жалб қилинишига, унинг устав фонди (капитали)га жиноий фаолият натижасида олинган капиталнинг, шунингдек, нобанк кредит ташкилотини бошқаришга жиноятчи шахсларнинг кириб келишига йўл қўймаслик;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш.

4. Ички назорат тизимининг асосий вазифалари:

қонун ҳужжатлари, мазкур Қоидалар ва ички қоидаларга мувофиқ миждозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

миждозларнинг ҳақиқий эгасини аниқлаш ва ўрганиш, шунингдек, операцияни амалга оширишда фойдаланиладиган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкларнинг манбасини аниқлаш бўйича асосли ва кўрилиши мумкин бўлган чораларни амалга ошириш;

мазкур Қоидалар ва ички қоидалар билан белгиланган мезонлар асосида гумонли ва шубҳали операцияларни аниқлаш;

ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган шубҳали операциялар тўғрисидаги ахборотлар (ҳужжатлар)ни Департаментга ўз вақтида тақдим этиш;

алоҳида ҳолларда хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни юридик ёки жисмоний шахс ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга кириштириш бўйича операцияларни истисно этганда, бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туриш ҳамда бундай операция ҳақида операция тўхтатиб турилган куннинг ўзида Департаментни хабардор қилиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, идентификациялаш маълумотларини ва миждозларни лозим даражада текширишга доир материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар давомида сақланишини таъминлаш;

тегишли қарорлар қабул қилиш учун нобанк кредит ташкилоти раҳбариятини зарур бўлган аниқ ахборотлар ва материаллар билан оператив ва мунтазам равишда таъминлаб бориш;

шубҳали операциялар амалга оширилган ёки амалга оширишга бўлган уринишлар, шубҳали операцияларни амалга оширган миждозлар билан ало-

қадор шахслар (рахбарлар, таъсисчилар) тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш, шунингдек, бундай маълумотларни бошқа кредит ташкилотлари ҳамда давлат органлари билан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзаро алмашиб бориш;

операцияларнинг анонимлигини оширувчи янги технологиялар ёрдамида қонунга хилоф иш қилиш, хусусан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш учун нобанк кредит ташкилотлари хизматларидан фойдаланиш таҳдидини олдини олишга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадида зарур бўлган тадбирлар қўллаш;

сўровномалар бўйича миждозлар базасидан террорчилик фаолиятини молиялаштиришга алоқадор шахсларни аниқлашдан иборат.

5. Ички назорат тизими мақсад ва вазифаларига эришиш учун масъул ходим ёки Ички назорат хизмати қуйидагилар бўйича функцияларни бажаради:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш учун нобанк кредит ташкилоти хизматларидан фойдаланиш таҳдидини олдини олиш учун қонун ҳужжатларида, мазкур Қоидаларда ва ички қоидаларда кўзда тутилган чораларни кўриш;

нобанк кредит ташкилоти томонидан қонун ҳужжатлари ва ички қоидалар талабларига риоя этиш мониторингини амалга ошириш;

нобанк кредит ташкилоти фаолиятидаги қонун ҳужжатлари ва ички қоидалар талабларига риоя қилинмаганлиги бўйича аниқланган камчилик ва хатоларни бартараф этиш юзасидан раҳбарият кўриб чиқиши учун таклифлар тайёрлаш ва киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (кейинги ўринларда — Марказий банк) ҳамда Департаментнинг ваколатли вакиллари томонидан ўтказилган текширув жараёнида ички назорат тизимини ташкиллаштиришда ва унинг фаолиятида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этилишини мониторинг қилиш;

ички назоратни ташкил этиш, ходимлар томонидан қонун ҳужжатлари, мазкур Қоидалар ва ички қоидалар талаблари бузилиш ҳолатларини оғохлантириш ва бартараф этиш масалалари бўйича Марказий банк ва Департамент билан ҳамкорлик қилиш.

6. Нобанк кредит ташкилотлари ҳар йили, мазкур Қоидалар талабларидан келиб чиққан ҳолда, ички қоидаларни, қуйидагиларни акс эттирган ҳолда, ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши лозим:

ички назорат тизимини ташкил этиш тартиби ва унинг тузилмаси;

миждозларни лозим даражада текшириш, шу жумладан, миждозларни ва уларнинг ҳақиқий эгасини идентификациялаш, шунингдек, миждозларнинг операциялари устидан доимий мониторингни амалга ошириш қоидалари;

зарур бўлган ахборотни расмийлаштириш ва унинг махфийлигини таъминлаш тартиби;

Департаментга хабар қилиниши лозим бўлган операциялар тўғрисида ахборот тақдим этиш тартиби;

кадрларни тайёрлаш ва ўқитишга доир малака талаблари;
гумонли операцияларни аниқлашнинг қўшимча мезонлари ва уларнинг аломатлари;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар.

Ички қоидалар нобанк кредит ташкилотининг юқори ёки кузатув бошқарув органи томонидан тасдиқланади.

II. Ички назорат тизимини ташкиллаштириш

7. Ички назорат тизими нобанк кредит ташкилоти фаолиятининг жиҳатлари, асосий йўналиши, миқозлар базаси ва миқозлар ҳамда уларнинг операциялари билан боғлиқ хатарлар даражасини ҳисобга олган ҳолда ташкиллаштирилади.

8. Ички назорат тизими тузилмаси, шу жумладан, нобанк кредит ташкилотининг филиалларидаги тузилмаси ташкилотнинг юқори ёки кузатув бошқарув органининг қарори билан белгиланади ва Марказий банкнинг талабларига мувофиқ қайта қўриб чиқилиши лозим.

9. Ички назорат нобанк кредит ташкилотининг юқори ёки кузатув органи томонидан тайинланадиган масъул ходим ёки нобанк кредит ташкилотининг Ички назорат хизмати раҳбари ва ходимлари, шунингдек, ташкилотнинг ҳар бир филиалидаги масъул ходим томонидан амалга оширилади.

10. Ички назорат хизмати ички назорат мақсадларига самарали эришиш ва вазифаларни унумли бажариш учун етарли миқдорда ходимлар билан шакллантирилади.

Ходимларининг ўртача йиллик сони 25 кишидан ортиқ бўлмаган ва филиалларга эга бўлмаган нобанк кредит ташкилотида масъул ходим функциялари ташкилот раҳбарига ёки бош бухгалтерга юклатилиши мумкин.

11. Масъул ходим ёки Ички назорат хизматининг раҳбари лавозимига тайинланувчи шахсдан қуйидагилар талаб қилинади:

банк ва молия қонунчилигини, шу жумладан, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларини билиш;

бухгалтерия ҳисоби қоидалари ҳақидаги билимга эга бўлиш, шунингдек, мунтазам равишда малакани ошириш бўйича махсус ўқув курсларида иштирок этиш.

12. Масъул ходим ёки Ички назорат хизмати раҳбари лавозимига қуйидаги шахслар тайинланиши мумкин эмас:

ўз фаолияти ва ахлоқида ишониб топширилган бўлинмани нотўғри бошқаргани ёки ишни виждонан юритмаганини намоён этган шахслар;

иқтисодиёт соҳасидаги жинояти учун аввал суд томонидан жиноий жавобгарликка тортилган шахслар.

13. Нобанк кредит ташкилоти ички назорат тизими тузилмасини шакллантириш, нобанк кредит ташкилотининг масъул ходимини ёки Ички назорат хизмати раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилгандан сўнг 10 (ўн) кун муддат мобайнида, тайинланган шахслар тўғрисидаги сўровно-

ма маълумотларини илова қилган ҳолда бу ҳақида Марказий банкка хабар бериши лозим.

14. Масъул ходим ёки Ички назорат хизмати раҳбари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ички назоратни амалга ошириш мақсадида нобанк кредит ташкилоти бўлинмалари раҳбарлари ва ходимларидан керакли фармойиш берувчи ва бухгалтерия ҳужжатларини талаб қилиб олиш;

ички назоратни амалга ошириш мақсадида олинган ҳужжатлардан нусха кўчириш, нобанк кредит ташкилотининг электрон маълумотлар базаларида, локал ҳисоблаш тармоқлари ва автоном компьютер тизимларида сақланадиган файллар ва бошқа ёзувлардан нусхалар олиш;

нобанк кредит ташкилотининг бошқа бўлинмалари мутахассисларидан ёрдам сўраш ва олиш;

нобанк кредит ташкилоти бўлинмаларининг хоналарига кириш, шунингдек, нобанк кредит ташкилоти ижро этувчи органи раҳбарининг ёзма рухсатномаси билан ҳужжатлар сақланиши учун фойдаланиладиган (архивлар), нақд пул ва қимматликлар сақланадиган (пул омбори), компьютер маълумотларини қайта ишлаш ва маълумотларни электрон шаклда ташувчи қурилмаларда сақлаш хоналарига кириш;

ижро этувчи орган раҳбарининг ёзма розилиги билан терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ бўлган операцияларни тўхтатиб туриш ҳақида нобанк кредит ташкилоти филиаллари раҳбарларига кўрсатмалар бериш;

мижозларнинг операцияларига нисбатан келгуси ҳаракатлари, жумладан, қонун ҳужжатларига мувофиқ мижоз ёки операция тўғрисида қўшимча маълумот олиш ёки мавжуд маълумотларни текшириш юзасидан нобанк кредит ташкилотининг ижро этувчи органига таклифлар тақдим этиш;

мазкур Қоидалар ва ички қоидаларга мувофиқ бошқа тадбирларни амалга ошириш.

15. Масъул ходим ёки Ички назорат хизмати раҳбари ва ходимлари нобанк кредит ташкилоти номидан тўлов (ҳисоб-китоб) ва бухгалтерия, шунингдек, нобанк кредит ташкилоти зиммасига хатарлар келтирадиган бошқа ҳужжатларни имзолаш ёки ушбу ҳужжатларга имзо қўйиш орқали розилик билдириш (визалаш) ҳуқуқига эга эмас, мазкур Қоидаларнинг 10-бандининг иккинчи хатбошисида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари.

16. Масъул ходим ёки Ички назорат хизматининг раҳбари ва ходимлари ўз вазифаларини бажаришда қуйидагиларга мажбурдирлар:

ўз ваколати доирасида мазкур Қоидалар ва ички қоидалар билан юклатилган мақсадларга эришиш ва вазифаларни бажариш учун зарур чораларни кўриш;

нобанк кредит ташкилотининг тегишли бўлинмаларидан олинган ҳужжатларнинг сақланишини ва қайтарилишини таъминлаш;

ўз вазифаларини амалга оширишда олинган маълумотларнинг махфийлигига риоя қилиш;

мазкур Қоидалар ва ички қоидаларга мувофиқ бошқа мажбуриятларни амалга ошириш.

17. Масъул ходим ёки Ички назорат хизмати раҳбари бевосита нобанк кредит ташкилотининг ижро этувчи органи раҳбарига ҳисобдор ва нобанк кредит ташкилотининг бошқа бўлинмаларидан мустақилдир.

Нобанк кредит ташкилотининг филиали масъул ходими бевосита нобанк кредит ташкилотининг Ички назорат хизмати раҳбарига ҳисобдордир.

18. Нобанк кредит ташкилоти бўлинмаларининг ходимлари масъул ходимга ёки Ички назорат хизматига унинг вазифаларининг амалга оширилишида мазкур Қоидалар ва ички қоидаларга мувофиқ қўмақлашадилар.

19. Нобанк кредит ташкилотининг бўлинмалари ходимларининг масъул ходим ёки Ички назорат хизмати раҳбари ва ходимлари ўртасидаги ўзаро муносабат тартиби ички қоидалар билан белгиланади.

20. Ходимларнинг сўнгги янгиликларга, жумладан, жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг ва терроризмни молиялаштиришнинг замонавий усуллари, услублари ва йўналишлари ҳақидаги ахборотга эга бўлишларини таъминлаш ҳамда жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги қонун ҳужжатлари ва мажбуриятларнинг барча жиҳатларини аниқ тушунтириб бериш мақсадида нобанк кредит ташкилотлари мунтазам равишда ходимларни қайта тайёргарликдан ўтказишлари шарт.

III. Мижозларни лозим даражада текшириш

21. Нобанк кредит ташкилотлари қуйидаги ҳолларда мижозларни лозим даражада текшириш бўйича мустақил равишда чора-тадбирларни кўришлари керак:

а) хўжалик ва фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларни ўрнатишда, шу жумладан:

кредит уюшмаси аъзолари таркибига кириш тўғрисидаги аризани олганда;
грант ва бошқа текин тақдим қилинувчи маблағларни олганда;
қарз ва кредитларни олганда (жалб қилганда);
таъсисчилар таркибига янги шахслар кирганда;

мижоз қарз, кредит ёки лизинг хизматини олиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилганда, агар аввал бундай мижозни лозим даражада текшириш амалга оширилмаган бўлса ёки мазкур Қоидаларга мувофиқ мижозни қайтадан лозим даражада текшириш амалга оширилиши талаб қилинса;

мижоз мулкни ломбардда сақлаш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилганда;

б) энг кам иш ҳақи миқдорининг 1000 бараварига тенг ёки ундан ортик бўлган суммага бир марталик операциялар амалга оширилганда;

в) шубҳали операциялар амалга оширилганда;

г) мижознинг шахси тўғрисида аввал олинган маълумотларнинг тўғрилигига нисбатан гумонлар мавжуд бўлганда.

22. Мижозни лозим даражада текшириш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

тегишли ҳужжатлар асосида мијознинг ва у қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текширишни;

мијознинг ҳақиқий эгасини идентификациялашни;

мијоз томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни уларнинг бундай мијоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида доимий асосда ўрганиш ўтказишни.

23. Нобанк кредит ташкилоти томонидан мијоз ва мијознинг ҳақиқий эгасини идентификацияси мазкур Қоидаларнинг 1 ва 2-иловаларида кўзда тутилган маълумотлар, шунингдек, операциялар ва бошқа битимларнинг бажарилиши учун асос ҳисобланувчи ҳужжатлар ва бошқа зарур маълумотлар асосида амалга оширилади.

24. Мижозни ва операциянинг бошқа иштирокчиларини идентификациялаш имконини берувчи барча ҳужжатлар улар тақдим этилган санада кучини йўқотмаган бўлиши шарт.

25. Нобанк кредит ташкилоти томонидан жисмоний шахс — мијозни идентификациялаш шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат) асосида амалга оширилади. Бунда, нобанк кредит ташкилоти мустақил равишда бундай ҳужжатнинг асли билан танишиб чиқиши лозим.

26. Юридик шахс — мијозларга нисбатан мијозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар бажарилаётганда нобанк кредит ташкилотлари улардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни, раҳбарияти ҳақидаги, шунингдек, таъсис ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларни олишлари лозим.

Агар мијоз ёки мијознинг ҳақиқий эгаси мулкчилик таркиби тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари татбиқ қилинувчи юридик шахс ҳисобланса, бундай юридик шахснинг таъсисчилари (акциядорлари, иштирокчилари)ни аниқлаш ва тасдиқлаш талаб этилмайди.

27. Нобанк кредит ташкилоти юридик шахс — мијозни батафсил ўрганиш мақсадида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиши лозим:

мијознинг таъсисчилари (акциядорлари, иштирокчилари) таркибига, мијознинг устав фонди (капитали)нинг 10 фоиздан ортиқ улушига эгалик қилаётган шахсларни аниқлашга;

мијоз бошқаруви органлари тузилмасига ва уларнинг ваколатларига;

мијоз устав фонди (капитали)нинг рўйхатга олинган миқдорига.

28. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига нисбатан мијозларни лозим даражада текшириш чора-тадбирларининг ўтказилиши талаб қилинмайди.

29. Мижозни ва мијознинг ҳақиқий эгасини қайта идентификациялаш мажбурий ҳисобланмайди, агар ушбу мијоз ва мијознинг ҳақиқий эгаси

мазкур Қоидаларга мувофиқ нобанк кредит ташкилоти томонидан аввал идентификацияланган бўлса.

Мижоз ва мижознинг ҳақиқий эгасини қайта идентификациялаш аввалги идентификациялаш натижасида олинган маълумотлар аниқлигига гумон туғилган ҳолларда амалга оширилиши лозим.

30. Мижоз ва мижознинг ҳақиқий эгасини идентификациялашда нобанк кредит ташкилоти олинган маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Департамент томонидан шакллантириладиган, мазкур Қоидаларнинг 37-бандида кўрсатилган шахслар рўйхати (кейинги ўринларда — Рўйхат) билан солиштириб чиқиши шарт.

Мижоз ва мижознинг ҳақиқий эгасини идентификациялаш жараёнида Рўйхатга киритилган шахслар аниқланган тақдирда нобанк кредит ташкилоти мазкур Қоидаларнинг VIII бобида ўрнатилган чора-тадбирларни амалга ошириши шарт.

31. Нобанк кредит ташкилотлари қўйидаги ҳолларда мижозга пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга ошириши рад этишга ҳақлидирлар:

юридик шахс бошқарув органи ёки юридик шахс номидан ишончномасиз фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ўзининг жойлашган ери (почта манзили) бўйича мавжуд бўлмаганида;

шак-шубҳасиз нотўғри бўлган ҳужжатлар тақдим этилганда ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ сўралаётган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

32. Нобанк кредит ташкилотларига қўйидагилар тақиқланади:

аноним (номи кўрсатилмаган ҳолда) шахсларга, яъни депозит очаётган жисмоний ёки юридик шахслар томонидан уни идентификациялаш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилмаган ҳолда, депозит очиш (кредит уюшмаларида);

депозит очувчининг шахсан ўзи ёхуд унинг вакили мавжуд бўлмаган ҳолда жисмоний шахсларга депозит очиш (кредит уюшмаларида);

кредит олувчининг шахсан ўзи ёхуд унинг вакили мавжуд бўлмаган ҳолда микрокредит ёки микроқарз бериш;

шахсни тасдиқловчи ҳужжатларсиз мулкларни сақлаш учун қабул қилиш (ломбардларда);

33. Мижозни лозим даражада текшириш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда нобанк кредит ташкилоти бундай мижоз билан ҳамкорлик муносабатларига киришмаслиги ёки бундай мижознинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулки билан боғлиқ операцияларни амалга оширмаслиги, ёхуд у билан ҳар қандай амалий иш муносабатларини тўхтатиши лозим.

IV. Гумонли ва шубҳали операциялар мезонлари ва аломатлари

34. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар

қуйидаги мезон ва аломатларнинг бири мавжуд бўлганда гумонли операция деб тан олинади:

1) мижознинг нобанк кредит ташкилоти олдидаги мажбуриятларини учинчи шахслар томонидан бажарилиши (мажбуриятларда шахсларнинг ўзгариши);

2) учинчи шахс номига очилган депозитга пул маблағлари киритилиши;

3) энг кам иш ҳақининг 1000 бараварига тенг бўлган ёки ундан ошадиган суммада нақд пул кўринишида кредит ёки қарз олинishi;

4) жисмоний ёки юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг операцияда иштирок этишлари;

5) операцияни амалга ошириш учун тақдим қилинган ҳужжатларнинг ҳақиқийлигига (ишончлилигига) гумон туғилиши ва (ёки) операция тўғрисидаги, шу жумладан операция бажарувчи томонлардан бири ҳақидаги маълумотлар нобанк кредит ташкилотда мавжуд бўлган маълумотларга мувофиқ келмаслиги;

6) операцияни амалга ошириш учун ариза билан мурожаат қилинганда мижознинг хатти-ҳаракатларининг ғайриоддийлиги, масалан: асабийлашиши, иккиланиш, мижознинг хатти-ҳаракатларини бошқариб турувчи шахсларнинг мавжудлигида унинг агрессивлиги ёки унинг бошқа шахсларга арзимас сабаб юзасидан телефон орқали маслаҳат учун мурожаат қилиши;

7) мижознинг махфийлик масалалари юзасидан ғайриоддий ташвишланиши ёки нобанк кредит ташкилоти томонидан операция ҳақида сўралган маълумотларни мижоз томонидан асоссиз рад этилиши ёхуд тақдим этилишида ноўрин кечиктирилиши;

8) амалга оширилаётган операция бўйича мижоз ҳамкорларини аниқлаш имкони йўқлиги;

9) операция иқтисодий моҳиятга эга эмаслиги ҳамда юридик шахс ва (ёки) якка тартибдаги тадбиркор — мижоз фаолиятининг тавсифига ва турига мувофиқ келмаслиги;

10) мижоз томонидан операция амалга оширилишини асосланмаган ҳолда тезлаштиришни талаб қилиниши;

11) нобанк кредит ташкилоти иштирокида мижоз томонидан бажарилаётган операцияларнинг операцияларни амалга оширишнинг умумқабул қилинган амалиётига аниқ номувофиқлиги;

12) мижоз томонидан операциянинг аввал келишилган амалга ошириш схемасига унинг ижро қилинишини бевосита бошланишидан олдин, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулклар ҳаракат йўналишига тааллуқли бўлган жиддий ўзгартиришлар киритилиши.

35. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар қуйидаги мезон ва аломатларнинг бири мавжуд бўлганда шубҳали операция деб тан олинади:

1) операция бажарувчи томонлардан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахс бўлса;

2) нобанк кредит ташкилоти томонидан хабар қилиниши лозим бўлган операциялар тоифасига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган гумонли операция.

36. Ички қоидалар билан гумонли операцияларни қўшимча мезонлари ва аломатлари белгиланиши мумкин.

V. Алоҳида ҳолларда хабар қилиниши лозим бўлган операциялар мезонлари

37. Операция бажарувчи томонларидан бири қуйидаги шахслар ҳисобланиши тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олинган ахборот мавжуд бўлганида ҳар қандай операция алоҳида ҳолларда хабар қилиниши лозим:

террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёки амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс.

VI. Хатар даражасини аниқлаш

38. Мижозни лозим даражада текшириш жараёнида олинган маълумотлар асосида, мижознинг фаолияти ва операциялари турларини инобатга олган ҳолда, Ички назорат хизмати мижоз томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш мақсадида операцияларни амалга оширилишини баҳолаши ва тегишли (юқори ёки паст) хатар даражасини белгилаши лозим (кейинги ўринларда — хатар даражаси).

39. Нобанк кредит ташкилоти аввалдан қуйидаги мезонларга жавоб берадиган мижозларни юқори даражадаги хатар тоифасига киритиши мумкин бўлиб, уларга нисбатан нобанк кредит ташкилоти кучайтирилган эътибор қаратиши лозим:

а) террорчилик фаолиятида иштирок этаётганлиги ёхуд террорчилик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларнинг назорати остида эканлиги ёхуд террорчилик фаолияти билан шуғулланаётган ёки шуғулланишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори эканлиги ёхуд уни назорат қилаётганлиги тўғрисида мавжуд бўлган маълумотга тегишли шахслар;

б) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этаётган давлатда ёхуд оффшор ҳудудда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахслар;

в) ҳақиқатда жойлашган жойи таъсис ёки рўйхатга олиш ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга мувофиқ бўлмаган ташкилотлар ва якка тартибдаги тадбиркорлар;

г) фаолият даври молиявий йилнинг бир чорагидан ошмаган ташкилот ва якка тартибдаги тадбиркорлар;

д) ҳақиқий эгаси мазкур банднинг «а» ва «б» кичик бандларида кўрсатилган шахслар ҳисобланган ташкилотлар;

е) мунтазам равишда (масалан, 3 ой давомида кетма-кет) шубҳали ёки гумонли операцияларни амалга оширувчи мижозлар;

ж) ички қоидаларда белгиланадиган бошқа шахслар.

40. Нобанк кредит ташкилоти қуйидаги мезонларга жавоб берадиган операцияларни юқори даражадаги хатар тоифасига киритиши мумкин бўлиб, уларга нисбатан кучайтирилган эътибор қаратиши лозим:

а) иштирокчилари мазкур Қоидаларнинг 39-бандининг «а» ва «б» кичик бандларида кўрсатилган шахслар ҳисобланган операциялар;

б) ички қоидаларда белгиланадиган бошқа операциялар.

41. Мижоз томонидан амалга оширилаётган операцияларнинг тавсифи ўзгарилишига қараб, нобанк кредит ташкилоти, зарур ҳолларда, у билан ишлаш бўйича хатар даражасини қайта кўриб бориши лозим. Нобанк кредит ташкилотлари барча мураккаб, ғайриоддий йирик миқдордаги операцияларга, шунингдек, иқтисодий ёки қонуний мақсадсизлиги аниқ бўлган операцияни ғайриоддий амалга ошириш схемаларига кучайтирилган эътибор қаратишлари керак.

VII. Гумонли ва шубҳали операцияларни аниқлаш

42. Идентификациялаш жараёнида олинган маълумотлар, шунингдек, мижоз билан ишлаш бўйича белгиланган хатар даражаси операцияларнинг мижоз фаолиятининг асосий йўналишларига мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиш учун ва зарур ҳолларда маблағлар манбаларини ўрганиш учун ўтказиладиган мижозлар томонидан амалга ошириладиган (оширилган) операцияларнинг мониторингига асос бўлиб ҳисобланади.

43. Мижозлар операцияларининг жорий текшируви нобанк кредит ташкилотининг мижозларга бевосита хизмат кўрсатувчи (масъул ижрочилар, кассирлар ва шу каби) тегишли ходимлари томонидан, лавозим мажбуриятларига мувофиқ амалга оширилади. Мазкур ходимлар, гумонли операциялар аниқланган тақдирда бундай операциялар ҳақида бевосита ўз раҳбарига, масъул ходимга ёки Ички назорат хизматига ёзма равишда зудлик билан хабар беришлари шарт.

Мижозлар операцияларининг кейинги текшируви масъул ходим ёки Ички назорат хизмати томонидан жорий текширув жараёнида аниқланмайдиган шубҳали операцияларни аниқлаш мақсадида, мижознинг ўтган давр мобайнида бажарган операцияларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

44. Гумонли операциялар аниқланганда нобанк кредит ташкилотининг мижозларга бевосита хизмат кўрсатувчи ходимлари Ички назорат хизмати-

нинг топшириғига биноан зарур ҳолларда ўтказилаётган операция ҳақидаги қўшимча маълумотлар юзасидан миждозга мувожаат қиладилар.

45. Миждоз ва гумонли операция тўғрисидаги маълумотлар янада ўрганиб чиқилиши учун масъул ходимга ёки Ички назорат хизмати раҳбарига ёхуд нобанк кредит ташкилотининг филиали масъул ходимига тақдим этилади.

Нобанк кредит ташкилотининг филиали масъул ходими миждоз ва операция тўғрисидаги маълумотларни ўрганади ҳамда уларни Ички назорат хизмати раҳбарига юборади.

46. Асосли шубҳалар мавжуд бўлган тақдирда масъул ходим ёки Ички назорат хизмати раҳбари миждоз операциясини шубҳали деб ҳисоблаш тўғрисида қарор қилади.

47. Операцияларни шубҳали деб тан олиш ҳар бир алоҳида ҳолда мазкур Қоидаларда белгиланган шубҳали операцияларнинг мезонлари ва аломатларидан фойдаланган ҳолда комплекс таҳлил асосида амалга оширилади.

48. Миждоз операцияси шубҳали деб тан олингандан сўнг, масъул ходим ёки Ички назорат хизмати раҳбари нобанк кредит ташкилотининг миждозга нисбатан келгуси ҳаракатлари юзасидан, шу жумладан:

Департаментга шубҳали операция тўғрисида хабар бериш;

нобанк кредит ташкилотининг тегишли раҳбарларини ва унинг миждозлар билан бевосита фаолият юритадиган мутасадди бўлинмалари раҳбарларини операция шубҳали деб тан олинганлиги тўғрисида маълум қилиш;

миждоз тўғрисида қўшимча маълумот олиш;

миждоз билан ишлаш хатар даражасини қайта кўриб чиқиш;

миждоз билан операциялар амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратиш зарурияти;

қонун ҳужжатларига ва миждоз билан тузилган шартномага мувофиқ шартнома муносабатларини тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилади.

Шубҳали операция ҳақидаги хабар нобанк кредит ташкилоти томонидан у аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ Департаментга берилади.

49. Ҳар бир хабар берилиши тўғрисидаги маълумот масъул ходим ёки Ички назорат хизматининг махсус журналида қайд этиб борилади.

50. Нобанк кредит ташкилотлари, шунингдек, тегишли операцияни шубҳали эканлигини тасдиқловчи ёки шубҳалилигини олиб ташловчи ҳар қандай маълумот юзасидан дарҳол Департаментга хабар беришлари зарур.

VIII. Алоҳида ҳолларда хабар берилиши лозим бўлган операциялар аниқланганда амалга ошириладиган чора-тадбирлар

51. Агар миждоз билан муносабатларни ўрнатиш даврида, ёки ушбу муносабатларни амалга оширишда, ёхуд бир маротабалик операцияларни ўтказишда масъул ходимда ёки Ички назорат хизматида мазкур Қоидаларга

мувофиқ операция алоҳида ҳолларда хабар қилиниши лозимлиги тўғрисида шубҳалар пайдо бўлса, масъул ходим ёки Ички назорат хизмати раҳбари куйидагилар бўйича чора-тадбирларни кўришлари лозим:

мижоз ва мижознинг ҳақиқий эгасини батафсил идентификациялаш;

юридик ёки жисмоний шахс ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш бўйича операцияларни истисно этганда, бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туриш тўғрисида асослантирилган фармойиш қабул қилиш;

операция тўхтатиб турилган куннинг ўзида операция тўғрисидаги хабарни Департаментга юбориш учун тайёрлаш;

операция ҳақидаги маълумотни масъул ходим ёки Ички назорат хизматининг махсус журналига киритиш.

52. Операцияни тўхтатиш фақатгина нобанк кредит ташкилотида мижоз тўғрисидаги мавжуд ахборотлар Рўйхатдаги маълумотлар билан тўлиқ мос келган тақдирда амалга оширилади.

53. Операция тўхтатилган тақдирда мижознинг топшириғи асосида ҳисобварақлардан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш амалга оширилмайди.

Мижоз топшириғи операциялари тўхтатилган мижозларнинг топшириқлари рўйхатга олинадиган алоҳида журналда рўйхатга олиниши, шунингдек, операция тўхтатилиши муддати тугагунига қадар махсус жилдга жойлаштирилиши лозим.

Операциялари тўхтатилган мижозларнинг топшириқларини рўйхатга олиш учун алоҳида журналда тўхтатилган операцияни, шунингдек, ушбу операция иштирокчиларини идентификациялаш имконини берувчи маълумотлар қайд этиб борилади.

54. Департаментнинг операцияни икки иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ҳақидаги кўрсатмаси мавжуд бўлганда, нобанк кредит ташкилоти уни кўрсатилган муддатгача тўхтатади.

IX. Нобанк кредит ташкилотлари томонидан Департамент сўровларининг бажарилиши

55. Департамент жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни, шу жумладан нобанк кредит ташкилотининг автоматлаштирилган ахборот, маълумотнома тизимларидан ҳамда маълумотлар базаларидан сўраш ва бепул олиш ҳуқуқига эга.

56. Нобанк кредит ташкилотлари Департаментнинг сўровлари бўйича қўшимча маълумотларни тақдим қиладилар.

57. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи хорижий органлар сўров билан Департаментга мурожаат қиладилар. Департамент Марказий банк орқали тегишли сўровни нобанк кредит ташкилотларига

тақдим этади. Нобанк кредит ташкилотлари бундай сўров асосида сўралаётган барча маълумотни Департаментга тақдим этадилар.

Х. Ички назоратни амалга ошириш натижасида олинган маълумотлар ва ҳужжатларни расмийлаштириш, сақлаш ва махфийлигини таъминлаш

58. Мижозларни лозим даражада текшириш билан боғлиқ бўлган, тўлиқ ёки қисман хорижий тилда тузилган ҳужжатлар, зарур ҳолларда, нобанк кредит ташкилоти томонидан давлат тилига ёки рус тилига таржимаси билан талаб этилиши шарт.

59. Тақдим қилинган ҳужжатлар нусхаларининг тўғрилигига гумон ва бошқа зарурат пайдо бўлганда тақдирда, нобанк кредит ташкилоти танишиш учун ҳужжатларнинг асл нусхаларини тақдим қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

60. Мижозни лозим даражада текшириш жараёнида олинган мижоз тўғрисидаги маълумотлар мазкур Қоидаларнинг 3-иловасига мувофиқ шакл бўйича тузиладиган мижоз сўровномасида қайд этилади. Нобанк кредит ташкилоти ички қоидаларга мувофиқ мижоз сўровномасига бошқа маълумотларни киритиш ҳуқуқига эга.

61. Мижоз сўровномаси қоғоз шаклида ва электрон шаклда тўлдирилади. Электрон шаклда тўлдирилган мижоз сўровномаси қоғоз шаклида чиқарилганда нобанк кредит ташкилотининг бош бухгалтери ёки у бўлмаган тақдирда, унинг муовини томонидан тасдиқланади.

62. Мижозлар сўровномалари мижозлар мақоми бўйича (юридик ва жисмоний шахслар бўйича) хронологик тартибда алоҳида жилдларда тикиб борилади ва масъул ходим ёки Ички назорат хизмати томонидан сақлаб борилади.

Электрон шаклда тўлдирилган сўровномалар нобанк кредит ташкилотининг мижозларни идентификациясини амалга оширувчи ходимларига мижоз тўғрисидаги маълумотларни текшириш учун доимий режимда тезкор фойдаланиш имкониятини берувчи электрон базада сақланади.

63. Мижоз сўровномаси нобанк кредит ташкилотида мижоз билан муносабатлар тўхтатилган кундан бошлаб беш йилдан кам бўлмаган муддат давомида сақланади.

64. Мижоз сўровномасида кўрсатиладиган маълумотларнинг ўзгаришига, шунингдек, у томонидан амалга ошириладиган молиявий операцияларнинг тавсифи ўзгаришига қараб, нобанк кредит ташкилотлари зарур ҳолларда мижоз билан ишлаш бўйича хатар даражасини қайта кўриб бориши лозим.

65. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборот зарурат туғилган тақдирда операция тафсилотларини қайта тиклаш мумкин бўлган тарзда расмийлаштирилиши лозим.

66. Нобанк кредит ташкилотлари пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, идентифика-

циялаш маълумотларини ва мижозларни лозим даражада текширишга доир материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар давомида, лекин бундай операциялар амалга оширилганидан ёки мижозлар билан амалий иш муносабатлари тўхтатилганидан кейин камида беш йил мобайнида сақлашлари шарт.

67. Нобанк кредит ташкилотлари жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборотга кириш имкониятини чеклайдилар, унинг тарқалиб кетмаслигини таъминлайдилар ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга уларнинг операциялари ҳақида Департаментга хабар берилганлиги тўғрисида маълум қилиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Нобанк кредит ташкилоти ички назорат вазифаларини бажариш жараёнида олинган маълумотларни нобанк кредит ташкилоти ходимлари томонидан ошкор қилинмаслигини (ёки улардан шахсий мақсадда ёхуд учинчи шахслар манфаатларида фойдаланмаслигини) таъминлайди.

68. Учинчи шахсларга маълумотлар, шу жумладан мижознинг идентификация маълумотлари таркибидан иборат бўлган сўровномадан маълумотлар тақдим қилиниши қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

69. Мижозни лозим даражада текшириш ва идентификациялаш натижасида олинган маълумотлар, нобанк кредит ташкилоти мижоз томонидан жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришни амалга ошириш хатари юқори деб баҳолаган тақдирда камида бир йилда бир маротаба ҳамда бошқа ҳолларда камида уч йилда бир маротаба янгиланиб борилиши лозим.

XI. Нобанк кредит ташкилотининг, масъул ходимнинг, Ички назорат хизмати ва бошқа бўлинмалар раҳбар ва ходимларининг жавобгарлиги

70. Нобанк кредит ташкилотлари, масъул ходим, Ички назорат хизмати ва ташкилотнинг бошқа бўлинмаларининг раҳбар ва ходимлари мазкур Қоидаларни бузганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

71. Қонун ҳужжатлари, шунингдек, жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини нобанк кредит ташкилоти ходимлари томонидан операцияларни амалга ошириш жараёнида бузиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги тўғрисида далиллар маълум бўлиб қолган нобанк кредит ташкилоти ходимлари ушбу далилларни дарҳол масъул ходимга ёки Ички назорат хизматига ёзма равишда етказдилар.

XII. Якуний қоидалар

72. Нобанк кредит ташкилотлари томонидан мазкур Қоидалар талабларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат Марказий банк то-

монидан ва зарур ҳолларда Департамент билан биргаликда амалга оширилади.

73. Нобанк кредит ташкилотининг ижро этувчи органи ички ва ташқи вазиятларнинг ўзгаришини инобатга олган ҳолда, нобанк кредит ташкилотининг ички назорат тизимини доимий равишда мониторинг қилиб боради ва самарадорлигини баҳолаб боради, шунингдек, зарур ҳолда самарали иш-лашини таъминлаш учун унинг фаолиятини кучайтиради.

74. Нобанк кредит ташкилотининг ижро этувчи органи раҳбари ички назорат тизими камчиликлари аниқланган тақдирда ушбу камчиликларнинг ўз вақтида бартараф қилинишини таъминлаши лозим.

Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Ички назорат қоидаларига
1-ИЛОВА

Жисмоний шахсларни идентификациялашда зарур бўлган МАЪЛУМОТЛАР

1. Фамилияси, исми, отасининг исми.
2. Туғилган санаси ва жойи.
3. Фуқаролиги.
4. Доимий ва (ёки) вақтинчалик яшаш жойи.
5. Паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат реквизитлари: ҳужжат серияси ва рақами, ҳужжат берилган сана, ҳужжатни берган орган номи.
6. Солиқ тўловчининг идентификацион рақами (агар мавжуд бўлса).
7. Уй телефони рақами (агар мавжуд бўлса).

Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Ички назорат қоидаларига
2-ИЛОВА

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларни идентификациялашда зарур бўлган МАЪЛУМОТЛАР

1. Юридик шахсларни идентификациялашда зарур бўлган маълумотлар.
а) тўлиқ, шунингдек, агар, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномасида кўрсатилган бўлса, қисқартирилган номи;

б) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот: сана, рақам, рўйхатга олувчи орган номи;

в) солиқ тўловчининг идентификацион рақами;

г) жойлашган ери (почта манзили);

д) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган бошқа маълумотлар;

е) лицензияланиши лозим бўлган фаолият турларини амалга ошириш учун мавжуд бўлган лицензиялар тўғрисида маълумотлар: фаолият тури, лицензиянинг рақами ва берилган санаси, ким томонидан берилганлиги, амал қилиш муддати;

ж) юридик шахс номидан иш кўрувчи жисмоний шахсни идентификацияси тўғрисидаги маълумотлар;

з) юридик шахс таъсисчилари (акциядорлари, иштирокчилари) ҳақидаги ҳамда уларнинг устав фонди (капитали)даги улушлари тўғрисидаги маълумотлар;

и) рўйхатга олинган ва тўланган устав фонди (капитали) миқдори тўғрисидаги маълумотлар;

к) юридик шахс бошқарув органлари (юридик шахснинг бошқарув органларининг тузилмаси ва шахсий таркиби) тўғрисидаги маълумотлар;

л) телефон рақамлари.

2. Якка тартибдаги тадбиркорларни идентификациялашда зарур бўлган маълумотлар:

а) мазкур Қоидаларнинг 1-илоvasида кўзда тутилган маълумотлар;

б) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот: сана, рақам, рўйхатга олувчи орган номи;

в) фаолият амалга ошириладиган жой;

г) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган бошқа маълумотлар;

д) фаолият турларини амалга ошириш учун мавжуд гувоҳномалар ва лицензиялар тўғрисидаги маълумотлар: фаолият тури, лицензия рақами, берилган санаси, ким томонидан берилганлиги, амал қилиш муддати;

е) телефон рақамлари.

Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Ички назорат қоидаларига
3-ИЛОВА

Мижоз сўровномасида кўрсатиладиган МАЪЛУМОТЛАР

1. Мижозни идентификациялаш жараёнида олинган, мазкур Қоидаларнинг 1, 2-иловаларида кўрсатилган маълумотлар.
2. Хатар даражаси ҳақида маълумот, шу жумладан хатарни баҳолаш асослари.
3. Нобанк кредит ташкилоти томонидан мижозни идентификациялашда амалга оширилган қўшимча чора-тадбирлар натижалари.
4. Мижоз билан муносабатлар ўрнатилган сана — нобанк кредит ташкилотидан биринчи ҳисобварақ (омонати) очилган сана.
5. Мижоз сўровномаси тўлдирилган ва ўзгартириш киритилган сана.
6. Мижоз билан ишлашга масъул ходим, хусусан, ҳисобварақ очган ва ҳисобварақ очилганлигини тасдиқлаган ходим (бош бухгалтер ва унинг ўринбосари) фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими.
7. Қоғоз шаклидаги мижоз сўровномасини тўлдирган ходим имзоси (фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими кўрсатилган ҳолда) ва электрон кўринишдаги мижоз сўровномасини тўлдирган ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими.
8. Ички қоидаларда белгиланадиган бошқа маълумотлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА
ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

477 Бюджет ташкилотларининг асосий воситаларини эскиришини аниқлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2028

(2010 йил 1 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 142-модда) мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 12 августдаги 02/5-82-сон топшириғини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси **қарор қилади:**

1. Бюджет ташкилотларининг асосий воситаларини эскиришини аниқлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. СССР Вазирлар Кенгашининг 1973 йил 11 ноябрдаги 824-сон қароига мувофиқ СССР Госплани, СССР молия вазирлиги, СССР Давқурилиш ва СССР МСБ томонидан 1974 йил 28 июнда тасдиқланган Бюджет муассасалари ва ташкилотлари асосий фондлари бўйича Йиллик эскириш нормалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2010 йил 1 январдан қўлланилмасин.

3. Мазкур қарор 2010 йил 1 январдан кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 30 сентябрь,
95-сон

Иқтисодиёт вазири

С. БЕКЕНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 30 сентябрь,
85-сон

**Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси раиси****Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 30 сентябрь,
6-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва
Ўзбекистон Республикаси Давлат архитекту-
ра ва қурилиш қўмитасининг 2009 йил
30 сентябрдаги 95, 85, 6-сон қарорига
ИЛОВА

**Бюджет ташкилотларининг асосий воситаларини
эскиришини аниқлаш ва бухгалтерия ҳисобида
акс эттириш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 142-модда) мувофиқ Бюджет ташкилотларининг асосий воситаларини эскиришини аниқлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттиришни тартибга солиди.

I. Умумий қоидалар

1. Бюджет ташкилотлари (бундан кейинги ўринларда ташкилотлар деб юритилади) асосий воситаларини эскириши мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ бюджет ташкилотлар асосий воситаларининг йиллик эскириш меъёрларидан (бундан кейинги ўринларда эскириш меъёрлари деб юритилади) келиб чиққан ҳолда ҳар йили аниқланади ва ҳар ойда шу ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс этирилади.

2. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, зарур ҳолларда, ўзларининг тизимидаги ташкилотларда асосий воситаларнинг эскириши меъёрларини асосий воситаларнинг техник шартлари ва/ёки тайёрловчи-ташкilotлар тавсияларига мувофиқ асосий воситалар объектларининг самарали фойдаланиш муддатини ҳисобга олган ҳолда мазкур Низом билан белгиланган меъёрлардан ошмаган ҳолда ўрнатилган тартибда белгилашлари мумкин.

Асосий восита объектларида амалга оширилган қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, реконструкция ёки модернизация натижасида дастлабки қабул қилинган меъёрий кўрсаткичлари яхшиланиши (оширилиши) ҳолларида ташкилотлар шу объектнинг амалга оширилган қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, реконструкция ёки

модернизация ишлари тугатилган ойдан кейинги ҳисобот ойнанинг биринчи санасидан бошлаб шу объектнинг самарали фойдаланиш муддатини қайта кўриб чиқади.

3. Беғараз олинган асосий воситалар объектларининг самарали фойдаланиш муддати қуйидагича аниқланади:

ташкilotлардан олинганлар учун — амалда фойдаланилган муддатларини ва аввал ҳисобланган эскириш суммасини ҳисобга олган ҳолда;

бошқа юридик ва жисмоний шахслардан олинганлар учун — ташкilotларда доимий ишлайдиган инвентарлаш комиссияси томонидан белги-ланган объектнинг бозор баҳоси ва фойдаланиш муддатидан келиб чиққан ҳолда.

4. Эскириш қуйидаги асосий воситалар бўйича аниқланмайди: архитектура ва санъатнинг ноёб ёдгорликлари бўлган иморатлар ва иншоотлар, кабинет ва лабораторияларда жойлашган ўқув ишлари ва илмий мақсадларда фойдаланиладиган жиҳозлар, экспонатлар, нусхалар, амалдаги ва амал қилмаётган моделлар, макетлар ва бошқа кўргазмалар қўлланмалар, маҳсулдор қора моллар, кўтослар, ҳайвонот олами экспонатлари (ҳайвонот боғи ва шунга ўхшаш ташкilotларда), фойдаланиш мумкин бўлган ёшга етмаган кўп йиллик кўчатлар, кутубхона фондлари, фильмлар фонди, саҳнага қўйиш ускуналари, бадий ва музей буюмлари.

II. Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш тартиби

5. Асосий воситалар объекти бўйича эскириш ҳисоблаш мазкур объект асосий воситалар таркибига қабул қилинган ойдан кейинги ойнанинг биринчи санасидан бошланади ҳамда мазкур объектнинг дастлабки (тикланиш) қиймати доирасида ёхуд бу объектни балансдан ҳисобдан чиқарилгунча амалга оширилади.

6. Ҳисобот йили мобайнида асосий восита объектлари бўйича эскириш ҳар ойда йиллик эскириш суммасининг 1/12 миқдоридан ҳисобланади.

7. Асосий восита объектлари бўйича эскириш ҳисоблаш асосий воситаларнинг дастлабки (тикланиш) қиймати тўлиқ қопланган ёхуд бу объект балансдан ҳисобдан чиқарилган ойдан кейинги ойнанинг биринчи санасидан бошлаб тўхтатилади.

Асосий воситалар объектининг самарали фойдаланиш муддати мобайнида эскириш ҳисобланиши тўхтатилмайди, объектларда амалга оширилган қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, реконструкция, модернизация, техник қайта жиҳозлаш ишлари олиб борилиши туфайли тўлиқ тўхтатилган ҳоллар бундан мустасно.

8. Асосий восита объектлари бўйича эскириш ҳисоблаш ҳисобот даврида амалга оширилади ва бухгалтерия ҳисобида тегишли ҳисобот даврида акс эттирилади.

Эскириш ҳисоблаш асосий воситалар объектлари қийматининг 100% идан ошиб кетиши мумкин эмас.

III. Асосий воситалар эскиришини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби

9. Ҳисобот оyi учун асосий воситаларга ҳисобланган эскириш суммаси ташкилотлар бухгалтерия ҳисобида «Асосий воситалар фонди» субсчётининг дебети бўйича ва «Асосий воситаларнинг эскириши» субсчётининг кредити бўйича акс эттирилади.

Ҳисобот йили мобайнида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларда асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши, қирим қилиниши ва ҳисобдан чиқарилиши (тўзиганлиги ва эскирганлиги туфайли тугатилиши муносабати билан уларни ҳисобдан чиқарилиши натижасида ҳам) ҳисобига эскиришнинг умумий суммаси ўзгариши мумкин.

10. Ҳар ойда ҳисобланган эскириш суммаси тегишли инвентарь карточкалар (китоблар)да асосий воситалар объектлари бўйича ҳисоби ёзиб борилмайди. Агар асосий воситалар тугатилаётганда ёки бошқа ташкилотга берилаётганда, шунингдек объектларни эскиришининг йиллик меъёри белгиланган тартибда ўзгартирилаётган бўлса, асосий восита объектларининг бутун фойдаланиш муддати мобайнида ҳисобланган тўлиқ эскириш суммаси алоҳида инвентарь объектлари бўйича аниқланади.

11. Аввал фойдаланишда бўлган асосий воситалар бир ташкилотдан бошқасига берилаётганда, шунингдек тугатилиши сабабли ҳисобдан чиқарилаётганда объектларнинг дастлабки (тикланиш) қиймати ва мазкур Низомга мувофиқ ўрнатилган тартибда ҳисобланган эскириш суммаси кўрсатилган ҳолда тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилади.

Бошқа ташкилотлардан аввал фойдаланишда бўлган асосий воситалар — инвентарь объектлар келиб тушганда, қабул қилиб олувчи томон бухгалтерия ҳисобида уларнинг дастлабки (тикланиш) қийматидан эскиришини айирмаган ҳолда «Асосий воситалар» счётининг тегишли субсчётлари дебети бўйича ва уларнинг дастлабки (тикланиш) қийматидан эскиришини айирган ҳолда — «Асосий воситалар фонди» субсчёти кредити ҳамда берувчи ташкилотларнинг ҳужжатларига мувофиқ мазкур объект эскириш суммасига — «Асосий воситаларнинг эскириши» субсчёти кредити бўйича акс эттирилади.

Бошқа ташкилотлардан келиб тушган аввал фойдаланишда бўлган объектлар бўйича эскириш суммаси тегишли инвентарь карточкалар (китоблар)га ёзилади.

12. Тугатилган ёки бошқа ташкилотларга берилган асосий воситалар объектлари бухгалтерия ҳисобида «Асосий воситалар» счётининг тегишли субсчётлари кредити бўйича дастлабки (тикланиш) қийматида ва «Асосий воситалар фонди» субсчётининг дебети айнан дастлабки (тикланиш) қиймати бўйича, лекин ҳисобланган эскиришни айирган ҳолда ва «Асосий воситаларнинг эскириши» субсчётининг дебети бўйича мазкур объектнинг бутун фойдаланиш муддати мобайнида юқорида 5 — 7-бандларда кўрсатиб ўтилган тартибда ҳисобланган эскириш суммаси акс эттирилади.

13. Келгусида фойдаланишга яроқли бўлган алоҳида объектлар қийматининг 100 % миқдориди ҳисобланган эскириш, уларнинг тўлиқ ҳисобланган эскириш омили ҳисобдан чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилмайди.

IV. Яқунловчи қоидалар

14. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

15. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан келишилган.

*Давлат статистика
қўмитаси раиси*

Ф. ҚУДРАТОВ

2009 йил 30 сентябрь

Бюджет ташкилотларининг асосий
воситаларини эскиришини аниқлаш ва
бухгалтерия ҳисобида акс эттириш
тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Бюджет ташкилотлари асосий воситаларининг йиллик эскириш МЕЪЁРЛАРИ

Гуруҳлар т/р	Кичик гуруҳлар т/р	Асосий воситаларнинг номи	Эскиришнинг йиллик нормаси, фоизларда
I		Бинолар, иморатлар ва иншоотлар	
	1.	Бинолар, иморатлар	5
	2.	Нефть ва газ қудуқлари	
	3.	Нефть-газ омборлари	
	4.	Кема қатнайдиған каналлар, сув каналлари	
	5.	Кўприklar	
	6.	Дамбалар, тўғонлар	
	7.	Дарё ва денгиз причал иншоотлари	
	8.	Корхоналарнинг темир йўллари	
	9.	Қирғоқни мустақамловчи, қирғоқни ҳимояловчи иншоотлар	
	10.	Резервуарлар, цистерналар, баклар ва бошқа ситимлар	
	11.	Ички хўжалик ва хўжаликлараро суғориш тармоғи	
	12.	Ёпиқ коллектор-дренаж тармоғи	
	13.	Ҳаво кемаларининг учиш-қўниш йўллари, йўлаклар, тўхташ жойлари	
	14.	Боғларнинг ва ҳайвонот боғларининг иншоотлари	

Гуруҳлар т/р	Кичик гуруҳлар т/р	Асосий воситаларнинг номи	Эскиришнинг йиллик нормаси, фоизларда
	15.	Спорт-соғломлаштириш иншоотлари	
	16.	Иссиқхоналар ва парниклар	
	17.	Бошқа иншоотлар	
II		Ўзатиш қурилмалари	
	1.	Электр ўзатиш ҳамда алоқа қурилмалари ва линиялари	
	2.	Ички газ қувурлари ва қувурлар	
	3.	Водопровод, канализация ва иссиқлик тармоқлари	8
	4.	Магистрал қувурлар	
	5.	Бошқалар	
III		Куч-қувват берадиган машиналар ва ускуналар	
	1.	Иссиқлик техника ускуналари	
	2.	Турбина ускуналари ва газ турбиналари қурилмалари	
	3.	Электр двигателлари ва дизель-генераторлар	8
	4.	Комплекс қурилмалар	
	5.	Бошқа куч-қувват берадиган машиналар ва ускуналар (ҳаракатланувчи транспортдан ташқари)	
IV		Фаолият турлари бўйича иш машиналари ва ускуналар (ҳаракатланувчи транспортдан ташқари)	
	1.	Иқтисодиётнинг барча тармоқларига тегишли машиналар ва ускуналар	
	2.	Қишлоқ хўжалиги тракторлари, машиналари ва ускуналари	
	3.	Коммутациялар ва маълумотларни ўзатиш рақамли электрон ускуналари, рақамли тизимлар ўзатиш ускуналари, рақамли алоқа ўлчов техникаси	
	4.	Йўлдош, уяли алоқа, радиотелефон, пейжинг ва транкинг алоқа ускуналари	
	5.	Ўзатишлар тизимлари коммутацияларининг ўхшаш ускуналари	
	6.	Киностудияларнинг махсус ускуналари, тиббий ва микробиология саноати ускуналари	15
	7.	Компрессор машиналари ва ускуналари	
	8.	Насослар	
	9.	Юк кўтариш-транспорт, юк ортиш-тушириш машиналари ва ускуналари, тупроқ, карьер ҳамда йўл-қурилиш ишлари учун машиналар ва ускуналар	
	10.	Ўстун-қозиқ қоқиш машиналари ва ускуналари, майдалаш-янчиш, саралаш, бойитиш ускуналари	
	11.	Технологик жараёнлар учун барча турдаги сизимлар	
	12.	Нефть қазиб чиқариш ва бургулаш ускуналари	
	13.	Бошқа машиналар ва ускуналар	
V		Ҳаракатланувчан транспорт	
	1.	Темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби	8

Гуруҳлар т/р	Кичик гуруҳлар т/р	Асосий воситаларнинг номи	Эскиришнинг йиллик нормаси, фоизларда
	2.	Денгиз, дарё кемалари, балиқчилик саноати кемалари	
	3.	Ҳаво транспорти	
	4.	Автомобиль транспортнинг ҳаракатдаги таркиби, ишлаб чиқариш транспорти	20
	5.	Енгил автомобиллар	
	6.	Саноат тракторлари	
	7.	Коммуна транспорт	10
	8.	Махсус вахта вагонлари	
	9.	Бошқа транспорт воситалари	20
VI		Компьютер, периферия қурилмалари, маълумотларни қайта ишлаш ускуналари	
	1.	Компьютерлар	20
	2.	Периферия қурилмалари ва маълумотларни қайта ишлаш ускуналари	
	3.	Нусха кўчириш-кўпайтириш техникаси	
	4.	Бошқалар	
VII		Бошқа гуруҳларга киритилмаган қатъий белгиланган активлар	
	1.	Қўп йиллик дов-дарахтлар	10
	2.	Идора мебели ва ускуналари (шу жумладан телефон аппаратлари, ҳисоблаш қурилмалари ва бошқалар)	15
	3.	Бошқалар	10

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ
БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

478 Ваколатли банклар томонидан эркин айирбошладиган валютада тақдим этувчига бериладиган депозитларга доир операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисида низом ҳамда унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
30 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 673-2*

(2009 йил 9 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда) ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1999 йил 20 февралда 439-сон билан тасдиқланган Ваколатли банклар томонидан эркин айирбошладиган валютада тақдим этувчига бериладиган депозитларга доир операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 673, 1999 йил 15 март);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 21 февралдаги 439-1-сонли «Ваколатли банклар томонидан эркин айирбошладиган валютада тақдим этувчига бериладиган депозитларга доир операцияларни амалга ошириш низоми»га ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 673-1, 2004 йил 29 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 13-сон, 159-модда).

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 17 октябрь,
29/2-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2009 йил 24 октябрдан 30 октябргача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Қон билан боғлиқ бўлган кўп маротаба қўлланилиши тақиқланган тиббий анжом ва ускуналар рўйхатига қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2009 йил 9 октябрдаги 299-сонли буйруғи.*

2009 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1784-1 (2009 йил 2 ноябрдан кучга киради).

2. «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 23/6, 32-сонли қарори.*

2009 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2023 (2009 йил 2 ноябрдан кучга киради).

3. «Ҳарбий хизматчиларни олий ҳарбий таълим муассасалари ва Сержантларни тайёрлаш мактабларида ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини давлатга ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2009 йил 16 октябрдаги 10, 12, 281, 100, 90, 01-02/5-27, 325-сонли қарори.*

2009 йил 27 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2024 (2009 йил 6 ноябрдан кучга киради).

4. «Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (8-сон МБМС) «Хусусийлаштириш мақсадида мулк қийматини баҳолаш»ни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 6 октябрдаги 01/19-18/20-сонли қарори.*

2009 йил 28 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2025 (2009 йил 7 ноябрдан кучга киради).

5. «Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (9-сон МБМС) «Бизнес қийматини баҳолаш»ни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 6 октябрдаги 01/19-18/19-сонли қарори.*

2009 йил 28 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2026 (2009 йил 7 ноябрдан кучга киради).

6. «Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 23/5, 31-сонли қарори.*

2009 йил 28 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2027 (2009 йил 7 ноябрдан кучга киради).

7. «Бюджет ташкилотларининг асосий воситаларини эскиришини аниқлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2009 йил 30 сентябрдаги 95, 85, 6-сонли қарори.*

2009 йил 30 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2028 (2010 йил 1 январдан кучга киради).

8. «Ваколатли банклар томонидан эркин айирбошланадиган валютада тақдим этувчига бериладиган депозитларга доир операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисида низом ҳамда унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 17 октябрдаги 29/2-сонли қарори.*

2009 йил 30 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 673-2 (2009 йил 9 ноябрдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ваколатли банклар томонидан эркин айирбошланадиган валютада тақдим этувчига бериладиган депозитларга доир операцияларни амалга ошириш тўғрисида низом, *1-сон ўзгартиришлар. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 673, 1999 йил 15 март), (рўйхат рақами 673-1, 2004 йил 29 март).*

Адлия вазирининг 2009 йил 30 октябрдаги 242-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиациясини метеорология хизматлари билан таъминлаш» Ўзбекистон Республикаси авиация қоидалари (ЎзР АҚ-180)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарор. *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази томонидан тасдиқланган.*

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.

Мазкур ҳужжат белгиланган тартибда кўрсатилган идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин.

Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

Тузатиш

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 2009 йил, 27-сони, 322-моддаси, 80-бетидаги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ҳайъати мажлисининг 2009 йил 1 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларида иш юриштиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 16/09-сон баёни (рўйхат рақами 1564-1, 2009 йил 1 июль) иловасининг 11-банди қуйидаги таҳрирда ўқилсин:

«11. 60-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

60. Ҳоким қарорининг юқори ўнг бурчагига туғилганлик ҳақида далолатнома ёзувининг қайд этилган рақами ва санаси, қарорнинг пастки ўнг бурчагига эса берилган гувоҳноманинг серияси, тартиб рақами ва санаси ёзиб қўйилади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНЕН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ



ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUz) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

— *қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

— *тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

— *алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг кўйидаги имкониятлари мавжуд:

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

— *ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

— *излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

— *ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

— *ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

— *ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

— *«Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /*

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— *ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

— *ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— *танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

— *излаш шартларини сақлаб қолиш;*

— *фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг